


ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ

— ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН —
ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ



ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
ТАРАҚҚИЁТ
СТРАТЕГИЯСИ**



"O'ZBEKISTON"
Тошкент – 2023

УЎК 323(575.1)
КБК 66.3(5Ўзб)
М 54

Шавкат Мирзиёев Миромонович

М 54 Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Тўлдирилган иккинчи
нашри. – Тошкент: “O‘zbekiston” нашриёти, 2023. – 440 бет.
ISBN 978-9943-7951-6-7

Эътиборингизга ҳавола қилинаётган ушбу китобда бугунги кунда юртимизда Янги Ўзбекистонни ва Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш борасида амалга оширилаётган туб ўзгариш ва ислохотларнинг мақсади, мазмун-моҳияти ҳамда устувор йўналишлари, мамлакатимизнинг замонавий демократик қиёфаси қандай яратилаётгани, давлатимизни янги ривожланиш босқичига кўтариш учун белгилаб олинган стратегик йўл, миллий тараққиётимиз истиқболлари ҳақида атрофлича фикр юритилади.

2021 йил 24 октябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида халқимиз фаол иштирок этиб, ўзининг юксак сиёсий-ҳуқуқий онги ва маданиятини намоён этди. Сайлов натижалари мамлакатимизнинг мустақил, суверен ривожланиш ва демократик ислохотлар йўлидан дадил илгари бораётгани, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси эл-юртимиз томонидан кенг қўллаб-қувватланаётганини яна бир бор тасдиқлади.

Китобнинг ушбу нашрида сайловолди учрашувлари пайтида халқ билан мулоқот жараёнида ўртага ташланган муҳим фикр-мулоҳазалар, таклиф ва ташаббуслар, бугунги тараққиётимиз ва истиқбол режаларига оид хулосалар ҳам ўз аксини топган.

Мазкур китоб халқимизни Янги Ўзбекистон ғояси атрофида янада жипслаштириб, бу йўлда олдимизда турган улкан вазифаларни бажаришга сафарбар этишга хизмат қилади, деб ишонамиз.

УЎК 323(575.1)
КБК 66.3(5Ўзб)

Янги Ўзбекистонни барпо этиш – бу шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий орзу-интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир.

Биз бу йўлда ислоҳотларимизнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлган жамиятимиз аъзоларининг билим ва салоҳияти, куч ва имкониятларини, бутун азмушижоатимизни ишга солишимиз лозим. Шундагина мамлакатимиз халқимиз орзу қилган, жаҳон майдонида кучли салоҳият, муносиб обрў-эътиборга эга бўлган, ҳар томонлама обод ва фаровон давлатга айланади.



КИРИШ

“Дунёда ҳеч қачон бир хил тонг отган эмас”. Мазкур ибора пайдо бўлганидан буён минг йиллар ўтди. Бу – бутун коинот, табиат ва башарият доимий ўзгаришда, янгиланишда, деганидир.

Дарҳақиқат, инсоният ҳам ана шу азалий қонуният асосида яшайди ва ҳаёт кечиради. Ҳар қандай янгиланишнинг мазмун-моҳияти, намоён бўлиш хусусияти шундай.

Даврлар ўтаверади, замонлар алмашаверади. Бу ёруғ оламга келган ҳар бир одамзод авлоди турли ўзгариш ва янгиланишлар сари бораверади.

Бутун инсоният каби жаҳондаги ҳар бир халқ ва миллат ҳам ўзининг тараққиёт тонгига қараб интилади. Табиатнинг буюк ҳодисаси бўлган қуёшнинг ҳар эрта саҳарда оламга юз кўрсатиши қанчалик гўзал ва жозибали бўлса, дунёдаги халқлар ва давлатлар ривожиди янги тонгларнинг бошланиши ҳам шу қадар файзли ва тароватлидир.

Айни шу нуқтаи назардан қараганда, халқлар тарихида ўзига хос туб янгиланиш даврлари борки, бундай замонларда муайян миллат даҳоси, унинг ўз салоҳиятини намоён этишга интилиши, яратувчанлик фаолияти энг юксак чўққиларга кўтарилади. Нисбатан қисқа даврда эришилган улуг марралар жаҳон аҳлини лол қолдиради. Айни бир халқ салоҳиятининг улкан натижаси бўлган оламшумул ютуқлар эса, инсоният тарихининг ёрқин саҳифаларига айланади, дунё цивилизацияси тараққиётига катта куч ва шиддат беради.

Ер юзидаги баъзи халқларгагина насиб этадиган бундай юксак кўтарилиш ва тараққиёт замонларининг ўзига хос **Уйғониш**, яъни **Ренессанс** даври, деб аталишининг сабаби ана шунда.

Бу даврларнинг одамларни бир мақсад йўлида бирлаштирадиган ва сафарбар этадиган қудратли ғояси, тараққиёт тамойиллари борлиги ҳам айна ҳақиқат.

Аллома бобомиз ҳазрат **Алишер Навоий** ҳам ўз замонасининг нидоси ва даъватини ифода этган ҳолда, “**Эмас осон бу майдон ичра турмоқ...**” деб бошланадиган мисраларни бежиз битмаган.

Бугун ҳам худди шундай: дунё майдонида ва ўз азму қарорида қойим турмоқ, мақсадга эришмоқ учун муттасил олдинга интилиш, ҳаёт ва тафаккур тарзини ислоҳ қилиш, янгиланиш томон собитқадамлик билан бориш лозим.

Ҳозирги кунда бизнинг халқимиз ҳаётида ҳам янги тонг отмоқда. Бу – янги тараққиёт, юксалиш тонгидир. Эл-юртимиз дунёдаги энг ривожланган давлатларга хос ҳаёт даражасига эришиш, янги жамият қуришдек улуғвор мақсадлар билан яшамоқда. Мамлакатимизнинг замонавий ва жозибадор қиёфасини яратиш, Янги Ўзбекистонни барпо этиш ватандошларимизнинг асосий мақсад-муддаосига айланди. Бу борада бир фикрни алоҳида таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда ҳаётимизнинг барча соҳаларида кенг қамровли ислоҳот ва туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда ва муҳим ижобий натижаларга эришилмоқда.

Айна пайтда доимо ҳаракатдаги ва узоқ манзилларни кўзлаб яшайдиган халқ сифатида биз эришилган ютуқлар билан кифояланиб қолмаслигимиз, хотиржамликка берилмаслигимиз лозим. Бу йўлда кўзлаган марраларимизга етиш ва янги жамиятнинг мустаҳкам пойдеворини яратиш, Ўзбекистон шухратини оламга ёйиш билан боғлиқ долзарб вазифаларимиз борлигини яхши англаймиз.

Ватанимизнинг тараққиёт уфқида бўй кўрсатаётган янги тонг, янги кун барчамизни белимизни маҳкам боғлаб, тарихнинг ўзи яратаётган бу буюк имкониятни қадрлаб, янада дадил олға боришга ундамоқда.

Ўзининг уч минг йилдан зиёд қадимий ва бой тарихи давомида доимо маррани баланд олиб, турли қийинчилик ва синовларни мардона енгиб яшашга ўрганган, катта ҳаёт ва кураш тажрибасига, сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ҳамда маънавий-маърифий салоҳиятга эга бўлган халқ сифатида бугун олдимизда қандай улуғ мақсадлар турганини биз албатта яхши англаймиз. Уларга етиш осон эмаслиги, бу борада фидокорона меҳнат, илм ва яна бир бор илмга, ўз ота-боболаримиз ҳамда жаҳон тажрибасига таяниш, серқирра фаолиятимизни тизимли ва пухта ташкил этиб, самарадорликка эришиш – фақат ана шундай йўл ислохотларимизнинг пировард натижасини белгилаб беришини ҳам аниқ тасаввур этамиз.

Шу маънода, бугун – жонажон Ўзбекистонимиз улкан ўзгаришлар чорраҳасида турган ҳал қилувчи паллада олдимизда долзарб вазифалар билан бирга, ўз жавобини кутаётган ўткир саволлар туғилиши ҳам табиийдир.

Яъни:

❖ яқин ва ўрта истиқболда **Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси** қандай бўлади?

❖ ушбу стратегиянинг бугунги замон талабларига жавоб берадиган ижтимоий шакл-шамойили қандай бўлиши лозим?

❖ у ўзига қандай тактик вазифалар, ёндашув ва ҳаракат усулларини қамраб олади?

❖ унда назария ва амалиёт, шакл ва мазмун бирлиги, имконият ва амалий натижалар уйғунлиги қай тарзда ўз ифодасини топади?

❖ келгусидаги фаолиятимизни белгилайдиган айнан қайси тараққиёт тамойиллари ва вазифалар энг устувор ва долзарб ҳисобланади?

❖ Тараққиёт стратегиясида жамият ҳаётининг барча жабҳа ва йўналишларини тўла-тўқис акс эттириш учун асосий эътиборни нималарга қаратишимиз даркор?

❖ кейинги йилларда қабул қилинган концепция ва ҳаракат дастурларида белгиланган маънавий-маърифий соҳадаги ислохотларнинг самарасини кучайтириш учун қандай чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилади?

Кўпмиллатли халқимизнинг тинч, эркин ва фаровон ҳаётини таъминлаш билан боғлиқ бундай мураккаб ва муҳим саволлар мени кўпдан буён ўйлантириб келади. Негаки, ушбу вазифалар бизнинг нафақат бугунги кунимиз, балки келажагимизни ҳам белгилайди, олиб бораётган ислохот ва янгиланиш жараёнларига ижтимоий маъно-мазмун бағишлайди.

Албатта, кун тартибига қўйилаётган бу саволларнинг жавоблари оддий ва жўн эмас. Уларда бугунги кунимизнинг моҳияти ва мақсад-муддаоларини белгилайдиган, кескин ва шафқатсиз муаммоларини ҳал этиш йўлида бутун куч-ғайратимиз, ақл-заковатимизни сафарбар этишга ундайдиган жараён ва ўзгаришлар, биз яшаётган даврнинг мураккаб муаммо ва таҳдидлари ўз ифодасини топгани шубҳасиз.

Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги янги босқичи ана шу жиҳатларнинг барчасини чуқур идрок этиб, бу борадаги ёндашув ва саъй-ҳаракатларни тубдан ўзгартиришни талаб қилмоқда. Халқимиз ҳаётининг барча соҳалари қатори фуқароларимизнинг онги ва дунёқарашида жиддий ўзгаришлар бўлишини тақозо этмоқда. Биз миллий тараққиётимизни янги босқичга кўтариш бўйича кенг кўламли ислохотларни бошлаган дастлабки давр – 2017 йил 19 сентябрда Бирлашган Миллатлар Таш-

килоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётини тубдан янгилаш, жамиятимизнинг янги, демократик қиёфасини яратишга қаратилган ислохотларимиз хусусидаги маърузамдан сўнг менга бу ҳақда кўплаб саволлар билан мурожаат қила бошладилар. Уларнинг орасида “Янги Ўзбекистон” тушунчаси нимани англатади?”, “Тараққиётнинг янги босқичи қандай хусусиятларга эга?”, “Жамиятнинг янги қиёфаси” деганда нималар назарда тутилмоқда?” каби саволлар алоҳида эътиборни жалб қилади.

Бугунги кунга келиб эса, “Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ғояси қандай мақсад-муддаоларни ифода этади?” деган савол ҳам кўпчиликни қизиқтирмоқда.

Мамлакатимизда кечаётган кенг кўламли янгиланиш жараёнлари билан узвий боғлиқ бўлган бундай долзарб масалалар ва уларнинг ечимига доир вазифаларни тўғри англаш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

Янги, демократик жамиятни барпо этиш, келажак пойдеворини қуриш, ҳеч шубҳасиз, ҳар биримиздан қатъиятли ва омилкор бўлишни, янгича фикр юритиш, янгича ишлашни талаб этмоқда.

Қадимги юнон файласуфи Суқротнинг “Ўзгаларни ўзгартирмоқчи бўлган инсон, аввало, ўзини ўзгартириши лозим. Бунинг учун эса, аниқ мақсад, толмас ирода ва доимий изланиш керак”, деган ҳикматли ибораси бу борада ҳаммамиз учун асосий мезон бўлиши зарур.

Буюк аждодларимизга хос азму шижоат, халқимизнинг меҳтин иродаси, тобора улғайиб келаётган баркамол авлодимизга таяниб, жамиятимиз ҳаётини тубдан янгилаш йўлини изчил давом эттириш – энг долзарб вазифамиздир. Замоннинг шиддати, вақтнинг тиғизлиги ва кундалик ишларнинг ниҳоятда кўплиги юқорида қайд этилган ҳаётий саволларга батафсил жавоб бериш

имкониятини бермай келаётган эди. Ниҳоят, ана шундай фурсат етиб, 2021 йил сентябрь ойида кўлингиздаги китобнинг дастлабки нашри дунёга келди ва босилиб чиқди. Айни ўша даврда, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёнида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида сайловчилар билан бўлган учрашувларда менинг сайловолди дастурим билан бирга унинг асосий маъно-мазмунига уйғун бўлган ушбу китоб ҳақида ҳам юртдошларимиз томонидан кўплаб фойдали фикр ва таклифлар билдирилди. Бир сўз билан айтганда, сайловолди учрашувлари орқали Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси халқимиз ўртасида кенг муҳокамадан ўтказилди. Энг муҳими, жамиятимизда мана шундай стратегияга эҳтиёж борлиги яна бир бор ўз исботини топди. Ана шу омилларнинг барчасини ҳисобга олиб, мазкур китобни янги фикр ва ғоялар билан тўлдириб, қайта нашр этиш зарурати туғилди.

Китобнинг иккинчи нашрини тайёрлаш жараёнида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Аввало, бўлиб ўтган сайловдан сўнг Ўзбекистон тарихида сифат ва мазмун жиҳатидан янги тараққиёт даври бошланганига алоҳида эътибор қаратилди. Бу янги даврнинг энг муҳим ва устувор хусусиятлари, аввало, мамлакатимизда давлат ва бошқарув органлари, барча раҳбарлар бундан буён ўз фаолиятини “Инсон – жамият – давлат” ва “Инсон қадри учун” деган эзгу тамойиллар асосида олиб боришида акс этади. Ҳамма куч ва имкониятларимиз адолатли жамият ва ижтимоий давлат қуриш, ҳозирги ва келгуси авлодларнинг фаровон турмушини таъминлашга, сайлов жараёнида ўзаро рақобатга киришган сиёсий партиялар номзодларининг сайловолди дастурларидаги муҳим амалий ғоя ва таклифлардан амалий сиёсатимизда кенг фойдаланишга қаратилади.

Одамлар биз бошлаган янгиланиш жараёнларига катта ишонч билан қараётгани, уларнинг самарасини тезроқ кўришни истаёт-

ганини ҳисобга олиб, халқпарвар ислоҳотларимизнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлаш мақсадида келгуси фаолиятимизда “**Харакатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари**” деган тамойил асосий мезон этиб белгиланди.

Китобнинг тўлдирилган иккинчи нашрининг маъно-мазмунидан келиб чиқиб, уни “**Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси**”, деб номлашга қарор қилдик.

Бугунги кунда халқимиз томонидан ўртага қўйилаётган ташаббуслар ҳамда ислоҳотларимиз мантиғи талаб этаётган мақсад ва вазифаларни инобатга олган ҳолда, тараққиёт стратегиямизни етти йўналишдан иборат этиб белгиладик.

Мамлакатимиз ривожланишнинг янги даврида амалга ошириладиган ислоҳотларнинг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

биринчи – эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва инсон қадрини юксалтириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш;

иккинчи – мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш;

учинчи – миллий иқтисодиётни, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида ривожлантириш;

тўртинчи – адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш;

бешинчи – маънавий тараққиётни таъминлаш, ушбу соҳани тубдан ислоҳ этиш ва янги босқичга олиб чиқиш;

олтинчи – бугунги кунда инсоният, халқимиз дуч келаётган умумбашарий муаммоларга ўз миллий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда ечим топиш;

еттинчи – мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очиқ ва прагматик, фаол ташқи сиёсат олиб бориш.

Ишончим комил, биз ана шу йўналишларда бор куч ва имкониятларимизни бирлаштириб, ислохотларимиз самарасини ошириб, кўзлаган юксак марраларимизга етамиз, жонажон Ватанимизни албатта дунёнинг ривожланган давлатлари қаторига олиб чиқамиз, халқимиз ҳаётини янада эркин ва фаровон қилишга эришамиз. Табиийки, маррани катта олган халқнинг қадамлари ҳам, эришадиган натижалари ҳам салмоқли бўлади.

Шу ўринда яна бир фикрни таъкидламоқчиман. Биз ўтган беш йилда миллий ривожланиш йўлида орттирган тажрибамиздан келиб чиқиб, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида барча соҳа ва тармоқлар, минтақа ва ҳудудлар, хусусан, ҳар бир маҳалла бўйича ўз олдимизга янада юксак вазифалар қўймоқдамиз.

Ҳаммамиз кўриб-билиб турибмиз – бутун замон жуда тез, мислсиз суръатлар билан ўзгариб бормоқда. Шунинг учун биз ислохотларимиз шиддатини зинҳор сусайтирмасдан, фақат олға боришимиз, ҳар бир соат, ҳар бир кундан унумли фойдаланишимиз зарур.

Буюк аждодимиз Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари таъкидлаганларидек, **“Ким вақтини зое кетказса, вақт унинг душманига айланади”**. Мана шу пурмаъно сўзларни ҳеч қачон унутмаслигимиз даркор.

Президент сифатида мен мамлакатимиз тинчлиги, эл-юрт фаровонлиги, Ватан тараққиёти йўлида бутун борлиғимни бағишлаб, халқимизга садоқат билан хизмат қилиш, бошлаган демократик ислохотларни янада қатъий давом эттириш ва бу йўлдан оғишмай доимо илгари боришни ҳаётим ва фаолиятимнинг маъно-мазмунини деб биламан. Мен учун бундан бошқа олий мақсад, бахт-саодат йўқ.



Янги Ўзбекистон орзуси, бугунги кунларимизга нисбатан айтганда, ҳозирги даврнинг тақозоси, унинг асл қиёфасини, ҳаракатлантирувчи кучлари ва омилларини белгилайдиган ғоявий-маънавий асос, халқимизга хос буюк бунёдкорлик ҳисси билан яшаш ва кенг кўламли ислохотларимизнинг яққол ифодасидир.



МУҚАДДИМА: ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ

Янги Ўзбекистон орзуси

Янги Ўзбекистон феномени

**Янги Ўзбекистон: янгиланиш ва
тараққиёт омиллари**

Янгиланаётган Ўзбекистон

Янги Ўзбекистон орзуси

Бу ёруғ дунёга келган ҳар бир инсон орзу-умидлар билан яшайди, келажак ҳақида режалар тузади, хайрли ниятлар қилади. Худди шундай ҳар бир халқнинг ҳам тинч-тотув яшаш, фаровон ҳаёт, барқарор тараққиёт билан боғлиқ орзулари бўлиши табиийдир. Жаҳон халқларининг сиёсий луғатларида “Америка орзуси”, “Буюк Британия орзуси”, “Япония орзуси”, “Хитой орзуси” деган тушунчалар мавжудлиги буни яққол тасдиқлайди. Улар бесабаб ва тасодифан шаклланмаган. Ушбу тушунчаларнинг ҳар бири ўша халқларнинг умумий орзу-умидлари, улар яшаётган давр ва келажакка доир мақсад-муддаоларни ифода этади.

Муайян халқ ёки ҳудуд аҳолисининг асрлар давомида шаклланган ва муштарак орзу-интилишларини ифода этадиган бундай тушунчалар замирида теран маъно-мазмун мужассам экани шубҳасиз.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси худди шундай ҳаётбахш хусусият касб этиб, халқимизни ёруғ келажакка чорлаб, янгиланишга сафарбар қилиб, умумий мақсадлар йўлида бирлаштириб турадиган яхлит маънавий асос ва мезонга айланиб бормокда.

Ўз куч ва имкониятларимизга бўлган ишонч бизни Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва янги Уйғониш даври пойдеворини яратишдек улуғ мақсад йўлида жипслаштириб, янада кучли ва мустаҳкам қилмокда.

Бизнинг зиммамизга тушган ана шундай улкан, тарихий миссияни муваффақиятли адо этиш, муқаддас Ватанимизни ҳар томонлама тараққий эттиришга қаратилган оғир ва машаққатли, шу билан бирга, ғоят шарафли интилишлар улкан амалий ҳаракат ва натижаларга айланиб бормокда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, **Янги Ўзбекистон – барчамизнинг эзгу орзумиз, меҳнаткаш, тинчликсевар халқимизнинг орзуси.** Унда эл-юртимизнинг азалий умид-ниятлари, юксалиш сари интилишлари ўзига хос тарзда акс этмокда.

Янги Ўзбекистон орзуси ҳам, жаҳондаги миллий тараққиёт ғояларини ўзида жамлаган бошқа ижтимоий ҳодисалар каби, асрлар давомида шаклланиб ва сайқалланиб келмокда.

Бу орзуда мужассам бўлган халқимизнинг истаги, хоҳиш-иродаси инсонпарвар ва тараққийпарвар ғояларда ўз ифодасини топганига қадим тарихимиз гувоҳ. Даврлар нафаси ва халқнинг эҳтиёж ҳамда манфаатлари, интилиш ва орзу-ҳавасларига монанд равишда у гоҳ эзгулик ва адолат, гоҳ қудратли давлат ва адолатли шоҳ, гоҳ комил инсон ва маърифатли жамият билан боғлиқ олижаноб ғояларда намоён бўлгани маълум.

Ана шу эзгу орзу дастлаб, милоддан олдинги даврларда “Авесто”да ўз талқинини топган ҳаётий ғояда мужассам эди, десак, тўғри бўлади. Айни шу орзу **“Эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал”** тамойилининг халқ тафаккури ва турмуш тарзидан мустаҳкам ўрин олишига сабаб бўлди. Шу тариқа эзгулик ва инсонпарварлик руҳида яшаш, бу қадриятларни ҳимоя қилиш халқимиз менталитети ва маънавиятининг муҳим таркибий қисмига, ҳаётий фаолиятининг асосий йўналишига айланди.

Янги Ўзбекистон тушунчасида мужассам бўлган халқ орзуси тарихий тараққиётнинг барча даврларида миллатнинг етук вакиллари уни рўёбга чиқариш йўлида амалий ҳаракатларга ундаб келди.

Қадимий Турон худудида сак-массагетларни руҳлантириб, душманларга қарши аёвсиз жангга бошлаган, Тўмарисга жасорат бахш этган қудрат манбаи халқ орзуси эмасмиди?

Истилочиларнинг ёвуз қўшинларига ёлғиз қарши чиқиш учун афсонавий Широққа, аслида эса, номлари олис тарих саҳифаларида унут бўлган қаҳрамон боболаримизга жасорат ва қаҳрамонлик ҳиссини берган ҳам ана шу манба эмасмиди?

Енгилмас Александр Македонскийга қарши бутун Сўғд ва Бактрияни сафарбар қила олган Спитаменга азму шижоат бағишлаган ҳам халқ орзуси эмасмиди?

Бу асрий орзу илк ўрта асрларда халқимиз эришган **Биринчи Ренессансга** ва кейинги асрлардаги **Иккинчи Уйғониш** даврига асос бўлган, уларнинг маънавий пойдевори сифатида хизмат қилган, десак, янглишмаган бўламиз.

Аждодларимизнинг армонлари ўша даврда Имом Бухорий, Имом Термизий, Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Форобий, Аҳмад Фарғоний, Абу Мансур Мотуридий, Абу Ҳамид Устурлобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби мутафаккир боболаримиз ҳаёти ва фаолияти, асарларида ўз талқинини топган адолат ва адолатпарварлик ғояларида мужассам бўлди.

Бу олий ҳавас Маҳмуд Замахшарий ва Нажмиддин Куброни уйғотди, ушбу буюк алломаларнинг ғояларида, асарлари ва хайрли амалларида ўз аксини топди.

Бу азалий интилиш Жалолиддин Мангубердини тарбиялади, уни ҳақиқий ватанпарвар, ёвқур баҳодирга айлантирди. Гарчанд у бой берилган Хоразм салтанатини асраб қололмаган бўлса-да, эл-юрт озодлиги йўлида курашган мард инсон, миллий қаҳрамон сифатида асрлар оша халқимизнинг тарихий хотирасида абадий сакланиб қолди.

Халқ орзуси Азизиддин Насафий, Абу Муъин Насафий, Абдухолик Ғиждувоний, Хожа Аҳмад Яссавий, Занги ота, Баҳоуддин Накшбанд, Хожа Аҳрор Валий каби азиз-авлиё боболаримизни тарбиялади, уларнинг камолоти ва эзгу фаолиятида ўзига хос маънавий таянч бўлди.

Бу орзу Соҳибқирон Амир Темур бобомизни жаҳон сахнаси-га олиб чиқди ва **Темурийлар Ренессанси – Иккинчи Уйғониш даври** ғоялари ва халқимизнинг бунёдкорлик фаолиятига кучли таъсир кўрсатди. Марказлашган қудратли давлат ва қонун устувор бўлган адолатли жамият ғоясида мужассам бўлди.


Айнан халқ армонини рўёбга чиқаришга бўлган интилиш Амир Темур ибн Тарағай Баҳодир даврида нафақат мамлакат мустақиллигини таъминлаш, балки қудратли давлат барпо этиш, иқтисодиёт, илм-фан, маданият ва санъат соҳаларини ривожлантиришга хизмат қилди.

Халқимизнинг орзу-интилишлари Мирзо Улуғбек, Қозизода Румий, Али Қушчи, Давлатшоҳ Самарқандий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби **Иккинчи Уйғониш даври**нинг буюк сиймоларини майдонга чиқарди, уларнинг асарлари ва фаолиятида ўз талқинини топган одил подшо, адолатли жамият, комил инсон ғояларида намоён бўлди.

Ўша даврларда бу орзу комилликка элтадиган иймон ва эътиқодни миллат вакиллари учун муқаддас қадриятга айлантирди. Натижада комиллик ва маърифат сари интилиш туйғуси халқимиз менталитетидан мустаҳкам жой олди.

Давр фарзандларини юксак фазилатли инсонлар этиб тарбиялаш ўша замон маърифатпарварларининг ҳаётий ва фуқаролик эътиқодига айланди.

Бу орзу Машраб ва Комил Хоразмий, Мунир Қўшқий, Бердақ ва Ажиниёз, Аҳмад Дониш сингади маърифатпарварлар



фаолиятини шакллантирди. Муқимий, Фурқат, Завқий, Нодира ва Дилшоди Барно, Анбар Отин асарларида ўз ифодасини топган билим ва маърифатга интилиш ғоялари орқали халқ қалбидан ўрин олди.

Бу орзу Бехбудий ва Авлоний, Мунавварқори, Фитрат ва Чўлпон, Абдулла Қодирий ва Тавалло, Элбек ва Боту каби минглаб жаҳид боболаримизга енгилмас ғайрат-шижоат берди. Уларнинг халқ эркинлиги ва саодати йўлидаги эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амаллари учун улкан маънавий омил бўлди.

Эркин ва озод ҳаёт орзуси мустабид шўро тузуми даврида ҳам, барча тазйиқ ва тажовузларга қарамасдан, халқимиз қалбидан ўчгани йўқ. Ниҳоятда оғир ва мураккаб шароитда фаолият олиб борган Файзулла Хўжаев, Усмон Юсупов, Шароф Рашидов, Ислон Каримов каби давлат ва сиёсат арбоблари, Қори Ниёзий, Ҳабиб Абдуллаев, Обид Содиқов, Ёлқин Тўрақулов, Тошмуҳаммад Саримсоқов, Иброҳим Мўминов, Саъди Сирожиддинов сингари олимлар, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом, Зулфия, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Усмон Носир, Асқад Мухтор, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ҳалима Худойбердиева каби ўнлаб-юзлаб шоир ва адиблар миллий ўз-лигимизни асраш йўлида жонбозлик кўрсатиб хизмат қилдилар.

Бу орзу маънавият ва маърифатни одамни нафақат комилликка, эркин ва фаровон турмушга етакловчи, балки халқни миллий мустақилликка элтувчи беқиёс куч сифатида англаб етиш имконини берди.

Бу улуғ орзу асрлар давомида халқимизни эзгу амаллар сари йўллаб, унинг иймон-эътиқодини ғайриинсоний ғоялардан, миллатни турли таҳдидлардан муҳофаза қилиб, ўзига хос маънавий қалқонга айланди.

Шу тариқа узок ўтмишдан ҳозирги давргача миллий тафаккуримиз негизида шаклланиб келган, турли ғоя ва амалий ҳа-

ракатларда ўз ифодасини топган эл-юртимизнинг орзу-умидлари бугунги кунда Янги Ўзбекистон тушунчасида жамулжам бўлмоқда.

Мана шундай эзгу орзу жамиятимизнинг янги, демократик қиёфасини яратиш учун интилаётган халқимизни миллий ғоя атрофида янада жипслаштирмоқда.

Энг муҳими, бу фикр ва интилишлар бошқа халқлар ва давлатларга нисбатан асоссиз даъволар ёки ўз қобиғига ўралиб олишга сабаб бўладиган протекционизм ва изоляционизм тамойилларидан мутлақо холидир.

Аксинча, Янги Ўзбекистон орзуси ва унинг асосида ишлаб чиқилган стратегия, аввало, очиқлик ва ҳамкорлик тамойилларига таянади. Унда Марказий Осиёдаги қўшниларимиз, узоқ-яқиндаги давлатлар, бутун жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик, тобора глобаллашиб бораётган бугунги дунёдаги муаммоларни биргаликда ҳал қилиш, ривожланган мамлакатлар сафига киришдек амалий саъй-ҳаракатлар мужассам.

Имом Бухорий бобомиз ривоят қилган муборак ҳадисда айтилганидек, **“Барча амаллар ниятга қараб бўлғусидир”**.

Ишончим комилки, пок ниятлар билан бошлаган хайрли ишларимиз албатта ижобат бўлгай.

Бу борадаги энг асосий ютуғимиз – халқимизнинг сиёсий тафаккури ва ижтимоий фаоллиги юксалиб бораётгани, ён-атрофдаги воқеаларга бепарво бўлмасдан, аксинча, ҳаётга, ислохотларга дахлдорлик туйғуси билан яшаётганидир.

Биз Янги Ўзбекистонни мард ва олижаноб халқимиз билан биргаликда барпо этамиз, деган улуғвор ниятни ўз олдимизга қўйганмиз. Бу борада “Жамият – ислохотлар ташаббускори” деган ёндашув кундалик фаолиятимизга тобора чуқур кириб бормоқда.

Инсон ҳар томонлама эркин ва фаровон яшайдиган янги давлатни барпо этишдек буюк халқ ҳаракати тобора кенгаймоқда. Бундай қудратли сафда бўлишнинг ўзи катта бахт, катта шарафдир.

Бугун яхши ниятлар билан жуда катта марраларни ўзимизга белгилаб олар эканмиз, ҳаётимизнинг турли соҳаларида муаммо ва камчиликлар етарли эканини ҳам яхши тасаввур этамиз. Йўлимизда катта ғов бўлиб турган тўсиқларни енгиб ўтиш учун бошлаган ислоҳотларимизни оғишмасдан давом эттирамиз. Шу нуқтаи назардан қараганда, янги даврда янада катта сафарбарлик билан ишлашимизга тўғри келади.

Бу йўлда улуғ бобомиз, нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси Хожа Аҳрор Валийнинг: **“Шунчаки орзу билан иш битмайди, мақсадга етиш учун ғайрат ва ҳиммат керак”**, деган сўзлари биз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Мен аввал ҳам айтганман: бугун биз интилаётган Янги Ўзбекистонни, Учинчи Ренессанс пойдеворини бунёд этиш – бу шунчаки орзу эмас. Бу – аниқ стратегик мақсад ва умумхалқ ҳаракатига айланиб бораётган беқиёс амалий жараёндир. Ишонманки, бундай улкан жараённинг натижаси ҳам албатта улкан бўлади.

Ҳаёт олдимизга яна кўплаб синов ва муаммоларни қўйиши мумкин ва биз ҳар қандай кутилмаган ҳолатга тайёр туришимиз зарур. Лекин қанчалик машаққатли бўлмасин, демократик ислоҳотлар йўлидан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз. Олдинга, фақат олдинга қараб борамиз. Биз бунга ҳар томонлама қодирмиз. Чунки бугунги халқимиз – кечаги халқ эмас. Бугунги Ўзбекистон ҳам – кечаги Ўзбекистон эмас.

Мухтасар айтганда, демократик ислоҳотлар йўли – биз учун **яккаю ягона ва энг тўғри йўлдир**. Бу борада биз ҳар куни из-

ланишдамиз, юртимиз ва хориждаги илғор тажрибаларни чуқур ўрганиб, ҳаётимизни, иш услубимизни такомиллаштиришга ҳаракат қилмоқдамиз.

Таъкидлаш жоизки, 73 йил аввал қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси дунёда демократия ва инсонпарварлик тамойилларини қарор топтириш йўлида янги имкониятлар очди. Бу жиҳатдан қараганда, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси адолатли демократик давлат қуришдан иборат. Адолатли давлатнинг энг муҳим хусусияти, аввало, инсон қадрини ва қонун устуворлигини мустаҳкамлаш унинг бош вазифаси эканида кўринади.

Шунинг учун ҳам биз ўз фаолиятимизнинг биринчи кунидан бошлаб “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак”, “Давлат – инсон учун” деган ғоялар асосидаги сиёсатни, яъни инсон қадрини улуғлаш, унинг қонуний манфаатларини таъминлашни энг устувор вазифа сифатида белгилаб олдик.

Бугунги кунда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари демократик жамиятнинг энг олий қадрияти сифатида қарор топиши учун барча чораларни кўрмоқдамиз. Фуқароларимизнинг эмин-эркин яшаш, уй-жой ва ер-мулкка эга бўлиш, тиббий хизматлардан фойдаланиш, билим олиш каби табиий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасида катта ислохотларни амалга оширмоқдамиз ва уларни қатъий давом эттирамиз.

Афсуски, ҳозирги вақтда барчамиз дунёдаги барқарор ривожланиш жараёнига тўсқинлик қилаётган мураккаб ва зиддиятли ҳолатларга гувоҳ бўлиб турибмиз. Бу ўринда сўз жаҳонда, жумладан, Жануби-Шарқий Осиёдан тортиб Яқин Шарққача бўлган маконда қуролли тўқнашувлар кучайиб, ўза-

ро ишончсизлик ва низолар, миллатлараро ва конфессиялараро ихтилофлар чуқурлашиб бораётгани, тинчлик ва хавфсизликка қарши бошқа глобал таҳдид ва хатарлар пайдо бўлаётгани ҳақида бормоқда.

Иложсиз ҳолда ўз юртини ташлаб кетаётган аҳоли ва қочқинлар сони тобора ортиб бораётгани, жаҳоннинг кўплаб минтақаларида таълим ва тиббий ёрдамдан фойдаланиш имконияти йўқлиги, одам савдоси ва мажбурий меҳнат, аёллар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш, қашшоқлик ва очликка барҳам бериш билан боғлиқ муаммолар кескин тус олаётганига дунёдаги барча соғлом фикрли инсонлар томошабин бўлиб қараб турмаслиги зарур.

Шу маънода, бизнинг қатъий ишончимизга кўра, жами 4,5 миллиарддан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган Осиё минтақасининг келажаги кўп жиҳатдан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 2030 йилга қадар барқарор тараққиёт соҳасида белгиланган вазифаларни амалга оширишга тайёр бўлишга, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича самарали минтақавий механизмни шакллантиришга боғлиқ.

Биз ўз олдимизга Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислоҳотлар, илм-маърифат ва инновация орқали эриша оламиз. Бунинг учун, аввало, ислоҳотларнинг амалий натижадорлигини ошириш, жойларда янги ташаббусларни илгари суришда аҳолимизнинг янада фаол бўлишига эришмоғимиз лозим.

Айни пайтда ислоҳотчи бўлиб майдонга чиқадиган, узоқни ўйлаб фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур. Шу боисдан ҳам боғчадан бошлаб олий ўқув юртигача – таълимнинг барча бўғинларини изчил ис-

лоҳ қилмоқдамиз. Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун, аввало, илм-маърифат, юксак маданият керак. Илм йўқ жойда қоқоқлик, жаҳолат ва албатта тўғри йўлдан адашиш бўлади.

Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир. Шу сабабли ҳаммамиз учун илғор билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак.

Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга ривожланишнинг энг қисқа йўлидан бориш имконини беради. Чунки интеллектуал ва маданий салоҳиятнинг қандай ноёб бойлик, нодир истеъдод эгаларини тарбиялаб камолга етказишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини унутишга ҳаққимиз йўқ.

Эл-юртимиз дунёда коронавирус пандемияси ва унинг оқибатида келиб чиққан глобал иқтисодий инқироз давом этаётган таҳликали бир даврда барча синов ва қийинчиликлардан янада кучли ва иродали бўлиб чиқмоқда. Халқимиз ўзининг ҳаёти ва бахти-иқболи Ватанимизнинг тақдири ва келажаги билан чамбарчас боғлиқ эканини чуқур ҳис этмоқда.

Бугун Ўзбекистонимиз ўз тараққиётининг янги даврига қадам қўйди. Эришган натижаларимиз тарихга айланиб, олдимизда янги-янги ўзгаришларни амалга ошириш бўйича улкан вазифа ва имкониятлар пайдо бўлмоқда.

Янги Ўзбекистон орзуси амалиётга, реал воқеликка айланмоқда. Аммо бу осонликча, ўз-ўзидан бўладиган иш эмас. Янги жамиятни барпо этиш, авлодларимиз учун ёруғ келажакни яратиш эҳтиёжи барчамиздан улкан масъулият, фидойилик ва бунёдкорликни талаб қилмоқда.

Бугун келгуси йиллар учун режа ва дастурларимизни аниқ белгилаб олар эканмиз, мустақиллик даврида эришган ютуқларимизни янада мустаҳкамлаб, жамиятимизнинг барча соҳаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратамиз.

Олдимизда узоқ ва машаққатли йўл турибди. Барчамиз **“Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!”** деган ягона мақсад асосида янада ҳамжиҳат бўлиб, тинимсиз ўқиб-ўргансак, ишимизни мукамал ва унумли бажарсак, замонавий билимларни эгаллаб, ўзимизни аямасдан меҳнат қилсак, албатта ҳаётимиз ва жамиятимиз ўзгаради, азиз фарзандларимиз, келгуси авлодлар учун гуллаб-яшнаган, озод ва обод мамлакатни мерос қилиб қолдирамиз.



Янги Ўзбекистон феномени

Муайян халқ ёки давлат ҳаёти учун ғоят муҳим аҳамият касб этадиган бирор-бир феномен ёки у ҳақдаги тушунча ва тамоъйиллар ўз-ўзидан, осонгина пайдо бўлмайди ва тасодифан дунёга келиб қолмайди.

Шу маънода, ҳар қандай ҳодиса, тушунча ёки атаманинг ўзига хос шаклланиш жараёни бор. Янги Ўзбекистон феномени ҳам бундан мустасно эмас. Ушбу тушунча мамлакатимизнинг замонавий қиёфасини шакллантириш, юртимизда демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш борасидаги ислоҳотларимизнинг таянч ғоясини ифода этади.

Ана шу ғоя асосида юртимизда **“Янги Ўзбекистон – Учинчи Ренессанс сари”** деган шиор илгари сурилаётгани ҳам бежиз эмас.

Биз орзу қилган ва қатъий интилаётган Янги Ўзбекистон ғояси, аввало, халқимиз ўз миллий тараққиётининг янги даврига қадам қўйганини, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаётгани, бу борада олдимизда кўплаб янги имкониятлар пайдо бўлаётганини англатадиган тушунчадир.

Янги Ўзбекистон – Ватанимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, эркинлик ва озодликнинг янги даври, бунёдкорлик ва фаровонлик йўлининг юқори босқичидир.

Янги Ўзбекистон – бу **“Халқ манфаати ҳамма нарсадан улуг”**, деган эзгу ғоя амалий ишлар билан ўз тасдиғини топаётган мамлакатдир. Янги-янги уй-жойлар, замонавий корхоналар,

илм-фан, таълим, тиббиёт, маданият ва спорт масканлари, обод қишлоқ ва шаҳарлар юртимиз чиройига чирой қўшаётган тарихий бир даврдир.

Янги Ўзбекистон – катталарга ҳурмат, кичикларга – иззат, мададга муҳтож инсонлар ва оилаларга – чинакам кўмак ва ёрдам бериш, меҳр-оқибат кўрсатиш ҳаётимиз қоидасига айланиб бораётган ижтимоий макондир.

Янги Ўзбекистон – жаҳон ҳамжамияти билан, аввало, яқин қўшниларимиз билан дўстлик ва ҳамкорлик эшиклари кенг очилаётган, мамлакатимизнинг демократик қиёфаси яратилаётган бетакрор заминдир.

Буларнинг барчаси юртимизда бошланган ислоҳотлар, келажак сари ташлаётган дадил қадамларимизнинг бардавом бўлишини таъминлаш энг асосий вазифамизга айланиб бораётганидан далолат беради.

Айни пайтда бу борада ҳам инсоният тўплаган тажриба, айниқса, ўтган аср ўрталаридаги таназзул ҳолатидан чиқиб, бугун энг ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олган давлатлар эришган ютуқларни, улар амалга оширган ислоҳотларни ўрганиш кўплаб масалаларга жавоб топишда қўл келиши мумкин.

Чиндан ҳам, XX аср охирига келиб сермашаққат ислоҳот ва ўзгаришлар йўлидан борган Япония, Жанубий Корея, Хитой, Малайзия, Туркия, Сингапур каби давлатлар тараққиёт бобида улкан ютуқларга эришди.

Бугун бизнинг мамлакатимизда ҳам ўз умрини яшаб бўлган эски қарашлар чекиниб, янги давр бошланди, янги воқелик бўй кўрсатмоқда, улкан имкониятлар, кенг кўламли ислоҳотлар даври келди.

Шу нуқтаи назардан, **“Жамиятимизнинг янги қиёфаси”** деган тушунча қотиб қолган воқелик ёки ўзгармас аксиома эмас.

Янги Ўзбекистон тушунчаси учун асос бўлаётган ва унда ўз аксини топаётган энг муҳим жиҳат ва амалий мезонлар куйидагилардан иборат:

❖ бутун мамлакатимизда ислоҳот ва янгиланишларнинг кенг кўламда амалга оширилаётгани, энг муҳими, рақобатбардош ва ташқи дунё учун очик ижтимоий-иқтисодий маконни барпо этишга собитқадамлик билан киришилгани;

❖ мамлакатимизнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, замонавий янги жамиятни барпо этиш ғояси аҳолининг барча қатламлари томонидан қўллаб-қувватланаётгани ва эл-юртимизнинг бу ғоя атрофида жипслашаётгани;

❖ бу тарихий жараёнда мамлакатимизни ривожлантириш стратегиясини тўлиқ амалга ошириш масъулияти бутун халқимиз томонидан чуқур ҳис этилаётгани;

❖ ушбу мақсад йўлида барча ижтимоий қатламлар, ҳокимиятнинг вакиллик ва ижро органлари, фуқаролик жамияти институтларининг имкониятлари кенг ишга солинаётгани;

❖ “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”, деган ёндашув асосида шахс, жамият ва давлат манфаатлари уйғунлигини таъминлаш, кучли фуқаролик жамияти, конституциявий парламент демократияси, эркин бозор иқтисодиёти ҳамда барчанинг мулк ҳуқуқини ҳурмат қилиш тамойили мамлакатимиз равақининг асосига айланаётгани;

❖ Янги Ўзбекистонни қудратли ва салоҳиятли давлатга айлантириш, бу борада мамлакатимизнинг дунёдаги иқтисодиёти барқарор ўсаётган, инсон капитали юқори бўлган рақобатбардош демократик давлатлар қаторига киришини таъминлаш йўлида амалий ҳаракатлар олиб борилаётгани;

❖ янги жамиятнинг навқирон авлоди, замонавий дунёқараш ва фуқаролик масъулиятига эга бўлган ёшлар ҳаётга кириб келаётгани ва улар учун кенг имкониятлар яратилаётгани.

Бир сўз билан айтганда, жамиятимизнинг янги қиёфаси ана шундай кенг кўламли ислохотлар жараёнида барпо бўлмоқда, унинг замонавий демократик имижиси босқичма-босқич шаклланиб бормоқда. Лекин бу осонгина амалга ошмаслиги, янги жамият биноси бир кун ёки бир йилда тикланиб қолмаслиги аниқ. Қонун ва инсон манфаатлари устувор бўладиган эркин ва фаровон ҳаёт ўз-ўзидан пайдо бўлмаслиги ҳаммага маълум.

Такрор ва такрор айтишга тўғри келади: **Янги Ўзбекистон - тасодифий ҳодиса, шунчаки дунёга келадиган ва ўткинчи бир ижтимоий воқелик эмас.** Бугунги кунга келиб, ушбу тушунча жамиятимиз ҳаёти, халқимиз қалби ва онгидан чуқур жой олиб, ислохотлар жараёнига катта таъсир кўрсатмоқда.

Шу муносабат билан инсоният тарихи ва халқлар тараққиётига хос бир қонуниятни эсдан чиқармаслигимиз лозим. Бундай мураккаб жараёнларда инкор, янгиланиш ва ворислик тамойиллари ўз таъсирини кўрсатади.

Икки ярим минг йил муқаддам буюк хитой файласуфи ва мутафаккири Лао Цзи “Дунёда ҳамма нарса ўсади, гуллайди ва ўз илдизларига қайтади”, деб айтган эди. Бу диалектик ҳақиқат нақадар тўғри эканини вақтнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Давр - ўтади, одамлар - қолади.

Жамият орасида янгиликка интиладиган шахслар, ислохотларнинг ҳаётий зарурат эканини чуқур ҳис этадиган ва ўзгаришларнинг онгли ва фаол иштирокчисига айланадиган инсонлар кўпчилиқни ташкил қилади. Лекин эскилик қон-қонига сингиб кетган, бутун вужуди билан янгиликни истамайдиган консерваторлар ҳам сақланиб қолади. Афсуски, бугунги давр ҳам бундан мустасно эмас. Бундай кимсалар ислохот ва янгиланишларга очикдан-очик қарши чиқмайди. Балки уни ичидан ёки ташқаридан бузиш, обрўсизлантиришга уринади. Арзимаган нарсалардан, яъни “пашшадан фил”, кичик бир ҳодиса ёки жузъий кам-

чиликлардан фожиа яшашга, баъзи бир укувсиз раҳбарларнинг билиб-билмай йўл қўйган хатосидан бутун Ўзбекистонни, раҳбариятни обрўсизлантириш, ислоҳотлар жараёнини қоралашга, уни ортга қайтаришга ҳаракат қилади.

Донишманд халқимиз бу каби уринишларга қатъий жавоб бермоқда. **Янги Ўзбекистон амалда ўзини оқламаган йўлдан бормайди, ислоҳотлар жараёни ортга қайтмайди.**

Ижтимоий янгиланишлар муҳитини тўғри англамасдан, эгри қадам босадиган, эл-юрт равнақига тўсиқ бўладиган бундай кишиларнинг хатти-ҳаракатларига буюк мутафаккир шоиримиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз вақтида баҳо бериб айтганидек: **“Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур, Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидур”.**

Бу фикрнинг мантиқий тасдиғи сифатида бутун жамиятимизда **“Қонун – устувор, жинойтга – жазо муқаррар”** деган таъмоийил қарор топмоқда. Тобора янгиланаётган мамлакатимизда кенг кўламли ислоҳотлар очиқлик ва ошкоралик замони, кенг ва чуқур янгиланиш даврининг тимсоли сифатида амалга оширилмоқда.

Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ғояси ҳам тасодифан ва куруқ ерда пайдо бўлмаган, албатта. Юртимизнинг бой қазилма ва табиий ресурсларга, қадимий тарих ва маданий меросга, қудратли иқтисодий ва инсоний салоҳиятга эга экани бу борадаги ҳаётбахш режаларга асос бераётгани шубҳасиз.

Яна бир бор таъкидлайман: ортимизда тоғдек таянч ва суянч бўлиб турган кўпмиллатли халқимиз – ҳаёт йўлларида тўғри йўл кўрсатадиган мўътабар нурунийларимиз, меҳнаткаш, оқила опа-сингилларимиз, илғор ва замонавий фикрлайдиган, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган азму шижоатли ёшларимиз бор.

Энг муҳими, жамиятимизда тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва меҳр-оқибат муҳити ҳукм сурмоқда.

Биз ана шундай мустаҳкам заминга таяниб, илм-фан, инновациялар, таълим ва тарбия, маданий-гуманитар соҳаларни ҳар томонлама ривожлантириш ҳисобидан мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтариш мақсадида улкан ишларни бошлаганмиз.

Эришилган ютуқларимизни мустаҳкамлаб, янада дадил ва улкан қадамлар ташлашимиз шарт. Бугунги кунда амалий натижа ҳаммамиз учун бош талаб, асосий мезонга айланмоқда. Бу борада яқин йиллар алоҳида масъулият ва синов даври бўлади. Энди кечаги ютуқ ва марралар бизни сира кониктирмайди. Бу йўлда фақат амалий самара билан мустаҳкамланган, ўз меваси, ҳосилини бераётган ислохотлар одамларнинг қалбига, юрагига кириб боради. Бундай шиддатли жараённи ҳеч ким тўхтата олмайди.

Энг асосийси, ислохотларимиз натижасини юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила ўз кундалик ҳаётида ҳис этиши керак. Биз барча бўғиндаги раҳбарлар қоғоздаги ҳисоботлар, фоиз ва рақамлар ортидан қувмасдан, ҳар қайси фуқаро учун, унинг ҳаётини эҳтиёж ва орзу-умидларини рўёбга чиқариш учун ишлайдиган бошқарув тизимини яратишимиз зарур.

Барчамиз орзу қилаётган Янги Ўзбекистонни барпо этиш учун бу йўлдаги ҳар бир мақсад ва вазифага, уларни амалга оширишга айнан шу нуқтаи назардан ёндашсак, ҳар томонлама тўғри бўлади.



Янги Ўзбекистон: янгиланиш ва тараққиёт омиллари

Эл-юртимизни яқиндан биладиган кишилар бир ҳақиқатни яқдиллик билан эътироф этадилар: ўзбек халқи – буюк тарих ва давлат, бой маданият яратган халқ. У – ҳеч қачон меҳнатдан қочмайдиган, қийинчиликдан қўрқмайдиган, адолатни қадрлайдиган, метин иродали, бағрикенг халқдир.

Чиндан ҳам, барчамиз бир тану бир жон бўлиб, яқдил ва ақил бўлиб ҳаракат қилсак, ҳалол-пок бўлиб, яхши ният билан меҳнат қилсак, янги тарихимизнинг ёрқин саҳифаларини яратишга қодирмиз.

Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги кунда “Хўш, Янги Ўзбекистонни қандай барпо этамиз?”, “Бунинг учун етарли омиллар ва имкониятларимиз борми?” деган саволлар тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, қуйидаги фикрларга алоҳида урғу бериш ўринли, деб ҳисоблайман.

Авваламбор, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг мустаҳкам таянчи ва суянчи бўладиган тарихий-маънавий омил, яъни бизнинг энг катта бойлигимиз – халқимизнинг улкан маданий мероси, интеллектуал салоҳиятидир.

Жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилаётган ушбу бебаҳо бойлик умумбашарий тараққиётга муносиб ҳисса бўлиб қўшилгани маълум.

Айнан ана шу омил Янги Ўзбекистон пойдеворини яратишда илм-фан, таълим-тарбия, маънавий ва маданий фаолият соҳала-

рини кенг ривожлантириш ва янги босқичга олиб чиқиш учун асос бўлмоқда.

Қадимдан жаҳон цивилизацияси ва маданиятлари чорраҳасида жойлашган диёримизда халқимиз билан бирга турли миллат вакиллари аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб, тинч ва осойишта яшаб келади.

Ўзбекистондаги бағрикенглик сиёсати туфайли ҳозирги кунда юртимизда ягона оила бўлиб яшаётган миллат ва элат вакилларига ўз она тили, урф-одат ва қадриятларини ривожлантириши учун барча шароитлар яратилмоқда.

Мамлакатимизда таълим-тарбия муассасалари ва оммавий ахборот воситалари ўзбек тили билан бирга қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман тилларида фаолият олиб бораётгани халқаро жамоатчилик томонидан ижобий ҳодиса сифатида эътироф этилмоқда.

Бағрикенг халқимиз “Тил билган – эл билади”, дейди. Ўз тилини ҳурмат қилган маърифатли халқ бошқаларнинг тилига ҳам чуқур ҳурмат билан қарайди. Бу борада улуғ боболаримиз ибрат ва намуна кўрсатганлар. Хусусан, Муҳаммад Хоразмий, Имом Бухорий, Имом Термизий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий, Алишер Навоий каби улуғ аждодларимиз кўплаб тилларни пухта билганлари учун ҳам жаҳон илм-фанининг юксак чўққиларини забт этганлар.

Бугунги кунда юртимиздаги таълим масканларида инглиз, рус, немис, француз, испан, итальян, араб, форс, турк, хитой, япон, корейс, ҳинд ва урду тиллари чуқур ўқитилаётгани бу анъаналар давом этаётганининг ёрқин ифодасидир. Биз ёшларимизнинг жаҳон тилларини эгаллашга бўлган улкан қизиқиш ва интилишларини ҳар доим қўллаб-қувватлаймиз.

Мен бугун азиз болаларимизга мурожаат қилиб, ХХ аср бошида олти тилли – ўзбек, араб, форс, хинд, турк ва рус тилларида луғат тузган машҳур аллома Исҳоқхон Ибратнинг мана бу ҳикматли сўзларини эслатмоқчиман: “Бизнинг ёшлар, албатта, бошқа тилни билиш учун саъй-ҳаракат қилсинлар, лекин аввал ўз она тилини кўзларига тўтиё қилиб, эҳтиром кўрсатсинлар. Зеро, ўз тилига садоқат – бу ватаний ишдир”.

Бизнинг минтақамиз, жумладан, бугунги Ўзбекистон замини ислом илм-фани ва маданиятининг қадимий бешикларидан бири ҳисобланади. Халқимизнинг ана шундай бой тарихий, илмий, маънавий меросини ҳар томонлама ўрганиш, жаҳон афкор оммасига кенг таништириш, энг муҳими, ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб бериш мақсадида азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси халқаро маркази қад ростламоқда.

Имом Бухорийнинг “Саҳиҳи Бухорий” асари ўз аҳамиятига кўра муқаддас Қуръони каримдан кейин иккинчи ўринда турадиган мўътабар китоб сифатида ислом оламида тан олинган. Бу улуғ зотнинг ғоят бой меросини асраб-авайлаш ва ўрганиш, ёш авлодга безавол етказиш мақсадида биз Самарқанд шаҳрида Имом Бухорий номидаги Халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этдик. Шунингдек, Сурхондарё вилоятида Имом Термизий номидаги, Самарқандда Имом Мотуридий номидаги илмий-маърифий тадқиқот марказлари фаолият олиб бормоқда.

Жаҳон тиббиёт илмининг султони, буюк ватандошимиз Абу Али ибн Синонинг бебаҳо меросини чуқур ўрганиш, мамлакатимиз ва жаҳон миқёсида кенг тарғиб қилиш мақсадида “Абу Али ибн Сино ва Шарқ Ренессанси” мавзусида халқаро илмий-маърифий анжуманлар ўтказиш анъанаси йўлга қўйилмоқда.

Дин соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрлайдиган Ўзбекистон халқаро ислом академияси нафақат юртимиз, балки

мусулмон оламидаги нуфузли олий таълим муассасаси сифатида эътироф этилган.

Таъкидлаш лозимки, Ватанимиз ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўяётган бугунги кунда биз учун қадимий тарихимиз ва маданиятимизга оид янги илмий тадқиқотлар ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам сўнгги йилларда улуғ алломаларимиз, мутафаккир боболаримизнинг турли мамлакатлардаги музей ва кутубхоналарда сақланаётган қўлёзмаларини ўрганиш, мавжуд нусхаларини юртимизга олиб келиш, атрофлича тадқиқ қилиб, халқимизга етказиш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда.

Биз Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш жараёнларига жаҳондаги илмий-маданий ташкилотларни кенг жалб этиш, шу йўлда бирга ишлаш истагини билдирган хорижий олим ва мутахассисларга ҳар томонлама ёрдам беришда давом этамиз.

Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг минтақавий ва умум-башарий омиллари ҳам бор, албатта.

Маълумки, азалдан Буюк ипак йўли, Буюк Ҳинд савдо йўлларида жойлашган Марказий Осиё геостратегик ўрнига кўра, минг йиллар давомида жаҳон миқёсидаги муҳим жараёнлар марказида бўлиб келган. Бизнинг минтақамиз Европа, Яқин Шарқ, Жанубий ва Шарқий Осиёни боғлайдиган ўзига хос кўприк бўлиб хизмат қилган. Ушбу заминда дунё цивилизацияси ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк олимлар, мутафаккир ва шоирлар яшаб ижод қилган. Бу ерда улкан табиий захиралар, катта инсоний салоҳият мавжуд.

Бугунги кунда ҳам Марказий Осиё дунёнинг эътибор марказида бўлиб, бу ҳудудда рақобатдош қудратли давлатларнинг манфаатлари ўзаро кесишиб келади. Бу ҳақда гапирганда шуни айтиш лозимки, мен замонавий хавф-хатарларга қарши курашда “юмшоқ куч” сифатида таълимнинг родини оширишдаги

саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлайман. Бизнинг бу борадаги орзу-интилишларимиз БМТ Бош Ассамблеясининг “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясини қабул қилишга қаратилган ташаббусимизда яққол намоён бўлди.

Бу соҳадаги тажриба биз учун ўта муҳим. “Бизни маданият боғлаб туради ва у инсоният тараққиётининг асоси ҳисобланади”, деган фикрга мен тўлиқ қўшиламан.

Ватанимиз пойтахти – Тошкент шаҳрида Марказий Осиё халқаро институти ташкил қилиниши ҳам ана шу мақсадларга хизмат қилади.

Биз халқаро ташкилотлар билан Ўзбекистондаги мавжуд меъморий ёдгорликларни асраш йўлидаги ҳамкорлигимизни кенгайтиришда давом этамиз. Самарқанддаги Халқаро туризм университетиди “Маданий туризм” кафедрасини очдик, ўзаро ҳамкорликда Тошкент шаҳрида “Ахборот технологиялари – маданий меросни сақлаш йўлида” мавзусида Осиё форумини ўтказдик. Маданият, таълим, инновациялар, кутубхона ва музей иши соҳаларидаги қонунларни ишлаб чиқишда БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик қилмоқдамиз.

Олдимизда ЮНЕСКОнинг “Марказий Осиё цивилизацияси тарихи” номли олти жилддан иборат китобларини ўзбек тилида нашр қилишдек муҳим вазифа турибди.

Биз олис ўтмишда мамлакатимиз ҳудудида яратилган осори атиқаларни ўрганишга катта ҳисса қўшаётган чет эллик олимлардан миннатдормиз. Шулар қаторида таниқли япон археологи, Ўзбекистонимизнинг дўсти бўлган, марҳум Като Кюдзо чорак аср давомида Ўзбекистон – Япония қўшма экспедициясининг раҳбарларидан бири сифатида Сурхондарё вилоятининг қадимий Далварзинтепа қўрғони ўрнида илмий изланишлар олиб борганини миннатдорлик билан эслаймиз. Мазкур экспедиция фаолияти натижасида 1991 йилда икки мамлакат мутахассис-

лари томонидан ҳамкорликдаги илк илмий асар – “Жанубий Ўзбекистон дурдоналари” фундаментал каталоги нашр қилинди. Шунингдек, профессор Като бизнинг таниқли олимларимизнинг кўплаб асарларини япон тилига таржима қилиб, Ўзбекистон тарихини оммалаштиришга ҳам ҳисса қўшди.

Бугун Ўзбекистон дунёга очилмоқда, жаҳон майдонида ўзининг янгича қиёфаси, имконият ва салоҳияти билан намоён бўлмоқда.

Биз дунё аҳли мамлакатимизни яқиндан танишини, халқимизнинг бой тарихи ва маданиятини ўз кўзи билан кўришини истаймиз. Бу борада туризм имкониятлари муҳим ўрин тутди.

Қадимги Бақтриянинг осори атиқалари, машҳур Амударё хазинасига мансуб тилла буюмлар, илк ўрта асрларга оид нодир сўғд топилмалари, қадимий Бухоро ва Самарқанд, Хива ва Урганч, азим Тошкент ва Хўқанди латиф, Шаҳрисабз ва Термиз каби тарихий шаҳарларимиз жаҳон сайёҳлари диққатини тортаётгани бежиз эмас.

Ватанимиз заминида сақланиб келаётган қимматли обидалар, тарихий маълумотлар, нодир ёдгорликлар бизни жаҳон халқларининг маданиятлари билан чамбарчас боғлайдиган занжирнинг олтин ҳалқаларидир. Шу боис юртимизнинг турли ҳудудларида туризмни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратмоқдамиз ва бу ўзининг натижаларини бермоқда. Масалан, ўтмишда Фарғона водийсининг маркази ҳисобланган Ахсикент археологик ёдгорлигида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Бугунги кунда “Наманган Афросиёби” деб ном олган бу гавжум зиёратгоҳ очик осмон остидаги музей ва тарих дарсхонасига айлангани алоҳида эътиборга молик.

Кўҳна шаҳарларимиздан яна бири Шаҳрисабзда Халқаро мақом фестивалини ўтказиш анъанасини йўлга қўйганимиз мақом санъатимиз билан бирга, ушбу гўзал шаҳарнинг шуҳратини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Яқинда Шаҳрисабзда “Амир Темур – дунё олимлари ва адиблари нигоҳида” деб номланган халқаро конференцияни юқори даражада ўтказдик. Ўйлайманки, ушбу анжуманни ҳар икки йилда ўтказиб борсак, ўринли бўлади. Бу борада дунё миқёсидаги тадқиқотларни умумлаштириб, янги изланишларга йўл очадиган **“Темурийлар даври Ренессанси”** илмий-маърифий марказини ташкил этиш ҳам муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлайман. Шу билан бирга, Яккабоғ туманидаги Соҳибқирон Амир Темур туғилган Хўжа Илғор қишлоғини ободонлаштириб, замонавий инфратузилмалар яратсак, улуғ аجدодларимиз олдидаги фарзандлик бурчимизни бажарган бўлар эдик.

Ҳеч шубҳасиз, ҳудудларимизнинг туризм соҳасидаги бой имкониятлари ҳақида сўз юритганда, кўҳна цивилизациялар, бой тарих ва маданиятни мужассам этган қадимий замин – Сурхон воҳаси ҳақида эсламасдан ўтолмаймиз. Тарихда Бохтар, Тоҳаристон, Чағониён каби давлатлар, Кушондек буюк империялар айнан шу ҳудудда гуллаб-яшнаган. Фаёзтепа, Қоратепа, Далварзинтепа, Холчаён каби археологик манзилгоҳлар бу замин буддизм маркази сифатида шуҳрат қозонганидан далолат беради. Олимларимиз яхши билади, Япония, Хитой, Жанубий Корея, Таиланд, Лаос каби мамлакатларда буддизмга эътиқод қиладиган миллионлаб одамлар учун юртимиздаги ушбу манзилгоҳлар ҳали очилмаган кўриқ бўлиб турибди. Шунинг учун ана шу масканлар бўйлаб инфратузилмалар яратиш, туристик йўналишлар ташкил этиш борасидаги ишларимизни давом эттирамиз.

Ушбу китобнинг дастлабки саҳифаларида қайд этилганидек, 2021 йил сентябрь-октябрь ойларида бўлиб ўтган сайловолди учрашувлари пайтида халқимиз билан бўлган мулоқотлар давомида барча ҳудудларимиз қатори Сурхон заминида ҳам номлари, бой илмий мероси бизга илгари маълум бўлмаган, узоқ вақтлар мобайнида “соя”да қолиб келган янги-янги тарихий сиймоларни

кашф этдик. Шулардан бири – буюк аллома Абу Ҳамид Устурлобий ас-Сағонийдир.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, бу мумтоз зот қадимий Чағониён, яъни бугунги Сурхондарё вилоятининг Денов шаҳри ҳудудида X асрда таваллуд топган. У киши ёшлигида Бағдодга бориб, ўша ерда илмий фаолиятини давом эттирган ва астрономия соҳасида буюк олим бўлиб етишган.

Бу улуғ аждодимиз юлдузлар ҳаракатини кузатадиган асбоб – устурлоб ва бошқа астрономия жиҳозларини ясаш ва уларни қўллаш бўйича шухрат қозонган. Шу боис у “Устурлобий” деган номга сазовор бўлган.

Устурлобий яратган астрономик жиҳозлар ўз даврининг машҳур олимларига яхши маълум бўлган. Ушбу улуғ аждодимизнинг илмий мероси Абу Райҳон Беруний, Ибн Ироқ, Ас-Сижжизий, Абул Фараж, Ибн Кафтий каби буюк алломалар томонидан ҳурмат билан эсга олиниши унинг нақадар шухрат қозонганидан далолат беради. Хусусан, Беруний “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида йиллар ва даврларни аниқлашда Сағонийнинг илмий хулосалари ҳамда унинг махсус ҳисобларидан фойдаланганини қайд этган.

Устурлобий қаламига мансуб “Астрономия қонунлари” китоби унинг энг машҳур асари бўлган. Бу асарда олим асосий астрономик қонун ва қоидаларни баён қилган. Унинг математикага оид “Осмон сиртини текисликда тасвирлаш” номли китоби эса ўз даврида илмий жамоатчилик орасида катта эътибор қозонган.

Абу Ҳамид Устурлобийнинг бизгача етиб келган асарлари ва уларнинг қўлёзмалари бугунги кунда Париж, Оксфорд, Истанбул ва Дамашқ кутубхоналари фондларида сақланмоқда. Алломанинг ана шу асарларидан нусхалар олиб келиб, она тилимизга таржима қилиш, чуқур тадқиқ этиш ва илмий истеъмолга киритиш, унинг хотирасини абадийлаштириш – олдимизда турган муҳим вазифадир.

Биз Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда зиёлиларимизга катта ишонч билан қараймиз.

Мен доимо зиёли, олим, ижодкор инсонлар билан суҳбатлашишга интиламан ва бундай мулоқотларни юксак қадрлайман. Нега десангиз, олимлик – Аллоҳ нури тажассум этган улуг бир мартаба. Бу мартабадан жамиятнинг бутун вужудига зиё таралади. Олимларнинг суҳбатидан одам ўзига маънавий қувват олади, инсон қалбининг кенглиklarини, тафаккур теранлигини чуқур ҳис қилади.

Бироқ, тан олишимиз керакки, бундай инсонлар билан мунтазам учрашиб туришга, мамлакатимизда илм-фан ва унинг турли соҳаларини қўллаб-қувватлаш, интеллектуал салоҳиятни бугунги замон талаблари асосида ривожлантириш масалаларига доим ҳам етарлича эътибор қарата олмаяпмиз. Бунинг учун барча раҳбарлар қатори мен ҳам ўзимнинг масъулиятимни яхши ҳис қиламан. Шунинг учун мазкур масалага ёндашувимизни тубдан ўзгартиришимиз зарур. Бу заҳматкаш инсонларнинг илмий ва ижодий изланишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга зарур шароитлар яратишни ўзимизнинг бирламчи вазифамиз сифатида кўришимиз даркор. Шу мақсадда ҳукуратимиз томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирларни янада кучайтиришимиз керак.

Жаҳон ҳамжамияти билан тенглик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш – Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг яна бир муҳим шarti ва омилидир.

Ишончим комилки, дунё мамлакатлари билан иқтисодий, илмий ва маданий алоқаларни кенгайтириш йўлидаги биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз дўстлик ришталари ва кўпқиррали ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш билан бирга, юртимизда янги цивилизацион юксалиш учун ҳам хизмат қилади.

Мамлакатимизнинг халқаро обрў-эътибори ўсиши, жаҳон майдонида бир қатор ташаббусларимизнинг қабул қилиниши

Ўзбекистоннинг бу йўналишда янада кенг ва самарали фаолият олиб бориши учун янги имкониятлар яратмоқда. Биз хорижий мамлакатлар ва халқаро тузилмалар билан амалий мулоқотни ривожлантириш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва амалий шерикликни кенгайтиришга бундан буён ҳам катта аҳамият қаратамиз.

Яна бир муҳим масалага эътиборингизни жалб этишни истардим. Аҳоли даромадларини ошириш, қўшимча иш ўринлари яратиш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун бизга янги-янги бозорлар керак.

Бизнинг ташқи бозорларга чиқарадиган маҳсулотларимизнинг 80 фоизи Қозоғистон, Қирғизистон ва Россиянинг транзит йўлаклари орқали ўтади. Шунингдек, тайёр маҳсулотларимиз экспортининг 50 фоизи, айрим товарлар бўйича эса 80 фоизи Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ҳиссасига тўғри келади.

Очиқ бозор маҳсулот сифатини ошириш, таннархни пасайтириш, янги технологиялар олиб келишни талаб қилади, бозор ислоҳотларини жадал ривожлантиради. Шу сабабли биз жаҳон ишлаб чиқариш тизимига, дунё бозори талабларига ва иқтисодий интеграция жараёнларига ҳамоҳанг бўлишимиз лозим.

Бизга иқтисодий интеграция керак. Бу борада мулоқот ва рақобатга тайёр бўлиш учун эса нафақат раҳбарлар, балки тадбиркор ва ишбилармонлар, барча бўғиндаги менежерлар ўз устидан тинимсиз ишлаши шарт.

Ана шу омилларни инобатга олиб ҳамда Россия ва Қозоғистонга ишлаш учун борган фуқароларимизга қулай шароит яратиш мақсадида бугунги кунда Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлик қилиши билан боғлиқ масалаларга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.



Янгиланаётган Ўзбекистон

Туб ислохотлар амалга оширилган кейинги беш йил мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси ўз кундалик ҳаётида теран ҳис этаётган муҳим ўзгариш ва янгиланишлар даври бўлди.

Жамиятни сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий модернизация қилиш, маънавий жиҳатдан тиклаш ва юксалтириш, мавжуд қонунларни, давлат бошқаруви, иқтисодий тизимни қайта кўриб чиқиш, бу борада таъсирчан ва самарали механизмларни яратиш, демократик тамойил ва меъёрларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича мисли кўрилмаган кенг кўламли ва изчил чора-тадбирларни амалга оширдик. Бунда одамларни ҳаётдан рози қилиш, уларнинг узок келажакда эмас, балки бугунги кунда фаровон яшашини таъминлаш, ҳаётий муаммоларини ҳал этиш ва орзумидларини рўёбга чиқаришни олий мақсад этиб белгиладик.

Бу эзгу мақсадни ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш учун **2017–2021 йилларда мамлакатни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилдик.** Уни амалга оширишда биз, авваламбор, фуқароларимиз билан кенг мулоқот қилиб, бамаслаҳат иш тутдик, халқимизнинг ақл-заковати ва бунёдкорлик салоҳиятига таяндик.

Тан олиш керакки, ҳаётнинг ўзи ва ислохотлар шиддати мустақиллик даврида эришилган муҳим ютуқлар билан бир қаторда жамият ва давлат ҳаётида йиллар давомида йиғилиб қолган ва ўз ечимини кутаётган тизимли муаммолар мавжудлигини кўрсат-

ди. Бу муаммоларни қисқа вақт ичида ечиш учун ўзимизда ирода, қатъият ва шижоат топа олдик.

Бугунги кунда халқимизнинг куч-қудрати, метин иродаси, энг муҳими, мустақил тараққиётга бўлган комил ишончи туфайли олдимизда турган мақсадларимиз сари дадил қадам қўймоқдамиз.

Халқ билан бевосита мулоқот қилиш, унинг дарду ташвишлари, муаммоларини ижобий ҳал этиш бўйича мутлақо янги тизим - Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси фаолиятини йўлга қўйдик. Давлат ташкилотлари фаолиятига “маҳаллалар кесимида ишлаш”, “халқ ичига кириш”, “аҳоли дардига қулоқ солиш”, “одамлар ташвишига шерик бўлиш” ва “муаммоларни жойида ҳал этиш” тамойиллари жорий этилди.

Буюк Алишер Навоий бобомизнинг: “Одамий эрсанг, демагил одами, Ониким, йўқ халқ ғамидин ғами”, деган ҳикматли сўзлари биз учун бу борада дастуриламал бўлди. Яъни улуғ бобомизнинг бу дунёда инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш - одамийликнинг энг олий мезонидир, халқнинг ғамидан узок бўлган инсонни одам қаторига қўшиб бўлмайди, деган маънодаги фикрлари мазмунини ўзимиз учун қайтадан кашф этдик.

Давлат хизматлари сифатини тубдан яхшилаш, уларнинг кўламини кенгайтириш орқали аҳоли учун қулай муҳит яратиш мақсадида барча давлат идоралари томонидан кўрсатиладиган хизматларни мувофиқлаштириб ва назорат қилиб борадиган янги тузилмалар фаолияти йўлга қўйилди.

Давлат хизматлари агентлиги ташкил этилиб, хизматлар қамрови 157 тага етказилди. Аҳолига кунига ўртача 60 мингтадан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилмоқда.

Миллий парламент аризмни ривожлантириш ва халқ хокимиятини мустаҳкамлаш, давлат бошқаруви органлари ҳисоб-

дорлигини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чоралар амалга оширилмоқда. Халқ депутатлари кенгашлари фаолияти такомиллаштирилиб, уларнинг ваколатлари кенгайтирилмоқда. Энг муҳими, ушбу тузилмаларнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг реал даромадлари, турмуш даражаси ва сифатини барқарор ошириб боришдаги масъулиятини кучайтирмоқдамиз.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш, амалга оширилаётган ислохотларимизнинг самарадорлигини ошириш учун бугун бизга маърифатли бошқарув – илм-фан ва адолатли қонунларга асосланган, самарали бошқарув кераклигини яхши англаймиз. Шунинг учун ҳам, бугунги кунда давлат бошқаруви ва жамият қурилиши соҳаларида туб янгиланишлар жорий этилмоқда. Янги бошқарув тизими ва замонавий тузилмалар яратилди. Давлат бошқарувида очиқлик ва адолатга асосланган, халқпарвар қарорлар қабул қилиш тизими шаклланди.

Жамиятда аҳоли ва партияларнинг сиёсий фаоллиги, фуқаролик жамияти институтлари роли, оммавий ахборот воситаларининг таъсири кун сайин ошиб бормоқда.

Халқаро сайлов стандартларини миллий сайлов тизимизга жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси қабул қилиниб, унинг асосида 2019 йил 22 декабрда “Янги Ўзбекистон – янги сайловлар” деган шиор билан парламент сайловлари ўтказилди. Ушбу сайловларда илк бор 5 та сиёсий партия иштирок этди. Сайловларнинг ошқора, халқаро стандартлар асосида ўтказилишини назорат қилиш учун 50 га яқин давлат ҳамда 10 та халқаро ташкилотдан 825 нафар кузатувчи, жумладан, биринчи марта Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг тўлақонли миссияси иштирок этди.

Жамият ҳаётида халқимиз ҳамма нарсадан устун кўядиган ижтимоий адолат тамойилини том маънода қарор топтириш энг асосий вазифамизга айланди.

Қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш – Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг энг муҳим шартидир.

Жамиятимизда демократия тамойиллари, қонун устуворлигини таъминлаш сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш ишлари ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда, суд ҳокимиятининг фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ролини оширмоқдамиз.

Конституция ва қонун нормалари сўзсиз ишлаши учун ишончли ҳуқуқий кафолат яратилмоқда.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳам ҳолат тубдан ўзгарди. Мажбурий меҳнат ва болалар меҳнати тўлиқ бартараф этилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегияни қабул қилдик. Ўзбекистон БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо этиб сайлангани олиб бораётган сиёсатимизнинг юксак халқаро эътирофидир.

Халқимизнинг бу борадаги тараққиёт стратегияси нафақат ички ва ташқи сиёсатдаги ислоҳотлар натижасида, энг аввало, давлатнинг инсонга, халққа, халқнинг давлатга бўлган муносабати ўзгараётганида намоён бўлмоқда.

Суд-ҳуқуқ соҳаси, жумладан, жиноий жазоларни либераллаштириш борасидаги ислоҳотларимиз ҳам изчил давом эттирилди. Кўп йиллар давомида сақланиб келган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва суд идораларининг, асосан, жазолашдан иборат функциясига чек қўйилди. Бу эса, аждодларимиз азалдан амал қилиб келган “Зулм қилма, инсофли бўл, халқ учун адолат кўрғонини бунёд эт”, деган ҳаётий тамойилга тўла мосдир.

Биз суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишда “судьянинг онгида – адолат, тилида – ҳақиқат, дилида – поклик бўлиши керак”, деган ғояни илгари сурдик ва уни амалда қарор топтиришга интиломқдамиз.

Ҳибсга олинган ва жиноий жавобгарликка тортилган шахсларга нисбатан қийноққа солиш, руҳий ҳамда жисмоний босим ўтказиш ва бошқа ғайриинсоний зўравонлик ҳолатларига қарши принципиал кураш бошладик. Фуқароларни сохта далиллар, тухмат ва бўҳтонлар асосида жавобгарликка тортишдек номақбул амалиётга чек қўйилди.

Юртимизда яшаб келаётган, лекин фуқаролиги бўлмаган минглаб ватандошларимизга Ўзбекистон фуқаролиги берилди.

Жамиятда коррупцияга қарши муросасиз кураш янги босқичга кўтарилди. Бу борада муҳим қонун ҳужжатларини қабул қилдик ва Сенат Раиси раҳбарлигида Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ҳамда Коррупцияга қарши курашиш агентлигини ташкил этдик.

Биз эркин ва кучли иқтисодиётни Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг ҳал қилувчи шарти деб биламиз.

Бу борада мамлакатни иқтисодий изоляция, яъни ўз қобиғига ўралиб қолиш ҳолатидан чиқариш ҳамда демографик ўсиш кўрсаткичларига мутаносиб равишда либераллаштириш жараёнларини олиб бормоқдамиз.

Иқтисодий сиёсатда нореал рақамлар ортидан қувиш, амалга ошмайдиган хомхаёлларни ҳақиқат сифатида такдим этишдек номақбул иш услубига барҳам берилди.

Янги Ўзбекистонда амалий натижага эришиш, инсон манфаатлари ва яна бир бор инсон манфаатлари иқтисодий ислохотларимизнинг бош мезонига айланди.

Қисқа муддатда валюта бозорини либераллаштириш, миллий иқтисодиётнинг халқаро иқтисодий тизимлар билан интеграция-

сини кучайтириш, унда давлат иштирокини камайтириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга эришдик.

Ислохотлар аҳолининг барча қатламлари манфаатларига хизмат қилмоқда: тадбиркорлар ўз бизнесини ривожлантириш учун эркинлик ва янги-янги имкониятларга эга бўлмоқда, деҳқон ва фермерлар, кластерларнинг ишчи-хизматчилари ўзлари етиштирган ҳосил ва маҳсулотнинг ҳақиқий эгасига айланмоқда.

Кичик ва хусусий бизнес субъектлари сони икки баробар кўпайди, ушбу тармоқдаги бизнес субъектларининг 50 фоиздан зиёди кейинги 3 йил ичида ташкил этилди. Тадбиркорлик субъектларига 2016 йилга нисбатан қарийб 4 баробар кўп кредитлар ажратилди. Чунки тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш-фуқаролар, халқимиз фаровонлигини ошириш, ўрта синфни мустаҳкамлашнинг энг самарали йўлидир.

Кейинги беш йилда Ўзбекистон иқтисодиётига 83 миллиард АҚШ долларидан ортиқ инвестиция киритилишига эришдик. Кўплаб йирик, ўрта ва кичик, хусусан, маҳаллий саноат, қишлоқ хўжалиги ва сервис соҳаларидаги лойиҳаларни амалга ошириш орқали қарийб 2,4 миллионта янги иш ўрни яратилди.

Мамлакат ялпи ички маҳсулоти таркибида саноатнинг улуши 25 фоиздан 34 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1,3 марта ўсди. Ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 2 баробар, аҳоли даромадларининг 2,5 карра, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдорининг ҳам сезиларли ўсиши таъминланди.

Қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар, ер майдонларининг тўлиқ хусусий кластерларга берилгани ҳосилдорликнинг ортишига хизмат қилмоқда.

Туризм соҳасини жадал ривожлантириш бўйича бутунлай янги тизим яратдик. Натижада сайёҳлик хизматлари экспорти ҳажми 3 баробар ортди.

Биз Ўзбекистоннинг янги тарихида илк бор камбағалликни камайтириш ҳақидаги қатъий қароримизни бутун дунёга очик эълон қилдик ва уни қисқартириш бўйича кенг қамровли ишларни бошладик. Камбағалликни қисқартириш, аҳолини арзон уй-жой ва ичимлик суви билан таъминлаш, эҳтиёжманд оилалар, ўзгалар парваришига муҳтож шахсларни қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли ишларни йўлга қўйдик.

Барча туман ва шаҳарларда, ҳар бир маҳаллада эҳтиёжманд оилалар, аёллар ва ёшлар билан манзилли ишлаш бўйича мутлақо янги иш усулини – “Темир дафтар” тизимини жорий этдик. Бу тизим орқали юз минглаб фуқароларнинг бандлиги таъминланмоқда, қарийб 5 миллионта оиладаги муаммолар ҳал этилди.

Кўпдан буён аҳолимизни қийнаб келаётган энг муҳим масалалардан бири сифатида уй-жой муаммосини ҳал этиш, аҳолига қулай яшаш шароитларини яратиш доимий эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда. Ушбу йўналишда қабул қилган дастурларимиз, жумладан, арзон уй-жойлар дастури асосида 2017–2021 йиллар давомида мамлакатимизда 140 мингтадан зиёд янги квартира ва якка тартибдаги уй-жойлар барпо этилди. Бу олдинги беш йилга нисбатан 10 баробар кўп уй-жой қурилди, деганидир.

Фуқароларнинг ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини таъминлашнинг ноёб тизими яратилди. “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Ёшлар – келажагимиз”, “Беш муҳим ташаббус” каби 20 дан ортиқ давлат ижтимоий дастурлари ва концепциялари амалга оширилмоқда.

Ичимлик суви таъминотини яхшилашга қаратилган ишлар натижасида аҳолини марказлашган тармоқлар орқали ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 73 фоизга етказилди.

Кекса авлод вакилларига доимий ҳурмат ва эътибор кўрсатиш-давлат сиёсатининг муҳим йўналишига айланмоқда. Шунинг учун ҳам, нуроний отахон ва онахонларимизга муносиб турмуш шароитларини яратиб бериш бўйича қўшимча чора-тадбирларни кўрмоқдамиз. Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларни ижтимоий хизмат билан қамраб олиш даражаси 8,3 фоизга оширилди. Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашнинг янги тизими татбиқ этилди.

Соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ этиш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш мақсадида қишлоқ врачлик пунктлари, тез тиббий ёрдам хизмати, ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари фаолиятини янада яхшилаш бўйича ишларимиз ўз самарасини бермоқда.

Тез тиббий ёрдам бригадалари сонини 2 марта, ихтисослаштирилган ҳудудий тиббиёт марказлари сонини 16 тага кўпайтирдик. Ҳудудларда 300 дан зиёд ихтисослашган бўлим, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларининг 14 та филиали фаолиятини йўлга қўйдик. Ҳудудлардаги 1,4 мингдан ортиқ даволаш муассасаси тўлиқ таъмирланди, 1,8 мингта аёллар маслаҳатхонаси, қизлар саломатлиги хоналари, ижтимоий дорихоналар, тез тиббий ёрдам шохобчалари ҳамда хорижий давлатлар билан ҳамкорликда 100 дан ортиқ замонавий хусусий клиникалар ташкил этдик.

“Аёлни эъзозлаш – эзгулик ва адолат мезони”, деган ғояни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида аҳолимизнинг қарийб ярмини ташкил этадиган аёлларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, истеъдоди ва қобилиятини рўёбга чиқариш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг марказига қўйилди.

Хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ўрнини тобора кучайтириш бўйича чора-тадбирларни белгиладик. Мамлакатимиз

бошқарув тизимида аёлларнинг улушини 33 фоизга етказдик. Юртимизда 1,5 мингга яқин хотин-қиз мутахассислар турли даражадаги раҳбарлик лавозимларига тайинланди.

Биз учун гендер тенглик сиёсати устувор масалага айланди. Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини қабул қилдик.

Бу муҳим масалада бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Хусусан, 2019 йилда қабул қилинган “Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги, “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар шулар жумласидандир. Хотин-қизлар учун зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш, ўз жонига қасд қилишнинг олдини олишга қаратилган 197 та марказ, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича 200 дан ортиқ инновацион мактаблар ташкил этилди. Никоҳ тузишнинг минимал ёши ўн саккиз ёш этиб белгиланди.

Барча ҳудудларда аёлларни қийнаётган муаммоларни аниқлаш бўйича манзилли ишлар олиб бориш учун янги тизим – “Аёллар дафтари”ни жорий этдик. Сўнгги 3 йил давомида 400 минг нафарга яқин хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Уй-жойга муҳтож опа-сингилларимизга бошланғич бадаллар тўлаб берилди.

Ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг ўқиши, меҳнат қилиши, билим олиши ва қобилиятини намоён этиши учун барча шароитларни яратмоқдамиз. Чунки бутун халқимиз қатори ёшлар ҳам – Янги Ўзбекистон бунёдкорларидир.

Ёш авлоднинг фуқаролик позицияси ва фаоллигини кучайтириш, фарзандларимизни мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаб, халқаро майдонда

рақобатга кириша оладиган баркамол шахслар, етук мутахассислар этиб тарбиялаш бўйича кенг кўламли ишларни олиб бормоқдамиз.

“Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Ёшлар иттифоқини туздик ва унинг самарали фаолиятини йўлга қўйдик. Ёшлар форумларини ўтказмоқдамиз. Юртимизда 30 июнь – “Ёшлар куни” этиб белгиланди.

Ўзбекистон Ёшлар парламентлари, Ёшлар ишлари агентлиги фаолияти йўлга қўйилди. Йигит-қизларнинг бизнес ташаббусларини рўёбга чиқариш, субсидиялар, имтиёзли кредитлар ажратиш, касб-ҳунарга ўқитиш, фермерликни қўллаб-қувватлаш, фарзандлар таълим-тарбияси, уларни соғломлаштириш ва бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, “Ёшлар дафтари” орқали уларга кўмаклашиш каби йўналишларда давлат томонидан ёшларни қўллаб-қувватлаш чоралари кўриломоқда.

Мамлакатимизда бир-бири билан ҳамбарчас боғланган таълим соҳасида – мактабгача таълим, мактаб таълими, ўрта махсус ва олий таълим тизимлари, илмий-тадқиқот муассасаларини ривожлантириш бўйича беқиёс ўзгаришлар амалга оширилмоқда. 2025 йилга бориб, 3–7 ёшдаги болаларнинг 80 фоизини мактабгача таълим билан қамраб олишни назарда тутадиган мактабгача таълим тизимини ривожлантириш концепцияси ҳаётга жорий этилмоқда. Бугунги кунда кичик ёшдаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини 28 фоиздан 60 фоизга етказишга, боғчалар сонини эса 3 баробар кўпайтириб, 14,2 мингтадан оширишга эришдик.

Мактаб таълиминини тубдан яхшилаш ва унинг сифатини ошириш борасидаги ислохотларни жадал давом эттирмоқдамиз. Ота-оналарнинг фикрини ҳисобга олиб, юртимизда 11 йиллик таълимни қайта тикладик. Янги таълим муассасаларини қуриш, мавжудларини таъмирлашга эътибор қаратмоқдамиз. Минглаб

мактабларда электр энергияси, ичимлик суви таъминоти, иситиш тизими яхшиланди, ошхона, спорт заллари ва бошқа зарур бинолар барпо этилди.

“Замонавий мактаб” дастури қабул қилиниб, унинг доирасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Келгуси беш йилда ўрта мактабларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш бўйича янги дастур қабул қилинади. Дастур доирасида мактаб биноларини қуриш, жиҳозлаш ва санитария талаблари илғор хорижий тажрибалар асосида қайта кўриб чиқилади.

Мутлақо янгича мазмун ва шаклга эга бўлган Президент мактаблари ҳамда ижод мактаблари бўйича ишлар фаол давом эттирилмоқда. Математика, кимё-биология ва бошқа фанларни ривожлантириш бўйича қарорлар қабул қилдик. Ҳар бир туман ва шаҳарда ана шу фанларга ихтисослашган мактаблар босқич-ма-босқич ташкил этилмоқда. Мураббийлар меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Янги намунадаги мактабларда таълим олаётган ўғил-қизларимиз билан учрашганимда, ҳаётдаги энг катта орзум ушалганини ҳис қиламан.

Ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти ошиб бормоқда, бу борада миллий ҳамда халқаро даражада кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 21 октябрь – Ўзбек тили байрами куни деб эълон қилиниши жамоатчилигимиз, бутун халқимиз томонидан катта мамнуният билан кутиб олинди.

Олий таълим тизимини янада ривожлантириш ва янги сифат босқичига кўтариш бўйича улкан ишларни олиб бордик. Ҳаракатлар стратегияси доирасида 50 та янги олий таълим муассасасини ташкил этдик. Таълимнинг бакалаврият, магистратура ва сиртқи шакллари учун квоталарни ошириб, кечки таълим

шаклини жорий қилдик. Олий таълимга қабул параметрлари-ни 2,5 марта ошириб, ёшларимизни олий таълим билан қамраб олиш даражасини 9 фоиздан 28 фоизга, соҳага ажратиладиган давлат грантлари сонини 25 фоизга етказдик.

Дунё миқёсида рақобат кескинлашиб бораётган ҳозирги мураккаб даврда мамлакатимизни илм-фан ютуқлари, юқори технологиялар асосида модернизация қилиш ва янгилаш муҳим вазифамизга айланди. Шу сабабли Ўзбекистон Фанлар академияси тизимини қайта тикладик ва такомиллаштирдик, уни тўлақонли фаолиятга қайтариш учун зарур чораларни кўрдик. Бир қатор илмий-тадқиқот институтлари ва марказлар фаолиятини қайта ташкил қилдик, илмий лабораторияларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозладик.

Буларнинг барчасидан ягона мақсадимиз – мактабгача таълим ва мактаб таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни Учинчи Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқасига, боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлиларимизни эса Янги Уйғониш даврининг тўрт таянч устунига айлантиришдан иборат.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотлар натижасида аҳолининг сифатли тиббий-санитария хизматларидан фойдаланиш имконияти ошди. Энг асосийси, мамлакатдаги ўртача умр кўриш даражаси 1990 йилдаги 67,2 ёшдан 2020 йилга келиб 74,6 ёшга етди, оналар ўлими бир ярим марта, болалар ўлими эса тўрт марта камайди.

Мамлакатимизда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлаш, аҳоли, айниқса, ёшларимизда маънавий фазилатларни юксалтириш, оила ва маҳаллаларда ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш мақсадида барча туман ва шаҳарларда Маънавият ва маърифат масканлари фаолият юритмоқда.

Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар йўналишида илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси доирасида мақсадли фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларни шакллантириш ва белгиланган тартибда молиялаштириш тартиби жорий қилинди. Маънавий-маърифий ишларни юқори савияда амалга ошириш, юксак ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантиришдаги самарали меҳнати ва ибратли фаолияти учун давлат органлари ва ташкилотлар ходимларига топширилган “Маънавият фидойиси” кўкрак нишони таъсис этилди.

Мамлакатимизда диний эркинлик, миллатлараро ҳамжиҳатлик борасида ҳам вазият тубдан яхшиланди. Бу соҳадаги фаолиятимизнинг ўзагини “Бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик – барқарор тараққиёт омили”, деган тамойил ташкил этади.

Миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни янада мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишларни амалга оширмоқдамиз. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Халқаро дўстлик куни деб белгиланган 30 июль санасини юртимизда “Халқлар дўстлиги куни” деб эълон қилдик ва 2021 йили уни кенг нишонладик. Ишончим комилки, бу байрам эзгу анъанага айланиб, халқимизни жонажон Ватанимиз байроғи остида янада жипс-лаштиришга хизмат қилади.

Турли ёт оқимлар таъсирига берилиб, қилган ишидан чиндилдан пушаймон бўлган 20 мингдан зиёд фуқаро махсус ҳисобдан чиқарилди, 1,5 минг нафардан ортиқ маҳкум афв қилинди ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳаётда ўз ўрнини топишига ёрдам берилди.

“Меҳр” махсус операциялари доирасида халқаро террорчилик ташкилотлари сафига адашиб кириб қолган, уруш даҳшатларини бошидан кечирган юзлаб аёллар ва болалар қуролли можаролар ҳудудидан юртимизга қайтарилди.

Мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳалари қаторида, ҳарбий соҳанинг энг муҳим йўналишлари бўйича тизимли ва стратегик чора-тадбирларни белгиладик ва амалга оширмоқдамиз. Янги Мудофаа доктринасини қабул қилдик.

Қуролли Кучлар таркибидаги барча қўшин турларининг тузилма ва вазифаларини қайта кўриб чиқдик ва ҳудудларда ҳарбий-маъмурий секторлар фаолиятини йўлга қўйдик. Натижада Қуролли Кучларнинг жанговар шайлиги ва мамлакатимиз мудофаа қобилиятини сезиларли даражада оширишга эришдик.

Янгиланаётган Ўзбекистон очик ва прагматик ташқи сиёсат олиб бормоқда. “Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида Марказий Осиё – бош устувор йўналиш” тамойили жадал татбиқ этилмоқда. Натижада минтақамизда мутлақо янги сиёсий муҳит яратилди, ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик асосидаги алоқалар мустаҳкамланмоқда.

Россия, Хитой, АҚШ, Япония, Жанубий Корея, Туркия, Европа Иттифоқи давлатлари, мусулмон мамлакатлари билан ҳам ҳамкорлик алоқалари янги босқичга кўтарилди. Бирлашган Миллатлар ташкилоти, Парламентлараро Иттифок, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги каби халқаро тузилмалар билан манфаатли алоқаларни янги босқичда давом эттирмоқдамиз. Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорлигимиз тикланди, Европа инвестиция банки билан шериклик алоқалари ўрнатилди. Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Осиё инфратузилма инвестициялари банки билан ўзаро ҳамкорлик самарали тус олмоқда.

Мамлакатимиздаги ижобий ўзгаришлар, халқаро майдондаги қатъий саъй-ҳаракатларимиз натижасида дунё ҳамжамиятида Ўзбекистонга бўлган қизиқиш ва ишонч ортмоқда, Ватани-

мизнинг нуфузи ва обрў-эътибори тобора юксалмоқда, юртимиз халқаро индексларда юқорилаб бормоқда.

Коронавирус пандемияси ва унга қарши кураш иродамизни яна бир бор синовдан ўтказмоқда.

Ўз пайтида кўрилган тезкор ва тизимли чораларимиз натижасида ушбу хатарли касалликнинг кенг тарқалишига йўл қўйилмади. Юртимизда осойишта ҳаёт, барқарор иқтисодий ривожланиш давом этмоқда.

Бухоро ва Сардобада юз берган табиий ва техноген офатлар ва уларни бартараф этишга қаратилган ҳаракатлар эл-юртимизнинг мардлиги ва матонати, меҳр-оқибатини яна бир бор намоён этди.

Халқимизнинг мустаҳкам иродаси, фидокорона меҳнати, сабр-тоқати, аҳоли ва давлат органларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли барча қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтмоқдамиз.

Биз жамиятимиз тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган долзарб масалалар ва ўз ечимини кутиб турган муаммоларни ҳал этиш учун кенг кўламли фаолиятимизни изчиллик билан қатъий давом эттирамиз. Кейинги йилларда ҳам бизнинг устувор вази-фамиз дунёдаги энг ривожланган мамлакатлар қаторига кириш, халқимизнинг эркин ва фаровон ҳаётини таъминлашдан иборат бўлиб қолади.

Айни пайтда мамлакатимизнинг янги қиёфасини яратиш, фуқароларимиз салоҳиятини рўёбга чиқаришга ҳар томонлама кўмаклашиш, аҳолимизнинг асосий ҳуқуқлари ва қонуний ман-фаатларини ҳимоя қилиш вазифалари ҳам долзарблигини сақлаб қолмоқда. Ватанимиз мустақиллиги, жамиятимиз хавфсизлиги, чегараларимиз дахлсизлиги, тинчлик ва барқарорлик, эркин ва озод ҳаётни таъминлаш, самарали ташқи сиёсатни амалга оши-риш бундан кейин ҳам диққат-эътиборимиз марказида бўлади.

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш жараёнида биз катта билим ва тажриба тўплادик. Энг муҳими, бир-биримизга бўлган ҳурматимиз, ишончимиз ошди, янада ҳамжихат бўлдик. Ҳар қандай синов ва қийинчиликларни ақл-заковатимиз, самарали меҳнатимиз билан енгиб ўтишни ўргандик.

Америкалик машҳур ишбилармон, “Форд” компаниясининг асосчиси Генри Форднинг “Йўлингизда қийинчиликка дуч келяпсизми, демак, сиз орқага эмас, олдинга қараб боряпсиз”, деган сўзлари кўпчилик юртдошларимизга маълум, деб ўйлайман. Чиндан ҳам, қийинчилик одамни тоблайди, иродасини мустаҳкам қилади, янги-янги имкониятларни излаб топиб, уларни ишга солишга ундайди. Ана шундай ноёб фазилатларга эга бўлган, доимо олдинга интилиб яшайдиган халқ ва миллат ўзининг эзгу мақсадларига албатта етади.



БИРИНЧИ БЎЛИМ. ХАЛҚПАРВАР ДАВЛАТ

**“Давлат – инсон учун” тамойили – демократик
ислохотлар мезони**

**Давлат органлари – халққа хизмат қилишнинг
самарали воситаси**

**Давлат бошқарувининг цивилизациявий
имкониятлари**

Худудий масалаларни ҳал қилиш масъулияти

Эркин ва очик фуқаролик жамияти

**Ижтимоий масъулиятли оммавий ахборот
воситалари**

Янги Ўзбекистонда “Давлат – инсон учун” тамойи-ли асосида инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш, ҳимоя қилиш ва уларга амал қилиш масалалари ислохотларимизнинг энг устувор йўналишига айланди.

Бу эса нафақат юртимизда, балки бутун дунёда мазкур ислохотларнинг энг демократик тамойилларга мослиги, уларнинг пировард мақсади ва давлат сиёсатининг устувор йўналиши инсон қадр ва манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилганининг эътироф этилишига сабаб бўлмоқда.



“Давлат – инсон учун” тамойили – демократик ислохотлар мезони

Юртимизда узок йиллар давомида “давлат – жамият – инсон” тамойилига амал қилиб келинди. Давлат қурилиши ва бошқаруви, барча сиёсий тузилмалар, уларнинг иш услуби ва фаолияти ҳам ана шу тамойил асосида шаклланди.

Аслида эса, аввало, инсон, унинг ҳақ-ҳуқуқлари ва бахт-саодати давлат сиёсати, барча давлат органлари фаолиятининг энг устувор мақсади бўлиши лозим. Жамият қурилиши ва давлат сиёсати ана шу ғояга таяниши ҳамда “Давлат – инсон учун”, “инсон – жамият – давлат” тамойиллари асосида ташкил этилиши даркор.

Мазкур тамойилга амал қилиш эса, инсон ва унинг манфаатларини давлат сиёсати ва ислохотларининг асосий мезонига айлантириш лозимлигидан далолат беради. Бу нафақат юртимизда, балки бутун дунёда мазкур ислохотларнинг энг демократик тамойилларга мослиги, уларнинг пировард мақсади ва давлат сиёсатининг устувор йўналиши инсон манфаатлари, ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилганининг эътироф этилишига сабаб бўлмокда.

Тарих шундан далолат берадики, дунёдаги барча цивилизациялар, маданият ва динлар инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги таянч тушунчаларнинг шаклланишига асос бўлган эзгу ғоялар таъсирида вужудга келган.

Масалан, бундан 2700 йил муқаддам Осиё худудида яратилган энг кўхна ёзма ёдгорлик – “Авесто” китобида ҳам инсон ҳуқуқ

ва эркинликлари, миллатлараро муносабатларни ўзаро ҳурмат ва ишонч тамойиллари негизида барпо этиш ғоялари муҳим ўрин тутди, зўравонлик ва адолатсизлик рад этилади. Шунингдек, Шарқнинг буюк ҳуқуқшуносларидан бири Бурҳониддин Марғиноний XII асрдаёқ ўзининг “Ҳидоя” асарида ҳар бир инсоннинг ҳақ-ҳуқуқини сақлаш зарурлиги тўғрисида муҳим ғояни илгари сурган эди.

Жиззах воҳасида камол топган машҳур ҳуқуқшунос аллома Муҳаммад ибн Маҳмуд Уструшонийнинг XIII асрда яратилган “Жомеъ аҳком ас-сиғор” (“Бола ҳуқуқлари кодекси”) ноёб асари жаҳон тарихидаги болалар ҳуқуқи бўйича дастлабки мукамал ҳуқуқий манбадир. Унда болалар, хусусан, етим болалар ҳуқуқлари, болалик ва оталикни белгилаш, бола тарбияси, боланинг ота-онаси олдидаги бурч ва мажбуриятлари каби масалалар атрофлича таҳлил қилиниб, ислом ҳуқуқи асосида қандай ечимлар мавжудлиги кўрсатиб берилган. Яъни, ушбу асар бола ҳуқуқлари масаласига тамал тоши айнан тарихий Мовароуннахр-бугунги Ўзбекистонда қўйилгани ҳамда ислом ҳуқуқшунослигида Ғарб цивилизациясидан қарийб олти юз йил аввал болалар ҳуқуқининг тўла-тўқис ўрганилиб, ҳаётга татбиқ этилганидан дарак беради.

Ана шундай эзгу кадриятлар бугун ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган ва ислоҳотларимиз кун тартибига ҳамоҳангдир.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатга, жумладан, БМТнинг 7 та асосий шартномаси ҳамда 4 та факультатив протоколига қўшилган. Уларнинг ижроси юзасидан БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий қўмиталарига мунтазам равишда миллий маърузаларни тақдим этиб келмоқда.

Инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш Ўзбекистондаги ислоҳотларда ғоят муҳим ўринда туради. Энг

асосийси, юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон миллати, тили ва динидан қатъи назар, эркин, тинч ва бадавлат умр кечириши, бугунги ҳаётдан рози бўлиб яшаши давлатнинг бош мақсадига айланиб бормоқда. 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадлари мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашни кўзда тутадиган **“Ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик”** тамойили асосида амалга оширилмоқда.

Парламент, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, **“Халқ – қонунларнинг том маънода ягона манбаи ва муаллифи ҳисобланади”** ҳамда **“Барча муҳим қарорлар бевосита халқ билан мулоқот асосида, жамоатчиликнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади”** тамойилларини амалга ошириш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари доирасида миллий мақсадларни рўёбга чиқариш, инсон тараққиёти бўйича юқори индекс (интеллектуал салоҳияти, саводхонлиги, инсоннинг ўртача умр кўриш давомийлиги)га эга бўлган давлатлар даражасига эришишга, ижтимоий соҳага инновацияларни кенг жорий этишни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар қабул қилинмоқда.

Ўзбекистон халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилмоқда ва халқаро норма ижодкорлигининг фаол иштирокчиси ва янги халқаро шартномаларнинг ташаббускори сифатида майдонга чиқмоқда.

Амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар инсонлар ҳаётини, дунёқарашини ҳамда турмуш тарзини тубдан ўзгартирмоқда. Жамиятда **“Янги Ўзбекистонни биргаликда барпо этамиз”** деган улуғвор мақсад умумхалқ ҳаракатига айланмоқда.

Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларини, умумэътироф этилган халқаро стандартлар ҳамда Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мажбуриятларини, шунингдек, БМТнинг устав органлари ва шартномавий қўмиталарининг тавсияларини ҳисобга олган ҳолда, қонунчиликни такомиллаштириб бориш ишларини биз, албатта, давом эттирамиз.

Шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламент ва фуқаролик жамияти институтларининг ролини янада ошириш, қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларга мувофиқлаштириш энг долзарб вазифаларимиз сирасига киради.

Юртимизнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасидаги халқаро рейтинг ва индекслар (қонун устуворлиги, норма ижодкорлиги сифати, ҳукумат фаолияти самарадорлиги, сўз ва ахборот эркинлиги, жинойтчилик ва коррупцияга қарши кураш, бизнесни олиб бориш учун шарт-шароитлар, глобал рақобатбардошлик, инновацион ривожланиш ва бошқалар) бўйича дунёдаги 50 та етакчи мамлакат қаторига кириши – бизнинг стратегик мақсадимиздир.

Инсон ҳуқуқлари бузилишига барҳам бериш мақсадида суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштириш ва одил судлов тизими ваколатларини мустаҳкамлаш, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий институтлар фаолияти учун кенг шароитларни яратиш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги давлат сиёсатини мониторинг қилиш ва баҳолашнинг миллий тизимини янада ривожлантириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини

ошириш, жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтириш устувор вазифаларимиздан бири бўлиб қолади.

Шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни ҳимоя қилишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда хусусий сектор фаолиятининг очиқлиги ва ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш, шунингдек, қонун ижодкорлиги жараёнида фуқаролик жамияти институтлари билан маслаҳатлашувларни ўтказиш амалиётини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастурлари ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

Жамиятда жиноятчиликнинг, айниқса, одам савдоси, коррупция, қийноққа солиш, уюшган ва трансмиллий жиноятчиликнинг олдини олиш ва бу иллатларга қарши курашиш, шунингдек, ушлаб турилганлар, қамоққа олинганлар ва маҳкумларни сақлаш жойлари тизимида одил судловга ва инсон ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлашга қаратилган сиёсат давом эттирилади.

Аҳолининг имконияти чекланган, кам таъминланган гуруҳлари ҳуқуқларини БМТнинг Барқарор ривожланиш тамойилига мувофиқ ҳимоя қилишни таъминлаш, давлат ва жамиятнинг алоҳида ҳимоясига муҳтож бўлган шахслар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш – навбатдаги муҳим вазифамиздир.

Шу билан бирга, дин, сўз ва фикр эркинлиги, маълумот олиш, камситишга йўл қўймаслик, гендер тенгликни таъминлаш, барчанинг сифатли таълим ва тиббий хизматлардан тенг фойдаланиши, нуронийларнинг ижтимоий интеграцияси, болалар, ёшлар, аёллар, ногиронлиги бўлган шахслар ва мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳаларида ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланади.

Инсонга болаликдан бошлаб инсонпарварлик, яхши хулқ, таълим-тарбия ва умуман, ижобий хислатларни ўргатувчи мактаб бу – оиладир. Халқимизда “Қуш уясида кўрганини қилади”, деган мақол бор. Тарбия – оиладан бошланади, десак, хато қилмаймиз. Биз бунда соғлом, етук, комиллик сари интиладиган оилани назарда тутяпмиз. Оила қанча соғлом бўлса, жамият ҳам шунга мутаносиб бўлади. Лекин таги зил кетган, мўрт оилалар охири ажрашиш билан тугайди, болалар етим, хонадонлар пароканда бўлади. Бу эса, жамият равнақига, албатта, путур етказди.

Шу боис юртимизда оила институтини, оналик, оталик ва болаликни ҳимоя қилиш, оилада зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишни ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа йўллар билан қўллаб-қувватлаш даражасини ошириш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Инсоннинг иқтисодий ҳуқуқларини таъминлаш, хусусий мулкчилик ва давлат-хусусий шериклигини ривожлантиришни янада юқори босқичга кўтариш зарур.

Таълимнинг сифати ва барча даражадаги қамровини ошириш, узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, ўқитиш тизимининг инклюзивлиги ва ундан барчанинг фойдалана олишини таъминлаш муҳим вазифаларимиз сирасига киради.

Шунингдек, давлатлараро муносабатларни, халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини уйғунлаштириш, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномавий органларнинг тавсияларини сифатли ва ўз вақтида бажариш мақсадида инновацион тамойилларни жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга, биз бу борада белгилаб олган стратегиямиздан келиб чиқиб, қуйидаги бош йўналишларни асосий мақсад қилиб қўймоқдамиз.

Шахсий ва сиёсий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасида:

❖ шахсий ва сиёсий ҳуқуқларга оид халқаро шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш;

❖ халқаро ҳуқуқ принциплари, нормалари ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро шартномалари судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан кенг қўлланилиши, халқаро ҳуқуқ устуворлиги принципини амалга оширишнинг самарали механизмини яратиш;

❖ судларнинг мустақиллиги ва холислигини таъминлаш мақсадида судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш ҳамда “Хабеас корпус” институтини янада такомиллаштириш йўли билан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда суд ҳокимиятининг ролини ошириш;

❖ суд жараёнларига тенглик ва тортишув тамойилларини тўлиқ жорий этиш, адвокатура институтини мустақил, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ишончли тизимга айлантириш, малакавий юридик ёрдам сифатини ҳамда адвокат касбининг нуфузини ошириш, инсон ҳуқуқлари соҳасида ихтисослашган ҳуқуқшуносларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;

❖ жиноят процессида жабрланувчи ва гувоҳларнинг, жумладан, вояга етмаган жабрланувчи ва гувоҳларнинг ҳуқуқлари ва ҳавфсизлигини таъминлаш механизмини такомиллаштириш;

❖ прокуратура органлари фаолиятининг халқаро стандартларга мувофиқ шаклларини жорий этиш, прокуратура фаолияти ошкоралигини ва унинг жамият олдида ҳисобдорлигини таъминлаш, прокуратура тизими бошқарувида коллегиал органлар ролини кучайтириш;

❖ фуқароларни тенгсизликнинг ҳар қандай кўринишларидан ҳамда аҳолининг заиф қатлами вакилларини камситишлардан ҳимоя қилишни таъминлаш;

❖ шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳамда шахсга доир маълумотларни ҳимоялаш ҳуқуқини таъминлаш механизмини янада такомиллаштириш;

❖ Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тили ва маданиятини ривожлантириш учун барча шароитларни таъминлаш механизмини такомиллаштириш;

❖ бепул юридик ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, вояга етмаган болаларга нисбатан алоҳида муносабатни назарда тутадиган одил судлов институтларини жорий этиш, боланинг манфаатларини биринчи навбатда таъминлаш принципини қонунчилик ва амалиётга янада самаралироқ жорий этиш;

❖ одам савдосига қарши курашиш тизимини такомиллаштириш, бу борада комплекс ёндашувни шакллантириш, шунингдек, одам савдосидан жабрланганларни халқаро стандартларга мувофиқ идентификация ва реабилитация қилиш механизмини янада такомиллаштириш;

❖ аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, сайлов маданиятини ошириш, демократик, адолатли ва эркин сайловларга оид халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш, сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш;

❖ инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид халқаро стандартларни таъминлашда, жисмоний ва юридик шахсларнинг конституциявий шикоят институтини ҳаётга татбиқ этишда Конституциявий судининг роли ва ўрнини ошириш;

❖ давлат ҳокимияти тизимида парламентнинг ролини кучайтириш, мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалаларини ҳал этишда, шунингдек, ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга оширишда парламентнинг ваколатларини янада кенгайтириш, унинг қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш, жумладан, ҳаволаки қонун нормаларидан воз кечиб, тўғридан-тўғри тартибга солувчи қонун нормаларини қабул қилиш амалиётини кенгайтириш;

❖ инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда сиёсий партиялар, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларининг ролини янада кучайтириш.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларни қонунчиликка ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига имплементация қилиш ҳамда мониторинг олиб бориш механизмларини такомиллаштириш соҳасида:

❖ Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган халқаро шартномаларнинг мазмуни тўғрисида аҳоли ҳамда давлат органлари вакилларининг хабардорлигини ошириш;

❖ маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўришнинг процессуал тартибини такомиллаштириш, ушбу тизимга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш;

❖ давлат ва жамият ўртасида ўзаро яқин ҳамкорлик ўрнатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш;

❖ инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини, қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизмни янада такомиллаштириш, озодликдан маҳрум қилиш жойларида ва бошқа ёпиқ муассасаларда инсон ҳуқуқлари бузилишларининг олдини олиш;

❖ Бола ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман)нинг ҳуқуқий мақоми ва фаолиятини янада такомиллаштириш;

❖ васийлик ва ҳомийлик тизимини ислоҳ қилиш йўли билан болаларнинг оилада яшаш ва тарбияланиш ҳуқуқини таъминлаш, етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш, бола ҳуқуқларига оид халқаро стандартлар қоидаларини имплементация қилиш ва мазкур соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиёти устидан самарали парламент ва жамоатчилик назоратини таъминлаш;

❖ ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга риоя этишни тизимли равишда мониторинг қилиш.

Инсон ҳуқуқларига оид саводхонликни ошириш, инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш соҳасида:

❖ инсон ҳуқуқлари ва гендер масалалари бўйича узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, жамиятда қонунга ҳурматни шакллантиришнинг замонавий усулларини жорий этиш;

❖ инсон ҳуқуқлари бўйича профессионал журналистларни тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, журналистик текширувларнинг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини такомиллаштириш;

❖ олий таълим муассасалари ҳамда кадрларни, жумладан, судьялар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув марказларида, шунингдек, мактабгача таълим ва умумтаълим муассасаларида, академик лицей ва коллежларда “Инсон ҳуқуқлари”, “Аёллар ҳуқуқлари”, “Бола ҳуқуқлари” ўқув курсларини жорий этиш;

❖ инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фундаментал ва инновацион тадқиқотларни кенгайтириш, илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий салоҳияти, илмий тадқиқотлари ва ишланмалари-

нинг самарадорлигини ошириш, уларнинг ушбу соҳадаги халқаро тадқиқотларга интеграциялашувини таъминлаш, тадқиқот натижаларини амалиётга кенг жорий этиш;

❖ инсон ҳуқуқлари соҳасида ахборот тарқатиш бўйича оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада кучайтириш, журналистлар ва блогерларнинг ахборот олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқлари кафолатларини кучайтириш.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро ва минтақавий тузилмалар, хорижий мамлакатларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлари билан ҳамкорликни ривожлантириш соҳасида:

❖ инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга риоя қилиш, БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш бўйича БМТ, Европа Иттифоқи, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги органлари ва бошқа халқаро ташкилотлар билан икки томонлама ва кўптомонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш;

❖ Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги, жумладан, болалар, аёллар, ногиронлиги бўлган шахслар, кексалар, мигрантларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва ҳимоя қилиш масалалари бўйича халқаро ҳужжатларга қўшилиши масалаларини кўриб чиқиш.

Янги Ўзбекистон – демократик қонунлар, юксак ҳуқуқий маданиятга эга фуқаролар мамлакатидир. Бу эса, маъмурий, жиноят, жиноят-процессуал ва хўжалик қонунчилигини янада эркинлаштириш, айрим жинойий ҳаракатларни криминаллаштиришдан холи қилиш, тадбиркорлик субъектлари жавобгарлигини либераллаштириш, жинойий жазолар ва улар ижросини инсонпарварлаштириш каби масалаларни англатади ва бу борадаги долзарб вазифаларни амалга оширишни тақозо қилади.

Ўзбекистон Республикаси янги Фуқаролик кодексини ишлаб чиқиш, ювеналь юстицияни ривожлантириш, мулкчилик тўғрисидаги қонунчиликни тубдан такомиллаштириш, дунёда тан олинган юридик шахсларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқий мақоми, аутсорсинг механизмини жорий этиш каби илғор тажрибаларни қонунчилигимизга имплементация қилиш бу жабҳанинг ривожини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Тергов ва жазони ижро этиш соҳасида қийноқларнинг олдини олиш бугунги куннинг долзарб вазифаси бўлиб қолмоқда.

Қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизмни жорий этиш доирасида одамнинг кадр-қимматини ерга урадиган, инсонийликка зид бўлган қийноқларнинг ҳар қандай кўринишига бундан буён ҳам мутлақо йўл қўйилмайди. Бундай жиноятлар қачон содир этилганидан қатъи назар, улар учун жазо муқаррардир.

Қийноқларга қарши конвенциянинг Факультатив протоколини ратификация қилиш кечиктириб бўлмайдиган вазифалар сирасига киради. **“Қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизм тўғрисида”**ги қонунни қабул қилиш зарур.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларига қатъий содиқ қолади.

Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг **“Инсон ҳуқуқлари йўлида ҳаракатга даъват”** ташаббусини илгари суриш учун барча шериклар билан яқин ҳамкорликни давом эттиради.

Ўзбекистон биринчи марта Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари кенгаши аъзолигига сайланганини кейинги йилларда юртимизда демократик ислоҳотларни амалга ошириш, жумладан, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонун

устуворлигини таъминлаш борасидаги амалий фаолиятимизнинг юксак эътирофи сифатида қабул қиламиз.

Айни пайтда биз инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва таъминлашда амалга оширган ишларимиздан кўра, олдимизда турган вазифалар кўп эканини ҳам яхши тушунамиз.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳеч қачон бир манзилда тўхтаб қолмайдиган, узлуксиз жараён бўлиб, биз бу борадаги саъй-ҳаракатларимизни янада самарали амалга оширишда жаҳон ҳамжамияти, жумладан, мамлакатимизда фаолият олиб бораётган халқаро ташкилотлар ваколатхоналари ва чет давлатлар элчихоналарининг яқин ҳамкорлигига ишонамиз.



Давлат органлари – халққа хизмат қилишнинг самарали воситаси

Ҳозирги вақтда юртимизда ривожланган демократик давлат ва инсон ҳақ-ҳуқуқлари устувор бўлган фуқаролик жамиятини барпо этиш билан боғлиқ сиёсий фаолият ва ислохотлар жадал олиб борилмоқда.

Айни пайтда бу мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида рўй бераётган янгиланиш ва ўзгаришларнинг муқаррар тарзда одамларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти ва фаоллиги юксалиб бориши, фуқаролик жамияти институтлари нуфузи ва мавқеининг ошиши, уларга кўпроқ ҳуқуқлар берилиши жараёни билан узвий боғлиқ эканини англатади.

Ушбу жараёнда давлат органлари ва бошқарув идоралари билан бирга, нодавлат ташкилотларининг янада кенгрок иштирок этиши эса, жамият ҳаётининг демократик жараёнлар билан боғлиқ асослари тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради.

Бу, ўз навбатида, энг ривожланган демократик мамлакатлар тажрибасидан ўтган муҳим ижтимоий феномен, яъни “Давлат органлари – халққа хизмат қилишнинг самарали воситаси” деган тамойилнинг бугунги ҳаётимиз, ислохотлар жараёнидаги ўрни ва аҳамиятини яққол кўрсатади.

Бошқача айтганда, мазкур тамойил дунё давлатларининг ҳозирги замонга хос илғор тажрибалари билан бир неча минг йиллик ўзбек миллий давлатчилиги анъаналари уйғунлигининг

Ўзига хос ифодаси сифатида ҳам намоён бўлмоқда. Натижада бу йўналишда жаҳон андозаларига мос келадиган ва жамият ҳаётининг барча соҳалари, айниқса, жамият ва давлат муносабатларининг энг демократик шакллари учун асос бўладиган халқчил тузилмалар ва замонавий сиёсат тамойиллари шаклланмоқда.

Кейинги йилларда жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган ва тадрижий тарзда амалга оширилган ижтимоий-сиёсий янгиланишлар натижасида халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши ўзгариши билан бирга, бошқарув маъмурлари ва мулозимларининг иш услублари, фаолият йўналишлари ҳам янгича сифат ва замонавий мазмун касб эта бошлади.

Ҳозирги даврдаги ривожланган давлатларнинг тажрибасини, халқимизнинг миллий давлатчилик анъаналарини акс эттирган бундай ижтимоий-сиёсий воқелик ва унинг тузилмалари жамият ўзгаришлари динамикасини таъминлашга хизмат қилмоқда. Ушбу вазифани бажаришда муҳим ижтимоий омиллардан бири – жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, фуқаролик институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш каби йўналишлар ислохотларнинг таркибий қисмига айлангани бежиз эмас.

Бизнинг бош мақсадимиз – юртимизда халқ ҳокимиятини номига эмас, балки амалда жорий қилишдан иборат.

Демократик ҳуқуқий давлат ва очик фуқаролик жамияти барпо этишнинг энг муҳим шарти бўлган халқнинг хоҳиш-иродасини, унинг орзу-интилиш ва манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда, давлат ҳокимияти идоралари фаолиятини йўлга қўйиш албатта, ушбу тамойилнинг амалга ошишини назарда тутди. Ўз навбатида, бу – халқ билан мулоқот демократик тараққиёт ва инсон манфаатларини таъминлаш омилига айланганидан далолат беради.

Давлат органларининг аҳолига **“Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади”**, деган тамойил асосида хизмат кўрсатишига эришдик. Бу, ўз навбатида, халқимизнинг оғирини енгил қилиш, уларга **“давлат – фуқаро”** муносабатларида қулайлик яратиш ва шаффофликни таъминлаш мақсадида давлат хизматлари кўрсатишнинг янги тизими ишлаб чиқилганидан далолат беради.

Шу билан бирга, хизматлар қамрови ва тезкорлигини ошириш учун давлат хизматлари марказлари фаолиятини ривожланган давлатлар даражасига олиб чиқиш зарур.

Барча давлат хизматларини инвентаризация қилиб, уларнинг муддатлари, тўлов миқдорлари, шартлари ва бошқа талабларини соддалаштириш бўйича ишлар олиб борилади.

Давлат идораларининг халқимизга кўрсатадиган хизмати – одамларни рози қилишнинг асосий мезонидир. Шундан келиб чиқиб, қайси қишлоқда, маҳаллада қайси хизматга эҳтиёж борлигига қараб, тегишли шароит яратиш керак. Қайси хизматларни арзонлаштириш, қайсиларини бепул қилиш масаласини таҳлил этиб, аҳолига енгиллик ва қулайлик яратиш зарур.

Идоралараро интеграция даражасини ошириш, бунинг учун давлат хизматлари учун тўловларнинг 20 фоизини ташкилотларнинг ахборот технологиялари тизимини ривожлантиришга йўналтириш, қоғоз шаклидаги архив ҳужжатларини рақамлаштириш лозим.

Электрон рақамли имзо билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари порталининг мобиль иловасини ривожлантириш, ногиронлиги бўлган шахсларга тўловларда chegirma бериш вазифалари ҳам долзарб бўлиб турибди.

Биз шу аснода Ўзбекистонни инновацион, замонавий ва самарали давлатга айлантирамиз.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси – фуқароларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштирокини кенгайти-

риш, уларнинг орзу-интилишларини рўёбга чиқариш, илғор ташаббусларини амалга ошириш, ҳаётий муаммоларини ҳал этиш, турмуш даражасини юксалтириш, мустақил равишда ўз моддий фаровонлигини ошириши учун етарли ва зарур шароитларни яратиш деганидир.

Давлат бошқарувида биз учун нисбатан янги, лекин кўплаб ривожланган демократик мамлакатларда амал қилаётган “Давлат халққа хизмат кўрсатиши шарт” ғоясини татбиқ этиш-ни назарда тутувчи “Халқчил давлат” миллий дастури ишлаб чиқилади, “Давлат хизматлари тўғрисида”ги қонун қабул қилинади.

Давлат бошқарувининг конституциявий асосларини янада самарали ташкил этиш, давлат ва фуқаролар ўртасида ҳалол муносабатларга асосланган, самарали ижтимоий ҳимояни таъминловчи давлат бошқарувини шакллантиришни талаб этади.

Давлат органлари фаолиятини самарадорлик, номарказлаштириш, натижалар учун жавобгарликни ҳис этиш каби тамойиллар асосида ташкил этиш, маъмурий бошқарув фалсафаси ва маданиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, давлат томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг сифати ва натижадорлигини таъминлаш асосида Ўзбекистоннинг давлат бошқаруви сифат жиҳатидан юқори даражага эга бўлган давлатлар қаторидан ўрин олишига эришиш зарур.

Шунингдек, давлат бошқарувининг инновацион, замонавий моделларини ҳамда менежментнинг самарали усулларини ҳамда корпоратив бошқарув, давлат-хусусий шерикчилик ва ижтимоий ҳамкорлик тамойилларини кенг жорий этиш, аутсорсинг дастурларини ҳаётга татбиқ этишга алоҳида аҳамият қаратамиз.

Барча бўғиндаги давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг халқ олдидаги жавобгарлиги аниқ белгиланиб, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда улар томонидан

сансоларлик, масъулиятсизлик ва бефарқ муносабатда бўлиш ҳолатларига барҳам берилади. Фуқароларнинг ишончини оқламаган барча даражадаги вазирлар, ҳокимлар ва депутатларни чақириб олишнинг янги механизмлари ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

“Халқ қабулхоналари тўғрисида”ги қонун қабул қилиш вақти келди.

Айниқса, **“Давлат органлари – халққа хизмат қилишнинг самарали воситаси”** тамойилини ҳаётга жорий этиш мақсадида қуйидаги ўзгаришларни амалга оширишни ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

❖ туман ва шаҳар халқ депутатлари кенгашларида камида 2-3 нафар депутат доимий асосда ишлайдиган тартиб жорий этиш;

❖ маҳалла муаммоларини доимий ўрганиб, бартараф этишда маҳаллий депутатларнинг фаол иштирокини таъминлаш;

❖ туман ва шаҳар ҳокими лавозимига номзод тегишли кенгашда энг кўп депутатлик ўрнини эгаллаган партия гуруҳи томонидан илгари суриладиган амалиётни йўлга қўйиш;

❖ ҳокимликка номзод халқ депутати Кенгашида ҳудудни ривожлантириш бўйича ўз дастурини ҳимоя қилиб, лавозимга тасдиқланадиган тартибни жорий этиш;

❖ ичимлик ва оқава суви, ички йўллар, бошқа инфратузилма объектларини қуриш, бандлик дастурини тасдиқлашни туман ва шаҳар халқ депутатлари кенгашлари ваколатига ўтказиш;

❖ ҳудудий ижро идораларининг ваколатлар реестрини шакллантириш, турли ташкилотлар томонидан такрорланадиган 500 дан ортиқ функцияларни мақбуллаштириш.

Барча бўғиндаги ижро идоралари раҳбарлари бир йиллик иш дастури ва амалга оширадиган лойиҳаларини жамоатчиликка очик эълон қилиб борадиган тизимни йўлга қўйиш учун зарур чораларни кўриш лозим.

Ушбу йўналишда яна қуйидаги ислохотлар ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади:

- ❖ давлат органлари штатларини оширишга чекловлар ўрнатиш;
- ❖ рақамлаштириш ва қатор функцияларни хусусий секторга бериш ҳисобидан амалдаги штатларни қисқартириб бориш;
- ❖ вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари ҳамда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини танқидий қайта кўриб чиқиш;
- ❖ кадрлар давлат хизматига танлов асосида қабул қилиниши, узлуксиз малака ошириш, самарадорликни баҳолаш ва лавозим бўйича ўсишнинг аниқ мезонларини белгилаш учун имкониятларимизни тўлиқ сафарбар этиш;
- ❖ иш вақти ва меҳнат меъёрлари бўйича талабларни қайта кўриб чиқиш.

Мазкур йўналишдаги барча ишларимизнинг самараси халқимизнинг оғирини енгил қилиш, унинг орзу-умидларини рўёбга чиқаришга қаратилган фаолиятнинг нақадар тўғри ташкил этилгани ва натижадорлигига боғлиқ эканини унутмаслик лозим.



Давлат бошқарувининг цивилизациявий имкониятлари

Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги янги босқичида юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини таъминлаш кўп жиҳатдан сиёсий жабҳада, айниқса, давлат бошқаруви соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш билан узвий боғлиқдир.

Биз қадимги юнон Ренессанси бир неча юз йиллар давом этгани, унда “Афина демократиясининг олтин асри” деган давр бўлганини яхши биламиз. Донишманд файласуф Солон бошлаб берган ва аллома Сукрот замониғача давом этган ушбу даврда жамоатчилик назорати кучли бўлган демократия шаҳарчалари ташкил қилинган, қишлоқлар демократик бошқарув асосида идора этилган. Фуқароларнинг бирор-бир партиёга аъзо бўлиши мажбурийлиги ва сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиши зарурлиги конституцияда белгилаб қўйилган. Арастунинг “Сиёсат” асарида Афина иттифоқига аъзо бўлган 150 дан ортиқ шаҳар-давлатларнинг конституциялари қиёсланган ва бу ўша замондаёқ демократия тамойиллари қандай аҳамият касб этганидан далолат беради.

Бизнинг қадимий тарихимизда ҳам бошқарувнинг демократик илдизлари мавжуд бўлганини, халқ ҳаётига дахлдор энг муҳим масалалар қурултой, кенгаш ва машваратлар орқали ҳал этилганини кўриш мумкин.

Бугунги Ўзбекистон – самарали парламентаризм институти фаолият кўрсатаётган мамлакатдир.

Шу билан бирга, ҳаётнинг ўзи биздан ушбу йўналишда ҳам профессионал, тезкор ва самарали давлат хизмати тизимини шакллантириш, янгича фикрлайдиган, ташаббускор, эл-юртга садоқатли кадрларга кенг йўл очиб беришни талаб этмоқда. Чиндан ҳам, ҳуқуқни қўллаш амалиётига таъсир кўрсатмайдиган, ижро механизмларига эга бўлмаган, таъбир жоиз бўлса, “ўлик” қонунлар кимга керак?

Барчамиз бир ҳақиқатни чуқур англаб олишимиз лозим: қонуннинг бирдан-бир манбаи ва муаллифи том маънода халқ бўлиши шарт.

Ҳар бир қонун лойиҳаси юзасидан фикр ва таклифларни қуйидан – фуқаролардан, жойлардаги Халқ депутатлари кенгашларидан олиш тартибини кенг жорий этиш зарур. Қонунларни қабул қилиш жараёнида уларни аҳоли ўртасида ҳар томонлама муҳокама қилиш тизимидан самарали фойдаланишимиз керак.

Олий Мажлис қонунлар муҳокамасига кенг халқ оммасини жалб қилиши, бунинг учун замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиши, жумладан, Интернет тармоғида махсус “майдон”лар яратиши айни муддао бўлур эди.

Олий Мажлис ҳузурида Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институтини парламентнинг истиқболли режа ва дастурларини ишлаб чиқадиган, бу жабҳадаги турли таклифларни таҳлил қиладиган ва зарур тавсиялар берадиган илмий марказга айлантириш лозим, деб ҳисоблайман.

Олий Мажлис қонун ижодкорлиги бўйича, муайян даврга мўлжалланган миллий фаолият дастурини қабул қилиши мақсадга мувофиқдир. Уни ишлаб чиқиш жараёнида мамлакатимизнинг кейинги ривожланиш босқичида қайси қонун ёки қандай ҳужжатларга эҳтиёж кўпроқлигини аниқлаш ва парламентимиз

Ўз фаолиятини ана шуларни эътиборга олган ҳолда режалаштиришини бугунги ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Яна бир муҳим масала – барча соҳаларда вазиятни ҳар томонлама ўрганиш ва мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун таъсирчан чоралар ишлаб чиқишда Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партиялар ролини янада кучайтириш долзарб аҳамиятга эга.

Кучли парламент ва халқ вакиллик органлари – Янги Ўзбекистон давлатининг асосий таянчидир.

Ҳокимият ваколатлари бўлиниши, улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини сақлаш принципларини изчил амалга ошириш, халқ ҳокимиятини, парламентаризмни ҳар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришга қаратилган ислохотлар сифат жиҳатидан янги босқичда давом эттирилади.

Давлат ҳокимияти органлари тизимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ролини янада ошириш билан бирга, унинг таркибий бўлинмалари – палаталар, қўмиталар, комиссия ва кенгашлар функцияларини мақбуллаштириш ва масъулиятини янада кучайтириш зарур.

Парламент сайловларида ғолиб бўлган сиёсий партия ёки уларнинг бирлашмалари томонидан парламентнинг раҳбар органлари ва ҳукумат таркибини шакллантириш амалиётига тўлиқ ўтиш вақти келди, деб ҳисоблаймиз. Бу, ўз навбатида, кўппартиявийликни мустаҳкамлаш, давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ролини ошириш, ҳокимиятнинг вакиллик органлари фаолияти самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Бу жараёнда ҳам рақамлар кетидан қувиш амалиётидан воз кечиш лозим. Қоғозда юзлаб масалаларни ҳал қилгандан кўра, амалда бир нечта аниқ муаммони ҳал қилиб берсак, бундан фойда кўпроқ бўлади. Энг муҳими, ҳаётдаги ўзгаришларни халқимиз билиши, давлат ҳокимияти тизимида ҳақиқатан ҳам ўз вакили

борлигини сезиши керак. Бўлмаса, барча ишларимиз, тадбирларимиз зое кетади.

Кўпгина раҳбарлар аҳоли кутаётган ҳаётий муаммоларни ҳал қилиш ўрнига кераксиз қоғозбозлик ва натижасиз мажлислар ўтказиш билан овора бўлиб қолишаётганини афсус билан қайд этиш жоиз.

Яна бир жиддий камчилик шуки, рақамли технологияларни кенг жорий этиш ҳисобидан ходимлар сонини ва иш жараёнларини оптималлаштириш бўйича етарли чоралар кўрилмаяпти. Шунинг учун бошқарувда бир-бирини такрорлайдиган идоралар, функциялар ва бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича Ҳукумат фаолиятини янада самарали ташкил этиши лозим. Бунда давлат бошқаруви ходимлари сонини янада оптималлаштиришни назарда тутиш зарур.

Ислохотларимиз халқимизнинг кундалик ҳаётида ўз ифодасини топиши, кутган натижаларимизга эришиш кўп жиҳатдан давлат бошқарувидаги самарадорликка бевосита боғлиқ экан, бу борадаги устувор вазифалар қуйидагилардан иборат:

❖ парламентаризмни ҳар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, сиёсий партияларнинг ролини ошириш, халқ ҳокимиятини янада кучайтириш. Менимча, парламент сайловларида ғалаба қозонган партия нафақат Бош вазир номзодини, балки парламент қуйи палатаси Спикери номзодини, Ҳукумат таркибини таклиф этиши, “сайловларнинг пропорционал ёки аралаш тизимига” ўтиш, ҳокимият органларининг ҳисобдорлигини ва очиклигини таъминлаш мақсадида жамоат ва парламент назорати тўғрисидаги қонунларни замон талабларидан келиб чиқиб такомиллаштириш каби ислохотлар тўғрисида ўйлаб кўриш керак;

❖ қонун ижодкорлиги борасидаги фаолият сифатини тубдан ошириш, қонунчилик базасини тизимлаштириш ва қонуности ҳужжатлари сонини кескин қисқартириш, қонун ижодкорлиги-

да “ақлли тартибга солиш” модели элементларини қўллаш зарур. Бизга тўғридан-тўғри ишлайдиган қонунлар керак ва қонуности ҳужжатлари билан умуммажбурий нормалар белгилашни тўхта-тиш зарур;

❖ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш жараёнида кенг жамоатчиликнинг иштирокини таъминлаш ҳамда жамоат ташкилотларининг бу борадаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаб қўйиш мақсадида **“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар-нинг жамоат муҳокамасини ташкил этиш тўғрисида”** ги қонун-ни қабул қилиш лозим;

❖ Халқ депутатлари кенгашлари фаолиятини такомиллашти-риш, уларнинг ваколатларини кенгайтириш, энг муҳими – ҳудуд-ларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, реал даромадлар-нинг барқарор ўсиши, турмуш даражаси ва сифатини ошириш, маҳаллий бюджетни шакллантириш ҳамда назорат қилиш бўйи-ча масъулиятини кучайтириш керак;

❖ шу мақсадда халқ вакиллик органларининг фуқаролар учун очиқлигини таъминлаш, **“Электрон парламент”** ва **“Электрон Халқ кенгаши депутатлари”** каби концепцияларни ҳаётга изчил татбиқ этиш лозим;

❖ бошқарув соҳасида ижро ҳокимияти органлари фаолияти-ни такомиллаштириш, кадрлар, моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича аниқ мезон ва тартибларни жорий этиши-миз даркор;

❖ давлат бошқарувида бир-бирини такрорлайдиган идора-лар, функциялар ва бюрократик тўсиқларни қисқартириш, бунда давлат бошқаруви ходимлари сонини рақамли технологиялар-ни кенг жорий этиш ҳисобидан оптималлаштириш чораларини кўриш зарур.

Айни пайтда бугунги шиддатли замоннинг эҳтиёжлари барқарор бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантириш

ва тадбиркорликни ривожлантириш, ижтимоий соҳалар, жумладан, тиббиёт, таълим ва илм-фан йўналишларидаги бошқарув, ташкилий ва мувофиқлаштириш ишларини такомиллаштириш бўйича ҳам қатор ислоҳотларни амалга оширишни талаб қилмоқда.

Маъмурий ислоҳотларни амалга оширишдан асосий мақсад — ихчам ва профессионал ижро органлари тизимини, замонавий менежментга асосланган бошқарув тизимини яратишдан иборат.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, мамлакат ташқарисида ҳам ўз фуқароларининг ҳуқуқий ҳимоясини кафолатлаши ҳақидаги конституциявий қонданинг ижросини сўзсиз таъминлаши шартлиги ҳам барчамизга аён бўлмоғи зарур.

Афсуски, фақат кейинги йиллардагина чет элларда меҳнат қилаётган фуқароларимиз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласига эътибор берилди бошланди. Аммо бу борада яқин келажакда амалга оширадиган ишларимиз кўплиги ёддан чиқмаслиги лозим.

Бугун ҳаётнинг ўзи биздан давлат хизмати тизимини янада самарали ташкил этиш, ушбу йўналишда ҳам профессионал, тезкор тузилмаларни шакллантиришни талаб қилмоқда. Шу жиҳатдан қараганда, ислоҳотларимиздан кўзланган мақсад-муддаоларни яхши англайдиган, халқимизнинг Янги Ўзбекистон стратегиясини амалга оширишига чин дилдан ёрдам берадиган, ҳалол-поқ кадрларни тарбиялаш вазифаси янада долзарб аҳамият касб этмоқда.

Буларнинг барчаси давлат бошқаруви ва жамият қурилишини такомиллаштириш, унинг самарадорлигини оширишга доир ислоҳотларимизнинг истиқболдаги энг устувор йўналишлари нималардан иборат эканини англаш имконини беради.

Худудий масалаларни ҳал қилиш масъулияти

Ҳаракатлар стратегияси доирасидаги туб ислохотларимиз ва амалий ишларимиз натижасида мамлакатимизнинг барча худудлари қиёфаси тубдан ўзгаргани, кўплаб замонавий корхоналар, магистрал йўл ва кўприклар, шинам уй-жойлар, илм-фан, маданият, санъат ва спорт масканлари барпо этилгани, ўнлаб боғча ва мактаблар, олийгоҳлар ва уларнинг филиаллари ташкил этилгани, шаҳар, қишлоқ ва маҳаллалар тобора обод бўлиб, одамларнинг ҳаёт даражаси ўсиб бораётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Айни пайтда олдимизда турган вазифалар салмоғи амалга оширган ишларимиз кўлаמידан кўра кўпроқ эканини ҳам ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Барчамизга аёнки, ислохот – бу янгиланиш ва ўзгариш, ишларнинг натижадорлиги учун масъулиятни янада теранроқ ҳис қилиш дегани. Ислохотлар ижобий натижа бериши учун, аввало, бошқарув тизими, раҳбарларимиз ва одамларимиз ўзгариши керак. Инсоннинг дунёқараши ўзгарса, жамият ўзгаради, янгиланади ва шу аснода Янги Ўзбекистон пойдевори мустаҳкамланади.

Бу мақсадга эришиш учун, биринчи навбатда, барча даражадаги раҳбарлар ва халқ депутатлари, ҳамма етакчилар ўз фаолиятини танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик асосида ташкил этишларини бугун ҳаётнинг ўзи кун тартибига кескин қилиб қўймоқда.

Афсуски, ҳалигача ҳам кўпгина вазирлик ва идоралар фаолиятида қарорлар қабул қилиш ҳаддан ташқари марказлашган ҳолда қолмоқда. Баъзиларининг вазифалари аниқ ва тўлиқ бажарилмаслиги, амалий фаолиятда бир-бирини такрорлаш ҳолатлари мавжуд.

Кўпчилик идоралар, айниқса, ўрта бўғин раҳбарлари бирор-бир зарур масалани ҳал қилиш учун фаоллик ва ташаббус кўрсата олмайди. Бу эса, ўз навбатида, давлат бошқарувини марказлаштириш амалиётидан воз кечиш зарурлиги, кўпгина ваколатларни марказий давлат органларидан ҳудудий органларга ўтказиш жараёнини давом эттириш кераклигини англатади.

Шу туфайли жойларда – туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликларида инвестицияларни фаол жалб этиш бўйича ҳоким ўринбосарлари лавозими жорий этилгани бежиз эмас.

Ҳудудий бошқарув органларининг бюджет маблағларини шакллантириш, қўшимча захираларни яратиш бўйича солиқ, молия ва иқтисодиёт соҳалари органларининг масъулиятини ошириш юзасидан қарор қабул қилинди.

Бюджет тизимини ислоҳ қилиш соҳасида маҳаллий ҳокимият органлари ваколатлари янада кенгайтирилди. Энди ҳар бир ҳудуд раҳбари берилган имкониятлардан фойдаланиб, масъулиятни тўла ўз зиммасига олиши, “ўз аравасини ўзи тортиши” керак.

Шу муносабат билан депутат ва сенаторларни ўзлари сайланган ҳудуддаги муаммолар, тегишли вазирлик ва ҳокимликлар томонидан қай даражада ҳал этилаётганини доимий ўрганиб, назорат қилиб боришга чақираман.

Ҳозирги вақтда қуйи бўғинда ижро этувчи идоралар ишини ташкил этиш, кичик тадбиркорликни ривожлантириш, ишсизликни камайтириш ва камбағалликни қисқартириш учун тумандаги маҳаллаларга бириктириладиган ҳоким ёрдамчилари лавозимлари жорий этилади. Шу мақсадда ҳоким ёрдамчилари лавозимига би-

лимли ва ишбилармон, янгиликларни жорий этишдан кўрқмайдиган, ғайрат-шижоати баланд ёшлар танлаб олинмоқда.

Ҳоким ёрдамчилари, биринчи навбатда, банклар билан бирга, аҳолига оилавий тадбиркорлик лойиҳаларини ишлаб чиқиш, кредит олиш ва ишга тушириш, маҳалладаги томорқа ва бўш ерлардан самарали фойдаланиш, ер, кредит, инфратузилма, касбга ўқитиш ва бошқа зарурий ёрдам кўрсатиш бўйича кўмаклашади. Уларнинг ўз “бюджети” бўлиб, уларга эҳтиёжманд оилаларга субсидиялар ажратиш, жамоат ишларига жалб қилиш, ёшларни касбга ўқитишни ташкил этиш ҳуқуқлари берилади. Ёшларни ҳоким ёрдамчиси лавозимига қўйишдан олдин, улар янги тизим асосида ишлашга ўқитилади, 2-3 йил маҳаллада ишлаб, ўзини кўрсатганлар келгусида янада масъулиятли раҳбарлик лавозимларига қўйилади.

Бошқарув идораларининг ҳудудий масалаларни ҳал қилишдаги масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш мақсадида келгусида ҳар бир вазирлик ўз ишини туман, шаҳар, қишлоқ ва маҳалла кесимида режалаштиради ва ташкил этади. Вазирлар ва уларнинг ўринбосарлари фаолиятига жойларда амалда қандай ўзгариш бўлганига қараб баҳо берилади.

Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар, ўзларининг қуйи тизим раҳбарлари ва ходимларини янгича талаблар ва замонавий ахборот технологиялари асосида самарали ишлашга ўргатиш ва малакасини мунтазам ошириб бориш учун масъул этиб белгиланади.

Давлат бошқарув органлари ва Вазирлар Маҳкамаси ўртасида ўзаро ҳамкорликда иш олиб бориш бўйича принцип ва механизмларни қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Ҳар бир вазирлик ўзига ишониб топширилган соҳада давлат сиёсатини амалга оширишни таъминлаши ва якуний натижа учун тўлиқ жавобгар бўлиши шарт.

Вазирликлар билан тенг мақомда фаолият олиб бораётган, ҳукумат ва парламент билан бевосита ҳамкорлик қилаётган агентликлар, кўмита, инспекция ва марказларни тегишли вазирликларга бўйсундириш талаб этилади.

Шуни назарда тутган ҳолда, ҳукуматнинг вазифа ва таркибий тузилмасини яна бир бор танқидий қайта кўриб чиқиш ва оптималлаштириш лозим. Бундай ўзгаришлар давлат ва хўжалик иши соҳасида деярли бир хил вазифаларни бажараётган юздан ортиқ бошқарув органлари сонини тубдан қисқартириш имконини беради.

Бу йўналишдаги муҳим ўзгаришлардан бири – ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий масалаларга масъул бўлган раҳбарларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича ваколатларни туман ва шаҳар ҳокимларига тўлиқ ўтказишдан иборат бўлди. Тиббиёт бирлашмаси, халқ таълими, иқтисодиёт, молия бўлимлари, солиқ инспекцияси ва бошқа тузилмалар раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва озод этиш туман ҳокими томонидан амалга оширилиши кутилган самарани бериши мумкин. Жойларда кадрларни танлаш, тайинлаш ва лавозимдан озод этиш билан боғлиқ ваколатлар қайта кўриб чиқилди. Айни пайтда маҳаллий раҳбарларга бундай кенг ваколат ва мустақиллик бериш билан бирга, якуний натижа учун уларнинг жавобгарлигини тубдан оширишимиз зарур.

Яна бир муҳим вазифа – ҳокимларнинг ижро ва вакиллик ҳокимияти раҳбари сифатидаги ваколатларини алоҳида-алоҳида ажратиб қўйиш билан боғлиқ. Кейинги пайтда юртимизда Халқ депутатлари кенгашларининг роли халқ ноибларининг ваколатлари тубдан оширилди. Сиёсий партияларнинг маҳаллий ҳокимият идораларини шакллантириш борасидаги ваколатлари босқичма-босқич кенгайтирилди, депутатлик назорати эса мустаҳкамланди.

Бирок, очик тан олишимиз лозим, ҳокимларнинг ҳам маҳаллий кенгашларга, ҳам ижро ҳокимиятига раҳбарлик қилиши энг ривожланган давлатларга хос демократик принципларга мос келади, деб бўлмайди. Ҳаммага маълум, ҳокимлар ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан маҳаллий кенгашларга ҳисоботлар тақдим этади. Кенгашлар эса ўз ўрнида тегишли қарорлар қабул қилади.

Шу ўринда савол туғилиши мумкин: ҳокимнинг ҳисоботини ўзи раҳбарлик қилиб келаётган маҳаллий кенгашга тақдим этиши ва тасдиқлатиши, ўз фаолиятига ўзи баҳо бериши тўғрими? Бу тизим ҳокимлар ва маҳаллий кенгашларнинг ўз вазифаларини самарали бажаришига салбий таъсир этаётганини замоннинг ўзи кўрсатмоқда.

Биз келгусида бу масала бўйича қонунга асосланган тўғри ечим топамиз. Ҳокимларнинг ҳудудларни ривожлантириш, маҳаллий бюджетни ижро этиш, коммунал муаммоларни ҳал қилиш каби долзарб масалалар бўйича фаолияти устидан халқимиз ўз вакиллари орқали тегишли назоратни амалга оширишига имконият яратиб бериш лозим. Яъни ҳокимликлар ва маҳаллий кенгашлар учун алоҳида тизимларни шакллантириш, ҳокимларнинг ҳисобдорлигини белгилаб қўйиш бизнинг бу соҳадаги энг муҳим вазифамиз бўлиб қолиши зарур. Бугунги шароитда айнан очиклик ва ҳисоб бериш масъулияти давлат аппаратини самарали шакллантиришнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Ҳудудларни ривожлантиришга оид масалаларни ҳал этишда аксарият ҳокимларда масъулиятни ўз зиммасига олиб, мустақил қарор қабул қилиш ва ташаббускорлик етишмаяпти. Шунинг учун, ўйлайманки, маҳаллий ҳокимият органларининг ваколат ва масъулиятини қайта кўриб чиқишимиз, уларнинг мустақиллигини янада оширишимиз лозим.

Маълумки, 2018 йилда Тошкент шаҳрида эксперимент тариқасида давлат бошқарувининг янги тартиби жорий этилиб, шаҳар ҳокими ва туман ҳокимларига молия, иқтисодиёт, инвестиция, қурилиш, уй-жой ва коммунал хизмат соҳалари раҳбарларини тайинлаш ваколати берилди.

Тошкент – жонажон Ватанимизнинг пойтахти, барча ислохотларимиз бошланадиган, бу борада бошқа ҳудудларга ўрнак бўладиган марказ. Шундай экан, “Тошкент шаҳрининг пойтахтлик мақоми тўғрисида” қонун бўлиши ва у тез орада ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилиши зарур.

Яна бир масала – туман, шаҳар ва маҳалла бошқарувида самарадорликни ошириш учун ходимлар сони ва маошини ҳудуднинг ўзига хослиги ва иш ҳажмидан келиб чиқиб белгилаш мақсадга мувофиқлигини бугунги амалиёт яққол кўрсатиб турибди. Ваҳоланки, бизда кўпгина туманларда бошқарув ходимлари сони ва миқдори бир-биридан кескин фарқ қилса-да, лекин уларнинг иш ҳақи деярли бир хил.

Интернет тармоғи воситасида парламент ва депутат сўровини шакллантириш амалиётининг йўлга қўйилиши ҳам кейинги йилларнинг янгилигидир. Бу орқали биз аҳолини қийнаётган масалаларнинг парламентда кўриб чиқилишига эришамиз.

Бугунги кунга келиб, одамларни ташвишга солаётган кундалик муаммоларни ҳал этиш мақсадида депутатлар ҳар ойнинг охирги ҳафтасида ўз сайлов округида бўлишига доир тартиб йўлга қўйилди. Албатта, бу ишларни тизимли равишда давом эттириш керак.

Тараққиёт стратегиямизда назарда тутилаётган мазкур соҳадаги устувор вазифалар қуйидагилардан иборат:

❖ замонавий менежмент усулларини ва корпоратив бошқарув тамойилларини жорий этиш, аутсорсинг дастурларини амалга ошириш бўйича ишларни янада кенгроқ давом эттириш

лозим. Бунда биз давлат хизматига замонавий фикрлайдиган, янгича тафаккурга эга, бошқарувнинг инновацион, янада мослашувчан моделларини, жумладан, лойиҳа моделини (Agile, Scrum, Kanban, PRINCE2 ва бошқалар) ишлаб чиқиш ва жорий этишга лаёқатли етук мутахассислар, сиёсий партиялар, хусусий сектор вакилларини, кучли хорижий экспертларни жалб қилишни кўзда тутувчи янги кадрлар сиёсатини амалга ошириш зарурлигини назарда тутмоқдамиз;

❖ барча давлат хизматларини BPR (Business process reengineering – Бизнес жараёнларини қайта ташкил этиш) тизими асосида соддалаштириш, давлат хизматларини кўрсатишда замонавий ахборот тизимларини кенг жорий этиш;

❖ давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятини, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, инвестицияларни жалб этиш, бюджет маблағлари тасарруф қилинишининг шаффофлиги, давлат мулкидан фойдаланишнинг самарадорлиги ва аниқ мақсадга йўналтирилгани каби муҳим кўрсаткичлар асосида баҳолаш;

❖ иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсирларни қисқартириш ва бозор механизмларидан кенг фойдаланиш, яъни давлат иштирокидаги бизнес тузилмаларини ташкил этишни чеклаш, бу борада бозорга хос механизмларни ишлаб чиқиш, давлатнинг айрим функцияларини хусусий секторга ўтказиш;

❖ ҳокимиятнинг вакиллик органлари ва ижро ҳокимияти идоралари ўртасида яқин ҳамкорликни таъминлайдиган усул ва услубларни такомиллаштириб, ўта марказлашган бошқарувдан босқичма-босқич воз кечиш, давлат хизматларини бевосита қуйи бўғинларда кўрсатиш, маҳаллий ҳокимият идоралари учун молиявий ва бошқа имкониятларни янада кенгайтириш;

❖ давлат бошқаруви тизимининг ҳудудлар ва соҳалар бўйича самарали ва сифатли фаолият юритиши борасида мавжуд тар-

тиб-таомилларни оптималлаштириш ва соддалаштириш, бошқарувнинг инновацион шакллари жорий этиш лозим.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларининг маҳаллий ҳокимликлардан ҳақиқий мустақил бўлишини таъминлаш, улардаги сиёсий партиялар гуруҳлари ролини янада кучайтириш ва ваколатларини кенгайтириш масалаларига устувор аҳамият берилади. Шу муносабат билан “Халқ депутатлари кенгашлари тўғрисида” ва “Ҳокимнинг мақоми тўғрисида”ги қонунларни қабул қилиш зарур.

Буларнинг барчаси самарали ва замонавий давлат бошқаруви тизимининг шаклланиши ва такомиллашуви учун мустаҳкам замин яратишга хизмат қилади.

Асосий мақсадимиз – Ўзбекистоннинг дунёдаги давлат бошқаруви сифати юқори бўлган, ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилган 30 та давлати қаторига киришини таъминлашдан иборат.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси ижро этувчи ҳокимиятни том маънода халққа хизмат қилувчи органга айлантиришни назарда тутди.

Ижроия ҳокимияти тизимини янада мақбуллаштириш, унинг салоҳияти ва имкониятларини оширишга қаратилган маъмурий ислохотларни изчил давом эттирамиз. Шунингдек, вазирликлар, қўмиталар ва агентликларнинг давлат бошқарув органлари тизимидаги ўрни, мақоми, ваколатлари, ҳуқуқи ва мажбуриятларини аниқ белгилашга қаратилган қонун ҳужжатларини қабул қиламиз.

Янги Ўзбекистонга халқимизнинг орзу-интилишларини тегран англайдиган, унга садоқат билан хизмат қилишни муқаддас бурч, деб биладиган, билимдон ва қатъиятли раҳбарлар зарур. Давлат хизматига юксак интеллектуал салоҳият ва янгича тафаккурга эга, мустақил фикрловчи, ватанпарвар ва ўз халқига содик,

замонавий билим ва кўникмаларни ўзлаштирган, юқори малакали мутахассисларни жалб қилишга қаратилган кадрлар сиёсатини давом эттирамиз.

Давлат хизматига очик танлов асосида ишга қабул қилиш ҳамда ходимларнинг касбга оид сифатлари ва алоҳида хизматлари асосида хизмат поғоналаридан кўтарилиши, давлат хизматчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича шаффоф механизмлар жорий этилади ҳамда уларнинг аниқ вазифалари белгиланади. Менежментнинг замонавий усуллари ва корпоратив бошқарув тамойиллари жорий этилиб, аутсорсинг дастурлари амалга оширилади.

Бизнинг мазкур масаладаги қатъий позициямиз шундан иборатки, давлат хизмати ҳақиқий профессионаллар мактаби бўлиб, бу тизимда ўз касбининг чинакам усталари ишлаши шарт.

Янги Ўзбекистонда бошқарув тизимининг ҳудудлар ва соҳалар бўйича самарали ва сифатли фаолият юритиши – жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлашнинг асосий шарти ва гаровидир.



Эркин ва очик фуқаролик жамияти

Бугунги кунда мамлакатимизни ривожлантириш ва Янги Ўзбекистонни барпо этиш стратегиясини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш жараёни жадал бормокда.

Бу жиҳатдан нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш – самарали бошқарувни амалга оширишдаги устувор йўналишлардан биридир.

Мамлакатнинг ҳар томонлама гуллаб-яшнашига фақат кучли ва адолатли фуқаролик жамияти шароитида эришиш мумкин. Бунда барча қарорларни қабул қилишда фуқаролар ва уларнинг бирлашмалари фикрлари инобатга олиниши зарурлиги назарда тутилади.

Айни пайтда ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назорати институтларининг изчил кучайтирилиши, бошқарув функцияларининг аксариятини халқнинг ўзига, жамоат бирлашмаларига, ўзини ўзи бошқариш органларига, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига бериш мақсадга мувофиқ.

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича устувор йўналишлар қуйидагилардан иборат:

- ❖ давлатнинг ва фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатни янада жадал ва ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини бирлаштирувчи замонавий, де-

мократик ҳамда очик-ошкора майдон сифатида уларнинг юқори даражадаги тизимли ва самарали мулоқотини йўлга қўйиш;

❖ ўрта ва узок муддатли истиқболда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини аниқлаш ва миллий моделини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

❖ фуқаролик жамиятини ва кенг жамоатчиликни ташвишлантираётган долзарб масалаларни муҳокама қилиш, шунингдек, мазкур секторнинг ҳолати ва ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш;

❖ давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлигининг замонавий механизмларини, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чораларини жорий қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

❖ илмий ва экспертлар гуруҳлари иштирокида фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни ташкил этиш юзасидан ташаббус кўрсатиш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги давлат сиёсати ва унинг амалий натижалари ҳақидаги жамоатчилик фикрини тизимли равишда ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлил қилишни ташкил этиш;

❖ фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини такомиллаштириш, ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш, мазкур институтларнинг жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш учун қулай шароитлар яратиш;

❖ фуқаролик жамиятининг ривожланишини, фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ҳамкорлиги даражасини, шунингдек, уларнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қўшаётган ҳиссасини баҳоловчи кўрсаткичларни ишлаб чиқиш, бу кўрсаткичлар асосида даврий ва

махсус, жумладан, муқобил маърузалар тайёрланишини ташкил этиш;

❖ фуқаролик жамияти институтларига уларнинг халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришда, илғор халқаро тажрибани ўрганишда ва ушбу тажрибани Ўзбекистон шароитида жорий этишда кўмаклашиш.

Ушбу соҳадаги ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш ҳамда мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг яқин ва ўрта муддатли истиқболлари ва босқичлари, устувор йўналишлари, вазифаларини ўзимизга аниқ белгилаб олишимиз лозим.

Бундан мақсад – мамлакатимизда эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, аҳолининг сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онгини оширишдан иборатдир.

Давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида ижтимоий шериклик муносабатларини ҳамда долзарб масалаларни ҳал этишда уларнинг ҳамкорлигини кучайтириш, барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташаббускорлиги ва фаоллигини таъминлаш ҳам шу мақсадга хизмат қилади.

Барчамизга маълумки, ислохотларимиз натижалари, бўлаётган ўзгаришлар ва аҳолининг кайфияти, аввало, маҳаллада сезилади. Шу маънода, **“Маҳалла – жамиятимизнинг ёруғ юзи ва виждони кўзгуси”**, десак, тўғри бўлади. Шунинг учун барча даражадаги раҳбарлар пастга тушиб, ўз соҳаси бўйича маҳаллалардаги муаммоларни ўрганиши ва уларга ечим топиши, натижани таъминлаши шарт.

Маҳалладаги ишларнинг аҳволи вазирлик, идора ва ҳокимликлар фаолиятини баҳолашда бош мезон бўлади.

Шунингдек, маҳалланинг нуфузини, унинг ресурс ва имкониятларини кўпайтириш, ходимларининг моддий таъминотини яхшилаш бўйича дастурни самарали амалга ошириш зарур.

Маҳалла раиси ва унинг ўринбосарлари ваколатларини кенгайтириб, уларга аҳоли муаммоларини бевосита ҳал қилиш борасида янада кўпроқ имкониятлар яратишимиз керак. Бунда маҳалла раисига маҳаллий кенгаш мажлисида кўрилиши мажбурий бўлган масалаларни киритиш ҳуқуқини бериш лозим. Бу орқали муаммоларни тезкор ҳал қилишга эришиш имконияти яратилади.

Маҳаллада ишлаётган малакали ва ташаббускор кадрларни давлат идоралари раҳбарлик лавозимларига тавсия этиш тизими йўлга қўйилаётгани ҳам бежиз эмас.

Қонунчилик палатаси ва Сенатга, Вазирлар Маҳкамаси билан бирга маҳаллий ижро ва вакиллик органлари ҳамда маҳалла институтини фаолиятини тубдан такомиллаштиришга оид янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш тавсия этилади. Ушбу ҳужжатларда ҳокимлар, уларнинг ўринбосарлари ва маслаҳатчиларининг ваколат чегараси, вазифа ва функциялари аниқ белгиланиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Соҳага оид миллий қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг чуқур таҳлили ва илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида қуйидаги вазифаларни бажариш лозим:

❖ халқаро амалиётда кенг тарқалган жамоатчилик назоратининг самарали ва таъсирчан шаклларини жорий этиш, уларни амалга ошириш механизмларини қонунда батафсил белгилаб қўйиш мақсадида “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунни қайта кўриб чиқиш;

❖ мамлакатимизда фуқаролик жамияти ривожини, жамоат ташкилотларининг давлат органлари ва идоралари билан ўзаро ҳамкорлик даражасини, шунингдек, уларнинг жамиятни соци-

ал-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан ривожлантиришга қўшаётган ҳиссасини баҳолаш индикаторларини ишлаб чиқиш ҳамда келгуси беш йилликда фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш концепциясини қабул қилиш;

❖ жамиятда адолатни таъминлаш тамойилини амалга оширадиган фуқаролик институтларининг кенг тармоғини шакллантириш мақсадида давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги бўйича ўта муҳим ижтимоий-иқтисодий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

❖ ушбу йўналишда ҳам янги инновацион ёндашувларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш чораларини кўриш лозим. Бизнинг устувор вазифамиз – фуқаролик жамияти институтларининг аҳолининг ҳаётий муҳим муаммоларини ҳал қилиш, мулкдорлар синфи манфаатларини ҳимоялаш соҳасидаги фаолиятини самарали ташкил этиш;

❖ ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини ҳар томонлама яхшилаш – тўғридан-тўғри демократияни амалга оширишнинг асосий йўли эканини эътиборга олган ҳолда, жамоат бошқарувида маҳалла фаолиятининг аҳамияти ва самарадорлигини ошириш, уни халққа амалий ёрдам кўрсатувчи мустақил, кучли ва таъсирчан фуқаролик институтига айлантириш зарур.

Фуқаролик жамияти институтларининг эркин фаолият юртиши, давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини янада такомиллаштириш мақсадида **Нодавлат нотижорат ташкилотлари кодексини қабул қилиш, Жамоатчилик палатасини тузиш ишларини жадаллаштириш лозим.**



Ижтимоий масъулиятли оммавий ахборот воситалари

Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган ислохотлар жараёнида оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳам туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Эл-юртимиз, жамоатчилигимиз матбуот нашрлари, телерадиоканаллар, нашриёт ва матбаа корхоналари, Интернет сайтлари, ахборот хизматларида ўз вазифасини сидқидилдан адо этаётган заҳматкаш журналист ва блогерлар, ношир ва муҳаррирлар, таржимон ва рассомлар, режиссёр ва операторлар, барча техник ходимларнинг машаққатли меҳнاتини яхши билади ва юксак қадрлайди.

Доимо янгилик излаб, янгиликка интилиб яшайдиган, жамиятда юз бераётган муҳим ўзгаришлар, устувор ғоя ва ташаббусларнинг маъно-моҳиятини одамларга тезкорлик ва холислик билан етказадиган, ҳаётнинг қайноқ нуқталарига дадил кириб борадиган матбуот ходимлари мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Ошкоралик ва сўз эркинлиги – давр талаби, бугун Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларнинг талаби.

Бугунги кунда оммавий ахборот воситалари том маънода “тўртинчи ҳокимият”га айланиб бормоқда. Аччиқ гап ва танқидий материаллар жойлардаги кўплаб амалдорларга ёқмаслиги, уларнинг тинчини ва ҳаловатини бузаётгани ҳам бор гап.

Холис ва адолатли журналист ва блогерларнинг танқидий чиқишлари эскича қолипда ишлайдиган раҳбарларнинг фаолия-

тидаги хато-камчиликларни кўрсатиб, уларни иш услубини ўзгартириш ва масъулиятини оширишга мажбур қилмоқда.

Бундан буён ҳар бир давлат органи ўз кундалик фаолиятида оммавий ахборот воситалари билан яқин мулоқот ва ҳамкорликни йўлга қўйиши зарурлигини янада теранроқ англаб олиши шарт.

Бу борадаги мавжуд қонунчиликни либераллаштириш йўлида ташланган дадил қадамларимизнинг далили сифатида яқинда Жиноят кодексининг оммавий ахборот воситалари орқали тўхмат ва ҳақорат қилиш каби моддалари бўйича озодликдан маҳрум қилиш шаклидаги жазо чоралари бекор қилинганини мисол сифатида келтириш мумкин.

Бундан кейин ҳам сўз эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама ривожлантириш, журналист ва блогерларнинг эркин фаолият юритиши учун ҳуқуқий асослар янада кучайтирилади.

Оммавий ахборот воситаларида, расмий веб-сайтларда, ижтимоий тармоқларда парламент палаталари мажлисларини, ҳар бир тадбир ҳақидаги ахборотларни кенг ва тизимли ёритишни кучайтириш керак. Бундай амалиёт парламент фаолиятида нафақат очиқликни таъминлаш, балки барча давлат идоралари масъулиятини ошириш учун ҳам хизмат қилади.

Барча даражадаги бошқарув идоралари раҳбарларининг оммавий ахборот воситалари вакиллари, журналистлар билан мунтазам учрашиб, жамият ҳаётига дахлдор муҳим масалаларни эркин мулоқот асосида кенг муҳокама этишини доимий амалиётга айлантириш зарур.

Биз бундай ёндашувни Ўзбекистонда олиб борилаётган очиқлик, ошкоралик ва демократик сиёсатнинг энг муҳим йўналишларидан бири деб биламиз ҳамда миллий манфаатларимизга жавоб берадиган бу йўлни қатъий давом эттирамиз.

Шу сабабли оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсири, фаолият самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш, уларнинг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, соҳа ходимларининг меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантириш биз учун ҳамisha устувор вазифа бўлиб қолади.

Мамлакатимиздаги барча сиёсий-ижтимоий институтлар каби Ўзбекистон журналистикаси ҳам ҳозирги рақамли технологиялар даврида янги шаклланиш жараёнини бошидан кечирмоқда.

Мазкур соҳада йиллар давомида эришилган энг яхши ютуқ ва анъаналарни сақлаб қолиш, холислик ва ҳаққонийлик принципларига, қонун талабларига қатъий риоя қилиш, фуқаронинг шаъни ва ғурури, унинг ўз мустақил фикрига эга бўлиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш, юксак профессионализм журналистлар учун доимо асосий фаолият мезонига айланиши лозим.

Ўтиш даври билан боғлиқ сабаблар туфайли бугунги кунда бир қатор босма нашрларнинг молиявий аҳволи мураккаб бўлиб қолаётгани ҳаммамизга яхши маълум.

Мазкур муаммоларни тизимли ҳал этиш мақсадида босма оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлашга оид амалий чора-тадбирлар билан бирга, соҳага бозор иқтисодиёти механизмларини тўлиқ жорий этиш, мазкур нашрларнинг мазмуни ва жозибадорлигини янада ошириш, уларнинг ахборот майдонида рақобатбардош бўлиши учун мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Айни вақтда соҳанинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва журналистларнинг касбий фаолиятини ҳимоя қилиш, давлат ва жамият ўртасидаги мулоқотни мустаҳкамлаш, кучли жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш ҳам олдимизда турган муҳим вазифадир.

Мамлакатимизда демократик янгиланиш жараёнларини янада чуқурлаштириш, оммавий ахборот воситалари фаолияти самарадорлигини ошириш йўлида давлатимиз ва жамиятимиз томонидан соҳани қўллаб-қувватлаш, бу соҳа вакилларининг машаққатли меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантиришга бундан буён ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Ахборот ва матбуот эркинлиги, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши, давлат идоралари фаолиятининг очиклиги ва ошкоралиги – Янги Ўзбекистоннинг сифат кўрсаткичларидан бирига айланиши учун барча зарур чора-тадбирларни амалга оширамиз.

Ахборотлашган жамиятнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида яхлит **Ахборот кодекси** қабул қилинади, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга давлат органлари ва ташкилотларининг мансабдор шахслари томонидан оммавий ахборот воситалари ижодий фаолиятига тўсқинлик қилиш, цензура ўрнатиш, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашиш, таҳририят ходимларига босим ва тазйиқ ўтказиш каби ҳаракатлар содир этилгани учун жавобгарликни назарда тутадиган моддалар киритилади.

Ахборот соҳасида ҳам амалий натижа бўлиши асосий мезонга айланмоқда. Бу борада кейинги йиллар барчамиз учун алоҳида синов ва масъулият босқичи бўлди. Энди кечаги ютуқ ва марралар бизни сира қониқтирмайди. Бу талаб мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари учун ҳам тааллуқлидир.

Бу йўналишдаги ислохотлардан энг асосий мақсадимиз – Ўзбекистоннинг сўз ва матбуот эркинлиги қонуний асосда таъминланган, ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилган демократик мамлакатлар қаторидан ўрин олишини таъминлашдир.



**Бизнинг қатъий позициямиз халқпарвар давлат бар-
по этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш,
қонун устуворлигига эришиш ва эркин фуқаролик жа-
миятини янада ривожлантиришдан иборатдир.**



**ИККИНЧИ БЎЛИМ. АДОЛАТ ВА ҚОНУН
УСТУВОРЛИГИ – ХАЛҚПАРВАР ДАВЛАТ
ПОЙДЕВОРИ**

Мустақил ва одил суд тизими

Қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти

**Конституциявий ислоҳотлар – Янги Ўзбекистонни
барпо этиш йўлидаги объектив зарурат**

Одил судлов, инсон кадр-қиммати ва ҳуқуқлари олий қадрият сифатида суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларимизнинг асосий мақсади ва маъно-мазмуни бўлиб қолади.

Шу мақсадда ушбу соҳани такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, юртдошларимиз учун одил судловдан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтиришга қаратилган демократик ўзгаришларни изчил давом эттирамиз.



Мустақил ва одил суд тизими

Буюк Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг Шаҳрисабздаги Оқсарой пештоқига ёздириб кетган “Адолат – давлатнинг асоси ва ҳукмдор шиоридир”, деган ҳикматли сўзлари ҳаммамизга маълум. Уларда акс этган улугвор ғоялар бугунги кунда инсон кадр-қимматини олий даражага кўтариш борасидаги амалий ҳаракатларимиз пойдевориغا айланмоқда.

Жамиятимизда “Қонун – устувор, жазо – муқаррар” деган муҳим принципни таъминлаш, суд, прокуратура, ички ишлар органлари, адвокатура тизими фаолиятини такомиллаштириш, уларни том маънода инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоячисига айлантириш бўйича салмоқли ишлар қилинмоқда.

Ана шундай ўзгаришлар туфайли жамият ҳаётида қонун-қоида, тартиб-интизом одамларнинг ҳақли талаблари билан ҳисоблашиш каби энг муҳим тамойиллар тобора чуқур ўрин эгалламоқда.

Суд оstonасига қадам қўйган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат ҳукм сураётганига тўла ишонч ҳосил қилиши керак. Акс ҳолда, буюк немис файласуфи Иммануил Кант айтганидек, “Адолат йўқолган пайтда ҳаётнинг қадрини белгилайдиган бошқа ҳеч нарса қолмайди”. Бу ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур. Судьялар қонунларнинг толмас ҳимоячилари, адолатнинг мустаҳкам устунлари бўлиши лозим.

Инсонни фақат жазолаш билан, фақат репрессив усуллар билан тарбиялаб бўлмайди. Буни ҳаётнинг ўзи кўп бор исботлаган.

Инсонни тарбиялаш учун бутун жамият ҳаракат қилиши, авваламбор, жиноий ҳолатларни туғдирадиган сабаб ва омилларни ҳаётимиздан бартараф этишимиз керак.

Келгусида суд тизимини янада такомиллаштириш ва мустақамлаш, адолатли судловдан фойдаланиш имкониятини оширишга қаратилган қуйидаги вазифаларни бажариш зарур:

❖ аввало, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлиги борасидаги конституциявий тамойилни ҳаётга изчил татбиқ этиш, судлар фаолиятида халқаро ҳуқуқ ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидаги тамойиллар ва нормаларнинг кенгроқ қўлланишига эришиш;

❖ хусусий мулк дахлсизлигини, тадбиркорлик ва тадбиркорларни ишончли ҳимоялашни таъминлашда судларнинг ролини кучайтириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг кўчмас мулкларини бузиш, давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкалари ва хусусий мулк объектларини олиб қўйиш ҳамда тадбиркорлик субъектларига берилган лицензияларни бекор қилиш бўйича қарорларнинг фақат суд томонидан қабул қилинишига эришиш;

❖ тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги оқибатида кўрган зарарлари борасидаги даъво муддатларини бекор қилиш ва муддатсиз эканлигини кафолатлаш мақсадида “Судлар тўғрисида” кодекс қабул қилиш;

❖ “Хабеас корпус” институтининг қўлланиш соҳасини янада кенгайтириш, суд мустақиллигини таъминлаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ваколатларини оптималлаштириш;

❖ прокурорларнинг мақоми, уларнинг мустақиллигини таъминлаш масалалари; кадрларни танлаш ва хизмат поғоналаридан кўтарилишнинг ҳолис мезонларини қонунда аниқ белгилашга эришиш, ҳокимиятлар бўлининининг конституциявий тамойи-

лидан келиб чиқиб, бу борадаги услуб ва мезонларни такомиллаштириш;

❖ вилоятлар миқёсидаги судларни оптималлаштириш, бирлаштириш, ягона суд раиси бўйсунувига ўтказиш. Хусусан, маъмурий судлар томонидан оммавий, моддий ҳуқуққа оид ишлар ҳам амалда кўриб чиқиладиганини инобатга олиб, уларнинг мақомини янада оширишга қаратилган ишларни давом эттириш;

❖ суд буйруғи институтини такомиллаштириш, унинг айрим турлари ўрнига судгача ҳал этиш механизмларини жорий этиш ҳамда боқиманда қарздорликни суд орқали ундириш масаласи ва механизмларини такомиллаштириш;

❖ суд тергови институтини такомиллаштириш, судьялар ваколатлари ва мақомини янги талаблар даражасига олиб чиқиш, уларнинг қарор ва ҳулосаларига нисбатан номзодларнинг шикоят қилиш ҳуқуқини янада ошириш.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида ушбу соҳадаги энг устувор вазифамиз - Ўзбекистоннинг дунёдаги “қонун устуворлиги индекси” юқори даражада бўлган давлатлар қаторига киришини таъминлаш ва аҳолининг адолатли судловга ишончини оширишдан иборат.

Бундан кейин ҳам ана шу мақсадда биз инсоннинг фундаментал ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоялаш, хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий судлов ҳолатини тубдан яхшилаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратамиз.

Биз одамларда судга бўлган ишонч ва ҳурматни қайтарамиз. Биз учун суд фаолияти ва мустақиллигининг энг муҳим мезони - фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ҳимояланганлиги, адолатли судлов таъминланганлиги, яқуний ва барқарор суд

қарорларининг қабул қилинганлигидир. Судьялар кенгашлари фаолиятининг универсал принципларини ишлаб чиқишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.

Судлар фаолияти очиқлиги ва ошкоралигининг кучайтирилиши, “Электрон ва рақамли суд” концепциясининг амалга оширилиши, судлар томонидан ўз фаолияти ҳақидаги ҳисоботни Халқ депутатлари кенгашларига тақдим этилиши, маҳалла, корхона ва ташкилотларда сайёр суд йиғилишлари ўтказилиши - адолатли суднинг гарови бўлишига эришишимиз лозим.

Ушбу соҳада қуйидаги йўналишларга фаолиятимизда муҳим эътибор қаратилади:

❖ мансабдор шахсларнинг қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқиш тизимини такомиллаштириш доирасида маъмурий судларнинг ваколатларини кенгайтиришга алоҳида урғу бериш;

❖ уларга давлат органлари томонидан етказилган зарарни қоплаш ва бошқа ҳуқуқий оқибатларга оид масалаларни ҳал қилиш ваколатларини бериш;

❖ қарор ноқонуний эмаслигини маъмурий судда исботлаш мажбуриятини уни қабул қилган мансабдор шахснинг ўзига юклатиб, маъмурий суд қарорини бажармаган тақдирда уларга нисбатан “ошиб борадиган” жарима ва бошқа ҳуқуқий чораларни қўллаш тартибини киритиш;

❖ фуқаро ва тадбиркорларнинг судма-суд овора бўлишига чек қўйиш мақсадида иш фуқаролик, иқтисодий ёки маъмурий судга тааллуқли бўлишидан қатъи назар, ариза “ягона дарча” асосида қабул қилиниб, ваколатли суд томонидан ҳал этилиши учун зарур имкониятларни яратиш;

❖ “Қонун – устувор, жазо – муқаррар” тамойили прокуратура органлари фаолиятининг бош мезони бўлиши, бунинг учун мамлакатимизда қонунийликни қатъий таъминлайдиган, очиқ

ва адолатли прокуратура тизимининг янги ҳуқуқий асосларини яратиш;

❖ ички ишлар органлари фаолиятини баҳолашда аҳоли муаммоларини ҳал этиш ва фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш самарадорлиги асосий мезон этиб белгиланади. Ички ишлар вазирлиги тизимининг барча бўғинларида Жамоатчилик кенгашлари тузилади;

❖ тизимда ходимларнинг ўз хизмат бурчига нисбатан масъулият ҳиссини ошириш мақсадида “Касбий маданият кодекси” қабул қилиниб, соҳани маънавий пок, ўз бурчига содик, халқпарвар ва масъулиятли ходимлар билан тўлдириб боришга алоҳида аҳамият бериш;

❖ либераллаштириш сиёсатининг мантиқий давоми сифатида ўз аҳамиятини йўқотган 10 га яқин қилмишларни жиноят тоифасидан чиқариш ва жазони енгиллаштирадиган ҳолатлар сонини амалдаги 9 тадан 15 тагача кўпайтириш чораларини кўриш;

❖ гумон билан ушлаб турилган шахсларни ҳисобга олишнинг ягона электрон реестри яратилиб, маълумотлар реестрга киритилмаган ҳолларда ушлаб туриш ноқонуний, деб топиладиган тартибни жорий этиш.

Буларнинг барчасидан асосий мақсадимиз – суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоялаш, тергов ва суднинг барча босқичларида жинойий, фуқаролик, маъмурий ва хўжалик ишларини кўриб чиқишда адвокатнинг ролини янада оширишдан иборат.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси мустақил адвокатура фаолиятини самарали ташкил этишни назарда тутди.

Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. Бу борада “Мустақил адвокатура концепцияси” ишлаб чиқилади ва амалиётга жорий этилади. Тергов ва

суднинг барча босқичларида адвокатнинг роли янада оширилади, Адвокатлар академияси фаолияти йўлга қўйилади.

Адвокатура ва юридик хизматлар кўрсатиш институтларини ривожлантириш мақсадида қуйидагиларга эътиборни кучайтириш лозим:

❖ Адвокатлар палатасининг мустақиллигини амалда таъминлаш, унинг ҳузурида Адвокатлар академиясини ташкил этиш, адвокат мақомини олиш учун қўйилган стажировка муддати ҳақидаги талабни бекор қилиш, адлия тизимининг адвокатура соҳасига аралашувини бартараф этиш;

❖ адвокатура институти мустақиллиги, адвокатларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг самарали ҳимоясини таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисидаги шикоятларининг кўриб чиқилиши ва тегишли баҳо берилиши билан боғлиқ масалаларда парламентнинг роли ва аҳамиятини ошириш. Шу мақсадда Олий Мажлис қўйи палатасида адвокатура институти мустаҳкамлаш комиссияси фаолиятини самарали ташкил этиш;

❖ нодавлат нотариат институти фаолиятини қайта тиклаш ва фаолиятини кенг йўлга қўйиш, нотариал ҳаракатларнинг масофадан туриб, интерактив – электрон хизмат кўринишидаги фаолият соҳасини кенгайтириш, нотариусларнинг нодавлат бирлашма шаклидаги ҳамжамияти фаолиятини тизимли ташкил этиш;

❖ юридик хизмат кўрсатиш соҳасини янада такомиллаштириш, “Шартномавий ҳуқуқий база ва юридик хизмат тўғрисида” ги, “Бепул юридик ёрдам тўғрисида” ги қонунларни ҳамда яхлит ҳуқуқий ҳимоя концепциясини амалга ошириш, аҳоли онгида адвокатура ва нотариат институтларига хизмат кўрсатувчи субъектлар сифатида қарашни шакллантириш, ушбу соҳада хусусий секторнинг ролини ошириш;

❖ мамлакатимизда адвокатлар сонининг етишмаслиги сабабли соҳага ёш кадрларни жалб қилиш мақсадида юридик стаж ҳақидаги талаб бекор қилиниб, олий юридик маълумотли шахсларга 3 ойлик стажировкадан кейин адвокатлик имтиҳонини топшириш имкониятини яратиш.

Халқимиз азал-азалдан болажон халқ ва ўз тақдирини фарзандларининг фаровон ҳаёти билан боғлайди. Ислохотларимиз самарасини таъминлашда эса, оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёсдир. Шундай экан, **Болалар омбудсмани институтини** янада кучайтириш, **Бола ҳуқуқлари кодексини** қабул қилиш, **Медиа-омбудсман институтини** тузиш алоҳида аҳамият касб этади.

Яқин йилларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни фақат ва фақат халқ манфаати йўлида оғишмай хизмат қиладиган идораларга айлантирамиз.



Қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти

Ислоҳотларимиз самарасини ҳар бир инсон ўз ҳаётида ҳис этиши учун қабул қилинаётган ҳужжатлар ижросини ўз вақтида ва самарали таъминлаш лозим.

Амалдаги назорат тизими эса, афсуски, кўпроқ формал тусга эга бўлиб, ижрони ташкил этишдаги муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилишга йўналтирилмаяпти. Шунинг учун эндиликда бу соҳада янгича ишлаш тизими жорий этилмоқда.

Бу борада Қонунчилик палатаси ҳар бир қонун лойиҳаси бўйича холис баҳс-мунозара ва тортишувлар минбарига, турли ижтимоий манфаатлар ўртасидаги кураш майдонига, чинакам демократия мактабига айланиши зарур.

Кейинги йилларда муайян бир соҳага тааллуқли ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган бир нечта қонунлар ўрнига, ягона кодекс қабул қилиш амалиёти қарор топмоқда. Жумладан, Фуқаролик процессуал кодекси, Иқтисодий процессуал кодекс, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс, Сайлов кодекси каби муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.

Айни вақтда ҳаётнинг ўзи, Ўзбекистоннинг жадал тараққиёти бу борадаги фаолиятимизни янги сифат босқичига олиб чиқишни талаб этмоқда. Жаҳондаги илғор тажрибалар асосида партиялар ўз сиёсий манфаатлари, ўз электорати манфаатларини ифода этадиган қонунларни қабул қилиш учун парламентда қизгин баҳс олиб боришлари керак. Бунинг учун парламентда

кўпчиликни ташкил этадиган партия ва унга мухолифатда бўлган партиялар ўртасида соғлом рақобат бўлиши лозим.

Албатта, Қонунчилик палатасида ҳам ҳар бир фракция ўзини мухолифат деб эълон қилиши мумкин. Бу фракция қонун биринчи ўқишда кўриб чиқилгунга қадар мазкур масала бўйича қонуннинг муқобил таҳририни киритиш ҳуқуқига эга экани белгиланган. Лекин, тан олишимиз керакки, бу институт шу пайтгача самарали ишлагани йўқ.

Бунда депутатлар ташаббус кўрсатиши учун ўз устида мунтазам ишлаши, ҳар бир соҳа бўйича қабул қилинган қарорда халқ манфаатлари таъминланиши учун мустаҳкам замин яратиши керак. Сайловчилар депутатлар ташаббус кўрсатиб, муқобил фикрларни, қатъий сиёсий иродани намоён этишларини кутмоқда. Чунки ҳақиқат баҳс ва тортишувларда туғилади.

Албатта, ҳар бир депутат маълум бир соҳага оид қонунни қабул қилишда шу соҳанинг мутахассиси сифатида фикр юритишга қодир бўлиши лозим. Негаки, депутат қабул қиладиган қонун ҳужжатлари миллионлаб одамларнинг, бутун халқимизнинг ҳаётига бевосита таъсир кўрсатади. Лекин бу таъсир ижобий ҳам, салбий ҳам бўлиши мумкин. Шунинг учун халқ ишончини қозонган депутатнинг хато қилишга, ўз зиммасидаги юксак масъулиятни унутишга сира ҳаққи йўқ, деб ўйлайман.

Қадимги Римнинг машҳур шоири Публилий Сирнинг бир фикрини эслаш жоиз деб биламан. “Қонунлар кучли бўлган жойда халқ ҳам кучлидир”, деб ёзган эди у. Дарҳақиқат, халқ вакиллари бўлган депутатлар ўз ваколатига асосланиб, жасур, талабчан ва қатъиятли бўлиши, фуқароларнинг манфаатига хизмат қилмайдиган қонунлар қабул қилинишига йўл қўймаслиги шарт.

Қонун ижодкорлиги борасидаги фаолият сифатини тубдан яхшилаш, қонунчилик базасини тизимлаштириш ва қонуности

хужжатлари сонини кескин қисқартириш, қонун ижодкорлигида “ақлли тартибга солиш” моделини янада кенг қўллаш борасидаги ишлар тизимли равишда давом эттирилади. Ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятини ўрганиш асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилади.

Ҳар бир қонуннинг, таъбир жоиз бўлса, кўзи, оёғи, ижроси бўлиши лозим. Қонун қабул қилиндими, албатта, ҳаётда ўзгариш бўлиши керак. Айни вақтда масаланинг иккинчи томонини ҳам ўйлаш керак, яъни парламентга сифатсиз қонун лойиҳаларини киритгани учун, аввало, ташаббускор идоралар ва Адлия вазирлигининг масъулиятини ошириш зарур. Агар ташаббускор идора қонун лойиҳасининг аҳамиятини депутатлар олдида асослаб бера олмаса, Қонунчилик палатаси лойиҳани кўриб чиқишни рад этиши керак.

Айни пайтда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, халқ вакиллари қонунларни қабул қилишда уларнинг келгусида ишлашини таъминлайдиган чора-тадбирларни ҳам олдиндан кўриши лозим. Қонунларда белгиланган айрим қонуности ҳужжатларининг ўз вақтида қабул қилинмаслиги – уларнинг амалда “ишламай қолиши”га олиб келмоқда, бу эса фуқаролар ва тадбиркорларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари, бирон-бир қонун лойиҳасини қабул қилишда ташаббускор бўлган парламент фракциясининг шу қонунни амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” ишлаб чиқилиши ушбу масалани самарали ечишга ёрдам беради.

Қонун лойиҳаларининг халқаро шартномаларга, халқаро рейтинглардаги ўрнимизни яхшилаш бўйича тавсияларга мослигини ўрганиш амалиётини ҳам янада кенгайтириш лозим. Чунки халқаро шартномалар ва рейтинглар мазмунида хорижий давлатларнинг илғор тажрибаси ўзаксини топган.

Бу жараёнга фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролар янада кенгроқ жалб этилади. Таҳлиллар асосида ижрога халақит бераётган ортиқча вазифа ва функцияларни қисқартириш давом эттирилади.

Давлат идораларидаги ижро сифати ва ҳолатини вилоят, туман ва шаҳар Халқ депутатлари кенгашларида, республика даражасида эса – Вазирлар Маҳкамасида ҳар ойда танқидий муҳокама қилиб бориш амалиёти янада такомиллаштирилади, изчил ва самарали ташкил қилинади.



Конституциявий ислохотлар – Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги объектив зарурат

Тараққиёт стратегиясида ўз аксини топаётган, адолатли ва халқпарвар давлат барпо этишда муҳим аҳамият касб этадиган вазифаларни амалга ошириш учун, аввало, янги конституциявий макон ҳамда янада мустаҳкам қонунчилик базаси керак бўлиши табиийдир.

Мамлакатимизда 2021 йил 24 октябрда бўлиб ўтган Президент сайлови жараёнида фуқароларимиз, кенг жамоатчилик, сиёсий партиялар вакиллари томонидан сиёсий-ҳуқуқий ҳамда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда, шунингдек, қонун устуворлиги масалалари бўйича чуқур ва тизимли ислохотларни янада жадаллаштириш бўйича аниқ таклифлар билдирилди. Уларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, жамият ва давлатимизни ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қонунчилик мезонлари ва нормаларини энг ривожланган мамлакатлар даражасига кўтариш зарурати ҳаётимизнинг конституциявий асосларини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Шу маънода, Асосий қонунимизни жамиятдаги бугунги реал воқеликка, шиддатли ислохотларимиз мантиғига мослаштириш, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратиш муҳим объектив заруратга айланмоқда.

Маълумки, бугунги кунда инсоният ўз тараққиётида кескин бурилиш даврини бошдан кечирмоқда. Дунё иқтисодий ва инновацион ўсиш, инсон ва жамият ҳаёти сифатини яхшилаш учун

улкан янги имкониятлар яратадиган технологик даврга кадам қўймоқда. Халқаро муносабатлар тизимида коронавирус пандемияси ва унинг оқибатида келиб чиққан чуқур инқироз туфайли жаҳон иқтисодиётида туб ўзгаришлар юз бермоқда. Ахборот технологияларининг жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларига кириб бориши ижтимоий меҳнат муносабатлари таркибий тузилишининг жиддий ўзгаришига олиб келмоқда. Илм-фан, таълим, янги мутахассисликлар бўйича мутлақо янги йўналишлар пайдо бўлмоқда.

Замонамизнинг бу ва бошқа қатор масалалари бутун давлат бошқарув тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга – “Янги шахс”, “Янги фуқаролик жамияти”, “Янги демократик бошқарув тизими”га олиб чиқишни талаб қилади. Бу қатъий талаб, ўз навбатида, тизимли конституциявий ислоҳотлар ўтказишни кун тартибига долзарб вазифа қилиб қўймоқда.

Янги Ўзбекистонни бунёд этиш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мақсади – “Инсон қадри учун” ҳамда “Давлат – инсон учун” тамойилларини реал ҳаётимизга татбиқ этишдан иборат эканини шу ўринда яна бир бор таъкидламоқчиман. Бу масалада қонунчиликка киритилаётган янгиликлар, ўзгартириш ва қўшимчалар демократик жараёнларнинг мустаҳкам ҳуқуқий базасини яратмоқда.

Масалан, барчамиз учун Асосий қонун бўлмиш Конституция-мизга сўнгги 5 йил ичида Ҳаракатлар стратегияси доирасида 9 марта – 21 моддага 32 та ўзгартириш киритилган.

Умуман олганда, амалдаги Конституциянинг 128 та моддасидан учдан бирига, яъни 37 моддасига 79 та ўзгартириш киритилган. Энг кўп ўзгаришлар Олий Мажлис, Президент ва Ҳукумат ваколатларига оид моддаларга тааллуқлидир.

Ҳуқуқий давлатда Конституция билан жамият ривожини ўрта-сида узилиш бўлмаслиги керак. Бу – умумэътироф этилган қоида.

Дунё мамлакатларининг ривожланиш амалиёти ҳам шуни кўрсатадики, албатта, конституциявий қонунчилик изчил ва муттасил такомиллашиб бориши зарур.

Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги янги босқичида юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан янгиланишларнинг конституциявий асосларини мустаҳкамлаш, давлат бошқаруви соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш билан узвий боғлиқдир.

Янги Ўзбекистонда мутлақо янги миллий ҳуқуқий тизим шаклланаётган, инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари, айниқса, қадрининг муҳим қадрият сифатида эътироф этилаётган масъулиятли бир даврда янги давр талабларига мос равишда конституциявий ислохотларни амалга ошириш вақти келди.

Бунинг сабаблари қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси талабига кўра, миллий қонунчилигимиз ва ҳуқуқий амалиётимизда юқорида зикр этилган **“инсон – жамият – давлат”** тамойилини мустаҳкамлаш керак.

Ўтган даврда халқ билан бевосита мулоқот қилиш, унинг дарадуду ташвишлари, муаммоларини ижобий ҳал этиш бўйича яратилган мутлақо янги демократик тизим – Халқ қабулхоналари ўзини оқлади. Бундан ташқари, барча давлат органлари фаолиятида халқ дардига қулоқ тутиш, муаммоларни жойида ҳал этиш ва халқни рози қилиш мақсадида самарали ишлар қилинмоқда.

Халқ қабулхоналарига конституциявий мақом бериш тўғрисидаги таклифлар кенг жамоатчилигимиз томонидан тўлақўллаб-қувватланмоқда. Президентнинг вазифа ва ваколатларини амалга оширишнинг конституциявий механизмларини яратиш учун жамият ва давлатни ривожлантириш стратегиясининг самарали бажарилиши устидан назоратни таъминлаш, **“инсон – жамият – давлат”** тизимида мутлақо янги алоқа механизми –

Халқ қабулхоналари институтининг ваколати ва масъулиятини янада кенгайтириш зарур.

Иккинчидан, Янги Ўзбекистонда “Инсон манфаатлари - иқтисодий ислохотларнинг бош мезони” шиори ҳам халқпарвар давлат барпо этишнинг энг муҳим шартига айланмоқда.

Хусусий мулкни ҳурмат қилиш, эркин бозор иқтисодиёти қоидаларига қатъий амал қилиш тамойиллари асосида ерга эгаллик ҳуқуқи ҳам жорий этилмоқда. Бу эса бизнинг юртимизда ҳам, ривожланган давлатлардаги каби, ерга хусусий мулк сифатида эгаллик қилиш даври келганини англатади. Илгари фақат давлат ерга эгаллик қилиши билан боғлиқ эскирган конституциявий қоида ўз аҳамиятини йўқотмоқда.

Хусусий мулк дахлсизлигини, айниқса, ерга эгаллик қилиш ҳуқуқини Конституция даражасида мустаҳкамлаш иқтисодий ислохотлар жараёнини янги босқичга олиб чиқади.

Учинчидан, “Жамият - ислохотлар ташаббускори” деган эзгу ғоя асосида Бош қомусимизда фуқаролик жамияти институтларининг ўрнини конституциявий даражага кўтариш зарур.

Оммавий ахборот воситалари бугун халқ овози, том маънода тўртинчи ҳокимиятга айланиб бормоқда. Бу борада балки ҳали юксак чўққиларга етганимиз йўқдир, лекин олға силжишлар борлигини инкор қилиш ҳам мумкин эмас. Бугунги кунда жамиятимизда сўз эркинлиги инсон тараққиётининг ажралмас ва муҳим омилига айлангани ҳақиқат.

Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган демократик ислохотлар ва фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш жараёнида жамоатчилик назоратини кучайтириш соҳаларида жуда кўп ишлар қилинди.

Янги Ўзбекистонни кучли ва адолатли фуқаролик жамиятига айлантириш ғояси асосида фуқаролик жамияти институтларини мустаҳкамлаш вазифалари тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг долзарб муаммоларини ҳал қилишда фуқаролик жамияти институтларининг аҳамияти ва ролини ошириш керак. Шу муносабат билан давлат, фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатни ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга кўмаклашиш учун ташкил этиш мўлжалланган Жамоатчилик палатасига конституциявий орган мақомини бериш мақсадга мувофиқдир.

Бу эса Жамоатчилик палатаси зиммасига юклатилган энг муҳим вазифалардан бирини – Ўзбекистон Республикаси Президентига, Олий Мажлис палаталарига ва Ҳукуматга қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича таклифларни киритиш функциясини самарали амалга ошириш имконини беради.

Мамлакатимиз ҳаётининг энг долзарб ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий масалалари ечимида маҳалла институтининг ўрни беқиёс. Айни пайтда ушбу ноёб тузилма ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назорати изчил кучайтирилиши, кўплаб бошқарув функцияларининг аксарияти халқнинг ўзига, фуқаролик жамияти институтларига берилишида фаол иштирок этмоқда. Шунингдек, маҳалланинг ҳуқуқий мақоми ва ваколатларини конституциявий даражада мустаҳкамлаш зарур. Бу тарихан ташкил топган мазкур миллий демократик институтнинг ислохотлар жараёнида янада фаол иштирок этишига имкон беради.

Тўртинчидан, оила институтини ривожлантириш, эзгу инсоний қадриятларимизни келгуси авлодларга безавол етказиш, миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш бўйича конституциявий асосларни белгилаб қўйишимиз зарур.

Бугунги кунда соғлом, фарзандлари комиллик сари интиладиган оила жамиятимиз учун ўта муҳимдир. Чунки айрим давлатларда оила тушунчасига нисбатан шаклланаётган номақбул муносабатлар оиланинг обрўсига путур етказмоқда.

Ўзбекистондаги бағрикенглик сиёсати туфайли ҳозирги кунда юртимизда ягона оила бўлиб яшаётган миллат ва элатлар вакилларига ўз она тили, урф-одат ва қадриятларини ривожлантириши учун барча шароитлар яратилмоқда. Юртимизда ёш авлодни бошқа миллатларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром ва бағрикенглик руҳида тарбиялаш, ўзаро меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Барча миллатлар вакиллари ўзига хос маданияти, тили, урф-одат ва анъаналарини, халқ ҳунармандчилигини ривожлантириб, мамлакатимиз ривожини, халқимиз фаровонлигига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Лекин, дунёнинг турли ўлкаларида миллатларaro кескинлик кучайиб бормоқда. Баъзи қўшни минтақалардаги жиддий ва ташвишли воқеалар бунга яққол мисолдир.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда халқимизнинг улкан маданий меросини, интеллектуал салоҳиятини асраб-авайлаш мақсадида ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон моддий маданий мероси ва Номоддий маданий мероси рўйхатларига юртимиздаги қадимий тарихий ёдгорликларни киритиш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

Шу нуқтаи назардан, биз Асосий қонунимизда анъанавий оила институтини ривожлантириш, бой тарихий ва маданий меросимизни келгуси авлодлар учун муносиб сақлаб қолиш, юртимиздаги миллатларaro тотувликни мустаҳкамлашнинг конституциявий-ҳуқуқий асосларини белгилаб қўйишимиз зарур.

Бешинчидан, фарзандларимиз Янги Ўзбекистон бунёдкорлари сифатида майдонга чиқаётган бугунги кунда Конституциямизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла таъминлаш мақсадида ёшлар соҳасидаги давлат сиёсати, ўғил-қизларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари конституциявий даражада ўз аксини топиши керак.

Юртимизда ёшларга мустақил ва эркин фикрлаш, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаш, меҳнат қилиш ҳамда етук мутахассис бўлиш учун барча шароитлар яратилмоқда.

Амалдаги Конституциямизда ёшлар ҳуқуқлари ва ёшлар сиёсати ҳақида бирорта ҳам сўз йўқлиги албатта адолатдан эмас.

Келажак авлод ҳақида ғамхўрлик дунёнинг бир қатор давлатларининг конституциялари ва халқаро шартномаларда асосий ҳуқуқий норма сифатида мустаҳкамланган. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз Конституциясига келажак авлод ҳақида алоҳида боб киритиш зарур.

Олтинчидан, Янги Ўзбекистон шароитида аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтириш мақсадида ўтган 5 йилда иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалари миқдори сезиларли даражада оширилди.

Фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларини таъминлашнинг ноёб тизими яратилди. Айниқса, пандемия даврида ижтимоий ҳимоя ва моддий ёрдамга муҳтож фуқароларимиз ҳуқуқларини таъминлашда давлатнинг ижтимоий масъулияти ва роли яна бир бор намоён бўлди.

Бугун юртимиз нафақат ижтимоий, балки адолатли жамият сари илдам қадам ташламоқда. Бинобарин, “Янги Ўзбекистон – ижтимоий давлат” тамойилини Конституциямизда мустаҳкамлаш зарур.

Еттинчидан, сўнгги йилларда мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш масаласи энг устувор йўналишга айланди. Буни қабул қилинаётган қонунлар, суд мустақиллигини таъминлаш бўйича ислоҳотлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Энг асосийси, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат бартараф этилди. Халқаро ва миллий ҳамкорларимиз билан пахта йиғим-терими мавсумида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат-

дан фойдаланмаслик юзасидан Миллий мониторинг тизими яратилди. Ана шундай муҳим қадамларнинг натижалари жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинмоқда. Жумладан, жаҳонда Болалар меҳнатига барҳам бериш йили, деб эълон қилинган 2021 йилда ҳам доимий ҳамкоримиз бўлган Халқаро меҳнат ташкилоти бу борадаги саъй-ҳаракатларимиз самарасини алоҳида эътироф этмоқда.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш – конституциявий ислохотларнинг ажралмас қисми бўлиб, бир қатор давлатларнинг конституцияларида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ва минтақавий шартномалардаги нормалар ўз аксини топган.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали тизимини мустаҳкамлаш мақсадида Конституцияда болалар меҳнатига барҳам бериш, ногиронлар, кекса авлод вакилларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларини мустаҳкамлаб қўйиш, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг мақоми ва ваколатлари тўғрисидаги қоидалар ўз аксини топиши керак.

Саккизинчидан, бундан ярим аср илгари Орол денгизи дунёдаги тўртинчи ёпиқ денгиз эди. Бир авлод ҳаёти давомида унинг қуриши натижасида нафақат ҳайвонот, балки ўсимлик оламининг кўплаб ноёб турлари ҳам бой берилди. Орол денгизининг қуриган тубидан ҳар йили ҳавога 100 миллион тоннагача туз ва чанг кўтарилади. Энг ёмони, дунёнинг кенг ҳудудларига тарқалаётган бу тўзон бўронлари аҳоли саломатлиги, минтақа табиати ва иқтисодиётига мислсиз зарар етказмоқда.

Ўзбекистон БМТнинг юқори минбарларидан дунё ҳамжамиятини Орол денгизи қуриши натижасида келиб чиқаётган оқибатларни юмшатиш учун халқаро саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга фаол чақириб келмоқда. Натижада БМТ шафелигида Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича

кўп томонлама шериклик асосида Траст фонди ташкил этилди. Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш тўғрисидаги махсус резолюция қабул қилинди.

Бугунги глобал иқлим ўзгаришлари жараёнида кўплаб ривожланган давлатлар ўз Конституцияларига экологияга оид махсус боблар киритмоқда. Бинобарин, Ўзбекистон Конституциясида ҳам экологик ҳуқуқлар ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига доир илғор нормалар устувор ўрин эгаллаши зарур.

Тўққизинчидан, Янги Ўзбекистон пойдеворини яратишда илм-фан, таълим-тарбия, маънавий ва маданий фаолият соҳаларини кенг ривожлантириш ва янги босқичга олиб чиқиш асосий мақсадларимиздан биридир. Юртимизни ривожланган давлатлар қатори илм-фан ютуқлари, юқори технологиялар асосида модернизация қилиш ва янгилаш муҳим вазифамизга айланди.

Бугун ҳеч бир соҳада илм-фан ютуқлари ва инновацион технологияларни амалиётда қўллагандан туриб тараққиётга эришиб бўлмайди. Бу эса кенг ва замонавий билимга эга бўлган кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, хорижий тажрибаларни ўзлаштириш каби долзарб вазифаларни олдимизга қўймоқда.

Учинчи Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси бўлмиш боғча, мактаб, олий таълим ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш масалаларини ҳам конституциявий даражада мустаҳкамлаш вақти келди.

Буларнинг барчаси Янги Ўзбекистонни барпо этиш учун бизга конституциявий ислохотлар зарурлигидан далолат беради.

Конституция – догма, яъни қотиб қолган, янгилаш мумкин бўлмаган қоида ва меъёрлар тўплами эмас. Франциялик таниқ-

ли давлат ва жамоат арбоби Шарл де Голл бу ҳақда шундай деган: “Солон айтганидек, Конституция бир халққа муайян бир даврда яхши. Уни жонсиз жасад каби мўмиёлаштирмаслик лозим”.

Шунингдек, яна бир машҳур давлат арбоби Уинстон Черчиллнинг “Яхши бўлиш учун – ўзгариш керак, яхшиларнинг яхшиси бўлиш учун эса янада кўпроқ ўзгариш керак”, деган сўзларида ҳам теран ҳаётий маъно мужассам.

Таҳлилларга қараганда, 1789 йилдан ҳозирги кунга қадар дунёда 3 минг 500 тадан ортиқ конституция қабул қилинган бўлиб, аксарият демократик конституциялар ҳатто “балоғат ёши”-га ҳам етиб келмагани кузатилади.

Бу мисоллар 2021 йил 24 октябрь куни Ўзбекистонда бўлиб ўтган Президент сайловида деярли барча сиёсий партиялар фаллари ва халқимиз вакиллари эътибор қаратган фикр-мулоҳазаларга жуда ҳамоҳангдир.

Энг муҳими, Янги Ўзбекистонни бунёд этиш асносида конституциявий ислохотларни амалга оширишдан кўзланаётган мақсад – Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини янги босқичга кўтаришдан иборатдир.

Бугунги кунда мамлакатимиз ва дунёда кечаётган шиддатли ва мураккаб жараёнлар, ислохотлар мантиғи ҳам Конституция-мизга бир қатор янги норма ва институтларни киритишни талаб этади. Бу, ўз навбатида, бундан салкам 30 йил олдин қабул қилинган Асосий қонунимизни жамиятимизни шиддатли ва изчил ривожлантириш билан боғлиқ реал воқеликка мослаштириш, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратиш объектив заруратга айланганини кўрсатади.

Ана шундай талабларга жавоб берадиган мукамал Конституцияга эга бўлиш учун Асосий қонунимизнинг янги лойиҳасини

тайёрлашимиз, уни умумхалқ муҳокамасига қўйиб, билдирилган таклифлар асосида такомиллаштириш, ушбу муҳим сиёсий ҳужжатни 2022 йил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30 йиллик байрами нишонланадиган кунларда қабул қилиш, ўйлайманки, миллий давлатчилик анъаналаримизга, халқимиз манфаатларига муносиб иш бўлади.



Янги Ўзбекистонни бунёд этиш йўлида амалга оширилаётган ислохотларнинг мақсади - "Инсон қадр учун" ҳамда "Давлат - инсон учун" тамойилларини реал ҳаётимизга жорий этишдир. Бу масалада қонунчиликка киритилаётган янгиликлар, ўзгартириш ва қўшимчалар демократик жараёнларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосини яратмоқда.

Янги Ўзбекистонда мутлақо янги миллий ҳуқуқий тизим шаклланаётган бир даврда, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари - энг муҳим қадрият сифатида эътироф этилаётган масъулиятли паллада бугунги кунимиз талабларига мос бўлган янги Асосий қонунни ишлаб чиқиш объектив заруратга айланмоқда.



УЧИНЧИ БЎЛИМ: МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Иқтисодиёт – жамият ҳаётининг танаси

Хусусий мулк ва тадбиркорликни ривожлантириш

Иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш

Қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш

**Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини
ошириш**

Худудларнинг иқтисодий тараққиёти

Туризм – Ўзбекистон иқтисодиётининг драйвери

Рақамли иқтисодиёт сари

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси янги иқтисодий дунёқараш, янгича иқтисодий муносабатлар асосида эркин ва фаровон жамият қуриш ҳамда миллий хавфсизликни таъминлашга хизмат қилади. Ушбу Стратегияни амалга оширишда ҳар қайси шахс, инсон, ҳар бир оиланинг тинч ва фаровон ҳаёт ҳақидаги эзгу ният ва хоҳиш-истакларини рўёбга чиқариш, аҳоли турмуш даражасининг барқарор ўсиб боришини таъминлаш эътиборимиз марказида бўлади.



Иқтисодиёт – жамият ҳаётининг танаси

XXI аср бошларига келиб, жаҳон иқтисодиётида инсоният тараққиётининг аввалги даврларига хос бўлмаган янги тенденциялар вужудга келди. Иқтисодиётнинг маъно-мазмунини ва характери тубдан ўзгарди.

Жаҳон бозоридаги иқтисодий вазият мураккаблашди, мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар табиатида янги ўзгаришлар юз берди. Иқтисодий рақобат ниҳоятда кучайиб, тобора кескин ва шафқатсиз тус олмоқда.

Бундай вазиятда мамлакатимиз иқтисодиётининг мунтазам такомиллашиб боришини таъминлайдиган механизмларни жорий этиш, барқарор иқтисодий тараққиёт билан боғлиқ вазифаларни пухта белгилаб олиш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Зотан, миллий тараққиёт стратегиясининг устувор йўналишларидан бири ҳам шундан иборат.

Амалий натижадорлик, инсон манфаатлари ва яна бир бор инсон манфаатлари – иқтисодий ислохотларимизнинг ўзак масаласидир.

Бугунги кунда ва яқин келажакда мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш борасида олдимизда қатор стратегик вазифалар турибди. Уларнинг барчаси устувор аҳамиятга эгадир. Ўтган давр мобайнида бозор иқтисодиёти механизмларини жорий қилиш, макроиқтисодий барқарорликни сақлаш, миллий иқтисодиётнинг инвестицияларга бўлган талабини қондириш,

бозор муносабатлари субъектлари фаолиятини эркинлаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Жамиятимиз фаровонлиги йўлидаги давлатимиз иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишлари қабул қилинган дастурлар макроиқтисодий мувозанатни сақлаш, таркибий ва институционал ўзгартиришларни чуқурлаштириш ҳисобидан ялпи ички маҳсулотнинг юқори ўсиш суръатларини таъминлашни назарда тутди.

Бу жараёнда илғор халқаро тажрибага мувофиқ монетар сиёсатнинг янги инструментларини жорий этиш орқали пул-кредит сиёсатимизни янада такомиллаштириш, миллий валютани мустаҳкамлаш ва ички бозордаги нархларнинг барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор берилади.

Эркин конвертацияни таъминловчи валютага оид муносабатларни тартибга солиш, миллий валюта курсини шакллантиришда замонавий бозор механизмларни жорий этиш йўли ўз самарадорлигини кўрсатмоқда.

Бу жабҳада солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш йўлини давом эттириш, солиқ қонунчилигини такомиллаштириш ва рағбатлантиришнинг тегишли чораларини кенгайтиришга ҳаракат қилинаётгани ҳам бежиз эмас.

Банк тизимини ислоҳ қилиш, банклар депозит базасининг капитализациясини чуқурлаштириш ва барқарорлигини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлигини ва ишончлилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестицион лойиҳалар ҳамда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини кредитлаштиришни янада кенгайтириш борасидаги саъй-ҳаракатларимиз ўз натижасини бермоқда.

Янги турдаги суғурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматлар ҳисобидан уларнинг ҳажмини кенгайтириш ва сифатини ошириш, капитални жалб қилиш ҳамда корхона, молиявий институт-

лар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги мукобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантиришга муҳим масала сифатида қаралмоқда.

Халқаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, жумладан, етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш йўли орқали пухта ўйланган ташқи қарзлар сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, жалб қилинган хорижий инвестициялар ва кредитлардан самарали фойдаланиш билан боғлиқ вазифалар ҳам ниҳоятда муҳимлигини яхши биламиз.

Ҳаракатлар стратегиясининг натижаси ўлароқ, мамлакатимиз иқтисодиётининг ҳуқуқий асослари яратилди.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси, аввало, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилганини таъкидлаш лозим.

Макроиқтисодий барқарорлик – иқтисодий ислохотларнинг мустаҳкам пойдеворидир. Келгусида иқтисодиётнинг камида 5 фоизга ўсиши, бюджет дефицити ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2 фоиздан ошмаслигига қаратилган чора-тадбирлар белгиланади.

Инфляциявий таргетлаш доирасида нарх-наво ўсишини 10 фоиздан оширмаслик асосий вазифаларимиздан бири бўлади.

2030 йилга бориб ўртача йиллик иқтисодий ўсиш суръатлари 6,3–6,5 фоиз, капитал қўйилмалар 8–8,5 фоиз, экспорт 9–10 фоизни ташкил этишига эришамиз.

Фоиз ставкаларини пасайтириш – иқтисодиётнинг реал секторига инвестицияларни жалб этишни рағбатлантиришга хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз. Бу вазифа, биринчи навбатда, инфляцияни тўхтатиш ва миллий молия бозорини ривожлантириш орқали ҳал қилинади.

Келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ҳажмини ошириш вазифаси олдимизда турибди. 2030 йилга бориб бу борадаги натижалар қуйидагиларда яққол акс этиши лозим:

- ❖ аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад бўйича даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторига киришга пухта замин яратиш;

- ❖ 2023 йилнинг охиригача инфляция даражасини 5 фоизга тушириш. Давлат бюджети тақчиллиги ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2,5 фоиздан ошмаслигини таъминлаш;

- ❖ мамлакатимизга янгидан жалб қилинадиган йиллик ташки қарз миқдори 5 миллиард АҚШ долларидан ошмаслигини таъминлаш;

- ❖ юртимизга капитал олиб кириш бўйича мавжуд чекловларни қайта кўриб чиқиб, барча учун қулай шароитлар яратиш ва фонд бозори ҳажмини 7 миллиард АҚШ долларига етказиш;

- ❖ хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш стратегиясини қабул қилиб, келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШ доллари, жумладан, камида 70 миллиард АҚШ доллари миқдоридан хорижий инвестициялар жалб этиш чораларини кўриш;

- ❖ давлат-хусусий шериклик асосида транспорт, йўл қурилиши, сув хўжалиги ва бошқа соҳаларга 14 миллиард АҚШ доллари миқдоридан инвестиция жалб этиш;

- ❖ мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини 1,7 баробар ошириш ва 2026 йилда 30 миллиард АҚШ долларига етказиш;

- ❖ экспорт таркибидаги хомашё улушини ҳозирги 46 фоиздан 23 фоизга камайтириб, тайёр маҳсулотлар ҳажмини 2,5 баробар кўпайтириш;

- ❖ Европа давлатларига GSP+ тизими доирасида 2 мингдан зиёд турдаги тайёр маҳсулот экспорт қилишни йўлга қўйиш;

❖ хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга, экспорт бўйича эса, 60 фоизга етказиш юзасидан аниқ чора-тадбирларни кўриш;

❖ банк тизимини трансформация қилиш орқали хусусий банкларнинг жами улушини банк активларининг 60 фоизига етказиш;

❖ иқтисодиётда молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадида келгуси 5 йилда фонд бозори ҳажмини 200 миллион АҚШ долларидан – 7 миллиард АҚШ долларига етказиш. Бунда мамлакатимизга капитал олиб кириш бўйича мавжуд чекловларни қайта кўриб чиқиб, барча учун қулай бўлган шарт-шароитларни яратиш;

❖ 2026 йилгача хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш бўйича алоҳида стратегия қабул қилиш;

❖ давлат корхоналарининг трансформациясини ҳамда хусусийлаштириш жараёнларини тезлаштириш;

❖ самарасиз корхоналар давлатдан қўшимча ёрдам олмасдан, хусусий сектор каби “ўз аравасини ўзи тортиши” шарт. Бунда машинасозлик, кимё, нефть-газ, энергетика, кон-металлургия, транспорт каби тармоқлардаги 23 та йирик корхона халқаро кредит рейтингларини олиш орқали ички ва ташқи молиявий бозорларга мустақил чиқиб, инвестиция лойиҳалари учун ўзи маблағ жалб қилишига эришиш;

❖ энергия ресурслари бозорини эркинлаштириб, соҳага хусусий инвестицияларни кенг жалб этиш. Натижада 2026 йилга бориб электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмини йилига қўшимча 30 миллиард килловатт соатга ошириш ва жами 100 миллиард килловатт соатга етказиш;

❖ табиий газ бўйича ҳам эркин бозор тамойилларини жорий этиш жараёнларини бошлаш;

❖ электр энергияси ва табиий газ бозорларини эркинлаштириш билан бирга, эҳтиёжманд аҳолини ҳимоя қилиш учун ижтимоий истеъмол нормаларини киритиш.

Ана шундай чора-тадбирлар қаторида маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, давлат қарзи тўпланиб қолишига йўл қўймаслик доимо диққат-эътиборимизда бўлади.

Мамлакатимиз бюджети барқарор ва мувозанатли бўлиши керак. Биз бунга молиявий юклама ҳисобидан эмас, балки иқтисодий диверсификация қилиш ва барқарорлигини таъминлаш, янги саноат тармоқларини яратиш орқали эришамиз.

Бундай сиёсат “қарз бўҳрони”га тушиб қолиш хавфини туғдирмасдан, ижтимоий харажатларни масъулият билан режалаштириш ва унинг ҳажми изчил ўсишига имкон яратади.

Мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиш суръатларини жаҳондаги энг ривожланган мамлакатлар даражасига етказиш ва бу соҳада ислохотлар самарасини янада ошириш бўйича баъзи тизимли муаммолар сақланиб қолаётганини ҳам рад қилиб бўлмайди, албатта.

Иқтисодий таркибий жиҳатдан ислох қилиш ва ривожлантиришга алоқадор вазирлик ва идоралар фаолияти уйғунлигини таъминлаш, мавжуд муаммо ва тўсиқларни тезкорлик билан аниқлаш ва бартараф этишга асосланган замонавий ва инклюзив институционал тизимни янада такомиллаштириш зарурати каби қуйидаги вазифаларни кун тартибига қўймоқда:

❖ макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодий ўсиш мақсадлари ва таркибий ислохотлар ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш, шунингдек, ташқи ва ички омиллар таъсирида юзага келадиган иқтисодий циклларни бошқаришнинг замонавий прогнозлаштириш моделларига асосланган самарали тизими ва механизмларини жорий этиш жараёни янада кўпроқ эътиборни талаб қилмоқда;

❖ камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирларни янада қатъий амалга ошириш, шунингдек, ушбу йўналишдаги ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорликка жалб этиш билан боғлиқ тадбирларнинг самарадорлигини ошириш;

❖ ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ёндашув ва тамойилларни янада тўлиқ шакллантириш, иқтисодиётнинг ҳудудий ва тармоқлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлигини таъминлаш, бу жабҳадаги мавжуд салоҳият ва “нисбий устунлик” мезонларидан оқилона фойдаланиш ва ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда инсон капитали ва демографик омилларни инобатга олиш масалалари ҳам янгича ёндашувларни талаб қилмоқда;

❖ мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришнинг янада самарали ёндашувларини белгилаб олиш, тадбиркорликни молиявий ва номолиявий қўллаб-қувватлашнинг мақсадга йўналтирилган, айниқса, аҳолини тадбиркорликка ўқитиш ва касбга ўргатиш ишларини янги босқичга кўтариш, шу жумладан, барча дастурлар ҳисобидан ажратилаётган маблағларнинг сарфланиш самарадорлигини баҳолаш ишларини ташкил этишда йўл қўйилаётган камчиликларга барҳам бериш лозим;

❖ мамлакатимиз саноатини ривожлантиришнинг фундаментал драйверлари ҳисобланган соҳаларда меҳнат унумдорлигини янада ошириш, соҳанинг рақобатбардошлигини кучайтириш, шунингдек, мазкур жараёнда техник регламентларни замон талабларидан келиб чиқиб янгилаш ва самарали фойдаланиш масалалари ҳам алоҳида эътиборни талаб қилмоқда.

Аввало, макроиқтисодий барқарорлик ва барқарор иқтисодий ўсишга эришиш, инфляцияни пасайтириш ва барқарор нархларни таъминлаш, бюджет тақчиллигини мақбуллаштириш, тўлов ва жорий баланслари мақбуллигини таъминлаш,

иқтисодиётни диверсификация қилиш ва чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Биз ишлаб чиққан ривожланиш стратегияси дефицитсиз, яъни тақчилликсиз бюджетга эришишни назарда тутади.

Бутун иқтисодиёт тизимида маҳсулотлар тайёрлаш жараёнини оптималлаштириш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражасини муттасил ошириш, импорт ўрнини босиш жараёнларини янада чуқурлаштириш, 2026 йилгача саноат корхоналаридаги 51 мингдан зиёд ускуналарни замонавийларига алмаштириш ҳамда шу асосда, жумладан, қўшилган қиймат яратишнинг ягона занжирини ҳосил қилиш, мамлакатда ишлаб чиқарилаётган ип калаванинг бутун ҳажмини қайта ишлаш ҳисобидан тўқимачилик маҳсулотлари экспорти ҳажмини 7 миллиард АҚШ долларига етказиш билан боғлиқ вазифалар ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда.

Бу борада фискал сиёсат самарадорлигини ошириш, давлат харажатлари самарадорлигини ва ҳисобдорлигини яхшилаш, давлат ички ва ташқи қарзларини бошқаришни самарали ташкил қилиш вазифалари ҳам долзарблигича қолмоқда.

Биз давлатнинг солиқ сиёсати адолатли ва самарали бўлиши, у фақат бюджет тўлдирилишини таъминлабгина қолмай, балки янги корхоналар яратилиши ҳамда солиқ базасини кенгайтиришни рағбатлантириши ҳам лозим, деб ҳисоблаймиз. Янги таҳрирдаги Солиқ кодекси асосидаги кенг қамровли фаолиятни янада оптималлаштириш, ушбу йўналишда кейинги йиллардаги тараққиёт тамойилларини акс эттирган “Солиқ - 2030” стратегиясини ишлаб чиқиш лозим.

Молия бозорларини такомиллаштириш ва ривожлантириш, давлат улушига эга банклар трансформациясини амалга ошириш, банк секторида давлат улушини қисқартириш, молия бозо-

ри инфратузилмасини ривожлантириш вазифалари келгуси йилларда ҳам ўз долзарблигини сақлаб қолади.

Иқтисодиётда янги натижа ва ютуқларга, миллий рақобатбардошликни оширишга эришиш учун инновацияларни кенг миқёсда жорий этиш зарур.

Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий стратегияси 2030 йилга қадар глобал инновацион индекс рейтингда дунёнинг 50 та етакчи давлати қаторига кириш ва бу улкан мақсадга эришишда инсон капиталини ривожлантиришни назарда тутди.

Саноат соҳасидаги сиёсатни самарали амалга ошириш, саноатни инновацион асосда ташкил этиш, уни ривожлантиришда драйвер ва ўсиш нуқталарини белгилаб олиш, ишлаб чиқаришга илғор технологияларни жалб этиш орқали саноат тармоқлари рақобатбардошлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, “яшил технология”ларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш, хомашёни чуқур қайта ишлаш ва рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ташқи бозорларда юқори талабга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Янги эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш ва мавжуд ҳудудлар фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш, экспортни рағбатлантириш ҳамда кўмаклашиш орқали унинг номенклатураси ва географик маконини кенгайтириш устувор вазифалардан биридир.

Бу жабҳада жаҳоннинг етакчи халқаро ва хорижий молия институтлари билан алоқаларни кенгайтириш, жалб қилинган хорижий инвестициялар ва кредитлардан самарали фойдаланишни таъминлаш, сармоя жалб қилишда “иқтисодий дипломатия” ва “бизнес дипломатия”си институтларидан кенг фойдаланиш, қўшни мамлакатлар билан савдо айланмасини рағбатлантирув-

чи механизмни ривожлантириш масалалари алоҳида эътиборни талаб қилади.

Бизнинг иқтисодий стратегиямиз иқтисодиётга катта ҳажмдаги инвестицияларни жалб қилишга қаратилган. Инвестицияларнинг ўсиш суръатлари 10 йилда ялпи ички маҳсулотнинг камида 25 фоизини ташкил этиши учун зарур шароит яратамиз.

Ҳудудларнинг мавжуд имкониятларини тўлиқ ишга солиш эвазига маҳаллий саноат жадал ривожлантирилади, инвестициялар ва экспорт ҳажми кескин кўпайтирилади.

Мисол учун, Андижон вилояти экспортчиларининг ишбилармонлиги, улкан тажриба ва кўникмага эга эканини инобатга олиб, Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан ушбу ҳудудда “Экспортчилар мактаби” ташкил этилади. Ушбу мактабда маркетинг тадқиқотлари, янги ташқи бозорларга чиқиш стратегияси, халқаро стандартлар ва ташқи савдога оид бошқа қоидаларни таҳлил этган ҳолда, тадбиркорларга экспорт фаолиятини бошлаш ва кенгайтиришга кўмаклашилади.

Бундан ташқари, Европа мамлакатлари ва бошқа ривожланган давлатлар бозорларига чиқиш учун сертификатлаштириш органларининг халқаро аккредитациядан ўтиш билан боғлиқ харажатлари Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан қоплаб бериладиган тизим жорий этилади.

Ўзбекистон – Қирғизистон – Хитой транспорт коридорида жойлашган “Андижон логистика маркази” фойдаланишга топширилади.

Шу билан бирга, Европа Иттифоқининг махсус преференциялар тизимининг (GSP+) бенефициар мамлакати мақомини қўлга киритишимиз натижасида биргина Наманган вилоятининг экспортчилари Европа бозорларига ҳар йили камида 500 миллион АҚШ доллари миқдорида тайёр маҳсулотларни

етказиб бериш имкониятига эга бўлади. “Наманган экспо” маркази ташкил этилиб, вилоятда ҳар йили тўқимачилик халқаро форуми ва кўргазмаси ташкил этилади. Шунингдек, Наманган муҳандислик-технология институти негизида Италия, Франция, Жанубий Корея ва бошқа ривожланган давлатларнинг илғор тўқимачилик олийгоҳлари билан бирга Наманган тўқимачилик саноати институти ташкил этилади.

Экспортгача бўлган молиялаштириш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида банкдан ташқари кредит ташкилотлари томонидан ҳам хизматлар кўрсатиш тизими йўлга қўйилади. Бунинг эвазига маҳаллий экспортчи корхоналарни айланма маблағлар билан тезкор таъминлашга ва қўшимча 100 миллион АҚШ доллари миқдорида экспортни амалга оширишга имконият яратилади.

Электротехника саноати маҳсулотлари учун Европа Иттифоқи давлатларида талаб этиладиган стандарт ва сертификатларни жорий этиш бўйича харажатлар чекловларсиз қоплаб бериладиган тизим жорий этилади.

Инвестиция муҳитини такомиллаштириш тармоқлар ва соҳалар кесимида инвестиция сиёсати самарасини ошириш, хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобидан 2022–2026 йилларда амалга ошириладиган йирик инвестиция лойиҳаларини аниқлаштириш, иқтисодиётда давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш масалалари диққат-эътиборимизда бўлади.

Шу асосда яна инвестиция фаолиятини амалга оширишнинг эркинлиги, инвесторлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш, инвестициялар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш мақсадида ягона **Инвестиция кодексини** ишлаб чиқиш зарурати мавжудлигини ҳам алоҳида таъкидламоқчиман.

Мамлакатни технологик ютуқларга эришиш маконига айлантириш, ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантиришга қаратилган Инвестициявий сиёсат соҳасидаги миллий стратегияни амалга ошириш бирламчи мақсадимиздир.

Хорижий сармоядорлар учун тайёр инвестицион пакетларнинг электрон базасини шакллантириш ва тақдим этиш тизимини янада такомиллаштириш ҳам долзарб вазифалар қаторига киради.

Хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини кўпайтириш, янги турдаги юқори талабга эга хизмат турларини ривожлантириш, қишлоқ ва олис ҳудудларда талаб юқори хизматлар қамровини ошириш, хизматлар соҳасида фаолият кўрсатадиган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш тизими самарасини ошириш чораларини кўриш билан боғлиқ вазифалар ўз ечимини кутмоқда.

Тадбиркорлик муҳитини яхшилашга қаратилган ислохотлар ҳамда рақобатни рағбатлантириш борасида тадбиркорлик эркинлигини янада ошириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун мавжуд тўсиқларни бартараф этиш, очик иқтисодиёт ва бозор рақобатини таъминлаш, корхоналарнинг рақобатга зид ҳаракатларига қарши курашиш, миллий қонунчиликни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш ишларини янги босқичга кўтариш зарур.

Энергия самарадорлигини таъминлаш зарурати қайта тикланувчи энергия қурилмалари ишлаб чиқарувчилари ва истеъмолчиларини қўллаб-қувватлаш, энергия самарадорлиги стандартларини кенгайтириш, замонавий энергия ресурслари бозорини шакллантириш, ушбу соҳага замонавий инновацияларни жорий этишни талаб қилмоқда.

Ердан фойдаланиш ва фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида ердан фойдаланишда мослашувчанлик, шаффофлик ҳамда самарадорликни ошириш, мулкчилик ҳуқуқларини кучайтириш, бу жабҳага замонавий восита ва технологияларни жорий этиш вазифаси ҳам долзарблигича қолмоқда.

Айни пайтда “Яшил иқтисодиёт” технологиялари барча соҳаларга фаол жорий этилиб, иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш, ҳавога чиқариладиган зарарли газлар ҳажмини 10 фоизга қисқартириш вазифаси долзарблигича қолмоқда. **Бунинг учун қуйидагиларга алоҳида аҳамият қаратиш лозим:**

❖ қуввати 5 минг мегаваттдан ортиқ бўлган шамол, қуёш ва сув электр станциялари ишга туширилиб, йилига қарийб 3 миллиард куб метр табиий газни тежаш;

❖ электромобиллар ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишни рағбатлантириш бўйича алоҳида дастур қабул қилиш;

❖ 2022 йилда Тошкент шаҳрида жамоат транспорти йўналишларида 320 та электробус қатновини йўлга қўйиш;


❖ “Яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш бўйича махсус жамғарма ташкил этиш;

❖ **“Янги Ўзбекистон – рақобатбардош маҳсулотлар юрти”** ғояси асосида 200 та экспортчини очик танлов асосида саралаб, уларни етакчи экспортёрларга айлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.

Буларнинг барчасини амалга оширишда илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси, илмий-технологик ҳамда инновацион тадбиркорликни барқарор ривожлантириш, юқори технологик ишлаб чиқаришлар, ноу-хауларни ўзлаштириш, корхоналарда инновацияларнинг жорий қилиниши, технологиялар трансферини таъминлаш учун технополислар, технопарклар каби эркин иқтисодий ҳудудлар ва илмий-ишлаб чиқариш

кластерларининг яратилишига йўналтирилган қонунчиликни яратиш ва тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур вазифаларнинг бажарилиши жамиятимиз иқтисодиётини янги босқичга кўтариш, макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсиш суръатларини кенгайтириш имкониятларини янада оширади.



Хусусий мулк ва тадбиркорликни ривожлантириш

Алоҳида таъкидлаш лозимки, Янги Ўзбекистон модернизациялашган иқтисодиётга таянади. Бундай иқтисодиётни шакллантириш учун ундаги давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва унинг ролини кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш зарур.

Биз ушбу мақсадларга эришиш учун, аввало, хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, барча турдаги тўсқинлик ва чекланишларни бартараф этишни устувор вазифа, деб ҳисоблаймиз.

Янги Ўзбекистон – кенг иқтисодий имкониятлар мамлакатидир.

Иқтисодий сиёсатимизнинг асосий тамойилларидан бири – ҳар бир фуқаро бой бўлса – давлат бой бўлади, ҳар бир оила фаровон бўлса – мамлакат фаровон бўлади.

Янги Ўзбекистонни ҳалол меҳнат қилиб муваффақиятга эришишни орзу қиладиган, тадбиркорлик орқали ўзи ва оиласи фаровонлигини таъминлашга интиладиган, Ватани ва халқига сикидилдан хизмат қилишни истайдиган барча фуқаролар учун кенг имкониятлар мамлакатига айлантиришимиз зарур.

Фуқароларнинг меҳнат қилиш ва тадбиркорлик ҳисобидан даромад топиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини, ташаббусларини

рўёбга чиқариш – барча бўгиндаги давлат органларининг бирламчи вазифаси бўлиб қолади.

Пандемия даврида иқтисодиётнинг барқарор ишлаши учун тадбиркорлар давлат билан баробар ҳисса кўшди. Шунинг учун барчамиз уларга елкадош бўлиб, доимо қўллаб-қувватлашимиз шарт. Бу борада ишбилармонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, айниқса, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш асосий вазифамиз бўлиши лозим. Шу билан бирга, айрим жойларда давлат органлари тизимидаги раҳбар ва мутасаддилар томонидан тадбиркорларнинг мулкка доир ҳуқуқларини бузиш ҳолатлари давом этмоқда. Бундай мансабдорларни маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича Бизнес-омбудсманга ваколат берилиши жуда муҳим қадам бўлди.

“Солиқчи – кўмакчи” тамойили асосида тадбиркорлар учун уларнинг бизнес ҳамкорининг солиқ қарздорлиги ҳақидаги маълумотларни олиш имконияти яратилди.

Эндиликда бозорда тенг рақобат муҳитини яратиш ва қонун асосида ишлайдиган тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида “яширин иқтисодиёт”ни қисқартиришга қаратилган қўшимча механизмлар кенг жорий этилади.

Аҳоли ўртасида тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга оид ижтимоий дастурларнинг иқтисодиётда амалга оширилаётган ислоҳотлар билан уйғунлигини таъминлаш ва мувофиқлаштириш лозим.

Аҳолида тадбиркорликка оид зарурий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган ўқитиш тизимини такомиллаштириш, мазкур жараёнга халқаро ташкилотлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва нодавлат таълим ташкилотларини янада кенг жалб қилиш зарур.

Шунингдек, тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида микрокредитлаш тизимини институционал жиҳатдан такомиллаштириш ва ривожлантириш ҳам эътиборни талаб қилади.

Шу билан бирга, тадбиркорлик кўникмаси ва тажрибасига эга бўлган аҳолини ва бошқа кичик бизнес вакиллари салоҳиятини рўёбга чиқариш орқали улар фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантиришга қаратилган тўлақонли тизимни яратиш ва унинг самарали ишлашини таъминлаш лозим.

Давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш соҳасида ҳам қатор тизимли муаммолар мавжуд. Жумладан:

❖ давлат мулки республика ва муниципал мулкка таснифланмаган, давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштиришни шаффоф механизмлар орқали амалга оширишни назарда тутувчи тўғридан-тўғри амал қиладиган қонунчилик ҳужжатлари мавжуд эмас;

❖ давлат иштирокидаги корхоналарга эгалик қилиш мезонларининг мавжуд эмаслиги сабабли хусусий сектор муваффақиятли фаолият кўрсатаётган ва рақобат ривожланган соҳаларда давлат иштирокидаги корхоналарнинг фаолият юритиши ҳамда хусусийлаштиришда тизимли ёндашув амалга оширилмаганлиги натижасида давлат иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодиётдаги иштироки юқориликча қолмоқда;

❖ давлат иштирокидаги корхоналарга имтиёз ва преференциялар берилиши ва улар томонидан давлатнинг тижорат ва нотижорат мақсадларини бажариш механизмининг очик-ошкора эмаслиги натижасида давлат иштирокидаги корхоналар хусусий корхоналарга нисбатан устун мавқега эга;

❖ корпоратив бошқарувнинг замонавий услублари жорий этилмаганлиги натижасида давлат иштирокидаги корхоналарнинг хўжалик фаолиятига давлат бошқаруви органлари аралашувининг юқори даражадалиги, кузатув кенгаши таркибида дав-

лат хизматчиларининг кўплиги, мотивация ва жавобгарликнинг етарли эмаслиги, инсон капитали самарадорлигини ошириш заруратига бўлган муносабатнинг қониқарсизлиги оқибатида ижро этувчи органнинг акциядорлар олдидаги масъулияти паст даражада.

Буларнинг барчаси бу соҳадаги ишларимизнинг сифати ва самарасини пасайтираётгани, мақсад-муддаоларимизга етиш йўлида жиддий тўсиқ бўлиб турганини рад қилиб бўлмайди, албатта.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида тадбиркорлик учун зарур шарт-шароитлар яратиш бирламчи вазифа деб белгиланади.

Хусусий мулк дахлсизлиги ва уни ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилиш, кичик бизнес вакиллари ва тадбиркорларга кенг эркинлик бериш, улар фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш – иқтисодий сиёсатнинг асосий вазифаси бўлиб қолади.

Хусусий мулк ҳуқуқлари ҳимояси ва тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда бизнес юритиш учун шарт-шароитларни янада яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантиришга оид ислохотларни изчил давом эттириш билан боғлиқ вазифалар долзарблигини сақлаб қолмоқда. Мамлакатимизда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш механизмларини кенгайтириш, уларни зарур молиявий ва инфратузилмавий ресурслар билан таъминлаш учун яқин келажакда яна бир қатор вазифаларни бажаришимиз зарур. Хусусан, Марказий банк асосий ставкасининг 1,75 баробаридан ошмаган миқдордаги фоиз ставкаси билан кичик тадбиркорлик субъектларига миллий валютада бериладиган кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация (унинг белгиланган миқдорларини сақлаб қолган ҳолда) тақдим этиш амалиёти-ни давом эттириш зарур.

Бу борада қуйидаги масалаларга алоҳида аҳамият қаратилади:

◆ 2022 йилдан бошлаб тадбиркорлар билан ўтказилган очик ҳукукат доирасида шакллантирилган 7 та йўналиш бўйича 60 га яқин янги ташаббус ва таклифларни назарда тутадиган дастурни амалга ошириш;

◆ корхоналар учун мол-мулк солиғи ставкасини 2 фоиздан 1,5 фоизга камайтириб, тадбиркорлар ихтиёрида 500 миллиард сом маблағ ҳоҳлашиш;

◆ 2023 йилдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи ставкасини 15 фоиздан 12 фоизга тушириш;

◆ кредитик шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқларини бирлаштириб, ягона кўчмас мулк солиғини жорий этиш;

◆ тадбиркорликнинг банк, молия, телекоммуникация каби йўналишларида фойда солиғи ставкасини 20 фоиздан 15 фоизга тушириш ва уларнинг барча тадбиркорлик субъектлари учун бир хил бўлишига эришиш;

◆ йўл қўрилиши, иссиқлик таъминоти, ободонлаштиришга оид вазиматлар сифари 25 та фаолият тури бўйича монополияни қўриқиб, ушбу соҳаларда тадбиркорлар учун кенг йўл очиш;

◆ туман ва шаҳарлардаги тадбиркорликка кўмаклашадиган маҳаллий турizmлар негизида Тадбиркорлар кенгашини ташкил этиш;

◆ касбга ўқитиш ҳўламини 2 баробар ошириб, жами 1 миллион нафар кишига фуқарони касб-хунарларга ўқитиш ва бу жаҳонда мусавват таълим муассасалари иштирокини 30 фоизга ошириш;

◆ касб-хунарлар билан тизимли равишда шуғулланиш масалаларини ҳал қилиш ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ихтиёрида бўлиши;

❖ норасмий секторда ишлаётган 2,5 миллион нафар фуқаронинг бандлигини легаллаштиришга ёрдам бериш орқали улар учун ижтимоий кафолат ва имтиёزلардан тўлиқ фойдаланиш имкониятини яратиш;

❖ ҳудудларда сервис соҳалари кўламини кенгайтириш ҳисобидан хизмат кўрсатиш ҳажмини 3 баробар ошириш ва бунинг эвазига 3,5 миллионта янги иш ўрни яратиш;

❖ 2026 йилга бориб хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 67 фоиздан 80 фоизга, экспорт ҳажмида эса, 32 фоиздан 60 фоизга ўсишини таъминлаш.

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатга олинган фуқароларга тадбиркорлик ташаббусларини амалга ошириш учун кредит миқдорининг 75 фоизигача, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 баробаридан ортиқ бўлмаган тижорат банклари кредитлари бўйича кафиллик бериш амалиётини янада кенгайтирамиз.

Ўз маҳсулотларини экспорт қилувчиларга товарлар тўловларни кечиктириб тўлаш шарти билан экспорт қилинганда, уларнинг айланма маблағларини тўлдириш учун револьвер кредитларни молиялаштиришга тижорат банкларига молиявий ресурслар тақдим этишни давом эттириш зарур.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ажратилаётган кредитларнинг 70 фоизини кичик бизнес лойиҳаларига, 30 фоизини устувор равишда ўзини ўзи банд қилишга (томорқадан унумли фойдаланиш, уй шароитида ҳунармандчилик ва касаначиликни ривожлантириш) йўналтиришга кўмаклашиш лозим.

Тадбиркорликни ривожлантириш борасида қуйидаги вазифалар ҳам диққат марказимизда турмоғи даркор:

❖ Ўзбекистоннинг “Бизнесни юритиш”, глобал рақобатбардошлик (GCI), инновациялар (GII), саноатнинг рақобатбардош-

лиги индекслари бўйича дунёнинг етакчи 50 та мамлакати қаторидан ўрин эгаллашини таъминлаш;

❖ бизнес юритишнинг олис истиқболга мўлжалланган имкониятини таъминлаш, бугунги кунда тадбиркорлик соҳасини тартибга солувчи минглаб қонун ҳужжатлари мавжудлигини инобатга олиб ҳамда давр талабларидан келиб чиқиб тадбиркорлик соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш ва либераллаштириш мақсадида ягона **“Тадбиркорлик кодекси”**ни ишлаб чиқиш;

❖ **“Ҳар бир оила – тадбиркор”** ғоясини изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиш, жамиятда фаол тадбиркорлик маданиятини шакллантириш, мактабдан бошлаб олий таълим муассасаларида ҳам тадбиркорлик тўғрисида дарслар ўтиш, тўғараклар ташкил этиш, жумладан, **“Тадбиркорлар академияси”**ни, соҳага қизиқаётган ёшлар учун эса консалтинг марказларини ташкиллаштириш;

❖ ҳудудларда тадбиркорликнинг ривожланишига хизмат қилувчи инфратузилмаларни ҳар томонлама ривожлантириш, истиқболдаги ривожланиш стратегияларини белгилаш, шу мақсадда оптимал бошқарув қарорларини қабул қилиш;

❖ тижорат банклари, лизинг компаниялари ва бошқа молиявий ташкилотлар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиялаштирилишини кенгайтириш, гаров таъминотини расмийлаштириш билан боғлиқ банк кредитлари бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш;

❖ экспорт-импорт тартиб-таомилларини янада соддалаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бўйича давлат харидларини кенгайтириш;

❖ кичик бизнеснинг халқаро ҳамжамиятга интеграциялашуви, экспорт салоҳиятини ошириш ва диверсификациялаш, маркетинг тизимини ислоҳ қилиш, инновацион ва стратегик бошқарувни такомиллаштириш, маҳсулотларни ташқи бозорларга олиб чиқиш, хорижда миллий брендларни фаол илгари суриш;

❖ венчур корхоналар ва жамғармалар, “бизнес-фаришталар” – молиявий ва бошқа ресурсларни инновацион лойиҳаларга сарфловчи хусусий инвесторлар фаолияти, “стартаплар” учун шарт-шароитлар яратиш;

❖ корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган илмий-тадқиқот ва инновацион ишларини солиқ имтиёзлари орқали рағбатлантириш.

Яқин ўн йил ичида иқтисодиётимиз ва жамиятимиз олдида ечимини кутиб турган ўта жиддий масала – бу паст самарадорликка барҳам беришдан иборат. Шунинг учун биз яқин беш йилда мамлакат иқтисодиётида меҳнат унумдорлигини икки баробар оширишга эришишни ўзимизнинг стратегик мақсадларимиздан бири сифатида белгилаб олдик.

Устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик бирлашмалари ва давлат унитар корхоналари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш, иқтисодиётда давлат иштирокини асосланган даражагача қисқартириш ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш бўйича ишларни тизимли равишда давом эттирамиз.

Камбағалликдан чиқиб кетиш учун энг муҳим омил – бу инсоннинг интилиши, ўз кучига таянган ҳолда, аниқ мақсад сари ҳаракати бўлиши керак. Шу мақсадда маҳаллаларда аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш бўйича марказлар ташкил этилади. Бунда касб-ҳунарга ўқитиладиган ҳар бир шахс учун ўқув марказларига ҳам, ўз бизнесини бошламоқчи бўлган фуқароларга ҳам субсидиялар берилади.

Шунингдек, ҳар бир туманнинг имконияти ва ривожланиш йўналишидан келиб чиқиб, деҳқончилик билан шуғулланадиган оилаларга 10 сотихдан 1 гектаргача ер майдонлари ажратилади.

Аҳолини юқори меҳнат даромадлари билан таъминлаш, уларнинг ижодий ва касбий ўсиши учун кенг имкониятлар яратиш ҳамда ижтимоий лифтларни шакллантириш лозим. Барча саъй-ҳаракатларимиз замирида битта мақсад – фуқароларнинг реал даромадлари ва реал ойлик маошларининг инфляция даражасига қараганда тезроқ ўсиб боришини таъминлаш турибди.

Камбағаллик даражасини қисқартириш кўп жиҳатдан даромадлар тақсимланишидаги тафовутни камайтириш, ижтимоий табақалашувнинг хавфсизлик меъёрларидан юқори бўлмаслигини таъминлаш, муҳтож оилаларни ўрта даромадлилар каторига ўтказиш билан боғлиқдир.

Эҳтиёжманд аҳоли бандлигини таъминлашга Бандликка кўмаклашиш ҳамда Жамоат ишлари жамғармаларидан катта маблағлар йўналтирилади.

Камбағалликни қисқартириш борасида ҳудудлардаги ҳақиқий ҳолатга баҳо бериш, амалга оширилаётган ишлар ижросини назорат қилиш Олий Мажлис палаталари ва маҳаллий кенгашларнинг диққат марказида бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Юртимизда ҳар бир туман ва шаҳар ҳокими ўз ҳудудида камбағалликни қисқартириш бўйича манзилли дастур ишлаб чиқиб, унинг ижроси бўйича ҳар чоракда маҳаллий кенгашларда ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали халққа ҳисобот бериб борадиган тизим йўлга қўйилмоқда. Умуман, бу масала барча раҳбарларнинг биринчи даражали вазифаси ва иш самарасини баҳолайдиган асосий мезонга айланиши керак.



Иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётининг жадал тараққиётини таъминлаш учун таркибий ислохотларни амалга ошириш, етакчи тармоқларни модернизация ва диверсификация қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Акс ҳолда нафақат иқтисодиётимиз ривожини, балки миллий тараққиётнинг юксак суръатларини ҳам таъминлаб бўлмайди.

Ўзбекистонга янги саноатни олиб кириш бошқа давлатларга нисбатан қулай бўлишини таъминлаймиз. Бунда энергетика саноати ва сўнгги йилларда жадал ривожланиб бораётган қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни янги технологик даражага кўтарамиз.

Биз 2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажмини 2,5 баробар кўпайтириш, миллий иқтисодиёт таркибида саноатнинг улушини 40 фоизга етказиш бўйича аниқ мақсадли дастурларни амалга оширамиз.

Шуни инобатга олган ҳолда, кейинги йилларда иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни жорий этиш, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш учун бир қатор вазифаларни бажаришга асосий эътибор қаратилади.

Миллий иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини янада кўпайтириш ҳамда бу йўналишнинг сама-

расини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг иқтисодиёт соҳасидаги устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишда давлат компанияларини трансформация қилишни жадаллаштириш лозим.

Ҳозирги вақтда давлат иштирокидаги корхоналарнинг аксарияти молиявий барқарор бўлмагани учун давлатга оғир юк бўлиб қолмоқда. Шунинг учун жорий йилдан барча давлат корхоналарини ислоҳ қилиш дастури амалга оширилмоқда. Жумладан, келгуси йилда Навоий кон-металлургия комбинати, “Ўзбекнефтгаз”, “Ўзбекгидроэнерго”, “Ўзавтосаноат” акциядорлик жамиятлари халқаро молия бозорига чиқиб, давлат кафолатисиз маблағ жалб қилиш имкониятига эга бўлади.

Тан олиш керак, мутахассисларнинг билим ва малакаси, йирик корхоналарнинг техник имкониятлари, уларни мустақил трансформация қилиш учун етарли эмас. Шунинг учун электр энергетикаси, нефть-газ ва кимё саноати, машинасозликдаги йирик корхоналар ҳамда тижорат банкларини ислоҳ қилиш учун Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки ҳамда “МакКинзи”, “Бостон консалтинг Групп”, “Ротшильд” каби халқаро тан олинган компаниялар жалб этилди.

Таркибий ислохотларнинг муҳим йўналиши – давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтиришдир.

Товар ва молия бозорларида эркин рақобат муҳитини шакллантириш ҳамда тадбиркорларга хомашё сотиб олиш учун тенг имкониятлар яратиш зарур.

Ҳозирги кунда электр энергияси, газ, қимматбаҳо металллар, минерал ўғитлар, транспорт хизматлари каби йўналишларда мо-

нопол бозорлар мавжуд бўлиб, уларда кўплаб муаммолар сақланиб қолмоқда.

Иқтисодий фаоллик ва аҳоли даромадлари ўсгани сайин энергия ресурсларига бўлган талаб ҳам ортиб боради. Шунинг учун нефть-газ ва энергетика соҳаларидаги ислохотларни ва бошланган йирик лойиҳаларни якунига етказишимиз лозим.

Бундан буён барча давлат харидлари жамоатчилик ва парламент назоратида бўлади.

Иқтисодий ўсишга, аввало, рақобатдош саноат занжирларини яратиш ҳамда бундай лойиҳаларга инвестицияларни кўпайтириш орқали эришиш лозим.

Гарвард университети тадқиқотларига кўра, мамлакатимиз 50 дан ортиқ саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда барча имкониятлар ва нисбий устунликларга эга. Айниқса, нефть, газ-кимё, металлургия, машинасозлик, электротехника, фармацевтика, қурилиш материаллари, тўқимачилик, чарм-пойабзал, озиқ-овқат ҳамда “яшил иқтисодиёт” билан боғлиқ саноат тармоқлари иқтисодиётимиз “драйверлари”га айланиши учун барча етарли шароитлар мавжуд.

Бу тармоқларда хусусий секторнинг ташаббуслари ва янги лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда кооперацияни ривожлантириш бўйича барча чоралар кўрилиши лозим.

Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш орқали иқтисодий ислохотларнинг мустаҳкам пойдеворини яратиш керак.

Бу борада глобал пандемия озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратиш зарурлигини яна бир бор тасдиқлади. Шу боисдан ҳам асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг кескин ошиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида импорт соҳасидаги бож тўловлари бўйича берилган имтиёзлар яна бир йилга узайтирилади.

Халқимиз хотиржам бўлиши керак: сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, бу борада кафолатланган захирани яратиш ва уларни бозорга узлуксиз етказиб бериш ҳамда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш ишларига устувор даражада эътибор қаратилади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг ташқи қарзи, Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси мезонларига кўра, хавфсиз ҳисобланади. Айни вақтда ташқи қарз ҳисобидан ҳудудларда амалга ошириладиган лойиҳалар бундан буён маҳаллий кенгашлар ва жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилади. Уларнинг натижалари тўғрисида жамоатчиликка ҳисобот бериш тизими йўлга қўйилади.

Шунингдек, давлат номидан ташқи қарз олиш камайтирилиб, инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларига кўпроқ хусусий капитал жалб этилади. Масалан, кейинги йилда давлат-хусусий шериклик асосида 40 дан ортиқ йирик ва ўрта лойиҳаларни амалга ошириш бошланади.

Шу билан бирга, мамлакатимизда ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича ҳуқуқий базани яратиш вақти-соати келди. Бунга Ислом тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия ташкилотлари экспертлари жалб этилади.

Камбағалликни қисқартириш ва қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтиришда энг тез натижа берадиган омил – қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва самарадорликни кескин оширишдан иборат.

Бунда ҳар гектар ердан олинадиган даромадни камида 5 минг АҚШ долларигача етказиш устувор вазифа ҳисобланади. Бунинг учун қишлоқ хўжалигига энг илғор технологиялар, сувни тежайдиган ва биотехнологияларни, уруғчилик, илм-фан ва инновациялар соҳасидаги ютуқларни кенг жорий этишимиз керак.

Аввало, фермер ва дехконларнинг ердан манфаатдорлигини ошириш зарур. Манфаатдорлик ва адолат бўлган жойда, албатта, ўзгариш ва ўсиш бўлади. Бу борада ердан фойдаланиш ҳуқуқларини кафолатлаш ва ерларни бозор активларига айлантириш масаласини кўриб чиқиш вақти келди.

Барча вилоятларда қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар марказларида “ягона дарча” тамойили асосида 100 дан ортиқ агро хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилади. Бу марказлар орқали ернинг сифатини яхшилаш, касалликларга қарши курашиш, уруғликларни танлаш билан боғлиқ муҳим хизматлар кўрсатилади.

Товар ва хизматлар экспортини ошириш, автомобилсозликни ривожлантириш, янги ишлаб чиқаришлар, аҳолининг кенг қатламлари фойдаланишига мўлжалланган енгил автомобилларнинг замонавий моделлари ишлаб чиқарилишини ташкил этиш, енгил автомобилларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражасини ўрта ҳисобда 75 фоизга етказиш зарур.

Атом фани, технологиялари ва энергиясидан хавфсиз фойдаланиш инфратузилмасини, ядровий ва энергетик машинасозликни, ядровий ёқилғи ишлаб чиқариш, атом энергетикасини ривожлантириш асосида, хусусан, умумий қуввати 2,4 гигаватга тенг АЭС иншоотини бунёд этиш ва ундан хавфсиз фойдаланишни таъминлаш бўйича чоралар белгиланади.

Иқтисодиётнинг космик тармоғини ривожлантириш, фазовий ва йўлдош технологияларни, инновацион ғоя ва ишланмаларни жорий этиш, спутник алоқасининг миллий тармоғини, шу жумладан, давлат-хусусий шерикчилиги асосида ривожлантиришга қаратилган ишлар жадаллаштирилади.

Шу билан бирга, “яшил иқтисодиёт”га ўтиш стратегиясини ҳаётга татбиқ этиш орқали иқтисодиётнинг энергия ва ресурсиғимдорлигини қисқартириш, ишлаб чиқаришга тежамкор тех-

нологияларни кенг жорий қилиш, қайта тикланувчи технологиялардан фойдаланишни кенгайтириш, атом энергетикасини ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Шу асосда қайта тикланадиган ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда, 2026 йилга қадар электр энергияси ишлаб чиқариш улушини 20 фоиздан ошириш, мамлакатни ишончли, хавфсиз, тежамкор ва самарали электр энергияси манбаи билан таъминлаш, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига 2030 йилга қадар 20 минг мегаваттга етказиш лозим.

Шунингдек, фармацевтика саноатини ривожлантириш, фармацевтик эркин иқтисодий ҳудудлар фаолиятини ташкил этиш, саноат плантацияларини яратиш ва доривор ўсимликларни етиштириш каби мақсадли дастурларини амалга ошириш асосида доривор воситалар ва биологик фаол моддаларнинг ишлаб чиқарилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури қабул қилинади.

Келгусида Жаҳон савдо ташкилотига аъзолик масаласи ҳамда Европа Иттифоқи билан кенг қамровли ҳамкорлик бўйича ишларни фаоллаштириш ҳам ана шундай долзарб вазифалар сирасига киради. Бу жиҳатдан, “CSP+” тизими доирасидаги имтиёزلарни мамлакатимизда самарали қўллашга алоҳида эътибор қаратилиши давр талабига айланганини унутмаслик даркор.



Қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш

Иқтисодиёт соҳасидаги энг муҳим вазифаларимиздан яна бири – бу аграр соҳани янада ислоҳ қилиш ва модернизациялашдан иборат. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг энг қадимий, ҳеч қачон ўз ўрни ва аҳамиятини йўқотмайдиган таянч тармоқларидан биридир. Лекин сайёрамиздаги глобал иқлим ўзгаришлари ҳамда минтақамиздаги экологик муаммолар оқибатида қишлоқ хўжалигида ҳар йили илгари кўрилмаган янги-янги синов ва қийинчиликлар пайдо бўлаётгани ушбу аграр соҳага эътиборни янада кучайтиришни тақозо қилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш ва сотишда бозор тамойилларини кенг жорий этиш, сифат назорати инфратузилмасини ривожлантириш, экспортни рағбатлантириш, мақсадли халқаро бозорларда рақобатбардош, юқори қўшилган қийматли қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни назарда тутувчи қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратишга устувор вазифалар сифатида қараймиз.

Аграр соҳадаги кластерлар ва кооперациялар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва истеъмол рационини яхшилаш давлат сиёсатининг асосий мақсадларидан бири бўлиб қолаверади.

Фермер хўжаликларида меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, юқори қўшилган қиймат яратишга қаратилган тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш орқали давлат

харажатлари самарадорлигини кучайтириш ва босқичма-босқич қайта тақсимлаш бўйича махсус стратегия ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи, қайта ишловчи ва сотувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашга ҳаракат қилинмоқда.

Мазкур соҳага инвестицияларни жалб қилиш, ресурс тежамкор технологияларни жорий этиш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни замонавий техникалар билан таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Табиат билан уйғун бўлишга интилиб яшаган аجدодларимизнинг тажрибасига таянишимиз зарур. Оролбўйини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди сифатида эълон қилиш бўйича БМТ Бош Ассамблеясининг резолюциясини ҳаётга татбиқ этиш борасида тизимли ва комплекс чора-тадбирларни амалга оширишимиз лозим.

Ушбу соҳада пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириб, экин майдонларини янада мақбуллаштириш, бўшаб қолган ерларга картошка, сабзавот, мойли экинларни, шунингдек, янги интенсив боғ ва узумзорларни жойлаштириш навбатдаги вазифаларимиздан биридир.

Мамлакатимизда касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий тупроқ-иқлим ва экологик шароитларга мослашувчан, сермаҳсул қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини яратиш ҳамда маҳсулдор чорва моллари наслини кўпайтириш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш масалалари ҳам тизимли ташкил этилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, ярим тайёр маҳсулотлар ва тайёр озиқ-овқат маҳсулотларини, шунинг-

дек, кадоқлаш буюмларини ишлаб чиқариш бўйича энг замонавий юқори технологияли ускуналар билан жиҳозланган қайта ишловчи янги корхоналарни қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш юзасидан инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга алоҳида аҳамият қаратиш керак.

Ҳозирги вақтда дунё миқёсида озик-овқат хавфсизлиги, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш долзарб масаладир.

Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалиги соҳасини модернизация ва диверсификация қилиш, озик-овқат экинлари етиштиришга алоҳида эътибор бериш керак.

Ерни ҳақиқий эгасига бериш, айниқса, маҳсулот етиштиришдан тортиб, уни сотишгача бўлган агробизнеснинг яхлит занжирини ўз ичига қамраб олган кластер моделини ва кооперация тизимини тўлиқ яратишни давом эттирамиз.

Бугун ҳеч бир соҳада илм-фан ютуқлари ва инновацион технологияларни амалиётда қўллагандан туриб тараққиётга эришиб бўлмайди. Бу эса кенг ва замонавий билимга эга кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, хорижий тажрибаларни ўзлаштириш каби долзарб вазифаларни олдимизга қўймоқда.

Шу мақсадда аграр соҳага ихтисослашган олий ўқув юртларида таълим сифатини тубдан ошириш, тараққий этган давлатларнинг нуфузли таълим даргоҳлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш, уруғчилик, наслчилик ва ветеринария йўналишидаги илмий муассасалар фаолиятини такомиллаштириш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, унинг тараққиётини жадаллаштириш борасида ҳал қилиниши зарур бўлган муаммолар ҳам кам эмас. Ўзбекистонни тараққиётнинг янги босқичига кўтариш вазифаси ва жаҳонда озик-овқат маҳсулотларига талаб ошиб бораётгани аграр соҳани тубдан ислоҳ қилишни, унга бозор механизмлари, айниқса, инновацион ва тежамкор

технологияларни, инвестицияларни кенг жалб этишни тақозо этмоқда.

Яқин келажакда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотлар самарасини ошириш ва мазкур жабҳани ривожлантиришнинг кўйидаги устувор вазифалари белгилаб олинди:

❖ озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш ва истеъмол рационини яхшилаш, талаб этиладиган миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни назарда тутувчи озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича давлат сиёсатини янги босқичга кўтариш;

❖ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш ва сотишда бозор тамойилларини кенг жорий этиш, сифат назорати инфратузилмасини ривожлантириш, экспортни рағбатлантириш, мақсадли халқаро бозорларда рақобатбардош, юқори қўшилган қийматли қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни назарда тутувчи қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратишга алоҳида эътибор бериш;

❖ қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғини модернизациялаш, диверсификация қилиш ва барқарор ўсишини қўллаб-қувватлаш учун хусусий инвестиция капитали оқимини кўпайтириш орқали соҳада давлат иштирокини камайтириш ва инвестициявий жозибадорликни ошириш механизмларини кенг жорий қилиш;

❖ мамлакат миқёсида ер ва сув ресурслари, ўрмон фондидан оқилона фойдаланишни назарда тутувчи табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш;

❖ қишлоқ хўжалигида давлат бошқаруви тузилмасини ре-структуризация қилиш ва янада ривожлантиришни назарда тутувчи бошқарувнинг замонавий тизимларини ривожлантириш;

❖ фермер хўжаликларида меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, юқори қўшилган қиймат яратишга қаратилган тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш орқали давлат харажатлари самарадорлигини ошириш ва босқичма-босқич қайта тақсимлашга эришиш;

❖ қишлоқ хўжалигида илмий-тадқиқот, таълим ва маслаҳат хизматларининг ишлаб чиқариш билан интеграциялашган билим ва маълумотларни тарқатишнинг самарали шаклларини қўллашни назарда тутувчи илм-фан, таълим, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини янада ривожлантириш;

❖ қишлоқ жойларни мувозанатли ва барқарор тараққий эттиришга кўмаклашишни назарда тутувчи қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш дастурларини амалга ошириш;

❖ қишлоқ хўжалигига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш орқали статистик маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва тарқатишнинг ишончли услубларини жорий этишни назарда тутувчи тармоқ статистикасининг шаффоф тизимини такомиллаштириш чораларини кўриш.

Ушбу вазифалар билан бир қаторда қишлоқ хўжалиги ривожини таъминлашга қаратилган тизимли чора-тадбирларни рўёбга чиқаришимиз зарур, деб ҳисоблайман.

Бунда аввало, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, қишлоқ аҳолиси ўртасида “Томорқа – қўшимча даромад манбаи” тамойилини кенг тарғиб қилиш, ер эгаларининг билим ва тажрибасини оширишга алоҳида аҳамият бериш лозим.

Ушбу йўналишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига замонавий агротехнологияларни кенг жорий этиш, интенсив боғлар ва токзорлар яратиш, органик қишлоқ хўжалиги, мева-сабзавот, озиқ-овқат, асаларичилик, балиқчилик, паррандачилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштиришни

кўпайтириш борасидаги фаолият ҳам алоҳида эътиборни талаб қилади.

Айни пайтда биз қишлоқларда кичик ишлаб чиқариш корхоналари тармоғини, қишлоқ хўжалиги кластерларини, агрокластерлар, кўп тармоқли фермер хўжаликларини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, уларга чуқур ишлов бериш, транспортда ташиш ва сотиш (экспорт қилиш) бўйича кичик ишлаб чиқариш корхоналари (қишлоқ хўжалиги хаблари) тармоғини ривожлантиришга оид қонунчиликни такомиллаштириш ва бошқа амалий чораларни мақбул, деб ҳисоблаймиз.

Шу билан бирга, қишлоқда ишлаб чиқаришнинг янги инфратузилмасини яратиш, юқори қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқариш, замонавий агротехнологиялар, селекция ва уруғчилик усулларини жорий қилиш, ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланишда ривожланган мамлакатлар даражасига етиш вазифалари ҳам аҳамиятлидир.

Қишлоқ хўжалигида янада кўпроқ маҳсулдорликка эришиш мақсадида ҳудудларда ернинг балл бонитетига қараб экин турларини жойлаштириш, ҳудудларнинг ихтисослаштирилишини ҳаётга кенг жорий этиш мамлакат иқтисодиётига катта фойда келтиради.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи фермер, деҳқон ва томорқа ер эгалари манфаатларига хизмат қилувчи янги мазмундаги тузилмалар ташкил этиш ва улар фаолиятини самарали йўлга қўйиш соҳа ривожининг муҳим омилларидан биридир.



Сув ресурсларидан фойдаланиш механизмларини тубдан ислоҳ қилиш, улардан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш, иқтисодиёт тармоқларида сув тежовчи технологияларни жорий этишни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, шунингдек, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу борада мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ер ресурсларини тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш устувор вазифа этиб белгиланган.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётини барқарорлаштириш борасида мавжуд суғорма деҳқончилик ва сув ресурслари салоҳиятидан самарали фойдаланиш даражаси ҳамда ушбу тизимга инновацион, замонавий технологияларни олиб кириш ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу мақсадларга эришиш учун сув хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш билан бир қаторда сув ресурсларини бошқариш тамойиллари ва тизимини такомиллаштириш масалалари муҳим аҳамиятини сақлаб қолмоқда.

Сув хўжалиги тизимини такомиллаштиришга қаратилган янги ва инновацион лойиҳаларни шакллантириш ва ишлаб чиқиш, сув хўжалигига хорижий инвестициялар, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат ва ноҳукумат молия ташкилотлари маблағларини жалб қилиш бўйича вазифаларни белгилаб олганмиз.

Шу билан бирга, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишларини изчил давом эттириш, сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, уларнинг хи-

собини юритиш тизимини такомиллаштириш баробарида сув хўжалиги ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш масалалари ҳам кечиктириб бўлмас вазифалар миқёсини белгилайди.

Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ муаммолар тўғрисида сўз юритар эканмиз, минтақанинг умумий сув захираларидан оқилона фойдаланиш каби муҳим масалани четлаб ўтолмаймиз. Бу борада БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг “Сув, тинчлик ва хавфсизлик муаммолари – ўзаро чамбарчас боғлиқ”, деган фикрини тўла қўллаб-қувватлаймиз.

Сув муаммосини ҳал қилишнинг минтақа мамлакатлари ва халқлари манфаатларини тенг ҳисобга олишдан бошқа оқилона йўли йўқ. Ўзбекистон БМТнинг Превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази томонидан ишлаб чиқилган Амударё ва Сирдарё ҳавзалари сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги конвенциялар лойиҳаларини олқишлайди.

Бугунги куннинг энг ўткир экологик муаммоларидан бири – Орол ҳалокати, Орол фожиаси бўйича ортиқча изоҳга ҳожат йўқ. Денгизнинг қуриши билан боғлиқ оқибатларни бартараф этиш халқаро миқёсдаги саъй-ҳаракатларни фаол бирлаштиришни тақозо этмоқда. БМТ томонидан Орол фожиасидан жабр кўрган аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш бўйича шу йил қабул қилинган махсус дастур тўлиқ амалга оширилиши бўйича чоратадбирлар ишлаб чиқиш лозим.

Шу билан бирга, сув ресурсларидан фойдаланиш борасидаги мавжуд муаммоларни изчил ҳал этишни таъминлаш мақсадида 2020–2030 йилларда сув хўжалигини ривожлантириш концепцияси ва Сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантириш стратегияси ҳамда “Сув кодекси”ни ишлаб чиқиш айни бугунги давр талабидир.

Бу жабҳада яна сув ва сувдан фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини тизимлаштириш ва кодификациялаштириш, бунда сув ресурсларини бошқариш, сувдан фойдаланиш ва уни истеъмол қилиш бўйича самарали механизмларни жорий этишга алоҳида аҳамият қаратиш керак.

Қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда томчилатиб, ёмғирлатиб суғориш ва бошқа сув тежовчи технологияларни кенг қўллаш, бу борада ер эгалари ва сув истеъмолчиларини рағбатлантириш механизмини кенгайтириш, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган сув ресурсларини бошқариш ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ҳамда сув истеъмолчилари уюшмалари фаолиятини янада оптималлаштириш зарур.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва барқарор сақлаш мақсадида ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириб бориш, **2022–2030 йилларга мўлжалланган ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга доир давлат дастурини пухта ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш зарурати мавжуд.**

Бу, ўз навбатида, енгил конструкцияли пластик лоток ва қувурлар ҳамда насос агрегатлари ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш, сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги насос станцияларида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини оширишни тақозо қилади.

Ушбу соҳани модернизациялашда сув ресурсларини бошқариш, сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш ва гидротехник иншоотларнинг техник ҳолатини яхшилаш ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган истиқболли лойиҳаларни халқаро молия институтларининг маблағлари ҳамда хорижий грантлар ҳисобидан амалга ошириш ишларини қўллаб-қувватлаш зарур.

Бутун мамлакат миқёсида сувни бошқариш ва ҳисобга олиш, оқилона фойдаланиш имконини берувчи суғориш ва мелиоратив техника, машина ва қурилмаларни ишлаб чиқаришни ташкил қилиш вазифалари долзарблигича қолмоқда.

Белгиланган сув олиш лимитларидан тежаб фойдаланган, сувни иқтисод қилувчи суғориш технологияларини жорий қилган сув истеъмолчиларини рағбатлантириш ҳамда сув олиш тартибини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш чораларини кўриш зарур.

Қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришга яроқли ер ости сувлари захирасини кўпайтириш мақсадида қидирув-гидрогеологик ишларни ўтказиш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун изланишлар олиб бориш, ер ости суви истеъмолчиларининг ягона **Давлат статистик ҳисоботини юритиш тартибини** такомиллаштириш ҳамда ер ости сувларидан фойдаланишнинг мониторинг тизимини янада ривожлантириш лозим.

Мазкур чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш амалиётини оптималлаштиради ва бу жабҳада ҳам зарур инновацияларга кенг йўл очади.



Худудларни мутаносиб ривожлантириш

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси иқтисодий нуқтаи назардан худудлар, туманлар, шаҳар ва қишлоқларни барқарор ривожлантиришни кўзда тутди.

Иқтисодиётни ривожлантириш учун вилоятлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг салоҳиятидан самарали ва мақбул даражада фойдаланиш зарур.

Худудлар иқтисодий тараққиётининг стратегик вазифалари қуйидагилардан иборат:

❖ социал-иқтисодий жиҳатдан жадал ривожланиш, аҳолининг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун ҳар бир худуднинг табиий, минерал ва хомашё, саноат, қишлоқ хўжалиги, туризм ва меҳнат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

❖ худудлар иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш миқёсини кенгайтириш ҳисобидан худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқни камайтириш, энг аввало, саноат ва экспорт салоҳиятини ўстириш йўли билан туман ва шаҳарларни жадал ривожлантириш;

❖ янги саноат, ишлаб чиқариш ва сервис марказларини ташкил этиш ҳисобидан шаҳар типдаги кичик шаҳарлар ва шаҳарчаларни фаол ривожлантириш, йирик хўжалик бирлашмаларининг маблағларини, банкларнинг кредитларини ва хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилиш;

❖ субвенцион туман ва шаҳарларни камайтириш, саноат ва хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ҳисобига маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш;

❖ саноат ва бошқа ишлаб чиқариш объектларини жойлаштириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш ҳамда аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш мақсадида ҳудудларнинг ишлаб чиқариш, муҳандис-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида ҳар бир ҳудуд бўйича туман ва шаҳарлар кесимида беш йиллик дастурлар ишлаб чиқилди. Бунда ҳар бир туман ва шаҳардаги мавжуд муаммо ва имкониятлар ўрганилиб, “ўсиш нуқталари” белгилаб олинди. Уларга мувофиқ, аниқ режа ва лойиҳалар шакллантирилади.

Ҳудудларни иқтисодий тараққий эттиришнинг стратегик йўналишларидан бири – мамлакатнинг ҳар бир туманида инвестициялар киритиш учун жозибали муҳит шакллантириш ва экспортни қўллаб-қувватлашдан иборат. Негаки, ҳозирги кунда юртимизнинг қайси ҳудудини олмайлик, уларнинг барчасида иқтисодий жиҳатдан юксалиш борасида катта имкониятлар мавжуд эканини кўрамиз. Ушбу соҳада тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида инвестиция ва экспорт йўналишларида янги тизим жорий этилади. Шу асосда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан туман ҳокимининг инвестициялар ва ташқи савдо масалалари бўйича ўринбосарига бўйсунадиган истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш бўйича “Лойиҳа гуруҳи” ва кичик геология экспедицияси ташкил қилинади. “Лойиҳа гуруҳи” туманнинг иқтисодий салоҳияти, барча табиий бойликлари, норуда қазилмалари, географик жойлашуви, экспорт бозорларининг яқинлиги ва бошқа имкониятларини чуқур таҳлил қилиб, аниқ лойиҳаларни шакллантиради.

Шу билан бирга, ушбу гуруҳ тадбиркорликни туманбай қўллаб-қувватлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш ҳамда бизнес-инкубаторлар ташкил қилган ҳолда, уларнинг тадбиркорлик саводхонлигини мунтазам равишда ошириб бориш билан шуғулланади.

Ҳар йили туманларда фаол тадбиркорлар танлаб олинб, уларнинг фаолиятини доимий равишда қўллаб-қувватлаш орқали кичик тадбиркорларни етаклайдиган локомотив тадбиркорларга айлантириш чоралари кўрилади.

“Лойиҳа гуруҳи” томонидан туманлар саноатининг етакчи соҳаларида танлаб олинган лойиҳалар холдинг компаниyasi томонидан амалга оширилиб, лойиҳа қийматининг 30 фоизгача бўлган қисми Ўзбекистон Республикасининг тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси томонидан молиялаштирилади.

Ҳудудларнинг ривожланиши учун яна муҳим омиллардан бири – улар ўртасида транспорт алоқасини таъминлашдир. Барча аҳоли пунктларидан, шаҳар ва қишлоқларимиздан пойтахтимизга, энг йирик шаҳарлар ва туристик марказларга тезда келиб-кетиш имкониятини берадиган, ўзаро боғланган транспорт тармоғи яратилади.

Шу билан бирга, мазкур соҳада қуйидаги вазифаларни амалга ошириш зарур:

❖ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар штаби фаолиятини янада такомиллаштириш;

❖ секторлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва самардорлигини янада ошириш мақсадида “туман (шаҳар) – вилоят – республика” тамойили асосида уларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш ҳамда фаолиятини назорат қилиш бўйича ҳоким-

ликлар, прокуратура, ички ишлар ва солиқ идораларида жорий этилган вертикал бошқарув тизимини такомиллаштириш;

❖ ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини ўрганиш натижалари бўйича мамлакат даражасида ечиладиган муаммоларни ҳал этишга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш;

❖ ҳар бир ҳудудда аниқланган муаммоларни ҳал этиш бўйича ҳудудий ва республика “йўл хариталари” ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш, уларда назарда тутилган тадбирлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чоралар белгилаш;

❖ ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича манзилли топшириқлар белгилаш ҳамда уларнинг ижроси устидан тизимли назоратни амалга ошириш.

Айни пайтда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини муайян мезонлар асосида баҳолашга даврий ва узлуксиз тус бермоғимиз даркор. Жумладан, барқарор ва мутаносиб иқтисодий тараққиётни таъминлаш, иқтисодий ислохотлар самарадорлигини ҳисобга олиш ва янги иш ўринлари яратиш, ишсизликни камайтириш ва меҳнат бозори самарадорлигини таъминлашга алоҳида эътиборни кучайтириш зарур.

Барча вилоятлар ва туманларда ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини ошириш ва аҳоли турмуш сифатини яхшилаш ҳамда аҳоли ва бизнес учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ишлаб чиқариш инфратузилмасининг барқарорлиги ҳамда ишончлилигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эгалигича қолмоқда.

Ҳудудларнинг иқтисодий тараққиёти учун асосий драйвер бўлган қурилиш материаллари, тўқимачилик, ипакчилик, озик-овқат, чарм-пойабзал каби турли соҳаларда лойиҳалар ишлаб чиқилади.

Худудларнинг иқтисодий тараққиётини таъминлашда замонавий машинасозлик, электротехника, энергетика, қурилиш материаллари, озиқ-овқат, тўқимачилик, чарм-пойабзал каби соҳалардаги лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратилади.

Келгуси беш йилда аҳолимизнинг автомобилларга бўлган талаби йилига 500–600 мингга яқин бўлиши кутилмоқда. Шунингдек, ушбу саноат тармоғи қишлоқ хўжалиги, қурилиш, коммунал хўжалик каби соҳалар учун ҳам техника ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқаради. Шунини инобатга олиб, вилоятда автомобиль саноати йирик кластери ташкил этилади.

Мамлакат миқёсида худудларнинг рақобатбардошлик даражасини ошириш, уларнинг иқтисодиётини янада диверсификация қилиш, ишбилармонлик муҳити сифатини яхшилаш, тадбиркорликни доимий қўллаб-қувватлаш ва жадал ривожлантириш масалалари ҳам Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг таркибий қисми бўлиб қолади.

Ушбу стратегияда худудларнинг молиявий мустақиллигига эришиш ҳамда банк-молия соҳасини ривожлантириш ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш самарадорлиги ва маълумотларнинг очиқлигини ошириш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилади.

Худудлар ривожига аҳолимизни қийнаб келаётган энг долзарб муаммолардан бири, юқорида қайд этилганидек, одамларни уй-жой билан таъминлаш масаласидир.

“Мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмас”, деган нақл бор халқимизда. Ўзим ҳам кўп йиллар мусофирчиликда яшаб, ишлаб, уйсизлик азобини ҳис қилганман. Шу боис, одамларнинг муаммосини юрагимдан ўтказиб, уларга ечим топиш учун ўзимни қийнаб, қўшимча ресурс ва имкониятлар топишга ҳаракат қиламан.


Ҳозирги вақтда ҳамма ерда янги уй-жойлар қуряпмиз, фуқароларимиз, мамлакатимиздаги ҳар бир оиланинг ватанли бўлиши, фаровон яшаши учун тинмай ҳаракат қиляпмиз.

Шу мақсадда ҳудудларда аҳоли яшаш шароитини яхшилаш учун урбанизация сиёсати янада такомиллаштирилади. “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари мутлақо янги босқичда давом эттирилади ва Фарғона вилоятининг Бағдод тумани тажрибаси асосида барча ҳудудларда “Янги Ўзбекистон массивлари” барпо этилади. Реновация дастурлари асосида шаҳарларда эскирган уйлар ўрнига замонавий уй-жойлар қурилади ва оилалар янги массивларга кўчирилади.

Бизнинг яна бир эзгу мақсадимиз – биргаликдаги фидоқорона меҳнатимиз билан Янги Ўзбекистон таркибида Янги Қорақалпоғистонни бунёд этишдир.

Оғир экологик шароитга қарамасдан, мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган қорақалпоқ диёри, унинг барча шаҳар, туман ва овулларини комплекс ривожлантириш, меҳнаткаш ва матонатли, оқкўнгил ва бағрикенг қорақалпоқ элининг ҳаётини обод ва фаровон этишга ҳар қачонгидан ҳам устувор аҳамият қаратамиз.

Асосий вазифамиз – мамлакатимиз тараққиётининг гарови сифатида ҳудудларни мутаносиб ривожлантиришдан иборат. Чунки ривожланган ҳудудлар – Янги Ўзбекистоннинг қудратли таянчидир.



Туризм – Ўзбекистон иқтисодиётининг драйвери

Ўзбекистоннинг замонавий иқтисодиёти – самарали ишлаб чиқариш билан бирга хизмат кўрсатиш тармоқлари ривожига асосланган иқтисодиёт бўлмоғи зарур.

Бу муҳим вазифа туризмни ривожлантириш, Ўзбекистонни жаҳон туризмнинг жозибали марказига айлантириш, юртимизни сайёҳлар энг кўп ташриф буюрадиган давлатлар қаторига киритишни кўзда тутди.

Туризм равнақи учун махсус иқтисодий ҳудудларни тузиш, туристик кластерларни яратиш, соҳага стратегик шерикларни жалб қилиш, сайёҳлик инфратузилмаси ва туризм саноатини жадал ривожлантириш, ҳудудларнинг сайёҳлик салоҳиятидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш, миллий туристик маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уни жаҳон бозорларига олиб чиқиш борасидаги фаолиятимизни жадал ривожлантирамиз.

Туристик индустриядаги хизматларга ихтисослашган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, Low cost авиақатновларини йўлга қўйиш, соҳа учун кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш каби масалалар ҳам диққат марказимизда бўлади. Зеро, бугунги кунда жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида туризм иқтисодиётнинг стратегик тармоғига, унинг ўзига хос драйверига айланиб улгурган. Туризмнинг мамлакатлар ялпи ички маҳсулотидаги ўрни муттасил ошиб бормоқда. Бинобарин, туризмни ривожлантириш биз учун устувор иқтисодий вазифалардан бири бўлмоғи лозим.

Ўзбекистон жуда катта туризм ва рекреация салоҳиятига эга, унда жами 8,2 мингта маданий мерос объекти мавжуд, улардан 209 таси тўртта музей шаҳар – Хива шаҳридаги Ичанқалъа, Бухоро ва Шаҳрисабз шаҳарларининг тарихий марказлари ҳамда Самарқанд шаҳри ҳудудида жойлашган бўлиб, ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган.

Масалан, яқинда ЮНЕСКО томонидан Бухоронинг яна 7 та қадимий обидаси ана шу рўйхатдан ўрин олди. Улар ҳамда вилоятдаги яна 800 дан зиёд тарихий бойлигимиз бўлган маданий объектлар босқичма-босқич реставрация қилинади. Жумладан, Арк кўрғонининг бундан 100 йил олдин вайрон қилинган қисмлари қайта тикланади.

Бухоро шаҳрида энг замонавий жиҳозланган тарих музейи ташкил этилади. Абу Али ибн Сино туғилиб ўсган Афшона қишлоғини туризм шаҳарчасига айлантириш режасини ишлаб чиқамиз ва амалга оширамиз.

Шунингдек, Тошкент вилоятининг Амирсой ва Чимён туристик мажмуаларида, Чорвоқ сув омбори ва “Тошкент денгизи” атрофида, Оҳангарон, Ангрендаги тоғли ҳудудларда кўшимча туристик зоналар ва дам олиш масканлари барпо этишга катта миқдордаги инвестициялар жалб этилиб, минглаб янги иш ўрни яратилади. “Янги Ўзбекистон” боғидан Паркент туманига элтадиган 30 километр узунликдаги янги магистрал йўл курилади.

Ислоҳотларнинг янги босқичида туризм бўйича қуйидаги стратегик вазифаларни белгилаб олдик:

- ❖ туризм тармоғини жадал ривожлантириш, соҳани бошқариш тизимини такомиллаштириш;
- ❖ туризм соҳасида виза, лицензия бериш ва рухсат олиш тартиб-таомилларини соддалаштириш;

❖ хорижий инвестициялар, жаҳон брендларини фаол жалб қилиш, ушбу соҳада бизнес юритиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

❖ янги туризм йўналишларини яратиш, туризмнинг замонавий турларини ривожлантириш, уларнинг жозибадорлигини ошириш.

Бугунги кунда ушбу соҳада олиб борилаётган давлат сиёсати истиқболда ҳудудлар ва уларнинг инфратузилмасини комплекс жадал ривожлантириш, долзарб ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ечиш, иш ўринларини кўпайтириш, ҳудудлар диверсификацияси ва ривожланишини таъминлаш, аҳолининг даромадлари, яшаш даражаси ва сифатини ошириш ҳамда мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлиги ва имиджини яхшилашга қаратилган.

Туризмни иқтисодиётнинг стратегик тармоғига айлантириш биз учун устувор вазифа бўлиб қолади. Ҳукумат олдидаги энг муҳим вазифалардан бири – яқин йилларда юртимизга келадиган туристлар сонини 9 миллионга етказишдан иборат.

Маълумки, қатор нуфузли хорижий оммавий ахборот воситалари 2020 йилда Ўзбекистонни албатта саёҳатга бориш тавсия этилган мамлакатлар қаторига киритди. Биз бундай имкониятдан унумли фойдаланишимиз керак.

Катта салоҳиятга эга бўлган зиёрат ва тиббиёт туризминини ҳам жадал ривожлантириш зарур.

Юртимизда 8 минг 200 дан зиёд маданий мерос объекти мавжуд бўлиб, туризм маршрутларига уларнинг атиги 500 таси киритилган. Зиёрат ва анъанавий туризмни ривожлантириш мумкин бўлган маршрутлардаги объектлар сонини 800 тага етказиш бўйича чоралар кўришимиз керак. Жумладан, Навоий вилоятида улуғ авлиё, мавлоно Ориф Деггароний номи билан аталадиган

меъморий мажмуани реставрация қилиш ҳамда уни сайёҳлик маршрутига киритиш муҳим вазифамиздир.

Сармишсойдаги икки минг йиллик тарихга эга бўлган но-дир қоятош суратлари ЮНЕСКО томонидан Инсоният номод-дий маданий мероси рўйхатига киритилган. Тўдакўл сув ҳавзаси дунёнинг 170 дан ортиқ давлати аъзо бўлган Рамсар конвенцияси рўйхатига киритилди. Умумий майдони қарийб 32 минг гектар-ни ташкил этадиган ушбу кўл ва унинг бебаҳо соҳиллари бутун дунёдан учиб келадиган қушлар учун муҳим тўхтаб ўтиш жойи ҳисобланади. Шунинг учун вилоятда, айниқса, Тўдакўл ҳудудида экотуризмни ривожлантириш бўйича алоҳида дастур тузиб, уни амалга оширамиз.

Бу ҳақда сўз юритганда, ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон моддий маданий мероси ва номоддий маданий мероси рўйхатига Ўзбекистондаги янги объектларни киритишни тезлаштириш лозим-лигини биз яхши тушунамиз ва бу борада амалий ишларни кучайтирамиз.

Янги замонавий меҳмонхоналарни қуришга давлат бюджетидан зарур субсидиялар ажратиб, туризм инфратузилмасини жадал ривожлантириш зарур.

Туризм инфратузилмасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш, тақдим этилаётган хизматлар сифатини ошириш ва жаҳон бо-зорларида миллий туризм маҳсулотларини фаол тарғиб қилиш, туризм тармоғининг кадрлар салоҳиятини кучайтириш орқали туризм соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадор-лигини ошириш ҳамда мамлакатга кириб келаётган хорижий фуқаролар сонини кескин кўпайтириш мақсадида, келажакда қуйидаги йўналишлар бўйича чора-тадбирларни фаол амалга ошириш белгилаб олинди:

❖ туристик фаолият соҳасига оид норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, туризм соҳасини ривожлантириш учун қулай

шароитлар яратишга қаратилган халқаро меъёр ва стандартларни жорий этиш;

❖ туристларнинг эҳтиёжлари ва талабларини инобатга олган ҳолда, мамлакатнинг барча ҳудудларида туризм инфратузилмаси ва ёндош инфратузилмани ривожлантириш;

❖ транспорт логистикасини ривожлантириш, ташқи ва ички йўналишларни кенгайтириш, транспорт хизматлари сифатини ошириш;

❖ туризм бозорининг турли қатламларига мўлжалланган туристик маҳсулотлар ва хизматларни диверсификация қилиш орқали мавсумий омиллар таъсирини камайтириш ;

❖ мамлакатимиз ичида туризм хизматларига бўлган эҳтиёжни қондиришга қаратилган туризм фаолияти субъектларининг фаоллигини рағбатлантиришни таъминлайдиган ички туризмни ривожлантириш;

❖ Ўзбекистон Республикаси туристик маҳсулотини ички ва ташқи туризм бозорларида илгари суриш, унинг саёҳат ва дам олиш учун хавфсиз мамлакат сифатидаги имижини мустаҳкамлаш;

❖ юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, хизмат кўрсатувчи ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш.

Шунингдек, яқин келажакда бу жабҳадаги чоралар сифатида Ўзбекистонни жозибали жаҳон туризми марказига айлантириш, изчиллик билан юртимизни дунёнинг 30 та сайёҳлар энг кўп ташриф буюрадиган давлатлари қаторига киритиш масалаларига алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.

Шу мақсадда Қорақалпоғистонда, Амударё бўйларида янги туризм объектлари ва дам олиш жойлари ташкил этилади. Нукус шаҳрида савдо, туризм, маданият, таълим, тиббиёт, инжиниринг ва IT соҳаларидаги хизматлар ривожлантирилади.

Хоразм вилоятида эса, туризм ва ҳунармандчилик янги иш ўринларини яратишда асосий драйвер соҳалар бўлади. Урганчдаги Паҳлавон Маҳмуд мажмуаси ва Хивадаги Хиёбон ҳудудларида “Туризм кўчаси” барпо этилади.

Хива шаҳрига тезюрар поезд қатнови йўлга кўйилиб, туристлар оқимини камида 2 баробар оширишга эришилади. “Мангуберди ватанига саёҳат” номли ички туризм дастури орқали ҳар йили 500 мингдан зиёд ўқувчи, талаба ва пенсионерларнинг Хоразмга сафарини ташкил этиш мўлжалланмоқда. Мисол учун, Ичанқалъадаги Нажмиддин Кубро сабоқ берган Шайх Кабир мадрасаси ва масжиди, хонақоҳ ва чиллахона реконструкция қилиниб, зиёратгоҳга айлантирилади. Шунингдек, Хива шаҳрида ЮНЕСКО кўмагида реставрация мактаби ташкил этилади. Ушбу мактабда малакали мутахассислар тайёрлаш учун хориждан етакчи экспертларни олиб келамиз.

Самарқанд вилоятини юртимизнинг “Туризм дарвозаси”га айлантириш орқали келгуси беш йилда туризм хизматлари ҳажми камида 10 баробар оширилади. Бунда 600 дан ортиқ янги меҳмонхона ва оилавий меҳмон уйлари ташкил этилиб, ётоқ ўринлари сони 22 мингтага етказилади.

Вилоятда Халқаро кулинария ва сервис мактаби ташкил этилиб, талабаларни ўқитишга Франция, Италия, Япония, Туркиядан етакчи рестораторлар жалб этилади. Шунингдек, Халқаро гастрономик фестивал ташкил этилади.

Самарқанд халқаро аэропортига парвозлар сони 7 баробар оширилиб, йўловчилар оқими йилига ҳозирги 220 мингдан 1,5 миллион нафарга етказилади.

Юқорида қайд этилганидек, 2022 йилда 212 гектар ер майдонида Самарқанд бизнес ва туризм маркази барпо этилади. Унда халқаро конгресс маркази, “Абадий шаҳар” карвонсарой мажмуа-

си, 8 та меҳмонхона, дам олиш ва кўнгилочар объектлар, хунар-мандчилик маркази, сунъий сув ҳавзалари қурилади.

Мамлакатимиз бўйлаб Wi-Fi ҳудудлари сонини ошириш, ижарага автомобиль хизматини йўлга қўйиш (Rent a Car), туризм равнақи учун махсус иқтисодий ҳудудларни яратиш, соҳанинг янги истиқболли турларини жадал ривожлантириш ишларини изчил давом эттирамиз.

Туристтик кластер, туристик зоналар, туристик индустриядаги хизматларни ташкил этишда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш вазифалари ҳам долзарблигича қолмоқда.



Рақамли иқтисодиёт сари

Биз такдим этаётган стратегияда юқори технологияларга асосланган, инновацион ва рақамли иқтисодиётга устувор аҳамият берилади.

Инсоният тарихида тош асри тошлар тугаганлиги учун эмас, балки янги технологиялар кириб келгани натижасида барҳам топган. Бугунга қадар инсоният учта саноат инқилобини бошдан кечирди.

Ҳозирги давримиз дунёнинг етакчи мамлакатлари “Тўртинчи саноат инқилоби”, “Ақлли иқтисодиёт”, “Инновацион иқтисодиёт”га ўтаётгани билан характерланади.

Янги асрда рақамли технологияларга асосланган, электрон бизнес ва электрон тижоратни назарда тутувчи рақамли иқтисодиётнинг шаклланиши тенденциявий тус олди. Жаҳоннинг етакчи мамлакатларида рақамли иқтисодиёт ялпи ички маҳсулотнинг 4–5 фоизини таъминламоқда, жаҳондаги савдо алоқаларининг 15 фоиздан кўпроғи унинг ҳиссасига тўғри келмоқда.

Бугунги кунда рақамли иқтисодиёт электрон савдо ва сервис билан чекланмасдан таълим, соғлиқни сақлаш каби соҳаларни ҳам қамраб олмоқда. Фуқароларга турли хизматлар кўрсатиш амалиёти ҳам электрон ҳукумат платформасига ўтказилмоқда.

Пандемия рақамлаштириш жараёнини янада тезлаштирди. Ахборот технологиялари иқтисодий ўсишнинг том маънодаги “драйвери”га айланиб бормоқда.

хоналарнинг ташқи бозорларга чиқишига тўсиқ бўлаётган қатор муаммо ва камчиликлар сақланиб қолаётган эди. Ушбу муаммоларни инобатга олган ҳолда ҳамда мамлакатда электрон тижоратни ривожлантириш борасида қулай шарт-шароитлар яратиш, товарлар (хизматлар)ни Интернет тармоғи орқали реализация қилиш учун замонавий механизм ва тартиб-таомилларни жорий этиш, маҳаллий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотларини экспорт қилиш географиясини кенгайтириш ва ҳажмини ошириш борасида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича қуйидаги устувор вазифалар мавжуд:

- ❖ инвестициявий ва тадбиркорлик фаолиятининг турли шакллари диверсификация қилиш учун крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни, жумладан, майнинг, яъни турли криптовалюталарда янги бирликлар ва комиссия йиғимлари форматда мукофот олиш имконини берадиган тақсимлаш платформасини таъминлаш ва янги блоклар яратиш бўйича фаолиятни самарали ташкил этиш;

- ❖ смарт-контракт (рақамли транзакцияларни автоматик тартибда амалга ошириш орқали ҳуқуқ ва мажбуриятлар бажарилишини назарда тутувчи электрон шаклдаги шартнома), консалтинг, эмиссия, айирбошлаш, сақлаш, тақсимлаш, бошқариш, суғурталаш, крауд-фандинг, яъни жамоавий молиялаштириш;

- ❖ “блокчейн” технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш, шу асосда “блокчейн” технологияларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича амалий иш кўникмаларига эга малакали кадрларни тайёрлаш;

- ❖ крипто-активлар бўйича фаолият ва “блокчейн” технологиялари соҳасида халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳам-

корликни ҳар томонлама ривожлантириш, рақамли иқтисодиётда лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш учун “блокчейн” технологияларини ишлаб чиқиш соҳасида фаолият кўрсатадиган юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб қилиш;

❖ хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, “блокчейн” технологияларини жорий этиш учун зарур ҳуқуқий базани яратиш;

❖ рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш учун инновацион ғоялар, технологиялар ва ишланмаларни жорий этиш соҳасида давлат органлари ва тадбиркорлик субъектларининг яқин ҳамкорлигини таъминлаш.

Мазкур вазифаларни бажариш мақсадида мамлакатимизда барча тармоқлар ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, электрон ҳукумат тизимини такомиллаштириш, дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологияларининг маҳаллий бозорини янада ривожлантириш, барча ҳудудларда IT-паркларни ташкил этиш, шунингдек, соҳани малакали кадрлар билан таъминлашни кўзда тутувчи 220 дан ортиқ устувор лойиҳаларни амалга ошириш бошланди.

Жаҳонда ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиб бораётгани, бу технологияларнинг иқтисодиёт секторларига интенсив равишда жорий қилинаётгани иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва давлат бошқаруви тизимининг жадал рақамли ривожланишини таъминлаш, шу жумладан, электрон давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини янада такомиллаштиришни тақозо қилмоқда.

Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни шакллантириш мақсадида “Рақамли иқтисодиёт – 2030” стратегияси ишлаб чиқилди.

Эндиги вазифа ушбу стратегияда кўзда тутилган қуйидаги тадбирларни амалга оширишдан иборат.

Рақамли инфратузилмани ривожлантириш мақсадида оптик толали алоқа линиялари, халқаро коммутация марказларини модернизация қилиш ва ривожлантириш орқали минтақавий ва халқаро телекоммуникация тармоқларининг Ўзбекистонга чегарадош Марказий Осиё давлатлари билан транзит алоқаларининг ўтказувчанлик қобилиятини кенгайтириб бориш зарур.

Бу борада тақдим этилаётган хизматлар ҳажмини ошириш, резервлаш, тизимларнинг ишончлилигини таъминлаш, шунингдек, аҳоли пунктлари ва ижтимоий объектларни кенг полосали хизматлардан фойдаланиш имконияти билан таъминлаш учун маълумотлар узатиш тармоғини кенгайтириш алоҳида эътиборни талаб қилмоқда.

Мобиль ва йўлдош алоқа операторларининг инвестицион фаоллигини рағбатлантиришнинг қўшимча механизмларини яратиш, мобиль алоқа тармоғини 4G ва 5G технологияси бўйича ривожлантириш, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар марказларини бешинчи авлод алоқа тармоғи билан босқичма-босқич қамраб олиш билан боғлиқ йўналишга алоҳида эътибор қаратиш даркор.

Ҳамма аҳоли пунктлари ва ижтимоий объектларни оптик ва мобиль кенг полосали хизматлардан фойдаланиш тармоқлари билан қамраб олиш, автомагистраль ва темир йўллари, туристик объектларни мобиль алоқа тармоқлари билан қоплашни таъминлаш, Интернет тармоғига уланиш жараёнларини такомиллаштириш ва оптималлаштириш, географик жойлашувидан қатъи назар, фуқароларнинг ахборотга нисбатан ўсиб бораётган эҳтиёжларини қаноатлантириш учун кенг полосали симсиз ва мобиль технологияларни янада ривожлантиришимиз зарур.

Истеъмолчиларга телевизион сигнални узатиш, ер усти телевизион эшиттириш, кабель телевидениеси, IP-телевидение, маълумотлар узатиш тармоқлари, мобиль алоқа, Интернет технологияларидан фойдаланган ҳолда телерадиоэшиттириш, телевизион ва радио хизматларининг барча турларини тўлиқ қамраб олган ҳолда, рақамли эшиттиришни такомиллаштиришимиз лозим.

“Булутли” ҳисоблашлар асосида маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш марказларини ривожлантириш, фойдаланувчининг талабларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг ахборот ресурсларига доимий уланишни таъминлаш ҳамда мамлакатимиз ҳудудида давлат органлари, жисмоний ва юридик шахслар учун ахборотни сақлаш, қайта ишлаш, ҳимоя қилиш ва электрон давлат хизматлари фойдаланувчанлигини таъминлаш механизмларини такомиллаштиришга диққатимиз марказида турмоғи керак.

Бозор иқтисодиётининг эркин ривожланиш имкониятини сақлаб, телекоммуникация соҳасини ривожлантириш учун шароитларни яхшилаш, бизнес юритиш ва телекоммуникация инфратузилмасини такомиллаштиришда маъмурий тўсиқларни камайтириш лозим. Шу асосда кенг полосали уланишни ривожлантиришнинг технологик негизида истеъмолчиларга қўшимча хизматлар, жумладан, технологик жараёнларни автоматлаштириш хизматларини, аҳолининг ҳаёт даражисини юксалтиришда ақлли тизимларни жорий этишнинг бир қисми сифатида индивидуал инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга босқич-ма-босқич ўтишни таъминлаш учун ягона инфратузилма ёрдамида мультисервис тармоқларини тараққий эттириш зарур.

Электрон ҳукумат доирасида электрон давлат хизматларидан фойдаланиш учун барча давлат органлари, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмаларини идоралараро маълумотлар узатиш тар-

моғига улаган ҳолда ушбу тармоқни ривожлантириш баробарида давлат органлари фаолиятини рақамлаштириш ва электрон давлат хизматларини кўрсатиш доирасида “хизмат сифатида – дастурий таъминот”, “хизмат сифатида – платформа”, “хизмат сифатида – инфратузилма” технологияларини кенг жорий этиш вазифаси ҳам долзарблашмоқда.

Шаҳар инфратузилмасини бошқаришда рақамли технологияларни жорий этиш орқали транспорт логистикаси, шаҳар инфратузилмаси, шаҳар муҳитининг сифати, шаҳар ривожланишини бошқариш самарадорлиги, жамоат, бизнес ва яшаш жойлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш учун “ақлли” ва “хавфсиз” шаҳар лойиҳаларини изчил амалга ошириш бу борада кутилган натижани бериши мумкин.

Бу йўналишда мавжуд алоқа (симсиз ва оптик), симли ва симсиз алоқа технологиялари ва тизимлари, шунингдек, янги географик ахборот ва навигация тизимларининг самарадорлигини ошириш йўлларини ўз ичига олган алоқа ва навигация технологияларини такомиллаштириш, алоқа операторлари ўртасида соғлом рақобатни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш ниҳоятда муҳим вазифалардан биридир.

Иқтисодиёт тармоқлари ва давлат бошқаруви тизимида замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва телекоммуникация тармоқларини кенгайтириш орқали мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини янада ошириш мақсадида электрон ҳукуматни янада ривожлантириш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бунда мамлакат миқёсида сифатли ва талаб юқори бўлган электрон давлат хизматларини янада кенгайтириш, босқичма-босқич барча давлат хизматларини рақамли шаклга ўтказиш, жумладан, кўрсатилаётган автоматлаштирилган хизматлар улушини 2030 йилга қадар 90 фоизга етказиш лозим.

Электрон ҳукумат ахборот тизимларини ишлаб чиқишда ягона технологик ёндашувни таъминлаш, шу жумладан, очик кодли дастурий таъминотдан фойдаланган ҳолда, давлат органларининг идоравий тизимларини ишлаб чиқиш харажатларини қисқартириш бўйича ишларни давом эттириш керак.

Истеъмомчилар талабидан келиб чиққан ҳолда, очик давлат маълумотларини ишлаб чиқиш, шакллантириш ва улардан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш, шунингдек, “очик маълумотлар”га асосланган давлат мобиль иловалари ва дастурлари улушини ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шу билан бирга, давлат маълумотларини бошқаришнинг ягона тизимини шакллантириш, давлат бошқарувида маълумотларни тўплаш ва рақамлаштириш учун керак бўлган барча ресурсларни яратиш орқали асосланган қарорларни қабул қилишни автоматик равишда шакллантиришга алоҳида эътибор бериш даркор.

Давлат хизматларини кўрсатиш тартиб-таомилларини оптималлаштириш, шу жумладан, маъмурий тартиботларни автоматлаштириш орқали талаб қилинган маълумот ва ҳужжатлар сонини қисқартириш зарур.

Лицензиялар ва рухсатномалар бериш билан боғлиқ барча тартиб-таомилларни оптималлаштириш ва уларни реал вақт режимида ишловчи электрон шаклга ўтказиш долзарб вазифаларимиз сирасига киради.

Электрон ҳукумат тизими доирасида электрон давлат хизматларидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун шахсни масофадан тасдиқлашнинг қўшимча шакл ва усуллари жорий этилишини назарда тутувчи рақамли идентификациялашни ривожлантириш диққат-эътиборимизда бўлмоғи керак.

Иқтисодиётнинг реал секторида рақамли технологияларни ривожлантириш мақсадида ҳам бир қатор тадбирлар амалга

оширилади. Бунда, айниқса, саноат корхоналарида замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш дастурларини ушбу корхоналарни технологик қайта жиҳозлаш дастурлари билан уйғунлаштириш, корхона таъминотининг барча босқичларини автоматлаштириш ва бошқаришни таъминлаш, шунингдек, бу орқали логистика ва харид харажатларини қисқартиришга алоҳида аҳамият қаратилади.

Замонавий ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш ҳисобидан маҳсулотлар ва хизматлар сифатини яхшилаш, уларнинг таннархини, ишлаб чиқаришдаги тўхталишларни камайтириш, молиявий-иқтисодий фаолиятнинг шаффофлигини ошириш билан бирга, инновацион автоматлаштирилган бошқарув тизимлари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш бўйича норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш устувор йўналишлардан бирига айланади.

Барча ишчи жойларни босқичма-босқич автоматлаштириш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларини роботлаштириш, шунингдек, сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, савдо ҳажмини ошириш ва миждозларга хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида буюртмачилар (миждозлар) билан ўзаро муносабат механизмларини такомиллаштириш, бошқарув маълумотларини қабул қилишни қўллаб-қувватлаш тизимини, жумладан, реал вақт режимида бизнес-таҳлил тизимини жорий қилиш орқали такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Айни пайтда 2025 йилда корхона ресурсларини бошқариш тизимини (ERP) жорий қилган йирик хўжалик юритувчи субъектларнинг улушини 90 фоизга етказиш, саноат корхоналарида жорий этилаётган ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнларини автоматлаштириш (ERP, MES, SCADA ва бошқалар), роботлаштириш, “Интернет буюмлар”, “сунъий интеллект” каби технологияларнинг дастурий маҳсулот қисмини 2027 йилгача,

аппарат қисмини эса 2030 йилгача давлат-хусусий шериклик асосида маҳаллийлаштириш алоҳида диққатни талаб қиладиган вазифалардан биридир.

Коммунал хизматлар бўйича ҳисоб-китобларни бошқариш учун смарт технологияларни, интеллектуал сервисларни жорий қилиш ва коммунал хизматларни тартибга солиш учун “ақлли уй” тажрибасини татбиқ этиш зарур.

Бутун мамлакатимиз бўйлаб мавжуд транспорт тизими-ни комплекс ривожлантириш учун дастурий моделлаштириш тизимларидан фойдаланиш механизмларини амалга ошириш, 2022 йилда мамлакатимизнинг барча йирик шаҳарларида жамоат транспортларида йўл ҳақи тўлашнинг автоматлаштирилган тизимини қўллаш ва нақд пулсиз тўловлар улушини 90 фоизга етказиш, ҳар қандай йўловчи транспортда чипта сотиб олиш учун ягона платформани яратиш лозим.

Мамлакатимиздаги маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва хизматларни Интернет тармоғи орқали сотиш бўйича бозорларни кенгайтириш, логистика тизимини такомиллаштириш ва рақамли технологияларни жорий этиш мақсадида рақамли логистика тизимига босқичма-босқич ўтиш ва ишлаб чиқариш корхоналарида аддиктив (каватма-кават куриш ва синтез қилиш технологияси, 3D ўлчамда босиб чиқариш) технологияларини кенг қўллаш ҳам долзарб вазифалардан биридир.

Суғурта тизимини рақамлаштириш учун давлат-хусусий шериклик асосида рақамли суғуртани амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, иқтисодиётнинг реал секторларида роботлаштирилган саноатни ривожлантириш ва амалга ошириш, йирик саноат корхоналари учун робототехника ва муҳандислик ихтисосликларини ташкил этиш ишлари эса алоҳида эътиборни талаб қилади.

Электрон тижорат ва электрон тўловлар тизимини ривожлантириш мақсадида ахборот-коммуникация технологияларини, шу жумладан, миждозларни масофадан аниқлаш тизимларини жорий этиш орқали масофавий банк хизматларини ривожлантириш ҳамда халқаро электрон тижорат стандартлари ва замонавий ахборот хавфсизлиги талабларига риоя қилиш учун электрон тижоратни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини, шунингдек, мавжуд стандартлар ва электрон тижорат қоидаларини такомиллаштириш ва янгилаш билан боғлиқ тадбирлар амалга оширилади.

Шу аснода рақамли инфратузилмани ривожлантириш, мобиль ва симли Интернет тармоғи қамрови ва тезлигини янада ошириш орқали электрон тижорат платформаларига шахсий рақамли ускуналардан уланиш имкониятлари ва кўламларини ошириш билан бирга электрон тижорат ва электрон тўловлар тизимини янада ривожлантириш, шунингдек, электрон ҳукумат хизматларини тақдим этишда тўловларни қабул қилиш ва қайта ишлаш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, иқтисодиёт ва молия соҳасида ахборот инфратузилмасини такомиллаштириш зарур.

Мамлакатимизда электрон тижоратнинг ривожидида муҳим ўрин тутадиган почта ва логистика инфратузилмасини модернизация қилиш ва техник янгилашни таъминлаш, логистика марказларини (фулфилмент) яратиш бўйича йирик лойиҳаларни амалга ошириш, ахборот технологияларини ва почта алоқаси объектларида автоматлаштирилган тизимларни жорий этиш, шунингдек, почта ва логистика хизматлари сифатини ошириш лозим.

Жисмоний шахсларга Интернет тармоғи орқали товарлар ва хизматлар учун тўловларни тўлашни ташкил этиш жараёнини осонлаштиришга имкон берадиган тўловлар агрегаторларини

ривожлантириш, трансчегаравий электрон тижоратни ривожлантириш ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини қулай ва ўз вақтида экспорт қилишни таъминлаш вазифалари ҳам диққатимиз марказида бўлади.

Шунингдек, битта савдо майдончасида кенг кўламли банк ва банкдан ташқари молиявий хизматларни (қимматли қоғозлар билан операциялар, суғурта ва бошқалар) тақдим этишга йўналтирилган молиявий супермаркетларнинг бизнес моделини яратиш, тижорат банклари томонидан миждозларга масофавий банк хизматлари (интернет-банкнинг, банк-миждоз, смс-банкнинг ва бошқалар), жумладан, мобиль иловалар орқали хизмат кўрсатиш кўламини ва сифатини ошириш эҳтиёжи мавжудлигича қолмоқда.

Электрон тижорат соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш ўқув жараёнининг даражаси ва сифатини тубдан яхшилаш, мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шу жумладан, чет элдаги етакчи илмий-тадқиқот муассасаларида, шунингдек, юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб этиш ва электрон тижорат билан шуғулланувчи субъектларнинг товар ва хизматлар учун тўловларини **QR тўловлари технологияси** ва **NFC технологияларини** жорий қилиш, хусусан, мобиль қурилмалар орқали тўловларни қабул қилиш орқали замонавий ва қулай бўлган масофавий усулларда қабул қилиш имкониятини оширишга алоҳида эътибор бериш лозим.

Рақамли технологиялар миллий бозори учун қулай муҳитни яратиш ва истиқболли “рақамли” стартапларни ривожлантириш лозим. Бунда технопарк ва коворкинг марказлари фаолиятини давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиш орқали замонавий рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган дастурий маҳсулотлар ва хизматларни, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва бошқа вазифаларни амалга ошириш зарур.

Аҳоли ўртасида рақамли кўникмаларни ривожлантириш соҳасида йирик IT-корхоналарни жалб қилган ҳолда, давлат-хусусий шериклик механизмларини ташкил қилиш ҳамда вилоят ва шаҳарларда рақамли кўникмалар борасидаги бўшлиқни бартараф этиш мақсадида юртимизнинг барча ҳудудларида ихтисослаштирилган ўқув марказларини ташкил этиб вертикал бошқарув ўқув модели тизимини туман ва шаҳарлар даражаларида (IT-парк филиали – ўқув маркази – мактаб) жорий этиш муҳим вазифаларимиздан биридир.

Бу жиҳатдан қараганда, рақамли кўникмаларга эга бўлган аҳоли улушини ошириш мақсадида, юқори малакали мутахассислар иштирокида бепул онлайн курсларни ташкил этиш, аҳоли ўртасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш учун “**Бир миллион дастурчи**” лойиҳаси миқёсини кенгайтириш ва уни давом эттириш соҳа ривожини учун муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлат бошқарувида рақамли кўникмаларни ошириш мақсадида, аввало, давлат хизматчиларининг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги кўникмалари ва малакаларини ошириш механизминини ривожлантириш ва доимий такомиллаштириб бориш зарур.

Айни пайтда бутун мамлакат миқёсида рақамли технологиялардан фойдаланиш кўникмаларини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш ва бунда қуйидаги жиҳатларни инобатга олиш: ахборот саводхонлиги (қарор қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотларни топиш қобилияти); компьютер саводхонлиги (рақамли қурилмалар билан ишлаш қобилияти); медиа саводхонлиги (оммавий ахборот воситаларини танқидий ўрганиш имконияти); коммуникатив саводхонлик (замонавий рақамли алоқа воситаларидан фойдаланиш қобилияти); технологик инновацияларга (янги технологияларга) ижобий муносабатни шакллантириш ҳам муҳим вазифа ҳисобланади. Бунда давлат ва маҳаллий ҳокимият

органларининг рақамли ривожланиш бўйича ихтисослаштирилган бўлинмаларининг масъул ходимлари билан ишлаш механизмини такомиллаштириш, жумладан, рақамли технологияларни ривожлантириш мақсадларига эришишга асосланган моддий рағбатлантириш тизимини (KPI) жорий этишга алоҳида аҳамият қаратиш керак.

Таълим соҳасида рақамли кўникмаларни ошириш мақсадида, аввало, таълимнинг бошланғич босқичида ўқувчиларга рақамли технологияларни тақдим этиш орқали рақамли кўникмаларни ўзлаштириш учун имкониятлар яратиш, келажакда зарур бўладиган кенг кўламли рақамли трансформация шароитида ёшларга билим ва кўникмалар бериш билан боғлиқ тизимли тадбирлар амалга оширилиши даркор.

Мамлакатимиздаги ахборот технологиялари соҳасидаги ташкилотларнинг ўқув жараёнларига қатнашишини рағбатлантириш орқали умумтаълим мактабларида информатика фанини ўқитиш методларини такомиллаштириш, айни пайтда эса, иқтидорли IT-мутахассисларини ўқитиш, қўллаб-қувватлаш ва уларни тарғиб қилиш ҳамда мамлакатимиздан иқтидорли кадрларнинг чиқиб кетиши билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш учун уларнинг ривожланиши, унибўсиши учун муносиб имкониятлар яратиш ниҳоятда муҳим вазифадир.

Барча олий таълим муассасаларида тегишли соҳаларда “Интернет буюмлар”, робототехника, сунъий интеллект технологияларини қўллаш ва ўрганиш бўйича лабораториялар, шунингдек, хорижий корхоналарни ушбу соҳага жалб қилишни ташкил этиш, рақамли технологиялар соҳасида илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш ва рағбатлантириш, ғоялар ва янги технологиялар яратишни тарғиб қилувчи танловлар ва тадбирлар (хакатонлар, конкурслар, олимпиадалар ва бошқалар) ўтказиш, уларнинг таш-

килий механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Таълим тизимининг барча босқичларида қоғоз шаклидаги материалларни рақамлаштириш форматларидан фойдаланишни қўллаб-қувватлаш ҳамда худди шундай ёндашувга кўра, мавжуд ўқув жараёнини рақамлаштириш доирасини муттасил кенгайтириб бориш лозим.

Рақамли иқтисодиётни яратиш имкониятларини ошириш мақсадида янги қидирув тизимларини яратиш йўналишини ишлаб чиқиш ва аниқлаш, рақамли тизимлар элементлари ўртасидаги алмашинув вақтини қисқартириш, юқори самарали ва ишончли маълумотларни сақлаш тизимлари учун янги дастурлар яратиш бўйича тадқиқотлар ўтказиш муҳим аҳамиятга эга.

Айниқса, робототехника комплекслари ва одамлар ўртасидаги таъсир алгоритмларини ишлаб чиқиш, маълумотлар узатиш тармоқлари инфратузилмасини, ўрнатилган сенсорлар ва сенсор тармоқларни такомиллаштириш, шунингдек, “булутли” хизматларни тақдим этишнинг турли моделларини амалга ошириш учун дастурий таъминот яратиш бўйича илмий ишларни олиб бориш зарур.

Йирик халқаро корхоналарнинг марказлари билан ҳамкорликда рақамлаштириш йўналишидаги фаолиятда инсон капиталини ривожлантириш, жумладан, IT соҳасидаги касбларни оммалаштириш, IT-корхоналар учун институционал шароитларни яхшилаш ва маъмурий тўсиқларни камайтиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Бунда, айниқса, аёллар ва ногиронлиги бўлган шахсларга рақамли кўникмаларни ўргатиш учун давлат томонидан ёрдам кўрсатиш тизимини самарали ташкил қилиш, аҳолида электрон хизматларга ишонч уйғотиш ва одамларда тез ривожланаётган

рақамли имкониятлардан фойдаланиш юзасидан зарур кўникмаларни шакллантириш бўйича самарали чораларни кўриш лозим.

Айни пайтда аҳоли пунктларини юқори тезликдаги алоқа технологиялари (4G ва бошқалар) билан қамраб олиш даражасини ошириш, шаҳар ва қишлоқлар ўртасидаги рақамли технологиялар бўйича тафовутни камайтиришга алоҳида аҳамият берамиз.

Буларнинг барчаси, ўз навбатида, мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш, ахборот технологиялари соҳасида инвестициялар самарадорлигини ошириш, аҳолининг рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумат воситаларидан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантиришга ёрдам беради.



Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг асосий шарти “Ҳар бир фуқаро бой бўлса, давлат ҳам бой бўлади, ҳар бир оила фаровон бўлса, мамлакат ҳам фаровон бўлади”, деган тамойилни амалга оширишдан иборат.

Шу боис, юртимизни ҳалол меҳнат қилиб, муваффақиятга эришадиган, тадбиркорлик орқали ўзи ва оиласи фаровонлигини таъминлайдиган, Ватанимиз ва халқимизга сидқидилдан хизмат қилишни истайдиган барча инсонлар учун кенг имкониятлар мамлакатига айлантиришимиз зарур.



ТўРТИНЧИ БЎЛИМ.

АДОЛАТЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТ

Кучли ижтимоий сиёсат: моҳият ва имкониятлар

Соғлиқни сақлаш: муаммолар ва ечимлар

**Соғлом турмуш тарзи маданияти: жисмоний тарбия
ва спорт**

Таълим ва тарбия: янги имкониятлар

Илм-фан – инновацион тараққиёт асоси

Аёл бахтли бўлса, жамият бахтлидир

Ёшлар – Янги Ўзбекистон бунёдкорлари

Барча орзу-ният ва интилишларимиз, машаққатли меҳнатимиз, кечани – кеча, кундузни – кундуз демасдан амалга ошираётган саъй-ҳаракатларимиз – ҳамма-ҳаммаси бизга катта умид билан боқиб турган халқимиз учундир. Бу борада ижтимоий йўналишдаги ислохотларимиз алоҳида аҳамиятга эга, албатта.

Биз ана шундай эзгу ишларимизни изчил давом эттириб, ижтимоий адолат тамойили асосидаги барқарор ривожланиш стратегиямизни ишлаб чиқдик ва мазкур соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича фаолиятимизни давлат сиёсати даражасига кўтардик. Ўзбекистон тарихида ижтимоий соҳада бундай кенг кўламли ишлар илгари ҳеч қачон бўлмаган.



Кучли ижтимоий сиёсат: моҳият ва имкониятлар

Янги Ўзбекистонни ўз меҳнатидан бахт топиб яшайдиган инсонлар мамлакатига, ҳар томонлама ривожланган ижтимоий маконга айлантириш кенг кўламли ислоҳотларимизнинг асосий мақсадидир.

Биз ана шу йўналишдаги эзгу ишларимизни давом эттириб, ижтимоий адолат тамойили асосида аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, камбағалликни бартараф этишни давлат сиёсати даражасига кўтардик. Ўзбекистон тарихида ижтимоий соҳа бўйича бундай кенг кўламли ишлар илгари ҳеч қачон бўлмаган.

Бугунги кунга келиб ижтимоий нафақа билан таъминланган аҳоли сони қарийб 1,5 баробарга ошди. Ушбу тоифани қўллаб-қувватлаш ва иқтисодиётимизни тиклаш учун давлат бюджетидан ниҳоятда катта маблағ ажратилди.

Кейинги пайтда уйма-уй юриб ўрганиш орқали аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, эҳтиёжманд оилаларни аниқлашнинг ўзига хос фуқаробай ва маҳаллабай янги тизими шакллантирилди. Шунингдек, моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож, боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандларини ва ногиронлиги бўлган болалар кийим-бош тўпламлари, мактаб формаси ва ўқув қуроллари билан таъминланмоқда.

Айни вақтда олдимизда аҳоли бандлигини таъминлаш ва ишсизликни камайтириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифалар турибди.

Ижтимоий соҳада бизни қийнайдиган бир қанча саволлар бор. Жумладан, мамлакатимизда бандлик масаласи қандай ечилмокда? Барча ишсиз фуқаролар иш билан таъминланаяптими? Бу соҳада яна нималар қилиш керак? Хорижга иш қидириб кетганларни юртимизда иш билан таъминлаш бўйича қандай чоралар кўриляпти?

Биз бир нарсани тўғри тушунишимиз керак: битта ишсиз одам – ўнга муаммо, дегани. Бу муаммолар ишсиз одамнинг ўзига, оиласи ва маҳалласига, жамиятга жиддий зарар келтиришини ҳисобга олсак, масаланинг нақадар жиддий экани янада ойдинлашади.

Ижтимоий соҳада самарали механизмларни яратишга тўсқинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлиги сир эмас.

Аввало, ижтимоий ҳимоя ва доимий ёрдамга муҳтож шахсларни ўз вақтида ҳисобга олиш механизмларини самарали ишлаштиш, муҳтожлик белгилари пайдо бўлган оила ва фуқароларнинг ижтимоий аҳволини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, мониторинг қилиш, уларнинг турмуш шароитларини ҳар томонлама баҳолаб, индивидуал ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга алоҳида аҳамият қаратиш даркор.

Жамоавий ёрдам ва ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларнинг оиласи, жамият ва давлат билан ўзаро алоқасини кучайтириш, уларнинг қулай муҳитда бўлиши, шаҳар йўловчи транспорти, ижтимоий ва бошқа инфратузилма объектларидан имтиёзли асосда фойдаланиши учун зарур шароитлар яратиш керак.

Хотин-қизлар ва ёшларни иш билан таъминлаш даражасини ошириш, улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда оғир турмуш шароитида яшаётган аёлларнинг мушкулени осон қилишга хизмат қиладиган механизмлар, афсуски, самарали ишламаётганини қайд этиш лозим.

Кекса авлод вакилларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг бўш вақтини самарали ташкил қилиш, нафақадаги отахонлар ва онахонларга ҳар томонлама ёрдам бериш масалаларида ҳам камчиликлар мавжуд.

Соҳа ривожига тўсқинлик қилаётган бюрократия ва ортиқча қоғозбозлик ҳолатлари давлат ижтимоий хизмати ёки ёрдамини тезкор асосда кўрсатиш имкониятини бермаётганини кўпчилик мулозимлар яхши билади. Аммо шунга қарамасдан, бундай нохуш вазият давом этаётганини қандай тушуниш мумкин?

Ижтимоий соҳани такомиллаштириш ва бу борада идоравий ахборот тизимлари, электрон ресурс ва маълумотлар базалари мавжуд эмаслиги ҳам ишимизга халал бермоқда.

Мамлакатимизнинг кўплаб ҳудудларидаги меҳнат бозорида доимий иш ўринлари мавжуд эмаслиги, шу билан бирга, ёшлар, хотин-қизлар, кам таъминланган оилалар аъзолари бандлигини тўла-тўқис таъминлашга эришилмагани ҳам ижтимоий соҳадаги ислоҳотлар самарасини камайтирмоқда.

Ушбу соҳада ногиронлар, боқувчисини йўқотганлар ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатлами учун маслаҳат-ахборот бериш хизматлари ва бошқа зарур хизматлар даражаси пастлиги, мазкур йўналишда учраётган камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этиш зарурати бизни, албатта, безовта қилиши керак.

Айниқса, ногиронлар учун протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситаларининг етишмовчилиги, баъзи ҳолларда улар баҳосининг юқорилиги билан боғлиқ муаммолар ҳам мавжуд.

Айни пайтда тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, “Мурувват” ва “Саховат” интернат-уйларида васийликка олинганларнинг турмуш сифатини яхшилашга қаратилган тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини ривожлантириш, уларнинг реабилитацияси ва иж-

тимойлашуви самарадорлигини ошириш вазифалари ҳам долзарблашмоқда.

Бу жиҳатдан мамлакатимиздаги протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситаларини ишлаб чиқарувчи корхоналарни, жумладан, чет эл инвестициялари ва кредитларини жалб этган ҳолда, модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, уларни ишлаб чиқаришнинг замонавий стандартларини жорий қилиш кутилган натижаларга эришиш имконини беради.

Ижтимоий соҳа ислохотларининг юқори самарадорлигига эришиш, мавжуд муаммоларни бартараф этишда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш зарур:

- ❖ аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан заиф қатламларига давлат ижтимоий хизматлари ва “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимини янада ривожлантириш;

- ❖ идоралараро электрон ҳамкорликни қўллаш воситасида ўзаро ҳужжат алмашиш жараёнини автоматлаштириш орқали давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдамини тақдим этиш учун зарур бўлган маълумотнома ва тасдиқловчи ҳужжатлар сонини тубдан қисқартириш бўйича бошланган ишларни давом эттириш;

- ❖ белгиланган мезонларга мувофиқ кам таъминланган оилаларнинг эҳтиёжмандлик даражасини объектив баҳолаш, давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдамини тақдим этиш жараёнларини автоматлаштириш орқали қарорларни қабул қилишда субъектив ёндашувни бартараф этишга эришиш;

- ❖ аҳолининг эҳтиёжманд тоифаси таркиби ўзгариши динамикаси мониторинги ва таҳлилин юритиш, уларни баҳолаш мезонларини республика ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштиришни давом эттириш;

❖ давлат ижтимоий хизматлари ва ижтимоий ёрдам олувчиларнинг ягона маълумот базасини муттасил янгилаб бориш; манфаатдор вазирлик, идоралар ва ташкилотларнинг ўзларига юклатилган вазифа ва функцияларни бажаришда хизматларни бепул ёки имтиёзли асосда тақдим этиши учун маълумот билан таъминлаш чораларини кучайтириш;

❖ ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш ва шу мақсадда ногиронлик белгиси бўйича камситишга йўл қўймаслик, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда тенг шароитларни ва уларни бузганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш;

❖ ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги умумэътироф этилган халқаро норма ва стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш бўйича фаолиятни давом эттириш;

❖ тиббий-меҳнат экспертизаси ва ногиронликни белгилашнинг шаффоф, замонавий услуб ва мезонларини жорий этиш, ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш даражаси ва сифатини, жумладан, диагностика, даволаш ва реабилитациянинг замонавий услубларини қўллаган ҳолда, юқори технологик ихтисослашган тиббий ва ижтимоий ёрдамдан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш орқали ошириш;

❖ тиббий ёрдам даражаси ва сифатини ошириш, касалликларни барвақт аниқлаш ҳамда туғма нуқсонлар ва ирсий касалликлар ўсишининг сабаб ва шарт-шароитларини барвақт аниқлаш ва олдини олишни ҳам назарда тутувчи профилактика тадбирларини кенгайтириш бўйича скрининг текширувларининг самарадорлигини кўтариш;

❖ тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, “Мурувват” ва “Саховат” интернат-уй-

ларида васийликка олинганларнинг турмуш сифатини яхши-лашга қаратилган тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини ривожлантириш, уларнинг реабилитацияси ва ижтимоийлашуви самарадорлигини ошириш;

❖ ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётига жалб қилиниши ва фаол иштирокини таъминловчи инклюзив таълим ва ишга жойлаштириш тизимини такомиллаштириш;

❖ ногиронликни белгилаш ва тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш соҳасида ваколатли давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, тартиб-таомиллардан ўтишни янада соддалаштириш.

Бутун мамлакат ҳудудида ижтимоий ҳимоя ва ёрдамга муҳтож шахсларнинг манзилли ижтимоий муҳофазасини янада кучайтириш, уларнинг уй-жой, маиший ва бошқа яшаш шароитларини яхшилашга қаратилган тиббий-ижтимоий хизмат ва моддий ёрдамни кенгайтириш, шу жумладан, сифатли ёрдамчи ва техник воситалар билан таъминлаш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш лозим.

Бу йўналишдаги муҳим вазифамиз мамлакатимиз урбанизация даражасини 2025 йилга қадар 40 фоизга етказиш, бутун аҳолининг, жумладан, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларнинг базавий захиралардан фойдаланиши учун қулай иқтисодий ва молиявий шарт-шароитлар яратишдан иборат. Фуқаролар учун олис-олис қишлоқларда ҳам шаҳардагидан кам бўлмаган яшаш шароитлари яратишга эришишимиз керак. Аҳолини, энг аввало, эҳтиёжманд ва ёш оилаларни арзон ва замонавий, қулай уй-жой билан таъминлаш, ичимлик суви, электр энергиясидан фойдаланиш имкониятини ошириш йўлидаги ишларимизни изчил давом эттирамиз. 10 йил ичида шаҳарларда марказлаштирилган сув ва газ таъминотини камида 90 фоизга, оқава тизими билан таъминлашни қарийб 70 фоизга етказамиз.

Келгусида аҳолининг тўлиқ бандлигини таъминлаш ва барча учун муносиб иш ўринларини яратиш доимий равишда диққат марказимизда бўлади. Бандлик даражасини янги босқичга кўтариш, реал иш ҳақининг барқарор ўсишига кўмаклашувчи оилавий тадбиркорлик, касаначилик, томорқа хўжалиги ва хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш ҳисобига аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда фуқаролар оилавий бюджети даромадларини ошириш борасидаги ишлар ҳам биз учун ўз аҳамиятини сақлаб қолади.

Юқорида зикр этилган фаолият билан машғул фуқароларнинг замонавий машиналар, ускуналар, хомашё ва материаллар харид қилиши учун молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтирамиз.

Яқин ўн йилда аҳоли даромадларининг 2,5 – 3 марта кўпайишига эришиш, энг кам иш ҳақини яшаш минимуми миқдори даражасига тенглаштириш бўйича давлат дастури ишлаб чиқилади.

Барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда, 2030 йилгача камбағаллик даражасини 2 мартага камайтириш чоралари кўрилади.

Самарали миграция сиёсатини амалга ошириш, хорижда меҳнат қилаётган фуқароларимизга ҳар жиҳатдан мадад бериш, қонуний манфаатларини ҳимоялаш бўйича узлуксиз ишларни давом эттирамиз.

Кам таъминланган оилаларнинг 3 ёшгача бўлган фарзандларига тўлиқ овқатланиш учун ойлик нақд тўлов ёки озик-овқат маҳсулотлари ҳамда дори-дармонлар бепул берилиши бўйича дастур қабул қилинади.

Ҳар қандай жамиятнинг маданият даражаси, бағрикенглик ва меҳрибонлик хусусиятлари имконияти чекланган, ногиронлиги бўлган, боқувчисини йўқотган шахслар ва кекса авлод вакилларига муносабати билан белгиланади.

Ногиронликни белгилаш мезонлари жаҳон андозаларига мос ижтимоий моделга босқичма-босқич ўтказилади. Аҳолининг муҳтож қисмини протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация воситалари билан таъминлаш бўйича янги тизим яратилади.

Меҳнат фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган ногиронлиги бўлган шахсларга қўшимча имкониятлар яратиш орқали уларнинг бандлигига кўмаклашиш, уларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими янада такомиллаштирилади. Бу борадаги саъй-ҳаракатларимизнинг ҳукукий асослари сифатида **“Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”**ги кодексни қабул қилишимиз керак бўлади.

Кексалар ва нуронийларимизни, дуоғўй отахон ва онахонларимизни эъзозлаш, уларни ҳаётдан рози қилиш, қўлимиздан келганича умрларини узайтириш энг улуғ қадриятларимиздан бири бўлиб келмоқда. Бундай табаррук инсонларга хизмат қилиш, уларга муносиб турмуш шароитларини яратиб бериш бўйича олиб бораётган ишларимизни янада кучайтиришни ўзимизнинг бурчимиз, деб ҳисоблаймиз ва уларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгилаймиз.

Иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини босқичма-босқич ошириб бориш бўйича ишлар давом эттирилади.

Истеъмол товарлари, жумладан, арзон нархдаги озиқ-овқат маҳсулотлари рўйхатини кенгайтириш ва ҳажмини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади. Шу мақсадда **“Ижтимоий кодекс”** қабул қилиш давр тақозосидир.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган ишларнинг амалий ижроси фаолиятимиз кун тартибидан доимий ўрин олиши зарур.



Соғлиқни сақлаш: муаммолар ва ечимлар

Сиҳат-саломатлик ҳар бир инсон, бутун аҳолимиз учун ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган буюк неъматдир. Фақат соғлом инсон ва соғлом халқ мислсиз ишларга қодирлигини ҳаммамиз яхши англаймиз.

Машҳур юнон табиби Гиппократнинг “**Табобат – барча илму ҳунарлар орасидаги энг буюк илм ва эзгу касбдир**”, деган сўзлари соғлиқни сақлаш соҳаси ходимларининг машаққатли ва шарафли фаолиятига берилган ҳаққоний баҳодир.

Юртимиз ҳудудида қадимдан кўплаб шифо масканлари, тиббий мадрасалар фаолият юритгани, Абу Али ибн Сино каби мутафаккир боболаримиз яратган бебаҳо асарлар, уларнинг дори-дармон тайёрлаш ва даволаш усуллари бутун жаҳонда машҳур бўлгани аجدодларимизнинг бу соҳа ривожига қандай катта эътибор қаратганидан далолат беради.

Маълумки, касалликни даволашдан кўра, унинг олдини олиш оила учун ҳам, давлат учун ҳам самарали ва фойдалидир. Шу боис мамлакатимизда профилактик тиббиёт ривожига устувор аҳамият қаратилмоқда. Буюк аждодимиз Имом Мотуридий ҳазратларининг “**Тириклик ҳикматини соғлиқда, деб билгин**”, деган чуқур маъноли сўзлари нақадар тўғри эканини ҳаётнинг ўзи бутун қайта-қайта исботламоқда.

Шу боис мавжуд имконият ва салоҳиятимиз, пандемия даврида ортирган тажрибамиз ҳамда хориждаги илғор ютуқлардан фойдаланиб, аҳоли саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш борасидаги туб ислохотларимизни янги босқичга кўтаришимиз зарур. Бунда

аҳоли, айниқса, ёшларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш энг устувор йўналишлардан бири бўлиши лозим.

Барча учун сифатли ва малакали тиббиёт тизимини яратиш – биз такдим этаётган стратегиянинг муҳим йўналишидир.

Келгуси йилларда устувор йўналиш сифатида белгиланган тиббиёт соҳасида қуйидаги вазифаларга алоҳида эътибор қаратилади.

Коронавирус пандемиясига қарши курашни тизимли равишда давом эттириш энг муҳим вазифаларимиздан бири бўлади.

Пандемия сабоқларидан келиб чиққан ҳолда, тиббиёт соҳасини рақамлаштириш кўлами янада кенгайтирилади. Жумладан, барча тиббиёт муассасаларида масофавий хизматларни кўпайтириш, поликлиника ва касалхоналарни электрон иш юритишга ўтказиш чоралари кўрилади. Шунингдек, ихтисослашган тиббиёт марказлари ва уларнинг филиаллари ўртасида телемедицина йўлга қўйилиб, диагностика ва даволаш учун жойлардаги имкониятлар янада кенгайтирилади.

Она ва бола соғлиғига эътибор – жамиятга, келажакка эътибордир.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг энг муҳим йўналишларидан бири аҳоли саломатлиги, айниқса, оналар ва болаларимиз соғлиғини муҳофаза қилиш ҳисобланади. Шу мақсадда 2021 йилдан бошлаб 15 ёшгача бўлган болалар ва ҳомиладор аёлларга 7 турдаги витаминлар, болалар учун паразитар касалликларга қарши дори воситалари бепул тарқатилмоқда. Бу жараён билан 2021 йилда – 11 миллион нафар, 2022 йилда – 17 миллион нафар аҳоли қамраб олинади.

Аёллар ва болаларни йод, темир, фолий кислотаси, витаминлар ва паразитларга қарши дорилар билан бепул таъминлаш орқали аҳоли ўртасида камқонлик 25 фоизга камайтирилади.

Бугунги кунда, оналар ва болалар, репродуктив ёшдаги аёллар саломатлигини таъминлаш учун зарур дори ва тиббиёт воситалари (С витамин, сурфактант ва бошқалар) билан қўшимча таъминлаш учун давлат бюджетидан 2021 йилда 26 миллиард сўм ажратилиши, 2022 йилдан бошлаб эса ушбу харажатлар учун зарур маблағларни давлат бюджети параметрларида кўзда тутиш белгиланди.

Бу борадаги амалий ишларимизнинг натижаси сифатида, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида перинатал ва скрининг марказлари ҳамда бирламчи тиббий-санитария муассасаларидаги оналар ва болалар саломатлигига масъул тузилмалар (“Аёллар маслаҳатхонаси”, перинатал скрининг хонаси, “тиббиёт бригадалари” таркибидаги оилавий шифокор, педиатр ва бошқалар)нинг ҳомиладор аёлнинг комплекс кузатуви бўйича ўзаро ҳамкорлик ва мувофиқлаштирувни таъминловчи ягона тизим жорий этилади. Қон босими ва диабет касалликларини даволаш учун аҳолига энг зарур дори воситалари бепул етказиб берилади.

Мамлакатимизда илк бор Қашқадарёда мутлақо янги тизим - **Она ва бола тиббиёт кластери** ташкил этилади. Бунда вилоятдаги болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, перинатал, скрининг ва репродуктив саломатлик марказлари ҳамда туғруқ комплекси бирлаштирилади.

Қизларимизни оналикка тайёрлашдан бошлаб, боланинг туғилиши ва 18 ёшга етгунча кўрсатиладиган барча тиббий хизматлар бир жойда ташкил этилади. Шу билан бирга, кластерда 200 дан ортиқ турдаги мураккаб ва юқори технологик жарроҳлик амалиётлари ўтказилади.

Бундан ташқари, мамлакатимиздаги ҳомиладор аёлларнинг энг эрта муддатларда ҳисобга олиниши, уларнинг ҳар кунги ҳолатидаги ўзгаришларни комплекс назорат қилиб бо-

риш учун 2021 йил якунига қадар ягона электрон база яратилади.

Тиббиётнинг бирламчи бўғинини кучайтириш, айниқса, қишлоқ ва маҳаллаларда тиббий хизматни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш зарур.

Бу борада бирламчи бўғинда умумий амалиёт шифокори ўрнига оилавий шифокор ва унга ёрдамчи сифатида 5 нафар ўрта тиббиёт ходимидан иборат тиббий бригадалар ташкил этилди.

Ҳар бир маҳаллада, энг аввало, 5 ёшгача болалар, шунингдек, туғиш ёшидаги ва ҳомиладор аёллар, ногиронлиги бўлганлар, қон-томир, онкологик, эндокрин касалликларга мойиллиги бўлган фуқаролар билан ишлашнинг алоҳида тизими жорий этилмоқда.

Шу билан бирга, давлат томонидан бепул тиббий хизматлар ва дори воситалари рўйхати қайта шакллантирилиб, улар билан аҳолини кафолатли таъминлаш тизими босқичма-босқич йўлга қўйилади.

Шунингдек, тиббий хизматлар кўрсатишда бирламчи бўғин қамровини кенгайтириш мақсадида келгуси 3 йилда 315 та “оилавий шифокор” пункти ва 85 та оилавий поликлиника ишга туширилади.

Бундан ташқари, “қишлоқ шифокори” дастури доирасида олис ҳудудларда иш бошлайдиган мингдан ортиқ врачга 30 миллион сўмдан ёрдам пули берилиб, улар хизмат уйлари билан таъминланмоқда.

Олис ва чекка ҳудудларда бирламчи ва ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш учун ҳамда эҳтиёжманд аҳоли учун скрининг тадбирларига хусусий шифохоналар ҳам жалб этилиб, уларга субсидия ажратилди.

Ўрта бўғин тиббиёт ходимлари – ҳамшира ва фельдшерларнинг обрўси ва мавқеини оширишга алоҳида урғу берамиз.

Оққон ва оғир ирсий гематологик касалликларни даволаш бўйича ишлар юқори босқичга кўтарилди. Онкогематология соҳаси ҳамда даволаш қийин бўлган касалликлар бўйича мураккаб диагностика ва тиббий амалиётлар учун давлат бюджетидан етарли маблағлар ажратиб борилади.

Ўткир буйрак етишмовчилиги бўлган барча беморлар бепул гемодиализ хизмати билан қамраб олинади.

Шунингдек, эндокрин касалликларни аниқлаш ва даволаш мақсадида ҳудудий шифохоналарда махсус бўлимлар ташкил этилади.

Яна бир масала – аҳолимизнинг катта қисмини қийнайдиغان ўткир қон-томир касалликлари бўйича 35 та туманлараро марказ ташкил этилмоқда. Ушбу марказлар аҳолига инфаркт ва инсульт ҳолатларида тезкор ва малакали тиббий ёрдам кўрсатиш орқали ўлим ва ногиронликни камайтиришга хизмат қилади. Шу тариқа ҳар йили камида 30 минг нафар инсон ҳаётини сақлаб қолиш назарда тутилмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимида самарадорлик ва аҳолига қулайликларни ошириш бўйича ҳали кўп иш қилиш керак. Жойларда ўтказилган сўровларда бор-йўғи 13 фоиз аҳоли тиббиётдаги ижобий ўзгаришларни сезаётганини айтган, холос ва бу соҳадаги ишлар самарасининг юксалишига имкон бермаётган қатор тизимли муаммолар борлигидан далолат беради.

Соғлиқни сақлаш соҳаси ривожига салбий таъсир кўрсатаётган ҳолатларга барҳам бериш ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш борасида устувор вазифалар қуйидагилардан иборат:

❖ соғлиқни сақлаш соҳасидаги миллий қонунчиликни унификациялаш ҳамда тиббий хизмат сифатини ошириш ва беморлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

❖ тиббиёт ходимларининг масъулияти ва ҳимояланганлигини кучайтиришга қаратилган тўғридан-тўғри таъсир қилувчи қонунларни қабул қилиш;

❖ жаҳон стандартлари асосида менежмент ва тиббий хизматлар сифатини бошқаришнинг энг намунали амалиётларини жорий этишни таъминлайдиган замонавий бошқарув тизимини такомиллаштириш;

❖ ҳудудларда соғлиқни сақлашни ташкил этишнинг кластер моделини шакллантириш, тиббиёт ва фармацевтика муассасаларини аккредитация қилиш, шифокорлик ва фармацевтик фаолиятни лицензиялаш тизимини жорий этиш;

❖ тиббиёт соҳасини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш, давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий ёрдам ҳажмини белгилашда маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олиш;

❖ тиббий хизматлар учун клиник харажат гуруҳлари бўйича “ҳар бир даволанган ҳолат” учун тўлаш тизимини ҳамда киши бошига молиялаштиришнинг янги механизмларини, шунингдек, мажбурий тиббий суғуртани босқичма-босқич жорий этиш;

❖ тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш;

❖ патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш;

❖ тиббий генетикани, аёллар ва болаларга шошилиш ва ихтисослашган тиббий ёрдамни ривожлантириш асосида, замонавий скрининг дастурларини жорий этиш, “Она ва бола” ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт мажмуалари ва маълумотлар тизимларини шакллантириш асосида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш;

❖ фармацевтика тармоғини янада ривожлантириш, нарх шаклланиши механизмларини такомиллаштириш, дори восита-

лари, тиббий техника ва буюмлар ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини кенгайтириш.

Ушбу йўналишда давлат-хусусий шериклигини ва тиббий туризмни ривожлантириш, соғлиқни сақлаш соҳасига инвестицияларни кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва рақобат муҳитини янада яхшилаш имкониятларини ишга солишимиз лозим.

Айниқса, тиббий кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини шакллантириш, тиббиёт фанини ривожлантириш соҳадаги янгиланишларга кенг йўл очади.

Шу жумладан, тиббиёт илмий ва таълим муассасаларини халқаро стандартлар бўйича сертификатлаштириш (аккредитациядан ўтказиш) ҳамда замонавий таълим дастурлари, усул ва технологияларини жорий этишга қаратилган ишлар эса ушбу соҳадаги ислохотлар самарасини таъминлашга ёрдам беради.

Бу жиҳатдан, электрон соғлиқни сақлаш тизимини кенг жорий этиш, ягона миллий стандартлар асосида интеграциялашган ахборот тизимлари ва маълумотлар базаси мажмуасини яратиш каби ишлар бу соҳадаги муҳим вазифаларимиздир.

Бизни доимо қийнайдиган, тинчлик бермайдиган орзу-ниятимиз, Яратгандан сўрайдиган энг катта тилак-илтижомиз шуки, бетакрор, гўзал, саховатли Янги Ўзбекистонимизда, албатта, ҳар томонлама соғлом, ўзининг куч-қудрати, баркамоллиги билан ўзгаларнинг ҳавасини уйғотадиган авлодлар яшаши керак.

Дунёда соғлиқни сақлаш тизимида юксак самарадорликка эришган, аҳолини ўртача умр кўриш даражаси юқори бўлган энг илғор мамлакатлар қаторидан жой олиш стратегик вазифамиздир.

Мамлакат соғлиқни сақлаш тизими, аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматларни янада мақбуллаштириш ва аҳолининг узок

умр кўришини таъминлашга йўналтирилган “Ақлли тиббиёт” концепцияси ишлаб чиқилади ва жорий этилади.

Мухтож оилаларга дори-дармон, касалхонада даволаниш, жарроҳлик амалиёти учун тиббий хизматларни бепул амалга ошириш бўйича махсус тизим яратилади. Ушбу тизимда она ва бола соғлиғини сақлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Бу борада жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш муҳим ўрин тутади.

Мазкур йўналишда аҳолининг кенг қатламларини спорт билан шуғулланишга ва соғлом турмуш тарзига жалб этамиз. Жисмонан соғлом авлодни тарбиялаш, спорт индустрияси ва инфратузилмасини ривожлантириш, олий спорт маҳорати соҳасида мамлакатимизнинг халқаро спорт майдонларида муносиб иштирокини таъминлашга қаратилган йирик дастурларни амалга оширамиз.

Бу борада тиббиёт соҳасини тубдан ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асосларини кучайтиришга қаратилган “Соғлиқни сақлаш кодекси”ни қабул қилиш давр тақозосидир.



Соғлом турмуш тарзи маданияти: жисмоний тарбия ва спорт

Жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш долзарб вазифаларимиз қаторига киради. Спортни жадал ривожлантириш, халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришган спортчиларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга бундан буён ҳам катта аҳамият беришимиз лозим.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, жумладан, энг олис туманларда ҳам замонавий ва фойдаланиш учун қулай спорт инфратузилмаси барпо этилмоқда. Кейинги икки йилда мамлакатимизда спорт билан доимий шуғулланадиганлар сони икки баробар кўпайди. Юртимиз спортчилари турли халқаро мусобақаларда мингдан зиёд медалларни қўлга киритди, улардан 400 дан ортиғи олтин медаллардир. Ҳозирги вақтда бокс, дзюдо, эркин кураш, бадий гимнастика, оғир атлетика, шахмат ва бошқа спорт турлари бўйича Ўзбекистонда шаклланган мактаблар бутун дунёда маълуму машҳурдир.

Осиё Олимпия кенгаши томонидан 2025 йилда Ёшлар ўртасида Осиё ўйинларини Тошкент шаҳрида ўтказиш бўйича қарор қабул қилинган. Бу мамлакатимизга билдирилган катта ишонч ва эътибор, десак, тўғри бўлади.

Айни вақтда бунинг масъулияти ҳам катта эканини биз яхши тушунамиз. Қитъамиз миқёсидаги ушбу мусобақага ҳозирдан бошлаб пухта тайёргарлик бошланди.

Жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш - аҳоли саломатлигини таъминлашда муҳим омилдир.

Шу сабабдан кейинги йилларда 70 дан зиёд жисмоний тарбия ва спорт муассасасини бунёд этиш, барча боғча ва мактабларни спорт жиҳозлари билан таъминлаш, туман марказлари ва шаҳарларда махсус пиёдалар ва велосипед йўлаклари барпо этиш режалаштирилмоқда.

Бу соҳага қаратилган кенг қамровли ишлар натижасида аҳолини оммавий спорт турларига жалб қилиш орқали йиллик қамров ҳозирги 19 фоиздан 25 фоизга етказилади.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётганини эътироф этиш билан бирга, соҳада қатор муаммолар ва камчиликларнинг мавжудлиги мамлакатимиздаги мавжуд спорт салоҳиятидан тўлиқ фойдаланишга тўсқинлик қилаётганини қайд этиш зарур. Ушбу соҳада, жумладан, Жиззахда Йилқичилик ва от спортини ривожлантириш маркази ташкил этилади. Бу, ўз ўрнида, миллий от спорти анъаналарини тиклаш ва халқаро мусобақаларда муваффақиятга эришиш имконини беради.

Бу, ўз навбатида, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш масалаларига катта аҳамият бериш зарурлигини аңлатади.

Бу борадаги муаммоларни ҳал этишда қуйидагиларга алоҳида аҳамият қаратиш лозим:

❖ жисмоний тарбия ва спорт соҳасида аҳолининг кенг қатламларини спорт билан шуғулланишга ва соғлом турмуш тарзини юритишга жалб этиш, жисмонан соғлом авлодни тарбиялаш, спорт индустрияси ва инфратузилмасини ривожлантириш, олий спорт маҳорати соҳасида мамлакатимизнинг халқаро спорт май-

донида муносиб иштирокини таъминлашга қаратилган концептуал дастурларни амалга ошириш;

❖ маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари, таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари билан биргаликда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни оммалаштириш борасида кенг қўламли ишларни ташкиллаштириш тизимини такомиллаштириш;

❖ болаларни спорт билан мунтазам равишда шуғулланишга жалб этиш, болалар спорт таълими сифатини ошириш, барча ҳудудларда, айниқса, қишлоқ ва чекка ҳудудларда болалар спорти объектлари тармоғини янада кенгайтириш орқали болалар спортини янада ривожлантириш;

❖ Олимпия, Паралимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон, Осиё чемпионатлари ва бошқа халқаро мусобақа ва турнирларда муваффақиятли иштирокни таъминлаш учун истиқболли спортчиларни танлаш, тайёрлаш ва маҳоратини оширишнинг, улар орасидан мамлакат терма жамоалари сифатли спорт захираси ва таркибини шакллантиришнинг самарали тизимини яратишда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, спорт федерациялари (ассоциациялари) билан ҳамкорлик қилиш даражасини янги босқичга кўтариш;

❖ мамлакатимизда профессионал, оммавий спортни, шу жумладан, спорт ўйинлари ва қишки спорт турларини ривожлантиришни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, спорт тайёргарлиги жараёнига замонавий технологияларни жорий этиш, барча спорт турлари бўйича миллий чемпионатлар даражаси ва сифатини ошириш, халқаро ва минтақавий мусобақалар ташкил этиш, носоғлом

спорт рақобатига ва тақиқланган препаратлар ишлатилишига қарши тизимли чоралар кўришни рағбатлантириш;

❖ жисмоний тарбия – соғломлаштириш ва спорт ташкилотлари, объектлари ва иншоотларининг оммавий спорт, болалар спорти ва профессионал спорт йўналишлари бўйича моддий-техник базасини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш, улардан максимал даражада ва самарали фойдаланилишини таъминлаш, спорт асбоб-ускуналари ҳамда инвентарларининг мамлакатимизда ишлаб чиқарилишини ташкил этиш ва кенгайтириш бўйича таклифлар тайёрлашда қатнашиш;

❖ жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ҳамда спорт ташкилотларини, таълим ва спорт-таълим муассасаларини юқори малакали тренерлар ва бошқа спорт мутахассислари билан таъминлаш ишларини янада самарали ташкил қилиш;

❖ жисмоний тарбия ва спорт соҳасида халқаро ва давлатлараро алоқаларни кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш, хорижий инвестициялар ва грантларни жалб этиш борасидаги ишларни ташкил қилиш, оммабоп спорт дастурларини ташкил этишга кўмаклашиш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасига оид оммавий адабиётлар чоп этиш, олдимизда турган муҳим вазифалар сирасига киради.

Бугунги кунда спорт ва соғломлаштириш жараёнларининг натижадорлиги Янги Ўзбекистонни барпо этиш вазифалари билан узвий боғлиқ эканини англаган ҳолда масъулият билан ҳаракат қилишимиз лозим.



Таълим ва тарбия: янги имкониятлар

Халқимизда “Таълим ва тарбия – бешикдан бошланади”, деган ҳикматли сўз бор. Фақат маърифат инсонни камолга, жамиятни тараққиётга етаклайди. Шу сабабли мамлакатимизда таълим соҳасидаги давлат сиёсати узлуксиз таълим тизими принципига асосланган, бола туғилганидан бошлаб, 30 ёшгача бўлган даврда уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, ҳаётда муносиб ўрин топиши учун кўмак берадиган, яхлит ва узлуксиз тизим яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ривожланган мамлакатларда таълимнинг тўлиқ циклига инвестиция киритишга, яъни, бола 3 ёшдан 22 ёшгача бўлган даврда унинг тарбиясига сармоя сарфлашга катта аҳамият берилади. Чунки ана шу сармоя жамиятга 15–17 баробар миқдорда фойда келтиради. Бизда эса бу кўрсаткич атиги 4 баробарни ташкил этади. Бинобарин, инсон капиталига эътиборни кучайтиришимиз, бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этишимиз шарт.

Буюк юнон олими, Шарқда “Биринчи муаллим” деб улуғландиган Аристотелнинг “Ватан тақдирини ёшлар тарбияси ҳал қилади”, деган сўzlари, қаранг, милоддан 350 йил аввал айтилган. Демак, инсоният онгли ҳаёт кечира бошлаган даврдан буён таълим ва тарбия масаласи, доимо долзарб аҳамият касб этиб келмоқда.

Бир ўйлаб кўрайлик, дунёдаги ривожланган давлатлар қандай қилиб юксак тараққиёт ва турмуш фаровонлигига эришмоқда?

Энг аввало, илм-фан ва таълимга қаратилган улкан эътибор туфайли эмасми?

Шунинг учун ҳам кейинги йилларда юртимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, янги Ўзбекистонни яратиш мақсадида барча соҳалар қатори таълим тизимида ҳам туб ислоҳотлар олиб борилмоқда. Бу борада ўнлаб муҳим фармон, қарор, концепциялар ва дастурлар қабул қилинди.

Ёшларимизда аниқ ва табиий фанларни амалиётда қўллаш учун керак бўладиган тушунча, билим ва кўникмаларни ривожлантириш, уларнинг келажакда муҳандислик, ахборот-коммуникация технологиялари, илм-фан йўналишларида етук кадрлар сифатида шаклланишлари учун мактабларда STEM таълим тизимини татбиқ этиш бўйича 5 йиллик дастур ишлаб чиқилади. Ушбу дастурни амалга ошириш учун Осиё тараққиёт банкининг 100 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағи йўналтирилади.

Биз кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислоҳотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиладик.

Донишманд халқимиз ҳар икки Ренессанс даврида жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига муносиб ҳисса қўшгани барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Буюк аждодларимизнинг бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак. Бу ўлмас мерос ҳамиша ёнимизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлаши лозим. Авваламбор, миллий таълим тизимини ана шундай руҳ билан суғоришимиз керак. Бунинг учун олим ва мутахассисларимиз, ҳурматли уламоларимиз бу маънавий хазинани бутунги авлодларга содда ва тушунарли, жозибали шаклларда етказиб беришлари зарур.

“Оққан дарё – оқаверади”, дейди халқимиз. Бугун буюк аждодларимизнинг бебаҳо меросига таяниб, янги Ренессанс пойдеворини яратиш учун бизда барча имкониятлар мавжуд, дейишга тўла асосларимиз бор.

Ҳамма гап ана шу имкониятлардан қай даражада оқилона фойдалана олишимизга боғлиқ.

Фарзандларимиз тарбиясида энг асосий бўғин ҳисобланган мактабгача таълим тизимининг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди.

Бу йўналишни тизимли ривожлантириш бўйича аниқ давлат дастурлари қабул қилинади. Болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 2 баробар оширилиб, 80 фоизга етказилади.

Бу вазифа нафақат замонавий боғчалар куриш, балки оилавий боғчалар тизимини ривожлантириш орқали ҳам ҳал этилади.

Мамлакатимизда 2022–2026 йиллар давомида 217 та “Баркамол авлод” болалар мактабини ривожлантириш бўйича дастурни амалга оширамиз. Бунда ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ва самарали ўтказиш учун барча шароитлар яратилади. Ўқувчиларнинг техник ва ижодий кўникмаларини ривожлантириш учун мактабларда замонавий тўгараклар жорий этилади, улар зарур жиҳоз ва хомашёлар билан таъминланади. Бунинг натижасида 600 минг нафар ёшлар замонавий тўгаракларга жалб қилинади.

“Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади” деган улуғ ғоя асосида мамлакатимизда мактаб таълимини умуммиллий ҳаракатга айлантириш бўйича бошлаган ишларимиз янги босқичга кўтарилмоқда. Юртимизда мутлақо янгича мазмун ва шаклдаги замонавий ихтисослаштирилган мактаблар тизимини яратиш бўйича давлат дастурлари ишлаб чиқамиз ва амалга оширамиз.

Давлат мактаблари билан бирга, хусусий мактаблар ташкил этиш, битирувчиларни олий таълим билан қамраб олиш даражасини 2030 йилда 60–70 фоизга етказиш – асосий вазифамиздир.

Мактабларда “вазир соати”, “тадбиркор ва банкирлар сабоғи” каби дарс амалиётларини жорий қилиш лозим. Уларда ижро органлари раҳбарлари, салоҳиятли тадбиркорлар, малакали банк ходимлари дарс ўтиши керак.

Шунингдек, диний уламоларимиз ҳам жамоатчиликка маърифат, бағрикенглик, одоб ва ахлоқ илмларидан сабоқ берсалар, мақсадга мувофиқ бўларди.

Шу сабабли биз биринчи марта умумтаълим мактабларида “Тарбия” фанини жорий этдик. Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг асрий қадриятларимиз асосида яратган “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” асари шарқона тарбиянинг ноёб қўлланмаси сифатида бугунги кунда ҳам ўзининг қадри ва аҳамиятини йўқотган эмас. Биз “Тарбия” фанининг назарий ва методологик асосларини ишлаб чиқишда мана шундай бебаҳо асарлардан самарали фойдаланишимиз зарур.

Биз мактаб муаммосига биринчи даражали масала, деб қарашни давом эттиришимиз лозим. Мактаб – фақатгина таълим берадиган маскан эмас, барчамиз учун юксак маънавийт бешигига, фарзандларимизни болаликдан бошлаб касбга ўргатувчи даргоҳга айланиши зарур.

Бундай вазифаларни бажариш учун таълим тизимидаги қуйидаги масалаларни ҳал қилишимиз лозим.

Бугун аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси мураккаб тузилгани, уларда назарий билимлар амалиёт билан боғланмагани, ўқув дастурларида узвийлик йўқлиги, дарсликларнинг мазмуни ва сифати қониқарсиз экани ҳақли эътирозларга сабаб бўлмоқда. Амалдаги таълим стандартлари ҳамда ўқув дастурлари, асосан, ўқувчини таълимнинг навбатдаги босқичига тайёр-

лашга йўналтирилган бўлиб, уларни эркин фикрлаш ва мустақил ҳаётга тайёрлаш масаласи эътибордан четда қолмоқда. Бундай ҳолатларга барҳам бериш учун, хорижий экспертлар ва тажрибали ўқитувчиларни кенг жалб қилган ҳолда, умумий таълимнинг Миллий ўқув дастури лойиҳасини илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларида синовдан ўтказиш лозим.

Шунингдек, умумтаълим мактабларида дарслик ва ўқув-методик мажмуаларни тажриба-синовдан ҳамда чет эллик мутахассислар иштирокида экспертизадан ўтказиш тизими мавжуд эмас. Мактаб дарсликларини яратиш ва чоп этишни тартибга солиш масаласи ҳам долзарб бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги пайтда умумтаълим муассасаларини олий маълумотли педагог кадрлар билан таъминланиш даражаси 87 фоизни ташкил этади. Кўплаб мактаблар, айниқса, чекка ҳудудлардаги таълим масканларида бир қатор фанлар бўйича малакали ўқитувчилар етишмаяпти. Шу муносабат билан педагог кадрлар тайёрлаш масаласи ҳамisha эътиборимиз марказида туриши зарур.

Ўғил-қизларимизни санъат дунёсига ошно этиш, ёшларимиз жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари, замон талаби бўлган компьютер ва IT технологиялари соҳасида билим ва кўникмаларга эга бўлишлари учун зарур жиҳозлар билан таъминланган 100 мингдан ортиқ бепул тўғарак фаолиятини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Халқимиз ҳамisha устозларни эъзозлаб, уларнинг ҳурмат-иззатини жойига қўйиб келган. “Устоз отадек улуғ” деган ҳикматли нақл ҳам бежиз айтилмаган. Энди ана шу сўзларни қоғозда эмас, амалда қарор топтирадиган, ўқитувчи-муаллимнинг кадр-қимматини жойига қўядиган пайт келди.

Афсуски, кўп йиллар давомида ўқитувчига эътибор борасида сўзимиз бошқа, ишимиз бошқа бўлиб келди. Оқибатда соҳа ходимлари гўёки кераксиз ва ҳимоясиз қатламга айланиб қолди.

Бундай ножўя ишлар нафақат таълим сифатига, балки соҳа ходимларининг ўз касбига бўлган муносабатига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Қанчадан-қанча тажрибали ўқитувчилар дили оғриб, севган касбини ноилож ташлаб кетганини ҳам биламиз.

Яқин-яқингача ўқитувчи-муаллимлар, айрим жойларда ўқувчилар ҳам, тўрт ойлаб пахта йиғим-терими, чопиқ ва яганага чиқарилгани сир эмас.

Бугунги кунда жамиятимизда ўқитувчи ва мураббийларнинг қадди, шаъни ва ғурури тикланаётгани барчамизни қувонтиради.

Айни вақтда бу ўта муҳим масала энг долзарб вазифамиз эканини алоҳида таъкидлаб, уни амалга ошириш бутун жамиятимизнинг бурчига айланишини истардим.

Бугун ҳар бир ўқитувчи ва тарбиячи, олийгоҳ домласи таълим ва илм-фан соҳасидаги энг сўнгги ижобий янгиликларни ўқув жараёнларига татбиқ эта оладиган, чуқур билим ва дунёқараш эгаси, бир сўз билан айтганда, замонамиз ва жамиятимизнинг энг илғор вакиллари бўлишлари керак.

Шу маънода, жамиятда ўқитувчи ва мураббийларга бўлган ҳурмат-эътиборни ошириш, муаллим ва устозларнинг қадри, шаъни ва ғурурини тиклаш, уларни ҳам маънавий, ҳам моддий қўллаб-қувватлаш бўйича ишлар давом эттирилади.

Маълумки, Тошкент вилоятининг Хумсон қишлоғида туғилиб ўсган тараққийпарвар олим, шоир ва таржимон Элбек “Миллатнинг нажоти – мактабда, муаллимда”, деб билган. Абдулла Авлонийнинг шогирди бўлган ушбу таълим фидойиси янги усулдаги кўплаб дарслик ва қўлланмалар яратган. Мустабид тузум даврида қатағонга учраган маърифатпарвар аждодимиз номини абадийлаштириш мақсадида Нурафшон шаҳрида Элбек номидаги вилоят марказий кутубхонасини барпо этамиз.

Тошкент вилоятини мактаб таълими ислоҳотларининг намунасига айлантириш бўйича алоҳида дастур амалга оширилади.

Авваламбор, “Янги Ўзбекистон устозлари” дастури ҳаётга жорий этилиб, таълим сифати паст мактабларга бошқа ҳудудлардан энг малакали ўқитувчилар ишга жалб қилинади.

Биз олий таълим тизимини янги сифат босқичига кўтариш, олий ўқув юртлари тизимини янада ривожлантириш, соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, пировардида илм-фаннинг йирик ўчоқларига айлантиришга алоҳида эътибор қаратамиз. Аҳолининг олий таълим билан қамраб олинганлик даражаси муттасил ошириб борилади.

Мамлакатимизда янги олий таълим муассасалари, жумладан, хорижий университет ва институтларнинг филиаллари ташкил этилиб, уларнинг сони 200 тага етказилади.

Янги олий таълим муассасаларини ташкил этишни изчил давом эттирамиз. Жумладан, Қорақалпоғистонда мамлакатимиздаги 5 та нуфузли олийгоҳ ва хорижий университетларнинг филиаллари ташкил этилади. Шунингдек, 5 минг талабага мўлжалланган Нурафшон давлат университети ташкил этилади.

Урганч давлат университети қошида Муҳаммад Хоразмий номидаги халқаро математика маркази ва жамғармасини ташкил этамиз. Марказ математика бўйича иқтидорли ёшларни танлаб олиш ва илмга йўналтириш, уларнинг ўз салоҳиятини намойён қилишига кўмак бериш билан шуғулланади, Тошкент ахборот технологиялари университетининг Урганч филиали учун қўшимча 1000 ўринли янги ўқув биноси қурилади. Ўзбекистон давлат хореография академиясининг Урганч филиали ва унинг қошида Урганч бошланғич рақс санъати мактаб-интернати ташкил этилади. Хоразм вилоятидаги олийгоҳлар учун қўшимча 3,5 минг ўринли 8 та талабалар турар-жойи бунёд этилади.

Кадрлар захирасини яратиш мақсадида “таълим – илм – тадқиқот” тамойили асосида ҳар бир олийгоҳнинг ўқув дастурлари “яшил” ва “рақамли” иқтисодиётга йўналтириш учун транс-

формация қилинади. Ушбу тизимнинг ўзаги Тошкент шаҳрида бунёд этилаётган Янги Ўзбекистон университети бўлади.

Ҳар бир туманда Инновация ва технология маркази ҳамда “Лойиха гуруҳлари” ташкил этилиб, уларда давлат-хусусий шериклик асосида алоҳида технопарк ва IT мактаби фаолият юритади.

Самарқанд шаҳрида 20 минг талабага мўлжалланган “Ёшлар шаҳарчаси” барпо этилиб, унда камида 4 та хорижий университетнинг филиал ва кампуслари жойлаштирилади. Етакчи техника университетлари билан биргаликда Самарқанд технология университети ташкил этилади.

Шунингдек, Андижон вилоятида яна 4 та хусусий олийгоҳ ташкил этилади. Натижада ҳудуддаги олий таълим қамрови 23 фоиздан 50 фоизга етади.

Наманганда келгуси беш йилда 7 та олийгоҳ ташкил этилиб, жами олий ўқув юртлари сони 10 тага етказилади. Ибрат ижод мактаби негизида Чет тиллар олийгоҳи ташкил этилади.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий маълумот олиш имконияти янада кенгайтирилади. Босқичма-босқич масофавий таълим шаклида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилади.

Айни пайтда ахборот технологиялари соҳасида чуқур билим ва малакага эга бўлган, улардан унумли фойдалана оладиган замонавий мутахассислар миллий иқтисодиётимиз учун ниҳоятда зарур. Биз эса бу масалани чуқур англаган ҳолда, шу мақсадга эришиш учун жиддий ҳаракат қилишимиз шарт.

Шу билан бирга, олий таълим тизимининг вазифаси фақат талабаларга дарс беришдан иборат эмас. Университет ва институтларимиз илм-фан соҳасида ҳам фаол ишлаши, ёшларни илмий ишларга, катта-катта лойиҳаларга жалб этиши керак.

Таълим соҳасининг яна бир энг асосий вазифаси бугунги кун учун зарур бўлган янги авлодни, илм-фан ва ўз ихтисослиги

асосларини пухта эгаллаган, билимли ёшларни тарбиялашдан иборатлиги шубҳасиз.

Шу билан бирга, аниқ фуқаролик позициясига эга бўлган, жамият, давлат манфаатларини ҳимоя қиладиган, халқ ҳаётидаги ўзгаришлар ва ислохотларда фаол қатнашадиган, замонавий ва кенг тафаккурли ёшлар авлодини шакллантириш вазифаси ҳам ниҳоятда муҳим, албатта.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бутун узлуксиз таълим тизимини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган яхлит Таълим кодексини ишлаб чиқиш пайти келди.

Яна бир масалага алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблайман. Биз “Маънавиятшунослик” фанининг тамал тошини қўйдик. Бу йўналишдаги ихтисосликлар фанлар классификаторига киритилди, улар бўйича ихтисослашган кенгаш ташкил этилиб, диссертациялар ҳимояси йўлга қўйилмоқда. Олий таълим бакалавр босқичи учун “Маънавиятшунослик”, магистрлар учун “Касб маънавияти” фанлари жорий этилмоқда.

Шу муносабат билан кўпдан бери мени ўйлантириб юрган ва қарийб 40–45 йиллик кузатувларим натижасида шаклланган бир мулоҳаза билан ўртоқлашиш лозим, деб ҳисоблайман.

Бизда узок йиллар давомида ижтимоий фанларга нисбатан бир томонлама технократик ёндашув, бу борадаги масалаларга ажабтовур бир “ўгай” қараш шаклланиб қолган.

Афсус билан қайд этиш жоизки, ҳалигача узлуксиз таълим босқичларида, айниқса, олий таълим тизимида ижтимоий фанларни қанча ҳажмда ва қандай йўналишларда, қай бир шаклда ва қандай мазмунда ўқитиш ва ўргатиш бўйича яхлит концепция йўқ.

Афсуски, айрим калтабин мулозимларнинг “ижтимоий фанлардан фойда йўқ” қабалидаги ножўя қарашлари оқибати-

да ушбу фанларнинг салмоғи ва сифатини тушириб юборишга йўл қўйилди.

Айни пайтда бу йўналишда кимнингдир субъектив ёндашуви таъсирида бирор-бир фанни жорий этиш, бошқа бирини эса йўқотиш, кафедраларни қўшиш ва уларда профессор-ўқитувчилар сонининг ҳаддан ортиб кетиши билан боғлиқ тез-тез рўй бериб турадиган “экспериментлар”, ижтимоий фанлар олимлари ва мутахассислари, профессор-ўқитувчиларнинг меҳнатига муттасил скептик муносабатда бўлиш ҳолатлари соҳага жиддий зиён етказган.

Албатта, биз замонавий билим ва технологияларни эгаллаган авлодни тайёрлашимиз керак. Табиий-техник ва ихтисослик фанлари бундай мутахассисларни тайёрлаш учун асосий омил экани ҳам шубҳасиз.

Аммо янги авлодни халқ ва жамият, миллат ва давлат манфаатларини кўзлайдиган, ўзини юрт манфаатлари билан бирга кўрадиган ва ислоҳотларга дахлдорлигини, ижтимоий масъуллигини сезадиган, етук инсон этиб тарбиялаш учун ушбу фанларнинг ўзи кифоя қиладими? Йўқ, албатта.

Биз давлат ва жамият манфаатлари йўлида ҳалол меҳнат қилган, бу борада барча ижтимоий чақириқ ва даъватларга “лаббай” деб жавоб берган ота-оналаримиз авлоди таъсирида тарбияландик. Уларни бундай авлод бўлишида ижтимоий фанлар тизимининг ўрни ва аҳамияти катта бўлгани барчамизга маълум.

Аслида, бизнинг авлодимиз ҳам ўша тизим таъсирида шаклланди. Ота-оналаримиз авлодига хос маънавий мезонлар, ижтимоий талабларга ҳозиржавоблик, жамоавийлик тамойилларига риоя қилиш каби хусусиятлар бизнинг авлодимизга ҳам ўтган.

Бугунги кунда ёшларни, асосан, чет эл андозалари, ғоясизлик тамойиллари ва ижтимоий фанлар тизими қарийб йўқотилган таълим таъсирида шакллантириш тарафдорларининг кўпчили-

ги яқин келажакда ушбу авлоднинг асл қиёфаси, давлат ва жамиятга муносабати қандай бўлиши ҳақида яхлит тасаввурга эга эмаслар, деб ўйлайман.

Биз ҳали-ҳамон ғоясизликка асосланган таълим ва гуманитар фанлар тизими таъсиридан “халос” бўлган келажак авлод билан яшаганимиз ва ишлаганимиз йўқ, яъни у билан бевосита юзма-юз келганимиз, мулоқотга киришганимиз йўқ.

Бу ҳақда аниқ-равшан социал прогнозлар ҳам, маънавий баркамол, ҳар томонлама етук, зукко ва маърифатли авлод шаклланиши ҳақида кафолатланган эксперт хулосалари ҳам йўқ.

Шундай экан, ижтимоий фанларга эътибор бермаслик оқибатида дунёқараши бир томонлама шаклланган, ўзидан бошқани ўйламайдиган, халқ, давлат ва жамият тушунчаларидан бегона бўлган ва бугунги кунда чет элларда “Бой берилган авлод” дея аталаётган ёшлар авлоди бизда ҳам вужудга келмайдими?

Ахир, бундан 60–70 йил илгари, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги қийинчилик ва моддий тақчиллик йилларида чет элларда ишлаб чиқилган ва асосан, маънавият ва гуманитар таълимга пул сарфлаш зарур эмас, деб ҳисобланган ва мутлақ ғоясизликка асосланган технологиялар ва концепцияларнинг оқибатлари қандай бўлганини кўриб турибмиз-ку?

Бугунги глобал дунёнинг энг асосий муаммолари бўлган уруш балоси ва экологик бўҳронлар хавфи одамзоднинг минглаб йиллик фаолияти натижаси, яъни асрлар давомидаги ҳатоликларнинг табиий-тарихий ҳосиласи экани маълум. Аммо, XX асрнинг иккинчи ярмида, бор-йўғи йигирма-ўттиз йил давомида шаклланган ҳамда бугунги инсониятнинг энг асосий ва шафқатсиз муаммоси ҳисобланадиган маънавий таназзул айнан юқорида биз таъкидлаган бир томонлама қарашлар билан боғлиқ жараёнлар оқибати бўлганини эсдан чиқармаслигимиз лозим.

Энг ривожланган мамлакатлар ҳам барҳам бера олмаётган маънавий таназзул балоси айнан ўша, бундан 60-70 йил илгари кўплаб таниқли олимлар томонидан ишлаб чиқилган, ҳаётга зудлик билан татбиқ этилган ва инсониятни маънавий ғариблашишига олиб келган маънавийтсизлик ва ғоясизлик технологияларининг натижаси экани бугун кўпчиликка аён. Аммо ўтган асрнинг 70-йилларига келиб ушбу тамойиллар устувор қиёфа касб этиб, улар асосидаги технологиялар жамият ҳаёти ва одамлар тафаккурини бузиб бўлган, яъни “поезд кетиб бўлган”, жамият, айниқса, ёшлар ўзгарган, уларнинг онги ва тафаккурига бузғунчи ғоялар таъсири ўрнашиб қолган эди. Оқибати эса маълум.

Ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатадики, олий математика ёки ядро физикасини тўртинчи ёки бешинчи синфда ўқитишдан фойда йўқ. Чунки 11-12 ёшли боланинг тафаккури ушбу соҳадаги мураккаб билимларни қабул қилишга тайёр эмас.

Ижтимоий фанлар соҳасида одоб-ахлоқ қоидалари ва маънавийтнинг оддий тушунчалари ва содда талабларини бошланғич синфлардан ўргата бошлаш зарурлиги айни ҳақиқат.

Аммо жамият ва давлат ҳаётининг мураккаб категориялари, одамлар орасидаги ниҳоятда нозик ижтимоий, иқтисодий ва ахлоқий муносабатлар, айниқса, ишлаб чиқариш ёки муайян ихтисосликлар билан боғлиқ маънавий тамойиллар ҳақидаги билимларни шу ёшдаги болалар ўзлаштира олмаслиги ҳам аён-ку!

Шу билан бирга, ижтимоий фанларни таълим босқичлари ва ихтисосликларнинг талаблари ва тамойилларига мослиги, ўқувчилар, бакалаврлар ва магистрларнинг эҳтиёжлари ва қизиқишлари, касб хусусиятларига мувофиқлиги ҳақидаги аниқ-равшан тасаввурлар тугал ва мақсадга мувофиқ даражага етмагани ҳам маълум.

Таълим тизимининг барча босқичларида ижтимоий фанларни қай тарзда тақсимлаш, ўқитиш ва амалиёт соатларини қандай

ташкил этишга доир махсус концепцияни ишлаб чиқиш зарур эҳтиёжга айланган.

Шу сабабли “Узлуксиз таълим тизимида ижтимоий фанларни ўқитиш тартиби ва тамойиллари тўғрисида” қонун ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш эҳтиёжи мавжуд, деб ўйлайман.

Бу жиҳатдан, Ўзбекистон Республикасининг узлуксиз таълим ва тарбия соҳасини гуманитарлаштириш стратегияси яратилиши ва амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

Чиндан ҳам, бугун биз улуғ ниятлар билан пойдеворини қўяётган янги Ўйғониш даври мамлакатимизда мана шундай улкан бойлик яратишга, халқимиз ҳаётини фаровон қилишга ва келгуси авлодларга ўзимиздан муносиб мерос қолдиришга хизмат қилади.

Яна бир бор таъкидлайман: мен Янги Ўзбекистонни – обод ва фаровон, демократик мамлакатни, Учинчи Ренессансни барпо этишда педагоглар, профессор-ўқитувчилар, ижодкор зиёлиларни энг катта куч, таянч ва суянч, деб биламан. Уларнинг ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган фаолиятини қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароити яратиб беришни Президент сифатида ўз бурчим, деб ҳисоблайман.



Илм-фан – инновацион тараққиёт асоси

Ҳозирги пайтда дунё миқёсида рақобат қандай кескин тус олиб бораётганини ҳаммамиз кўриб турибмиз. Бу шиддатли рақобатга фақат замонавий илм-фан, юқори технологиялар ва инновация ютуқларини кенг жорий этиш орқали муносиб жавоб бера оламиз.

Дунёдаги ривожланган мамлакатлар ўз олдига нафақат маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларни бозорга олиб чиқишни, балки чуқур билим ва илмий ютуқларга асосланган инновацион иқтисодиётга ўтиш вазифасини қўймоқда. Яъни, ўз иқтисодиётини мавжуд табиий ресурсларни сарфлаш эвазига эмас, инновацион маҳсулотлар яратиш, ўзлаштириш ва илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш орқали ривожлантириш тараққиётнинг асосий омилига айланмоқда.

Мамлакатимизни инновацион ривожлантириш стратегияси ва механизмлари, энг аввало, шу давлатда яратилган интеллектуал ва илмий-техникавий салоҳиятдан қанчалик самарали фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқ. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда 300 дан ортиқ илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари, тажриба-конструкторлик ташкилотлари, илмий-ишлаб чиқариш корхоналари, кичик инновацион марказлар ва бошқа илмий-техникавий тузилмалар фаолият юритмоқда.

Олимларимиз томонидан фундаментал фан ва унинг натижаларини амалиётга татбиқ этиш борасида бир қатор ютуқлар қўлга киритилди. Табиий фанларнинг асосий соҳалари – астрономия,

физика, математика, кимё, биология, фармацевтика, геология, сейсмология ва бошқа жабҳаларда жаҳон миқёсида қизиқиш уйғотаётган натижаларга эришилди. Иқтисодиётнинг минерал хомашё ресурсларини чиқиндисиз ва самарали қайта ишлаш, қуёш энергетикаси ва бошқа қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологиялари, кимё ва биотехнология, генетика, экология, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, фармакология, тиббий диагностика каби ҳаётий муҳим тармоқларда маҳаллий инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш ишлари амалга оширилмоқда.

Ижтимоий-гуманитар фанлар – тарих, фалсафа, ҳуқуқшунослик, археология, шарқшунослик, Ўзбекистон халқлари маданий мероси, тилшунослик ва адабиётшунослик, санъатшунослик ва бошқа соҳаларда ҳам муҳим натижаларга эришилмоқда. Ўз соҳа-сида дунёдаги энг салмоқли энциклопедиялардан бири ҳисобланадиган Марказий Осиёда ягона ва Ўзбекистонда илк марта яратилган “Жаҳон фалсафаси қомуси” тайёрланиб, 2020 йилда чоп этилгани ҳам бунинг яққол мисолидир.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг бозор ислоҳотларига ўтиши илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантиришга бўлган янгича ёндашувларга йўл очиб берди. Улар мамлакатимизнинг илмий салоҳиятини сақлаб қолиш ва илмий муассасалар фаолиятини мамлакатимизнинг долзарб илмий-техник ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга йўналтириш имконини берди. Фундаментал тадқиқотлар натижасида тўпланган янги билимлар олимларнинг амалий ва инновацион ишланмаларида ўз ифодасини топмоқда.

Шу билан бирга, фундаментал тадқиқотларни янада ривожлантириш масаласи биров эътиборимиздан четда қолгани бугун яққол намоён бўлмоқда. Чунки фундаментал тадқиқотлар жадал

ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий тараққиёт бўйича бошқа давлатлардан сезиларли равишда илгарилаб бораётганини кўриб турибмиз. Дунёда илм-фан соҳасидаги ютуқлар айнан фундаментал тадқиқотлар йўналишида қўлга киритилгани тасодифий эмас. Шунинг учун эндиликда фундаментал фанларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соҳани иқтидорли ёш кадрлар билан таъминлаш давлатимизнинг муҳим вазифаларидан бири сифатида кун тартибига қўйилмоқда.

Шунингдек, Фанлар академияси тизимидаги илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлири, тармоқ институтлари, илмий ва инновацион марказлар ҳамда корхоналарнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, илм-фан ва таълим соҳаларидаги илмий, инновацион фаолиятни рағбатлантирадиган шарт-шароитларни яратишга асосий эътибор қаратилмоқда.

Эндиги вазифа – нафақат илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни молиявий қўллаб-қувватлаш, балки уларнинг натижаларини амалиётга татбиқ этишга қаратилган самарали механизмларни яратишдан иборат.

Шу маънода, **“Пойтахт – маданият ва маърифат булоғи”** дастурини амалга ошириш ўринлидир. Маълумки, Мингўрик, Бинкат, Чоч, Шош, Тошкент номлари билан аталган азим пойтахтимиз доимо Марказий Осиёнинг бепоён ҳудудларида нафақат давлатчиликнинг маркази, балки илм-фан, маданият ва маънавият гуркираб ривожланган шаҳар бўлган. Қадим даврлардаёқ Тошкентда мавжуд бўлган **“Оқиллар маҳалласи”** бугунги кунда **“Оқилон маҳалласи”** номи билан сақланиб келаётгани ҳам шундан далолат беради.

Ўзбекистон илм-фанининг бетакрор сиймоларидан бири – Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, **“Буюк хизматлари учун”** ордени соҳиби Тошмуҳаммад Саримсоқовнинг номини барчамиз яхши

биламиз. Тошмуҳаммад Саримсоқов топология ва функционал анализ бўйича Тошкент илмий мактабининг асосчиси, юзлаб шогирдларнинг устози эди. Халқимиз у инсоннинг ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон Фанлар академияси, Олий таълим вазирлигида раҳбар лавозимларида меҳнат қилиб, мамлакатимиз тараққиёти йўлида улкан хизматлар қилганини ҳеч қачон унутмайди. Фидойи олимнинг илмий меросини чуқур ўрганиш ва хотирасини абадийлаштириш мақсадида, жумладан, “Саримсоқов ўқишлари” йўлга қўйилади. Андижон давлат университетининг иқтидорли талабалари учун ушбу олимимиз номидаги стипендиялар ташкил этсак, у киши туғилган Шаҳрихон туманида Тошмуҳаммад Саримсоқов номидаги аниқ фанларга ихтисослашган мактаб барпо этсак ва ёдгорлик ўрнатсак, ўйлайманки, ҳар томонлама адолатли иш бўлади.

Бундай савобли ишларни бошқа улкан олимларимиз хотирасига нисбатан ҳам амалга оширишимиз керак.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва унинг янги технологик ривожланишга ўтиш жараёни дунё бозорларида, рақамли технологияларни жорий этиш соҳасида ва аҳолининг ижтимоий-иқтисодий, ўсиб бораётган муаммоларини ҳал қилиш усулларида рақобатнинг тобора кучайишига олиб келмоқда. Буни эътиборга олган ҳолда, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш мақсадида олий ўқув юртлари қошида, жумладан, Жиззах политехника институтида **Инновацион ғоялар маркази** ташкил этилади.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида илм-фан ва инновациялар соҳасида етакчи мамлакатлар қаторидан ўрин олиш, тўртинчи sanoat инқилоби даврида халқаро рақобатбардошликка эришиш, тўпланган муаммоларнинг янги ечимларини излаб топиш, шунингдек, глобаллашув туфайли юзага келаётган баҳсли масалаларни ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратилади.

Бугунги кескин рақобат шароитида иқтисодиётда устувор йўналишлар ривожини таъминловчи илмий тадқиқотлар ҳамда инновацион ишланмаларни амалга оширувчи тизим ишини самарали ташкил қилиш энг асосий вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистонни 2030 йилга қадар глобал инновацион индекс рейтингиди дунёнинг етакчи давлатлари қаторига киритишдек улкан мақсадга эришишда инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган стратегик режа эълон қилинди. Бизнинг мақсадимиз илм-фан соҳасини замонавий иқтисодиёт талабларига мослаштиришдан иборат бўлиб, ўз навбатида, илм-фандаги тегишли ҳуқуқий база билан тартибга солинадиган туб таркибий, ташкилий, молиявий ҳамда кадрлар ва инфратузилмага оид ислохот-ўзгаришларни амалга оширишни кўзда тутди.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда кейинги йилларда илм-фанни ривожлантириш борасида қуйидаги устувор вазифаларни амалга оширишни талаб этади:

- ❖ илм-фан соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш борасида жаҳон тажрибасида лойиҳавий бошқарув ўз самарадорлигини кўрсатаётганини инобатга олиб, дастурий мақсадли ёндашувни қўллаш ҳамда янги бошқарув воситаларини жорий этиш ва улардан фойдаланишни йўлга қўйиш;

- ❖ илм-фан ва илмий фаолиятни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш ҳамда молиялаштириш манбаларини диверсификациялаш ва замонавий фан йўналишлари бўйича инфратузилмаларни ташкил қилиш, илмий ташкилотларнинг моддий-техника базасини янгилаб бориш, олий ўқув юртидан кейинги таълим (докторантура) институтини молиялаштириш каби режалаштирилган чора-тадбирларга йўналтириш;

- ❖ илмий лойиҳаларни хусусий сектор ва тармоқ ташкилотлари билан тенг шерикликда молиялаштириш амалиёти кенгайтирилади, илмий-инновацион лойиҳаларни қўшимча молия-

лаштириш мақсадида халқаро молия институтлари, хусусан, Жаҳон банкининг илм-фанни тижоратлаштиришга ажратиладиган имтиёзли қарз маблағларини жалб қилиш;

❖ илм-фан ва илмий фаолиятга хорижий давлатлар донор ташкилотларининг грантлари, техник кўмак ва бошқа ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилади, илм-фаннинг истиқболли ва янги йўналишларида (шу жумладан, рақамли технологиялар, сунъий интеллект, робототехника, фармацевтика, биотехнология, нанотехнологиялар, энергетика, муҳандислик, электроника, механика, машинасозлик, генетика, астрономия, дастурлаш, саноат дизайни, криминалистикада) илмий-тадқиқот ишларини жадаллаштириш;

❖ юқори малакали илмий ва муҳандис кадрлар тайёрлаш ҳамда уларни илмий фаолиятга йўналтириш борасида, аввало, давлат илмий ташкилотларида янги кадрлар сиёсати жорий қилиниб, асосий эътиборни кадрлар билан ишлашнинг стратегик бошқарувини жорий этишга қаратиш;

❖ мутахассисларни қайта тайёрлаш ва доимий равишда малакасини ошириб бориш мақсадида хорижий тилларни ўрганаётган олимлар учун турли ўқув курсларини ташкил қилиш, маҳаллий ва дунёнинг етакчи университетлари ўртасида ўқитувчилар ва талабалар бўйича дастурларни амалга оширишни кўзда тутиш;

❖ инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва “Эл-юрт умиди” жамғармаси маблағлари ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтидорли ёш олимларнинг етакчи хорижий илмий марказларда қисқа муддатли илмий стажировкаларини ташкил этиш, ўқиш ва малака оширишига кўмаклашиш, уларнинг халқаро илмий-техник конференцияларда ва илмий лойиҳаларда иштирок этишлари, илмий ишларининг нашр этилишини таъминлаш;

❖ тадқиқотчилар ва олимлар учун профессионал тренинглари ташкил этилади, илмий даражали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва жаҳон андозаларига мослаштириш чоралари кўрилади, давлат буюртмаси асосида молиялаштирилган грант лойиҳалари доирасида қисқа муддатли илмий стажировкаларга юбориш, халқаро илмий анжуманларда иштирок этиш, янги механизм сифатида грант лойиҳалари доирасида фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ва фан докторлари (DSc) тайёрлашга буюртма бериш ҳамда уни молиялаштиришга рухсат бериш;

❖ олий таълим муассасаларида бакалаврият ва магистратурада таҳсил олаётган талабаларга илмий фаолият олиб бориши учун зарур шарт-шароитлар ва рағбатлантириш механизмлари яратиш, докторантлар билан ишлаш, улар томонидан олиб борилаётган ишларни назорат (мониторинг) қилиш, ҳимояга ўз вақтида чиқишини таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш;

❖ илм-фанни янада ривожлантириш ва унинг замонавий инфратузилмасини яратишда, аввало, илмий ташкилотлар ва олий таълим муассасаларининг илмий лабораториялари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши ҳамда бутловчи қисмлар билан таъминланишига ҳамда илмий фаолият инфратузилмалари (илмий ташкилотлар ва олий таълим муассасалари) доирасида миллий илмий лабораториялар тармоғи яратилишига алоҳида эътибор бериш;

❖ илм-фанни ривожлантириш учун маҳаллий ва хорижий олимларга марказларнинг асбоб-ускуналари, тажриба-ишлаб чиқариш базалари ва бошқа илмий ресурсларидан фойдаланишга кенг имкониятлар яратиш, нодавлат лойиҳа ва конструкторлик ташкилотларини ривожлантиришга эътибор қаратиш ва инвестиция дастурлари доирасида қўллаб-қувватлаш;

❖ илмий ташкилотлар, университетлар таркибида илмий-инновацион кластерлар, инновация марказлари, конструкторлик устахоналари, бизнес акселераторлар, стартап акселераторларини ташкил қилиш ва илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, маҳсулотлар маркетинги билан шуғулланадиган алоҳида компаниялар фаолиятини йўлга қўйишга алоҳида аҳамият қаратилади;

❖ хусусий сектор ва хўжалик юритувчи субъектлар, жумладан, давлат бошқаруви органлари иштирокидаги жамғармалар ташкил қилиниши ҳамда янги ишланмаларни тижоратлаштириш учун шарт-шароитлар яратилишига эришиш;

❖ ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, илмий экспертиза жараёнида “манфаатлар тўқнашуви” омилларини чеклаш мақсадида илмий лойиҳалар экспертизасига масъул тuzилма ташкил қилиниб, муҳокамаларга чет эл мутахассисларини жалб қилган ҳолда, экспертизанинг тўла интерактив платформа орқали ўтказилишини таъминлашига алоҳида эътибор бериш ва бошқалар.

Бу соҳада, айниқса, илм-фан тараққиётига кўмаклашадиган замонавий ахборот муҳитини шакллантириш борасида миллий илмий портални яратиш, портал доирасида мамлакатнинг илмий салоҳиятига оид барча маълумотларни ўз ичига олган ягона академик макон, илмий-тадқиқот лойиҳаларини молиялаштириш учун аризаларни автоматик тарзда топшириш ва рўйхатдан ўтказиш тизими такомиллаштирилади.

Айни пайтда, олимлар, илмий-техник ахборот манбалари рейтингларини жорий этиш, бошқарув қарорларини қабул қилишда ахборотнинг муҳим ролини ҳисобга олган ҳолда, илмий салоҳиятни баҳолаш кўрсаткичлари тўла-тўқис жорий этилади. Объектив микродор кўрсаткичларининг жорий этилиши ҳолисона молиялаштириш учун лойиҳаларни танлаб олиш ва натижада илмий-тадқиқот фаолияти самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Шу билан бирга, маҳаллий ва жаҳон миқёсида катта ҳажмдаги илмий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар томонидан талаб қилинадиган илмий тадқиқотлар тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш учун зарур бўлган илмий ва илмий-техникавий ривожланишни прогностлашнинг тизимли жараёни ташкил этилади.

Бундан ташқари, мамлакатимиздаги илмий-техник ҳолат ва уни янада ривожлантириш тенденциялари ҳамда сўнгги йилларда юртимиз илм-фанининг сифати ва миқдор жиҳатидан ривожланишини ўрганиш, маҳаллий илмий-техник салоҳиятнинг кучли ва заиф томонларини аниқлаш ва таҳлил қилиш борасида зарур чоралар кўрилади.

Илмий ташкилотлар ва олий таълим муассасалари фаолиятини ҳамда илмий инфратузилмани ривожлантириш самарадорлигини таҳлил қилиш, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишга таъсир кўрсатувчи механизмларни ўрганиш, илмий-тадқиқот дастурларининг самарадорлигига эришиш ва уларнинг натижадорлигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш бўйича аниқ мақсадга қаратилган ишлар амалга оширилади.

Бугунги кунда ушбу йўналишдаги янгиланишлар бу соҳада ҳам замон талабларини эътиборга олишни, ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида жамиятимиз илм-фанининг янги қиёфасини яратиш ва соҳадаги ўзгаришлар динамикасининг самарали бўлишига эришиш масалаларига янгича қараш ва ёндашувларни талаб этмоқда.



Аёл бахтли бўлса, жамият бахтлидир

Ер юзида онгли ҳаёт пайдо бўлибдики, одамзод муқаддас Она сиймосини, аёл зотини улуғлаб, шарафлаб келади. Оналаримиз шарофати билан Ватанимиз тупроғи жаннат боғларидек гўзал ва мўътабардир. Оналар дуосидан юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, ишимизда унум, ҳаётимизда барака бор. Маълумки, муқаддас Қуръони каримнинг энг катта сураларидан бири – “Нисо”, яъни “Аёллар” деб аталади. Аллоҳ таоло ушбу сурада инсонларни аёлларга адолатли муносабатда бўлишга даъват этади ва бу илоҳий сўзлар замирида, албатта, теран ҳикмат мужассам.

Кейинги йилларда мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ-манфаатларини, гендер тенгликни таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, улар учун янги иш ўринлари яратиш, меҳнат ҳамда турмуш шароитларини яхшилаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

Шу билан бирга, ушбу соҳадаги ишларнинг ҳолати хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар билан мақсадли ишларни ташкил этиш жараёнлари ислохотлар шиддатидан ортда қолаётгани ҳам сезилмоқда.

Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда, кейинги йиллардаги Ўзбекистон Республикасининг гендер сиёсати қуйидаги масалаларга қаратилади:

❖ ижтимоий-сиёсий ҳаётда эркак ва аёлларнинг иштирок этишида тенг ҳуқуқ ва имкониятларни яратиш;

❖ аёллар ва эркакларнинг иқтисодиёт, бандлик соҳасидаги ва меҳнат мигрантлари сифатидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилишда гендер тенгликни таъминлаш;

❖ барча учун адолатли ва сифатли таълимни таъминлаш;

❖ барча хотин-қизлар учун гендер тенгликни таъминлаш, уларни зўравонликдан ҳимоя қилиш, одам савдосига чек қўйиш;

❖ барча эркак ва аёллар учун ижтимоий ҳимоя, соғлом турмуш тарзини таъминлаш;

❖ миллий гендер статистикасини ривожлантириш;

❖ режалаштириш ва бюджетлаштиришда гендер масаласини инобатга олиш;

❖ барча учун хавфсиз экологик муҳитни таъминлаш масалаларига хотин-қизларни янада кенгроқ жалб қилиш;

❖ оммавий ахборот воситаларида гендер муаммоларининг кенг ёритилишини таъминлаш.

Ана шу устувор йўналишларни самарали амалга ошириш мақсадида қуйидаги долзарб вазифаларни бажариш зарур, деб ҳисоблаймиз:

❖ хотин-қизларнинг қўллаб-қувватлашга доир давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш;

❖ хотин-қизлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва фаоллигини янада ошириш;

❖ ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларнинг, жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш;

❖ эҳтиёжманд хотин-қизларга манзилли ёрдам кўрсатиш бўйича рўйхатларни тузиш, уларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий кўмак беришнинг самарали усул ва воситаларидан кенг фойдаланиш;

❖ барча ҳудудларда хотин-қизларнинг бандлигини тўлатуви таъминлаш имконини оширадиган махсус тизим яратиш ва унинг самарали ишлашини йўлга қўйиш;

❖ хотин-қизларнинг меҳнат шaroитларини яхшилаш, айниқса, қишлоқ жойлардаги ёш қизларнинг оилавий ва хусусий тадбиркорлик, ҳунармандчилик билан шуғулланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

❖ хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, биринчи навбатда, ҳуқуқбузарликка мойиллиги бўлганлар билан яқка тартибда иш олиб бориш;

❖ жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган хотин-қизларнинг ижтимоий реабилитацияси ва мослашиши бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

❖ хотин-қизлар билан боғлиқ муаммоларни ечишда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан яқин ҳамкорликни таъминлаш борасида ишларни тизимли тарзда олиб бориш.

Давлат ва жамият бошқарувида аёлларнинг ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлаш – ислоҳотларимизнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолади.

Биз мамлакатимизда истиқомат қилаётган 17 миллиондан зиёд опа-сингилларимиз, қизларимиз, онахон ва момоларимизга муносиб шароит яратиш бериш учун барча имкониятларни ишга солишимиз лозим.

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича ташкил этилган марказий ва ҳудудий жамғармалар фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Аёлларнинг бизнес соҳасидаги лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда жойларда хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал этиш учун бюджетдан ҳар йили қўшимча равишда 1 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтириш лозим. Бунинг учун “Халқ банки” то-

монидан жойларда хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитиш, бизнесга оид намунавий режаларини ишлаб чиқиш ва кредит олишда уларга амалий ёрдам кўрсатишнинг янги тизими жорий этилади.

Олий Мажлис палаталари ва Ҳукуматга хотин-қизларнинг жамиятдаги ва давлат бошқарувидаги мавқеини янада оширишга қаратилган яхлит тизим яратиш бўйича таклиф ишлаб чиқиш вазифасини топшириш ушбу ишлар самарадорлигини янада оширади, деб ҳисоблайман.

Бу борада бугун Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг асосий мақсади – аёлларимизга эътибор ва амалий ғамхўрлик кўрсатишни янги, юксак босқичга олиб чиқиш, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мақомини мустаҳкамлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашдир.

Бу, ўз навбатида, “Аёлларга илм бериш – жамиятни илмли, маърифатли ва салоҳиятли қилиш”, деган қондани ҳаётга изчил татбиқ этишни тақозо этади.

Мунис оналаримиз, меҳрибон опа-сингилларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, гендер тенгликни таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш барчамизнинг асосий вазифаларимиз эканини биз чуқур англаб олганмиз.

Мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча опа-сингилларимиз, қизларимиз, онахон ва момоларимизга муносиб шароит яратиб бериш учун бундан буён ҳам барча имкониятларни ишга соламиз.



Ёшлар – Янги Ўзбекистон бунёдкорлари

Юртимиз бўйлаб 6 миллионга яқин ғайрати баланд, интилувчан ўғил-қизларимиз иштирокида “Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!” шиори остида ўтказилган фестиваллар барча ёшларимиз учун етуклик ва ҳақиқий ватанпарварлик кўриги бўлди. Ушбу фестиваллар бундан буён нафақат вилоят марказларида, балки ҳар бир туман ва шаҳарда ўтказиб борилади ва уларда кўтарилган масалалар ечими бўйича ҳар йили Ҳукумат алоҳида дастурлар қабул қилади.

Албатта, ёшликка хос шижоат, жўшқинлик ва мардликни, эзгу орзу-интилишларни амалий ҳаракатга айлантириб, салмоқли натижаларга эришиш учун инсон ўз олдига аниқ мақсад қўйиб яшаши керак.

Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, буюк аждодларимиз эришган оламшумул ютуқлар замирида, аввало, она Ватанга, халққа хизмат қилишдек олижаноб мақсад мужассам эканини кўрамиз. Масалан, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек сингари улуғ алломалар, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби шоир ва мутафаккирлар, Абдулла Авлоний, Фитрат, Абдулла Қодирийдек маърифатпарвар адиб ва олимлар машҳур илмий кашфиётларини, ўлмас бадий асарларини айнан камолот ёшида яратганларини ҳаммамиз яхши биламиз ва бу билан фахрланамиз.

Бизнинг томирларимизда ана шундай улуғ боболаримизнинг қони оқар экан, уларнинг муносиб ворислари бўлиш, улар каби

юксак мақсадлар сари интилиб яшаш барчамизнинг эзгу бурчимиздир.

Бу борада юртимизда мутлақо янгича шакл ва мазмундаги Президент мактаблари, ижод ва ихтисослашган мактаблар тизими яратилганини таъкидлаш лозим. Ушбу мактабларда таълим олаётган кўплаб ўқувчилар нуфузли халқаро танловларда юқори натижаларни кўлга киритмоқдалар. Бундай зукко ва билимдон фарзандларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Навбатдаги муҳим вазифамиз – мана шундай фарзандларимиз орасидан янги авлод Хоразмий ва Фарғонийларини, Беруний ва ибн Синоларини, Улуғбек ва Навоийларини тарбиялаб, вояга етказишдан иборат. Бу йўналишда “Беруний издошлари”, “Мирзо Улуғбек ворислари”, “Алишер Навоий давомчилари” каби кўрик-танловлар ўтказиб, ғолибларни рағбатлантириш тизими йўлга қўйилади.

Таниқли сиёсатчи, Парламентлараро иттифоқнинг Бош котиби Мартин Чунгонг бошлиқ расмий делегация мамлакатимизга ташриф буюрганида, у киши бир фикрни афсус билан таъкидлади.

Яъни, сайёрамиз аҳолисининг ярмидан кўпини 30 ёшгача бўлган инсонлар ташкил этса-да, бутун дунё бўйича ёш депутатларнинг улуши 2,6 фоизга ҳам етмас экан. Олий мартабали меҳмон Ўзбекистонда бу кўрсаткич 6 фоиздан ошганини юқори баҳолади. Бу – катта эътироф, албатта.

Биз ғоят муҳим йўналишдаги бу ишларимизни давом эттирган ҳолда, Парламентлараро иттифоқ кўмагида “**Биз парламентада ёшларни қўллаб-қувватлаймиз!**” деган эзгу ташаббусни амалга оширамиз. Сиёсий етук ва фаол ёш йигит-қизларимизни миллий парламентимиз ва маҳаллий кенгашлар фаолиятига янада кенгроқ жалб этамиз.

Бугунги мураккаб замонда ёшларни жисмоний ва маънавий баркамол инсонлар этиб тарбиялаш биз учун ғоят муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Шу маънода, мутафаккир Абдурауф Фитратнинг: “Бу дунё - кураш майдонидир. Бу курашнинг қуроли соғлом жисму тан, ўткир ақл ва яхши ахлоқдир”, деган сўзларида чуқур маъно бор.

Фарзандларимизнинг соғлом ва баркамол авлод бўлиб вояга етиши бизнинг келгуси фаолиятимизда энг муҳим масала бўлиб қолади. Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир ўғил-қиз давлатимиз ва жамиятимизнинг эътибори ва амалий ғамхўрлигидан четда қолмайди.

Бу мақсадга эришиш учун қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратамиз.

Ҳар ўқув йили якуни билан туман, шаҳар, вилоят ва республика даражасида битирувчилар бандлигини таъминлашга оид дастурлар қабул қилиш амалиёти йўлга қўйилади. Дастурда ҳар бир маҳалла, туман, шаҳар ва вилоят кесимида қанча ёшларни касб-хунарга ўқитиш, қанчасини иш билан таъминлаш, нечта стартап ва тадбиркорлик лойиҳасини амалга ошириш белгила-ниши шарт. Бу бизнинг ёшлар билан ишлаш бўйича “бандлик”, “инновация” ва “инвестиция” дастуримиз бўлиб хизмат қилади.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ҳамда секторлар раҳбарлари ҳар ҳафтада бир марта ёшлар билан учрашиб, уларнинг ғоя, таклиф ва ташаббусларини эшитиб, муаммоларини ҳал қилишга масъул ва жавобгар бўлади.

Олий маълумот талаб этадиган касб ва лавозимлар қайта кўриб чиқилади. Бугунги кунда олий маълумот талаб қиладиган 80 мингга яқин бўш иш ўринлари мавжуд. Мисол учун, транспорт, геология, қишлоқ хўжалиги, маданият, спорт соҳаларида билим ва малакаси етарли бўла туриб, олий маълумоти йўқлиги учун минглаб ёшларимиз ишга кира олмаяпти.

Шу боис олий маълумот талаб этадиган касб ва лавозимлар қайта кўриб чиқилиб, уларнинг камида 150 таси бўйича бундай талаб бекор қилинади. Бундай енгиллик туфайли 10 мингдан ортиқ ёшлар ишга жойлашади.

Мактабларнинг 10-11-синф ўқувчиларини меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб ва ҳунарларга ўқитиш тизими йўлга қўйилади. Бундан буён мактаб битирувчисига аттестат беришда меҳнат бозорида талаб юқори бўлган камида битта касб ёки ҳунарни эгаллаш мажбурий қоида бўлади. Бу тизим давлат-хусусий шериклик асосида нодавлат таълим ташкилотлари билан бирга йўлга қўйилади.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ҳар йили 1 сентябрга қадар мактаблар кесимида 10-11-синф ўқувчиларини меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-ҳунарларга ўқитиш бўйича рўйхат ва дастурни маҳаллий кенгашларда муҳокама қилиб, тасдиқлайди. Парламентимиз палаталари ушбу талабни қонун даражасида мустақамлаши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Қишлоқларда яшаётган 230 мингдан ортиқ ишсиз ёшларга деҳқончилик билан шуғулланиш учун жорий йилда 61 минг гектар ер майдонлари ажратилди. Шунингдек, ғалладан бўшаган ерлардан яна 75 минг гектари 170 минг нафар ёшларга такрорий экин экиш учун берилди.

2021 йилда бошлаган ер ислоҳотимиз доирасида пахта ва ғалладан қисқарадиган майдонларда озик-овқат экинлари етиштириш учун ерларни 10 йил муддатга ижарага бериш тизими йўлга қўйилади. Шу тариқа вилоят ва туман ҳокимлари, сектор раҳбарлари учун яна 500 минг нафар ёшларни доимий иш билан таъминлаш имконияти яратилади.

Ёшларга бериладиган имтиёзли кредитлар ва лизинг асосида 50 мингдан зиёд енгил конструкцияли замонавий автосервис,

маиший хизмат, чакана савдо ва умумий овқатланиш шохобчалари барпо этилади.

Ахборот технологияларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берамиз. Мен ҳар гал ёшлар билан учрашганимда “Илмни кадрланг, илмга интилинг!” деган сўзларни такрорлашдан асло чарчамайман. Ўзингиз кўряпсиз, дунёда ўқиган, замонавий илм ва ҳунарларни пухта эгаллаган, ёш авлодини айни шу руҳда тарбиялаган халқлар, давлатлар жадал ривожланмокда.

Янги Ўзбекистон ёшлари ҳам ана шундай юксак даражаларга кўтарилиши учун биз, албатта, барча имкониятларни ишга соламиз.

Бу борада айниқса қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилади:

❖ иқтидорли, лекин олийгоҳда контракт асосида ўқиш имконияти бўлмаган ёшларимизни қўллаб-қувватлаш бўйича янги тизим яратамиз;

❖ мактабларда ўқувчиларни компьютердан шунчаки фойдаланувчи эмас, балки ундан даромад топадиган мутахассислар қилиб тайёрлашимиз зарур;

❖ ёш оилаларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Мени доимо ўйлантирадиган, ташвишга соладиган яна бир долзарб масала бу – ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, маданий савияси, бир сўз билан айтганда, тарбияси билан боғлиқ. Биз бу йўналишда катта ишларни амалга оширяпмиз. Аммо уларнинг самарадорлигини янада кучайтириш учун бир қатор масалаларга жиддий эътибор беришимиз зарур. Хусусан, ёшлар ўртасида китобхонликни, мутолаа маданиятини ривожлантириш доимий эътиборимиз марказида бўлиши лозим. Фарзандларимизга мўлжалланган бадиий адабиётларни кўпайтириш ва уларнинг муаллифларини рағбатлантириш мақсадида “Болалар ва ёшлар учун энг яхши китоб” танловини ўтказиш йўлга қўйи-

лади. Бунда муаллифларга биринчи ўрин учун – 100 миллион сўм, иккинчи ўрин учун – 75 миллион сўм, учинчи ўрин учун – 50 миллион сўм мукофот берилади.

Шу билан бирга, ёшлар ўртасида жиноятчилик, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, оилавий ажралишлар, бузғунчи ва радикал оқимлар таъсирига тушиш ҳолатлари давом этаётгани, давлат раҳбари сифатида шахсан мени жиддий ташвишга солмоқда. Ҳозирги вақтда қарийб 40 минг нафар ёшлар профилактик ҳисобда тургани ҳам хавотиримиз бежиз эмаслигини кўрсатмоқда.

Ўйлайманки, Давлат бошқаруви академиясида ёшлар масаласига мутасадди барча раҳбарларнинг билим ва малакасини ошириш учун ўқув курслари ташкил этилиши керак. Улар ўз вилояти ва туманлари, мактаб, коллеж, техникум, олийгоҳлардаги ёшларнинг маънавий тарбияси учун бевосита масъул бўлиб, ҳар ойда таҳлилий муҳокамалар ўтказиши ва маҳаллий кенгашларда ҳисобот бериб бориши даркор.

Бугунги кунда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш жуда муҳим вазифадир.

Минтақамиз ва дунёдаги вазият тобора кескинлашиб бормоқда. Миллий хавфсизлигимиз, тинч ва осойишта ҳаётимизга нисбатан таҳдид ва хатарлар кучаймоқда.

Шу боис ҳушёрлик ва огоҳликни ошириш, ўзаро ҳамжихатлик ва бирдамлигимизни мустаҳкамлаш, ҳар қандай таҳдидларга муносиб жавоб беришга тайёр бўлиб яшаш ҳаётнинг ўткир заруратига айланмоқда.

Ёш авлоднинг онгини салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш, адашганларни тўғри йўлга қайтариш ўзини ватанпарвар деб ҳисоблайдиган ҳар бир Ўзбекистон фуқароси, айниқса ёшларнинг асосий бурчи бўлиб қолиши шарт.

Ҳарбийларимизнинг жисмоний ва маънавий салоҳиятини ошириш мақсадида **“Жасорат мактаби”**ни яратишга қарор қилган эдик. Бу борада амалий ишлар бошлаб юборилди. Шу билан бирга, олий ҳарбий билим юртлари, лицей ва коллежлар, жумладан, **“Темурбеклар мактаби”** фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Ёшлар, айниқса, уюлмаган ёшларнинг муаммоларини ўрганиб, ҳал қилиш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва спортга жалб этиш масалаларига устувор аҳамият қаратишимиз зарур. Шу мақсадда Мудофаа вазирлиги ҳузурида **“Ватан ўғлони”** болалар ва ўсмирлар ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракатини ташкил этиш ҳақидаги ташаббусни қўллаб-қувватлайман. Ҳаракатнинг ҳар бир мактабда тузиладиган отрядлари барча ўқувчиларни қамраб олиб, уларни тарбиялашда асосий кучга айланиши керак.

Шунингдек, маданият, санъат, илм-фан, таълим соҳасида ўз иқтидорини намоён этаётган ёшлар учун зарур шароитларни яратиш ҳудудлар ҳамда вазирлик ва идоралар раҳбарларининг асосий вазифаларидан бири бўлиши шарт.

Айни пайтда, ёшлар билан ишларни ташкил этиш борасида амалга оширилган ижобий ишларни эътироф этиш билан бирга, соҳадаги вазият таҳлили ёшларнинг кенг қатламларига дахлдор бўлган долзарб масалалар сақланиб қолаётганидан далолат бермоқда. Уларни самарали ҳал этиш мақсадида қуйидагиларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман:

❖ Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқиш, ёшлар соҳасидаги муаммоларга самарали ечимлар ишлаб чиқиш, ваколатли органлар фаолиятини янада самаралироқ ташкил этиш ва мувофиқлаштириш вазифаларини пайсалга солмай бажариш;

❖ мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш ҳамда ёшлар сиёсати соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини муттасил амалга ошириш;

❖ ёшларни Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ўсиб келаётган ёш авлодни илм-фан ва инновацияларга кенг жалб этиш, уларни “Янги Ўзбекистон – Учинчи Ренессанс сари!” шиори атрофида бирлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни самарали ва тизимли ташкил этиш;

❖ жойларда, авваламбор, чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган кўп сонли ёшларнинг ўз иқтидор ва истеъдодини рўёбга чиқаришлари, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун кенг шароитлар яратишга алоҳида аҳамият бериш;

❖ ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчилик профилактикасини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлик қилиш;

❖ ёшларга оид дастурлар, лойиҳалар ва илмий-тадқиқот ишларини молиялаштириш учун ижтимоий буюртма шаклида ажратиладиган давлат грантлари ва субсидияларни тақсимлаш, улардан мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминлашга эришиш;

❖ тарбия муассасаларини тамомлаган етим ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган ёшларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини ташкил этиш ва бандлигини таъминлаш;

❖ иқтидорли ёшларни етакчи хорижий олий таълим муассасаларига таълим олиш учун юбориш, халқаро танловларда

иштирок этишини таъминлаш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларнинг ахборот технологиялари бўйича саводхонлигини ошириш, ёшлар ўрта-сида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш вазифаларини қамраб олган бешта муҳим ташаббус-ни кенг жорий этишга қаратилган ишларни янада самарали му-вофиқлаштириш, уларнинг интеллектуал салоҳияти ва истеъдо-дини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш;

❖ ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш, замонавий касб-ҳунарлар, рақамли иқтисодиёт кў-никмаларини пухта эгаллашлари учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш, уларни иш билан таъминлаш жараёнларига кўмакла-шишни янги босқичга кўтаришга эришиш;

❖ ёшлар сиёсати соҳасида халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, ёшлар соҳасидаги халқаро рейтингларда мам-лакатимиз мавқеини ошириш бўйича қўшимча чоралар кўриш, хорижда таълим олаётган ёшлар билан олиб борилаётган ишлар-ни самарали йўлга қўйишга доир вазифаларнинг пайсалга сол-май бажарилишига эришиш;

❖ ёшлар фаолияти билан боғлиқ соҳаларга хорижий инвес-тициялар ва илғор технологияларни жалб қилиш бўйича ман-фаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда халқаро молия институтлари, донор-мамлакатлар ҳамда хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни янада ривожлантириш;

❖ ёш авлодда мустаҳкам ватанпарварлик ғояси ҳамда қатъий фуқаролик позициясини шакллантириш, ёшларда замо-навий тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ва янги иш ўринларини яратиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш.

БМТнинг Ёшлар стратегиясида таъкидланганидек, “Ёшлар тимсолида энг қимматли ва ўта муҳим ресурслар мужассам бўлиб, унга ҳар қанча инвестиция киритса арзийди, чунки бу

сармоялар бир неча баробар зиёд бўлиб қайтади". Мен ушбу ғоят муҳим фикрга тўлиқ қўшиламан.

Биз ёшларимизда умримизнинг маъно-мазмунни, ҳаётимизнинг асосий меваси ва самарасини кўрамиз. Янги Ўзбекистонни азму шижоатли ёшларимиз билан бирга бунёд этамиз!

Бизнинг Тараққиёт стратегиямизда ҳар жихатдан баркамол ривожланган, эркин фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий қарашларга эга йигит-қизларни тарбиялаш энг устувор вазифаларимиздан бири сифатида белгиланган.

Ёшларнинг истеъдоди ва қобилияти, эзгу интилишларини тўлиқ рўёбга чиқариш, ижтимоий фаоллигини ошириш, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашлари учун барча имкониятларни яратиб бериш бундан буён ҳам бош мақсадимиз бўлиб қолади.

Ёшларимиз улуғ аجدодларимизнинг муносиб ворислари бўлиши, улар каби улкан мақсадлар сари интилиб яшаши ва юксак марраларга эришиши учун барча зарур шарт-шароитларни яратишимиз зарур. Янги Ўзбекистон ёшлари ана шундай юксак даражаларга кўтарилиши учун барча имкониятларни ишга соламиз.



Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг мақсади – аҳолининг барча қатламларига муносиб ҳаёт даражасини ва турмуш шароитларини яратиб бериш, ижтимоий ҳимоя ва бандликни таъминлаш, даромадлар барқарор ўсишига эришиш, жамиятнинг маданий даражаси, бағрикенглик ва меҳрибонлик фазилатларини янада мустаҳкамлашдан иборат.



БЕШИНЧИ БЎЛИМ. МАЪНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ

Маънавий янгиликлар: имконият ва истиқболлар

**Янги маънавий маконни яратиш борасидаги
вазифалар**

Маърифий ислохотлар ва баркамол инсон тарбияси

Янги Ўзбекистон ва маънавий янгиликлар

Маърифатли жамият сари

Миллий ва умуминсоний кадрлар уйғунлиги

Менинг назаримда, инсоният дунёсининг буюк бир ёритқичи – маънавият чироғи бор. Бу чироқнинг бошқалардан фарқи шуки, у инсоннинг онги ва тафаккурини ёритади, қалби, виждонини уйғотади, одамийлик ҳиссини кучайтиради.

Ўзбекистоннинг янги уйғониш даврини яратишга киришган эканмиз, ҳар бир юртдошимизнинг қалби ва онгида ана шундай маънавият шуъласи порлаши ва у бизни эзгу ишларга ундаб, юксак масъулият туйғуси билан яшашга даъват этиши зарур.



Маънавий янгиладаниш: имконият ва истиқболлар

Биз Янги Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги ривожланиш босқичида ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий омиллар билан бирга, маънавий-маърифий жабҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар ҳам муҳим аҳамиятга эга эканини яхши англаймиз.

Менинг назаримда, жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи – маънавиятдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишда ана шу иккита мустаҳкам устунга, яъни, бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиётга ҳамда аждодларимизнинг бой мероси, миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган кучли маънавиятга таянамиз.

Биз учун маънавият – инсонлар ўртасидаги ўзаро ишонч, ҳурмат ва эътибор, халқ ва давлат келажагини биргаликда куриш йўлидаги эзгу интилишлар, ибратли фазилатлар мажмуасидир. Бошқача айтганда, маънавият – жамиятдаги барча сиёсий-ижтимоий муносабатларнинг мазмуни ва сифатини белгилайдиган пойдевордир. Бу пойдевор қанча мустаҳкам бўлса, халқ ҳам, давлат ҳам шунча кучли бўлади.

Бугунги кунда биз мамлакатимизда инсон эркин ва фаровон яшайдиган маънавий макон, маърифатли жамият куриш учун қатъият билан ҳаракат қилмоқдамиз. Қандай қийинчилик ва синовларга дуч келмайлик, шу мақсадда бошлаган барча ислохотларимизни, қабул қилган дастурларимизни изчил давом эттирмоқдамиз.

Миллий маънавиятимизни ривожлантириш, уни халқимиз, айниқса, ёшларимиз ҳаётига сингдиришда ижтимоий-гуманитар

фанлар тизимининг аҳамияти катта. Афсуски, ҳозирги вақтда бу фанлар ривожини, улар мансуб илмий-амалий ва таълим-тарбиявий тизимни янгилаш ва оптималлаштириш жараёни замондан ортида қолмоқда.

Айни пайтда ижтимоий фанларнинг таълим босқичлари ҳамда ихтисосликларнинг талаб ва тамойилларига мослиги, ўқувчилар, бакалаврлар, магистрларнинг эҳтиёжлари ва қизиқишлари, касб хусусиятларига мувофиқлиги ҳақидаги аниқ тасаввурлар ҳам йўқ.

Бугун аҳоли, айниқса, ёшларимизга замонавий таълим-тарбия билан биргаликда, қон-қонимизга сингган муқаддас динимизнинг моҳиятини тўғри тушунтириб беришимиз, уларни эзгу ғоялар руҳида тарбиялаш ҳақида жиддий ўйлашимиз лозим. Таассуфки, бу масалага ўз вақтида жиддий эътибор берилмагани туфайли ёшлар ўртасида радикал оқимлар, ёт ғоялар таъсирига тушиш ҳолатлари учраб турибди.

Ёшларга кенг имкониятлар яратиб беряпмиз, катта-катта лавозимларни уларга ишониб топширяпмиз. Уларда билим бор, истеъдод бор, лекин, айримлари миллий замин, миллий маънавиятимиздан узоқлашиб кетгани сезилиб қолмоқда. Улар ўзлари ўқиб келган хорижий давлатлардаги тажрибани тез ва шошилишч амалга оширмакчи бўляпти. Аммо, бундай натижага ўша давлатлар неча юз йиллар давомида эришгани ҳақида ўйлаб кўрмаяпти.

Бугун ҳаёт янгиликларни фикрлаш ва ишлаш, миллий “ақл марказлари” мизни шакллантиришни талаб этмоқда. Лекин, афсуски, дунёда, ён-атрофимизда кечаётган сиёсий-ижтимоий жараёнларни чуқур тушуниб, таъсирчан ва оммабоп шаклда етказиб берадиган таҳлилчи ва экспертларимиз жуда кам.

Тарғиботнинг илмий асосланган замонавий технологиялари ва янги шакллари, таҳдидларга қарши самарали ку-

раш усулларини ишлаб чиқадиган вақт келди, деб ҳисоблайман.

Маънавий тарғиботни тўғри йўлга қўйишда оммавий ахборот воситалари катта таъсир кучига эга. Аммо бу кучдан ҳамма вақт ҳам самарали фойдалана олмаяпмиз.

Маънавийтсизлик ва ғоясизлик ҳар қандай жамиятни таназзул сари етаклаши, давлат сиёсати ва бошқарувини кучсизлантириши, коррупция, жиноятчилик ва ахлоқсизлик каби иллатларнинг илдиз отишига сабаб бўлиши билан боғлиқ мисолларни инсоният тарихидан кўплаб келтириш мумкин. Шу муносабат билан **Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида маънавий-маърифий ислохотларга алоҳида эътибор қаратилади.**

Истиқболда бу соҳада амалга оширишимиз керак бўлган устувор вазифалар **Ўзбекистоннинг маънавий тараққиёт стратегияси ҳамда уни амалга ошириш дастурини ишлаб чиқиш** ва ҳаётга татбиқ этиш давлат сиёсатининг таркибий қисмига айланишини тақозо этмоқда. Бу муҳим вазифа, ўз навбатида, илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт ва бадий ижодиёт соҳаларининг маънавий-маърифий тараққиётдаги таъсирчанлигини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирларни талаб этади.

Ҳозирги глобаллашув даврида, инсон онги ва қалби учун кураш кучайган бир пайтда турли ғоявий таҳдид ва хуружлар жамиятимизнинг маънавий ҳаётига таъсир кўрсатишининг кучли кууроли сифатида намоён бўлмоқда.

Бундай мураккаб вазиятда ана шундай босимга бардош бера оладиган жамиятни шакллантириш учун куйидагилар ҳаётимизнинг зарурий талабларига айланмоқда:

❖ турли маънавий бузғунчилик, вайронкорлик ҳаракатлари ва хуружларининг олдини олиш, аҳоли, айниқса, униб-ўсиб келаётган ёшларимизда уларга нисбатан маънавий иммунитетни

шакллантириш, эзгу ғояларни тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратиш;

❖ жаҳолат, умумий савиянинг пастлиги бузғунчи ғояларга ишонувчанлик ва уларнинг таъсирига берилиш ҳолатларини бартараф этиш учун пухта ишланган ва замонавий ижтимоий фан ютуқларига таянадиган маънавий таълим-тарбиянинг изчил амалга оширилишига эришиш;

❖ бу борада таълим босқичлари, маънавият ва маърифат тизими учун зарур ўқув ва амалий дастурлар тузиш ва уларни жорий этиш;

❖ аҳолининг маънавий-маърифий саводхонлигини янги босқичга кўтариш, ушбу йўналишдаги таълим-тарбия ишларини аниқлаш, бу борадаги самарали фаолият механизмини яратиш;

❖ ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган фаолиятни такомиллаштириш;

❖ соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш, оммавий ахборот воситалари имкониятларидан самарали фойдаланиш.

Маълумки, жисмоний жиҳатдан бақувват инсонни тарбиялаш унчалик қийин эмас. Аммо инсонни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан камол топтириш ғоят мураккаб вазифа. Айниқса, бугунги кунда – мафкуравий курашлар гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона тус олган нозик, қалтис шароитда, ҳозирги таҳликали замонда бу масала ниҳоятда долзарб аҳамиятга эга.

Шу мақсадда илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт ва бадий ижод соҳаларининг маънавий-маърифий тараққиётдаги таъсирчанлигини янада оширишга қаратилган дастурлар қабул қиламиз. Барча худудларимизда ижодкор зиёлиларга доимий эътибор қаратиш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш, уй-жой шароитларини яхшилаш, қўллаб-қувватлаш

борасидаги ишларни маънавий-маърифий соҳадаги сиёсатимизнинг муҳим йўналишлари, деб биламиз.

Маълумки, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусиқали театри, “Айқулаш” миллий фольклор ансамбли, Игорь Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат санъат музейи том маънода Ўзбекистон санъатининг фахри ҳисобланади. Биз бундан буён ҳам қорақалпоқ халқининг маданияти ва санъатини, қорақалпоқ тили ва адабиётини ривожлантиришга, уни мамлакатимиз ва жаҳонда кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратамиз. Шу мақсадда “Қорақалпоқ адабиёти дурдоналари” кўп жилдлик тўпламини ўзбек тилида нашр қилиш ишлари давом эттирилади. Айни вақтда бутун дунёда “Саҳродаги Лувр” деган ном билан шуҳрат қозонган Савицкий музейи бўйича АҚШ, Россия, Буюк Британия, Франциянинг етакчи илмий-маданий муассасалари билан ҳамкорликда махсус тадқиқотлар амалга оширилиб, чет тилларда китоб ва альбомлар нашр қилинади. Хориждаги нуфузли маданият марказларида ушбу музейнинг кўргазмалари ташкил этилади.

Машҳур аллома бобомиз Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллиги 2023 йили жаҳон миқёсида нишонланади. Юбилей муносабати билан улуғ аждодимиз фаолият кўрсатган Маъмун академияси фаолиятини янги босқичга кўтариш, алломанинг тўла асарлар тўпламини нашр этиш, унинг ҳаёти ва илмий меросига бағишлаб халқаро конференция ўтказишимиз керак.

Ушбу йўналишдаги муҳим чора-тадбирлар бошқа худудларимизда ҳам амалга оширилади.

Маданият ва спорт муассасалари, театр ва музейларнинг моддий-техник базасини яхшилаш бўйича махсус дастурлар ижроси таъминланади. Миллий кино ва кутубхоналар тизимини янада ривожлантириш, халқ хунармандчилигини қўллаб-қувватлашга доир аниқ ва самарали ишлар олиб борилади.

Янги маънавий маконни яратиш борасидаги вазифалар

Янги Уйғониш даври пойдеворини яратиш жараёнида энг ривожланган жамиятлар талабига жавоб берадиган, эркин фикрли, замонавий ва инновацион маънавий маконни шакллантириш зарурати муҳим масалага айланиши табиийдир.

Янги маънавий макон нима? Менинг назаримда, у – биз орзу қилаётган Янги Ўзбекистоннинг маънавий қиёфаси яққол акс этадиган, халқимиз интилаётган ва эл-юртимиз бахтиёр яшайдиган маърифатли жамиятдир.

Азалий миллий қадриятларимиз, ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган одоб-ахлоқ қоидаларига таҳдидлар кучайиб бораётган ҳозирги глобаллашув шароитида маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга етишга интилишига эътибор қаратиш ғоят муҳим вазифамиздир.

Авваламбор, “оммавий маданият” кўринишида кириб келаётган турли хавф-хатарлар, гиёҳвандлик, диний экстремизм, миссионерлик каби бало-қазолардан ёшларимизни асрашни, уларнинг таълим-тарбиясига ҳар биримиз масъул эканимизни унутмаслигимиз керак. Бу борада биз асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримизга, аجدодларимизнинг бой маънавий меросига таянамиз.

Жамиятимизда соғлом фикр, соғлом куч устувор бўлиши учун биз маънавий ҳаётимизни юксалтириш, аҳоли, аввало ёшларимизни турли зарарли таъсирлардан асраш, уларни ҳар томонла-

ма етук инсонлар қилиб тарбиялаш ҳақида мунтазам ўйлашимиз, фаол иш олиб боришимиз зарур. Ушбу соҳада амалга оширилаётган ишларнинг таҳлили, афсуски, улар аксарият ҳолларда кутилган натижани бермаётганини кўрсатмоқда.

Очиқ тан олишга мажбурмиз, бугунги кунда маънавий таълим-тарбия, тарғибот ва ташвиқот ишлари мамлакатимиздаги янгиладиш суръатлари, жамиятимиз ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар ва кенг қамровли ислохотларимиз талабларидан ортда қолмоқда.

Халқимизнинг тинчлиги, жамиятимиз барқарорлиги, умуминсоний, миллий ва диний қадриятларимизга қарши қаратилган, миллий ўзлигимизни, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган ҳаёт тарзини барбод қилишга йўналтирилган таҳдидларга қарши курашишнинг самарали усул ва воситаларини ишлаб чиқиш, қўллаш ишлари ҳам талаб даражасида эмас.

Оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, глобал интернет тармоғи орқали тарқатилаётган бузғунчи ғоялар, ғаразли ахборотлар, одоб-ахлоқни емирувчи иллатлар, ёшларни залолатга бошловчи “жозибатор” тасвирлар ва медиа маҳсулотлар тарқалишининг олдини олишга қаратилган ишларнинг натижадорлиги сезилмаяпти.

Шу сабабли биз мамлакатимизда маънавий тарбия тизимининг янги стратегиясини яратиш, халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида маънавий-маърифий ишларни сифат ва мазмун жиҳатидан янги босқичга кўтаришимиз керак.

Бугунги кунда дунёнинг жуда кўп минтақаларида инсоний қадриятлар емирилмоқда. Айниқса, пандемия шароитида айрим ўлкаларда бетоқатлик, тажовузкорлик кайфиятлари кучайиб бормоқда. Мана шундай кескин вазиятда, улуғ мутафаккирлар айтганидек, дунёни эзгулик, меҳр-шафқат, инсонийлик қутқаради.

Карантин даврида барча маданий-кўнгилочар тадбирларни тўхтатиб туришга мажбур бўлдик. Албатта, бу одамлар руҳиятига салбий таъсир этганини инкор этиб бўлмайди. Мана шундай шароитда халқнинг кўнглини кўтариш – санъат аҳлининг муқаддас бурчидир.

Маълумки, илгари театрлар чекка қишлоқларгача гастролга чиқиб, томоша кўрсатарди. Бу учрашувлар ҳақиқий байрамга айланиб кетарди. Ўша анъаналарни давом эттириш зарурлигига, халқимиз ўртасида бунга эҳтиёж катта эканига жойларда аҳоли вакиллари билан мулоқот пайтида ишонч ҳосил қилмоқдамиз.

Маънавий тарғиботни тўғри йўлга қўйишда оммавий ахборот воситаларининг қандай катта таъсир кучига эга эканини, ўйлайманки, барчамиз яхши тушунамиз. Аммо, афсуски, бу кучдан ҳамма вақт ҳам самарали фойдалана олмаяпмиз.

Мана, ўзингиз кўриб турибсиз, биз жамиятимизда демократия, очиқлик, ошкоралик, эркинлик муҳитини яратяпмиз ва бу йўлни қатъий давом эттирамиз, сўз ва ижод эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама ривожлантириш масаласи бундан буён ҳам доимо эътиборимиз марказида бўлади. Фақат ахборот майдонида фаолият кўрсатаётган журналист ва блогерлардан илтимосимиз шуки, бу борада қабул қилинган қонун талаблари ҳаммага бирдек баробар эканини эсдан чиқармаслик зарур.

Унутмаслик керакки, оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда ҳолис ахборотларнинг ўз вақтида бериб борилиши айрим кимсалар тарқатаётган ёлғон маълумотларнинг олдини олади. Бунинг учун вазирлик ва идораларда ташкил этилган ахборот хизматлари фаолиятини янада кучайтириш лозим.

Ҳурматли зиёлиларимиз мамлакатимизнинг бугунги нафаси, туб ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятини ҳолис ва таъсирчан

тарзда халқимизга етказишда янада фаол ва ташаббускор бўладилар, деб ишонаман.

Алоҳида таъкидлаб айтмоқчиманки, агар кимки маънавият масаласи – бу фақат Маънавият маркази ёки тегишли вазирлик ва идораларнинг иши, деб ўйласа, катта хато қилади. Буларнинг ҳаммаси давлатимиз ва жамиятимизнинг, барча раҳбарларимиз, бизнинг ишонган тоғимиз бўлган илғор зиёлиларимиз, барча-барчамизнинг энг асосий ва муҳим вазифамиздир.

Мана шу ҳақиқатни ҳаммамиз чуқур тушуниб, ўз фаолиятимизни шу асосда олиб борсак, мен ишонаман, маънавий-маърифий соҳада ўз олдимизга қўйган вазифаларни, албатта, муваффақиятли адо этамиз. Бу натижалар бошқа соҳалардаги ютуқларимиз учун ҳам, мамлакатимиз тараққиёти, халқ фаровонлиги учун ҳам мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимиз аҳолиси, аввало, ёшлар қалбида амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, шу йўналишдаги маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлигини янада оширишимиз зарурлиги давр талабига айланиб бормокда.

Айни пайтда маънавият соҳасидаги ички ва ташқи таҳдид ҳамда хавф-хатарларга қарши самарали курашиш, жамиятда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, давлат ва жамоат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятини самарали мувофиқлаштириш масалалари янада долзарблашмокда.

Атоқли адибимиз Абдулҳамид Чўлпоннинг “Адабиёт яшаса – миллат яшар”, деган ҳикматли сўзлари бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмокда. Ҳозирги кунда миллий ўзлимизни сақлаб қолиш, халқимизнинг онгу тафаккурини юксалтириш ва шу орқали мамлакатимизни изчил тараққий эттириш учун авваламбор адабиёт, маданият ва санъат соҳаларини қўллаб-қувватлашимиз зарур.

Бу борада барча ҳудудларимизда амалга оширадиган ишларимиз кўп. Масалан, ўзидан яхши ном қолдирган машҳур илм-фан, санъат ва маданият, адабиёт намояндаларининг ўлмас мероси бугунги ютуқлар учун асос бўлаётгани шубҳасиз. Шу сабабли бўлажак Янги Андижон шаҳри марказида “Маънавият хиёбони”ни, Марғилон шаҳридаги “Ижодкорлар боғи” ҳудудида “Санъаткорлар хиёбони”ни барпо этиш кўзда тутилмоқда.

Яқин йилларда мамлакатимизда янги маънавий маконни ва халқимизнинг янги тафаккурини шакллантириш бўйича ишлар самарасини юксак даражага кўтариш ва бу борадаги фаолият тизимини янада такомиллаштириш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

❖ маънавият ва маърифат соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламли ислохотларнинг моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш ишларини самарали ва тизимли ташкил қилиш;

❖ оила, маҳалла, таълим муассасалари ва меҳнат жамоаларида ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш ҳамда соғломлаштиришга қаратилган фаолиятни тизимли ташкил этиш, “маҳалла – туман – вилоят – республика” принципи асосида ҳудудлар кесимидаги ижтимоий-маънавий муҳитни оптималлаштириш харитасини шакллантириш, бу жараёнга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш;

❖ “Жаҳолатга қарши – маърифат” ғояси асосида жамиятда узлуксиз маънавий-маърифий тарбия, тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этишнинг стратегик йўналишлари, таъсирчан, креатив ва инновацион услубларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни ўз вақтида амалга ошириш чораларини кўриш;

❖ аҳоли, айниқса, ёшларимиз онгига салбий таъсир этувчи, уларни ғоявий жиҳатдан қарам қилишга йўналтирилган ҳаракатларга қарши самарали кураш олиб бориш ҳамда иродали,

фидойи, ватанпарвар, ўз мустақил фикрига эга авлодни тарбиялаш бўйича ҳар бир йил учун аниқ чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш;

❖ оилавий қадриятларга беписанд ва ёшлар тарбиясига масъулиятсиз қараш каби иллатларга барҳам беришга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

❖ аҳолининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш маданиятини ошириш, маданият, адабиёт, кино, театр, мусиқа ва санъатнинг барча турлари, ноширлик-матбаа маҳсулотлари, оммавий ахборот воситаларида маънавий-ахлоқий мезонлар, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг устуворлигига эришиш;

❖ геосиёсий ва мафкуравий жараёнларни мунтазам ўрганиш, терроризм, экстремизм, ақидапарастлик, одам савдоси, наркобизнес ва бошқа хатарли таҳдидларга қарши самарали ғоявий кураш олиб бориш ҳамда бу борада халқаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш;

❖ аҳолининг ижтимоий-маънавий ҳаётида диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, ислом дини ва фалсафасига, бошқа диний конфессияларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром ва бағрикенглик руҳида тарбиялаш, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш бўйича маънавий-маърифий тадбирларни тизимли амалга ошириш;

❖ маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни ташкил этишга доир хорижий тажрибани ўрганиш, шунингдек, бугунги мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш асосида бутун мамлакатимиз миқёсидаги фаолият самарасини оширишга эришиш;

❖ мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим тизими, маҳалла ва бошқа тузилмалар кесимида маъ-

навий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг мониторингини олиб бориш, аниқланган муаммоларни ҳал этиш бўйича илмий асосланган тарбия технологиялари, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

❖ маънавий тарбия ва ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни ташкил этиш, уларнинг натижалари амалиётга самарали татбиқ қилинишини таъминлаш, бу борадаги ишларни мувофиқлаштиришни янги босқичга кўтариш;

❖ тарғибот-ташвиқот ишларида аҳолининг ҳудудий, касбий ҳамда ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, мутаносиб, мақсадли ва мазмунли ёндашувни жорий этиш тартибини яратиш ва уни амалиётда қўллаш механизмини такомиллаштириш;

❖ маънавий баркамол авлодни шакллантиришда оила, таълим муассасалари, маҳалла, оммавий ахборот воситалари ва бошқа ижтимоий тузилмалар ўртасида самарали ҳамкорликни ўрнатиш механизмларини янада такомиллаштириш концепциясини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга тизимли жорий этиш.

Маънавий-маърифий соҳадаги турли фаолият шакллари самарасини ошириш орқали жамиятда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, давлат ва жамоат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш, ушбу шиддаткор жараённи янада оптималлаштиришга алоҳида аҳамият қаратиш даркор.

Аҳоли ўртасида фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, жамиятда миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган демократик тамойилларни қарор топтириш билан боғлиқ вазифалар ҳам ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда.

Юртимиздаги тинчлик ва осойишталикка, мамлакатимизнинг барқарор тараққиётига, қадрият ва урф-одатларга ҳамда инсонпарварлик ғояларига хавф солувчи турли ички ва ташқи таҳдидларга қарши самарали тарғибот ишларини олиб бориш ҳам диққатимиз марказида бўлади, албатта.

Маърифий ислоҳотлар ва баркамол инсон тарбияси

Дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг мустаҳкам ривожланишига раҳна соладиган турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият ва маърифатга, аҳоли барча қатламларининг ахлоқий тарбиясига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Негаки, мамлакатимиздаги мавжуд узлуксиз таълим тизими аҳолининг бешдан бир қисмини қамраб олган. Ушбу тизим қамраб олган болалар ва ўсмирлардан ташқари, аҳолининг катта қисми орасида маънавий-маърифий тарбия ишларининг тизимли йўлга қўйилиши ва бу борада юксак самарадорликка эришиш ўтқир заруратга айланмоқда.

Айнан таълим-тарбия ва маърифат жамият барқарорлигининг асосий омилларидан ҳисобланади, инсонларни эзгуликка даъват этади, саховатли, сабр-қаноатли бўлишга ундайди.

Узлуксиз таълим тизимида маънавий тарбия асосларини кучайтириш лозим.

“Тарбияда танаффус бўлмайди”, деган чуқур маъноли гапни кўп такрорлаймиз. Лекин, афсуски, жойларда маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда ана шу қоидага амал қилинмаяпти. Бу борада боғча, мактаб, олий таълим, маҳалла тизимининг ҳар бири алоҳида иш олиб бораётгани, яъни, ўзаро ҳамкорлик ва уйғунликнинг йўқлиги ишимизнинг самарасига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шунинг учун маънавий-маърифий ишларнинг ягона тизими яратиш, унда ҳар бир масъул идоранинг вазифаси ва биргаликда амалга оширадиган чора-тадбирларини аниқ белгилаб қўйиш зарур.

Яна бир муҳим масала. Маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш ҳокимлар – ҳудудий кенгашлар раисларининг доимий эътибор марказида бўлиши шарт.

Маънавий тарғибот ишларини ҳар бир маҳаллада, таъбир жоиз бўлса, маҳаллабай усулида ташкил этмас эканмиз, бу борада аниқ натижа бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Бунда ҳар бир маҳалланинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, амалга оширадиган ишларимизни аниқ белгилаб олишимиз ва жамоатчилик билан биргаликда иш олиб боришимиз керак.

Бу борада, айниқса, “**Бир зиёли – бир маҳаллага маънавий ҳомий**” тамойили асосида ҳар бир маҳаллага профессор-ўқитувчилар ва таниқли зиёлиларнинг жалб этиш, уларнинг бу ишга масъулият ва куюнчаклик билан ёндашишига эришиш муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлайман. Олий таълим муассасалари ректорлари жойлардаги ҳокимлар билан биргаликда бундай жонкуяр домлаларни муносиб рағбатлантириб бориш чораларини кўриши керак.

Биз “**Ҳар бир нуроний – беш нафар ёшга мураббий**” тамойили бўйича муҳтарам оқсоқолларимиз, кайвони онахонларимизни тарбияси оғир, маънавий кўмакка муҳтож, уюлмаган, ишсиз ёшларга бириктириб қўйишга қаратилган ибратли ташаббусни қўллаб-қувватлашни давом эттирамиз.

Албатта, катта тажрибага эга бўлган нуронийларимиз ўзларининг ҳаётий ўғитлари билан ёшларимизга тўғри йўл кўрсатса, бунинг фойдаси катта бўлади. Ана шу ишларни амалга ошириш учун “**Маънавий-ахлоқий тарбия дастури**”да таълим тизими, маҳалла, нуроний, хотин-қизлар, ёшлар ҳамда бошқа давлат ва

жамоат ташкилотларининг вазифаси аниқ белгилаб қўйилаётгани кутилган натижани беради.

Биз ёшларимизни ҳақиқий ватанпарварлик, азму шижоат, мардлик ва жасорат руҳида тарбиялашда муҳтарам зиёлиларимиз, фаол ва фидойи олимларимиз ҳамда ижодкорларимизнинг ёрдамига таянамиз. Айниқса, буюк саркарда боболаримизнинг ҳаёти ва жанговар фаолияти, ҳарбий меросини ўрганиш ҳамда ёшларимиз ўртасида тарғиб этиш катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун Республика Маънавият ва маърифат маркази таниқли олим ва ижодкорларни жалб этган ҳолда, “**Буюк саркардаларимизнинг жасорати ва ҳарбий мероси**” туркумида тарихий-бадий рисоаларни тезроқ тайёрлаб, кўпроқ ададда нашр этишни йўлга қўйиши лозим.

Миллий маънавиятимизни ривожлантириш, уни халқимиз, айниқса, ёшларимиз ҳаётига сингдиришда ижтимоий-гуманитар фанларнинг аҳамияти катта. Афсуски, ҳозирги пайтда бу фанлар ривожини замондан ортда қолмоқда. Хусусан, биз учун ниҳоятда долзарб бўлган тарих фани ҳам бундан мустасно эмас.

Тарихга оид илмий-тадқиқот ишлари, асосан, баёнчилик, публицистик усулда олиб борилмоқда. Натижада олис ва яқин ўтмишимиздаги кўпгина воқеаларнинг мазмун-моҳияти, уларни юзага келтирган омиллар ва тарихий қонуниятлар очилмасдан қолмоқда.

Бир ҳақиқатни барчамиз чуқур англаб олишимиз керак: миллий тарихни халқимиз, айниқса, ёшларимизга миллий руҳда етказиш, уларнинг қалбига, шуурига сингдириш керак. Акс ҳолда, унинг тарбиявий таъсири бўлмайди.

Маълумки, эл-юртимиз ўзининг қадимий ўтмиши давомида қанча-қанча унутилмас воқеаларни, турли синов ва қийинчиликларни, зафарли даврлар билан бирга, фожиали кунларни ҳам бошидан кечирган. Лекин бир ҳақиқатни таъкидлаш керакки, Ва-

танзимиз ҳудудида мавжуд бўлган ҳар бир давлатчилик тузуми, ҳар қандай ижтимоий жараён – у ғалаба ёки мағлубият бўладими, юксалиш ёки таназзул бўладими – барча-барчаси халқимиз босиб ўтган мураккаб тарихий йўлнинг узвий ва ажралмас қисмидир. Шунинг учун ҳам биз тарихимизнинг барча босқичларини яхлит ҳолда қабул қилиб, ҳар томонлама чуқур ўрганишимиз зарур.

Ўтмишдаги ютуқ ва ғалабалардан куч-қувват олиб, хато ва мағлубиятларидан хулоса ва сабоқ чиқариб яшайдиган халқ ўзининг тараққиёт йўли ва келажагини тўғри белгилай олади.

Биз ёшларимизни тарихдан сабоқ олиш, хулоса чиқаришга ўргатишимиз, уларни тарих илми, тарихий тафаккур билан қуроллантиришимиз зарур. Бунинг учун, аввало, Ўзбекистонда тарих фанини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини самарали амалга оширишимиз лозим.

Ўзбек тилининг давлат тили мақомини амалда кучайтириш, хорижда ва юртимизда уни ўрганиш бўйича замонавий технологияларни ишлаб чиқиш долзарб вазифадир.

Халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида китобхонлик даражасини ошириш борасидаги ишларни янада кучайтиришимиз зарур.

Албатта, кейинги йилларда “Беш муҳим ташаббус” доирасида бу йўналишда кўп ишларни амалга оширдик. Лекин бугун уларни янги босқичга кўтаришни вазиятнинг ўзи талаб этмоқда.

Ёшларимизга замонавий таълим-тарбия билан биргаликда, қон-қонимизга сингган муқаддас динимизнинг инсонпарварлик моҳиятини тўғри тушунтириб беришимиз, уларни эзгу ғоялар руҳида тарбиялаш ҳақида жиддий ўйлашимиз лозим. Афсуски, бу масалага ўз вақтида жиддий эътибор бермаганимиз туфайли ёшлар ўртасида радикал оқимлар таъсирига тушиш ҳолатлари учраб турибди.

Дунёга Бухорийлар, Берунийлар, Термизийлар, Мотуридийлар, Хоразмийлардек буюк аллома ва азиз-авлиёларни берган

жонажон Ватанимиз ёшлари улуғ аجدодларига муносиб бўлиб улғайиши учун барча шароитларни яратиб беришимиз зарур.

Биз мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш учун, аввало, унинг бешта муҳим устунни ва ҳалқасини белгилаб олдик. Шу ҳалқанинг энг муҳим бўғини, ҳеч шубҳасиз, ижодкор зиёлиларимиз, хусусан, маънавият вакиллари дир. Улар жамиятимизни янгилаш ва тараққий эттиришга хизмат қилаётган ҳаётбахш ғояларни амалга оширишда барчага, айниқса, ёшларга ўрнак бўлишлари зарур.

Тарбия ва таълимни бир-биридан алоҳида ажратиб бўлмайди, бу икки жараён ўзаро уйғун, узлуксиз асосда ташкил этилгандагина, одобли, юксак маънавиятли, шу билан бирга, билимдон, зукко, руҳан ва жисмонан соғлом, кенг дунёқараш, тафаккур ва замонавий касб-хунар эгаси бўлган ватанпарвар ёшларни етиштириб беради.

Биз илм-маърифатни кенг маънода тушунамиз. Шу сабабли юртимизда дунёвий таълим даргоҳлари билан бирга диний мактаб ва мадрасалар, илмий-маърифий марказлар ташкил этилмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳрида кўп асрлик маърифат хазинасини ўзида мужассам этадиган, фундаментал тадқиқотлар олиб бориладиган Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси халқаро маркази бунёд этилаётгани бунинг яққол мисолидир.

Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги вақтда ёшлар тарбияси биз учун ўз долзарблиги ва аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган масала бўлиб қолмоқда. Бу соҳада олиб бораётган кенг миқёсли ишларимизни, хусусан, таълим-тарбия бўйича қабул қилинган умуммиллий дастурларимизни мантиқий жиҳатдан якунига етказишимиз зарур.

Ёшлар тарбиясини замонавий асосда, илмий-технологик талабларни ҳисобга олиб ислоҳ қилиш, такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ишлар уни бугунги кун эҳтиёжларидан

келиб чиққан ҳолда, илмий ва маънавий асосда шакллантиришни тақозо этмоқда. Тарбияга янгича, тизимли ёндашув, болада таянч фазилатларни шакллантиришда оила, мактабгача таълим, умумий таълим, ўрта махсус касб-хунар ва олий таълим муассасалари, маҳаллаларнинг ижтимоий-педагогик имкониятларини тўлиқ юзага чиқариш ва улар орасида илмий-методик узвийликни янги даражага кўтариш даркор.

Ушбу йўналишдаги ишларимизни янги босқичга кўтариш учун яна кўплаб тадбирларни амалга ошириш зарур. Жумладан:

❖ маънавий тарбияни баҳолашнинг илмий асосланган индикаторларини ишлаб чиқиш;

❖ тарбия жараёнида узлуксизлик, узвийлик тамойилларига таянган ҳолда, аввало, бўлажак ва ёш оналарга эътиборни кучайтириш;

❖ болаларни гўдаклигидан бошлаб юксак маънавий кадрятлар руҳида тарбиялаш бўйича энг муҳим йўналишларни белгилаш;

❖ ёшларда Ватанга садоқат, тадбиркорлик, мустаҳкам ирода, мафкуравий иммунитет, меҳр-оқибат, масъулият, бағрикенглик, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш, меҳнатсеварлик каби муҳим фазилатларни босқичма-босқич шакллантириш.

Навбатдаги долзарб вазифа – жойларда, хусусан, маҳаллаларда, хотин-қизлар ўртасида олиб борилаётган маънавий-тарбиявий ишлар самарадорлигини кучайтириш билан боғлиқ.

Шу маънода, неча юз йиллик тарих ва маданиятимиз, миллий ўзлигимизнинг ажралмас қисмига айланиб кетган муқаддас динимизни асраш, аجدодларимизнинг бебаҳо маънавий-маърифий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш биз учун доимий кун тартибида турадиган муҳим масала бўлиб қолмоқда.

Бунинг учун, такрор айтаман, жамиятимизни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш борасидаги илмий-амалий тадқиқотларни, таҳлилий ва тарғибот материалларини тайёрлаш усулини, уларнинг методологик асосларини тубдан қайта кўриб чиқишимиз зарур.

Мухтасар айтганда, биз бутун жамиятдаги маърифат тизimini, таълим муассасаларини чинакам маънавият ва маданият ўчоғига, баркамол авлодни тарбиялаш масканига айлантириш учун барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.



Янги Ўзбекистон ва маънавий янгиланиш

Бугунги глобал маконда, ўзаро рақобат, турли сиёсий, иқтисодий, ғоявий қарама-қаршиликлар ниҳоятда кучайган ҳозирги шароитда ёш авлод тарбиясининг ўрни ва аҳамияти ҳар қачонгидан ҳам ортиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас.

Дунёдаги рақобатга бардошли, жаҳон майдонида ўз ўрнига эга бўлишга интилаётган ҳар бир халқ шу масалалар ҳақида жиддий ўйлайди, бу борада амалий чораларни кўради. Акс ҳолда у, ҳеч шубҳасиз, халқ ва миллат сифатида ўзлигини бой беради.

Олдимизга қўйган улкан вазифаларни амалга оширишда биз учун куч-қудрат манбаи бўладиган миллий ғояни узлуксиз ривожлантиришимиз зарур.

Сир эмаски, ҳозирги вақтда аксарият одамлар “мафкура” деган сўзга бироз ҳадиксираб қарайди, уни демократик жамиятга бегона, деб ҳисоблайди. Лекин биз мафкура деганда, аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний кадриятлар тарбиясини тушунамиз.

Шу муносабат билан таъкидлаб айтмоқчиман: биз барпо этаётган Янги Ўзбекистон мафкураси, аввало, инсонпарварлик, эзгулик ва бунёдкорлик мафкураси бўлади.

Ўзбекистон тараққиётининг бугунги жараёнлари миллий ғоя ва маънавий янгиланиш йўналишида ҳам жамият ва давлатимиз ривожининг янги босқичи бошланганидан далолат беради. Афсуски, мазкур жабҳада олиб борилаётган муайян ишлар билан бирга, бир қатор муаммолар ҳам кўзга ташланмоқда.

Мураккаб геосиёсий ва мафкуравий жараёнларнинг салбий таъсири ортиб, одамларнинг онги ва қалби учун кураш кучайиб бораётган бугунги кунда юртимиз сарҳадлари ва мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларини ғоявий ҳимоялаш ишлари замон талаблари, ислоҳот ва янгиланишлар суръатидан ортда қолмоқда ва бу ташвишли ҳол, албатта. Ушбу масалаларни ўрганиш борасидаги илмий тадқиқотлар эса, тор доирада амалга оширилмоқда. Уларнинг баъзилари ҳозирги ҳаёт воқелиги ва унинг талабларидан узилиб қолгани, айримларининг натижалари амалиётга сустр жорий этилаётгани ҳам кутилган самарани бермаяпти.

Шу билан бирга, фикрлар хилма-хиллиги шароитида, аҳолининг турли табақалари вакилларида амалга оширилаётган кенг кўламли янгиланиш ва ислоҳотлар самарасини таъминлаш учун зарур бўлган, миллий ғоя асосидаги умумий ёндашув ва тасаввурлар етарлича шаклланмаган. Турли мафкуравий полигонлар таъсирида юз бераётган хатарли жараёнлар моҳиятини англаш даражаси пастлиги, бу ҳақда зарур билим ва яхлит тасаввурнинг шаклланмагани эса, ушбу йўналишдаги таҳдидларга қарши кураш ва жамиятимизни ғоясизлашиш хавфидан сақлашга қаратилган ишларни такомиллаштириш вазифасини ўртага қўймоқда.

Шунингдек, миллий ғоя тарғиботи, мафкуравий профилактиканинг замонавий усул ва воситалари таъсирчанлигини таъминлайдиган, азалий қадриятларимиз, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган ҳаёт тарзини барбод қилишга йўналтирилган бузғунчи ғоялар ва ёт мафкураларга қарши фаолиятни ҳозирги давр талаблари даражасида ташкил этишга ёрдам берадиган самарали механизм шаклланмаган. Фуқаролар онги ва тафаккуридаги сифат ўзгаришларининг ислоҳотлар суръатлари ва эҳтиёжларига ҳамоҳанглигини таъминлашга масъул давлат ташкилотлари, фуқаролик институтлари, оммавий ахборот восит-

талари ва хусусий сектор фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилишнинг таъсирчан тизими мавжуд эмаслиги эса бу соҳадаги ишларимизнинг қониқарсизлигини кўрсатмоқда.

Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишда ватанпарварлик тарбияси, халқимизнинг эзгу идеаллари ва олижаноб мақсадларига садоқат ғоялари шиор даражасидагина қолиб, миллий ғоянинг жаҳон тажрибасидан ўтган умуминсоний қонуниятлари ва Ўзбекистонга хос замонавий тамойилларини амалиётга татбиқ этишнинг самарали механизмлари жорий этилмаган. Юртимиздаги янгиланиш жараёнлари ва ислохотларга дахлдорлигини чуқур ҳис қиладиган, мамлакатимизнинг энг ривожланган давлатлар қаторига киришидаги ўз ўрни ва иштирокини теран англайдиган, бу йўлда фаол фуқаролик позициясига, креатив ва инновацион тафаккурга эга бўлган замонавий шахсларни тарбиялашнинг концептуал асослари ва амалий фаолият мезонлари ишлаб чиқилмаган. Бу эса соҳада жиддий бўшлиқ мавжудлигини яна бир маротаба исботламоқда.

Яна бир муҳим жиҳат. Жамият ҳаётида дунёвий ва диний омиллар ўртасидаги соғлом мувозанатни тўлиқ таъминлашга ёрдам берадиган, кучли тарбиявий салоҳиятга эга ва халқимиз маънавиятини асрлар мобайнида мустаҳкамлашга хизмат қилиб келган умуминсоний ва миллий қадриятлар, азалий анъана ва урф-одатларнинг қадрсизланишига, деидеологизацияга йўл қўйиш ҳоллари учрамоқда. Дунёқараши кенг, маънан баркамол инсонни шакллантиришга хизмат қиладиган ғоявий тарбия механизмининг таъсири камайгани сезилмоқда. Жумладан, узлуксиз таълим тизимида миллий ғоя туркумидаги фанларга етарлича эътибор берилмаётгани ёш авлод қалби ва онгида мустаҳкам мафкуравий иммунитетни шакллантириш бўйича ишларнинг самарадорлигини оширишни тақозо этмоқда.

Шу жиҳатдан, жаҳоннинг энг илғор мамлакатлари аллақачон ўтган ва самарали тажриба тўплаган, уларнинг тараққиётига ижобий таъсир кўрсатган ғоявий янгиланиш босқичининг Ўзбекистонга хос қуйидаги устувор йўналишлари ва долзарб вазифаларига алоҳида эътибор қаратишимиз керак:

- ❖ мамлакатимизнинг янги, демократик қиёфасини яратишда ғоявий-маънавий омиллар таъсирини ошириш;

- ❖ жамиятимизда янги маънавий маконни барпо этиш ҳамда халқимизда дунёвий тафаккур тамойилларини кучайтириш;

- ❖ турли таҳдидларга бардошли давлат ва ривожланган фуқаролик жамияти қуришнинг мафкуравий тамойилларини мустаҳкамлаш;

- ❖ фуқароларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш.

Такрор айтишга тўғри келади, бугунги кунда дунёда кескин кураш ва рақобат ҳукм сурмоқда. Жаҳонда манфаатлар тўқнашуви кучаймоқда. Глобаллашув жараёнлари башарият учун беқиёс янги имкониятлар билан бирга кутилмаган муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда.

Миллий ўзлик ва маънавий қадриятларга қарши таҳдид ва хатарлар тобора ортиб бормоқда. Дунёдаги айрим сиёсий марказлар томонидан баъзи ҳудудларда сунъий равишда беқарор вазият юзага келтирилмоқда, норозилик кайфиятлари авж олдирилмоқда. Айниқса, бугун тобора чуқурлашиб бораётган глобал иқтисодий инқироз турли фитналар учун янада қулай шароит яратишини унутмаслигимиз лозим.

Мана шундай ўта таҳликали шароитда ҳаммамиз сезгир ва огоҳ бўлишимиз, аввало, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини, миллий манфаатларимизни ўйлаб яшашимиз керак. Неча юз йиллар давомида шаклланган асл инсоний қадриятларимиз ўрнини бузғунчи ғоялар эгаллаб олишига йўл қўймаслигимиз зарур.

Бугунги кунда аксарият одамлар, авваламбор, раҳбарлар, давлат ходимларининг билимсизлиги, савиясининг пастлиги, замондан орқада қолаётгани, жадид боболаримиз “жаҳолат” деб атаган иллат ислохотлар йўлидаги жиддий тўсиқ бўлиб қолмоқда. Буни ҳам очиқ тан олишимиз лозим.

Биз таълим тизимига, ўқитувчи ва мураббийлар нуфузини оширишга катта аҳамият беряпмиз. Чунки жаҳолатга қарши – маърифат, ғояга қарши – ғоя билан курашиш зарур, деган тамойил ҳамон долзарб бўлиб келмоқда. Лекин Ватан, халқ тақдири ўртада турганда, нафақат ғоя, керак бўлса, қонун ҳам ўз кучини кўрсатиши шарт.

Бугунги шиддатли, мураккаб замон шуни кўрсатмоқдаки, бу борада фақат таълим-тарбия тизимининг ўзи мавжуд маънавий таҳдидларга қарши туrolмайди. Бу масалага бутун жамиятнинг куч ва имкониятларини сафарбар этмас эканмиз, кутилган натижага эришолмаймиз. Чунки ҳозирги кунда болаларимизни ота-она, боғча, мактаб ёки институт эмас, аксарият ҳолларда кўлидаги телефон “тарбияламоқда”. Афсуски, ана шу кичкинагина телефон энди оддий алоқа воситаси эмас, кўпинча ёт мафқурани тарғиб этадиган катта қуролга, зўравонлик, ёвузлик “вируси”ни тарқатадиган манбага айланмоқда, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Буларнинг барчаси биз учун огоҳлик қўнғироғи бўлиб янграши зарур.

Биз – ғурури, орияти, маънавияти баланд халқмиз. Бу, ҳеч шубҳасиз, катта бойлик. Аждодларимиз асрлар давомида асраб-авайлаб келган бу бойликни йўқотиб қўйсак, келгуси авлодлар бизни асло кечирмайди.

Аксинча, бу фазилатни халқимизни, миллатимизни бирлаштирадиган энг кучли тамойилга айлантиришимиз керак. Негаки, миллий ғурури баланд халқнинг кадр-қиммати ҳам баланд,

маънавияти, иродаси кучли бўлади. Бундай халқ билан ҳар қандай буюк мақсадларга етиш мумкин.

Айнан ана шундай фазилатларимизга таяниб, биз бошқаларга эргашувчи эмас, аксинча, доимо эргаштирувчи халқ бўлиб келганмиз. Билим, маърифат, маданият билан бошқаларга ўрнак бўлганмиз. Бу – бизнинг қон-қонимизга, зоту зурриёдимизга сингиб кетган, миллий қадриятимизга айланган фазилат.

Афсуски, кейинги пайтда маънавий ҳаётимизда бўшашиш, бўшлиқ пайдо бўлгани туфайли баъзи ёшлар юриш-туришда ҳам, муомала-муносабатда ҳам етти ёт бегоналарга кўр-кўрона эргашмоқда.

Ёшлар тарбиясида жамоатчиликнинг роли сусайиб бораётгани барчамизни ташвишга солиши лозим. Илгари “Бир болага етти маҳалла – ота-она”, деган мақолга амал қилиб яшардик. Ўғил-қизларимизнинг ахлоқ-одоби, ўқиши учун нафақат уларнинг ота-оналари, аввало, маҳалла аҳли, кайвони кексалар, зиёлилар ўзини масъул ва жавобгар деб биларди. Шунинг учун ҳам маҳаллаларимизда уруш-жанжал, безорилик, ичкиликбозлик қилиб бекорчи юрадиган ёшлар, оилавий ажримлар кам бўларди. Кекса авлод вакиллари ёшларни меҳнатга, ўз уйини, кўчалар, гузар ва майдонларни озода тутишга ўргатарди.

Маънавиятимиз учун энг катта хавф – бу аксарият одамларимиздаги лоқайдлик ва бепарволик кучайиб бораётганида, десак, бу ҳам айни ҳақиқат бўлади.

Сиёсатшунослар ўртасида: “Сен ухлаганингда, душман уйғоқ бўлади”, деган гап бор.

Айниқса, ҳозирги замонда, дунёдаги илғор халқлар катта-катта марралар сари интилаётган бир пайтда маънавий жиҳатдан гафлатга ботиб, “ухлаб” ётишга, лоқайд бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Барча фожиа ва муаммолар, Ватанга, миллатга, келажакка хиёнат айнан лоқайдликдан бошланади.

Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессанс ғоясини фарзандларимиз онгига айнан болалик давридан, боғчадан ва мактабдан бошлаб сингдиришимиз зарур. Бунинг учун тарихни, аجدодларимиз меросини, дунё тажрибасини, турли халқларнинг ютуқ ва камчиликларини атрофлича ўрганиш керак.

Менинг қатъий ишончимга кўра, жамиятда таълимнинг нуфузини ошириш ва ёшларнинг камолотга интилишини рағбатлантириш – бу барқарор ва изчил тараққиётга эришиш қафолатидир.

Буларнинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, униб-ўсиб келаётган ёш авлодни зўравонлик ва радикализмнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилишда ёрдам беради.

Шу муносабат билан барчамиз учун қуйидаги масалалар муҳим аҳамият касб этади:

❖ аҳоли, айниқса, ёш авлодда терроризм ва экстремизм мафкурасига қарши қатъий ва барқарор иммунитетни шакллантириш;

❖ таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш учун “**Учинчи Ренессанс сари**” деган тамойилга асосланган ҳолда, миллий ғоя ва унинг мафкуравий негизларини такомиллаштириш;

❖ мактабларни чинакам маънавий ва маърифат, маданият ўчоғига айлантириш учун таълим-тарбиянинг интерактив услулларини қўллаш;

❖ мафкуравий хуружларга қарши миллий ғоя асосида биргаликда курашиш, оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва шу асосда маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлаш кўникмасини шакллантириш;

❖ барча бўғиндаги раҳбарлар, ёшлар, хотин-қизлар, нуронийлар ташкилотлари, ижодкор зиёлиларимиз, диний уламолар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, бутун жамият учун бу вазифа виждон ишига айланишига эришиш;

❖ оила, таълим ташкилотлари ва маҳаллаларда тарғибот-ташвиқот ва тарбия йўналишидаги ишларни илмий асосда ташкил этиш, соҳа бўйича илмий ва услубий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш;


❖ аҳолининг ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетини кучайтириш, геосиёсий ва мафкуравий жараёнларни мунтазам ўрганиш, хатарли таҳдидларга қарши олиб борилаётган кураш самарадорлигини ошириш;

❖ маънавий-маърифий, илмий-ижтимоий мавзулардаги долзарб мақолалар, жамоатчилик вакилларининг илғор фикрлари, шунингдек, мафкуравий жараёнлар таҳлили, соҳага оид янгиликларни тўплаш, тайёрлаш ва тарқатишда “oyna.uz” электрон портали имкониятларидан кенг фойдаланиш лозим.

Таълим тизимининг маънавий-ахлоқий мазмунини ошириш, ёшларга мустақиллик ғояларига, миллий анъаналарга содиқлик руҳини чуқур сингдириш, Уларда ёт ғоя ва мафкураларга нисбатан иммунитет ва танқидий тафаккурни мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли иш олиб бориш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Юртимизда кейинги пайтда ушбу йўналиш бўйича янги тизим яратилмоқда.

Бу эса фуқароларимизнинг ижтимоий фаоллиги, Ватан ва халқ тақдирига дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, уларнинг замонавий, демократик Ўзбекистон давлатини барпо этишда муносиб иштирок этишини таъминлашнинг муҳим омилidir.



Маърифатли жамият сари

Буюк мутафаккир ва аллома боболаримизнинг маърифатли жамият тўғрисидаги ғоялари, орзу-умид ва армонлари, ўйлайманки, кўпчилигимизга яхши таниш. Шу ўринда биргина Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асарини эслаш кифоя.

Аждодларимизнинг ана шундай асрий интилишларини рўёбга чиқариш учун таълим ва маърифат тизимини такомиллаштириш, мамлакатимиз келажаги бўлган ёшларни замонавий билим олишга йўналтириш, баркамол шахсни тарбиялаш зарурлигини яхши англаймиз.

Айни вақтда яна бир ҳақиқатни ҳам эсдан чиқармаслигимиз керак. Энг катта, бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчликка раҳна солиш, турли халқлар ўртасида уруш оловини ёқиш, миллий ва диний зиддиятларни авж олдиришга уринаётган кучлар ҳам, афсуски, йўқ эмас. Бундай ёвуз кучларга қарши курашда, аввало, доимий ҳушёрлик ва огоҳлик, бутун халқимизнинг бирлиги ва ҳамжихатлиги ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Бундай хавф-хатарларга қарши фақат куч ишлатиш усуллари билан эмас, балки, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш лозим.

Дунёда маънавий таҳдидларнинг, айниқса, сўнгги йилларда, кучайиб бораётгани уларга қарши асосан, куч ишлатиш йўли билан курашиш усули ўзини оқламаётганидан далолат беради.

Бу борада кўп ҳолларда таҳдидларни келтириб чиқараётган асосий сабаблар билан эмас, балки уларнинг оқибатларига қарши курашиш билангина чекланиб қолинмоқда. Бундай хатарларнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга, жаҳолат ва муросасизлик ташкил этади, деб ҳисоблайман.

Шу муносабат билан, одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир. Ва бунда мамлакатимиз асрлар давомида жаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми, умуминсоний маданият марказларидан бири бўлиб келганини акс эттирадиган илмий-тарихий ва ижтимоий-фалсафий концепцияни самарали амалга ошириш лозим.

Бу борада мамлакатимиз ҳудудларида сақланиб келаётган осори-атиқалар, улуғ алломалар номи билан боғлиқ муборак қадамжолар ниҳоятда кўп.

Масалан, Мўйноқ тумани ҳудудида Хўжа Аҳмад Яссавийнинг шогирди, тасаввуф таълимотининг йирик намояндаси Сулаймон Боқирғоний мақбараси жойлашган. Халқ орасида “Ҳаким ота” номи билан шуҳрат қозонган бу зот содда ва халқона услубда ёзган асарлари билан туркий адабиёт оламида алоҳида эътироф этилган.

2023 йили Сулаймон Боқирғоний таваллудига 900 йил тўлади. Ана шу муҳим сана муносабати билан шоир бобомизнинг мақбарасини обод қилиб, асарларини чоп этсак, ҳар жиҳатдан ўринли бўлади.

Албатта, ҳаёт бор экан, унинг ўткир талаблари, муаммолари бўлган ва бундан кейин ҳам бўлади. Лекин ҳар қандай муаммони оқилона ҳал қилиш учун, аввало, илм ва маърифат зарур. Барчамизга, айниқса, раҳбар ва етакчиларга чуқур билим, ақл-заковат, сабр-тоқат керак.

Маърифатли жамиятни барпо этишнинг долзарб масалаларига ҳозиржавоб бўлиш, бу борадаги ишларда масъулиятни доимо чуқур ҳис қилиб яшаш бугунги давр талаби бўлиб қолади.

Бизнинг энг асосий ютуғимиз – кўпмиллатли халқимизнинг ҳар қандай қийинчилик ва синовларни енгишга қодирлиги, замонавий дунёқараши, сиёсий онги ва ижтимоий фаоллиги юксалиб бораётгани, атрофимиздаги воқеаларга бепарво бўлмасдан, аксинча, дахлдорлик туйғуси билан яшаётганидир.

Энг муҳими, одамларимизнинг ҳаёт даражаси, Ватан тақдирига масъулият ҳисси, эртанги кунга ишончи тобора кучаймоқда. Жамиятимизда демократия тамойиллари, очиклик ва эркинлик муҳити чуқур қарор топмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ва бунёдкорлик ишлари натижасида халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши ўзгармоқда.

Маънавий етук, баркамол авлодни тарбиялаш, таълим-тарбияни ривожлантириш, маърифатли жамиятни барпо этиш асосида тараққиёт стратегиясини рўёбга чиқарадиган янги шахсни вояга етказиш – пировард мақсади инсон манфаатларини таъминлаш бўлган ислоҳотларимизнинг энг муҳим вазифаларидандир.

Янги Ўзбекистон – маърифатпарвар давлат. Ушбу соҳада амалга оширган ишларимиз жамиятимизни янги босқичга кўтариш, юксак марраларни эгаллаш, Учинчи Ренессанс пойдеворини куришга хизмат қилаётгани ҳозирнинг ўзида яққол намоён бўлмоқда.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг бу борадаги мақсади миллий ўзига ҳослигимизни, асрлар синовидан ўтган анъаналаримизни, иймон-эътиқод билан яшаш каби ҳаётий та-

мойилларимизни ҳам сақлаб қолиш, ҳам юксалтиришга қаратилгандир.

Шу муносабат билан “Янги Ўзбекистон – маърифатли жамият” концепцияси ва уни амалга ошириш миллий дастури ишлаб чиқилади. Бу, аввало, ҳаётимизнинг миллий-ғоявий асосларини давр талабларига мос равишда бойитиш ва ривожлантириш, шу орқали жамиятнинг маънавий юксалишига эришиш демакдир. Ўз навбатида, бу жамият аъзоларининг онги ва тафаккурини, ҳаёт фалсафаси ва дунёқарашини кенгайтириш ва бойитишни англатади.

Янги Ўзбекистонда маърифатли жамиятни шакллантиришда қуйидаги омилларга алоҳида аҳамият қаратиш лозим:

- ❖ аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича ҳуқуқий-маърифий тадбирларни халқимизнинг бой тарихи, илмий-маданий мероси, миллий-диний қадриятларини ўргатиш билан уйғун ҳолда ташкил қилиш;

- ❖ давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламли ислохотларнинг моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиш;

- ❖ талаба ёшлар ва профессор-ўқитувчиларда Ватанга муҳаббат, унинг тақдирига дахлдорлик, касбга садоқат ҳиссини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, таълим-тарбия жараёнлари ҳамда маънавий-маърифий ишларни кучайтириш;

- ❖ ушбу йўналишда илмий ва услубий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган доимий мониторинг тизимини жорий қилиш.

Бу соҳада олиб бораётган кенг миқёсли ишларимизни, хусусан, таълим-тарбия бўйича қабул қилинган умуммиллий дастурларимизни мантиқий якунига етказиш зарур.

Албатта, ушбу жабҳада ҳам халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллаш йўлида замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларга асосланган ислоҳотларни амалга ошириш миллий тараққиёт стратегиямизнинг устувор жиҳатидир.



Миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги

Жамиятимизнинг бебаҳо бойлиги бўлган ва биз ҳақли равишда фахрланадиган кўпмиллатли халқимизнинг бирдамлиги ва жипслигини кўз қорачиғидек асраш ҳамда янада мустаҳкамлаш Ўзбекистонни ўз Ватани деб биладиган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.

Ушбу китобнинг дастлабки саҳифаларида айтилганидек, қадимий ва саховатли заминимизда кўп асрлар давомида турли миллат ва элат, маданият ва дин вакиллари тинч-тотув яшаб келади. Меҳмондўстлик, эзгулик, қалб саховати ва том маънодаги бағрикенглик халқимизга доимо хос бўлган ва унинг менталитети асосини ташкил этади.

Юртимизда ҳукм сураётган дўстлик ва бирдамлик муҳити – тинчлик ва барқарорлик, амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтиришнинг энг муҳим омидир.

Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшамокда. Улар умумий уйимиз – жонажон Ўзбекистонимиз равнақи йўлида бирлашиб, барча соҳа ва тармоқларда фидокорона меҳнат қилмокда, ривожланган бозор иқтисодиёти ва кучли фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуришга муносиб ҳисса қўшмокда.

Бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, миллатлараро ва фуқаролараро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни шу асосда, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг муҳим устувор йўналишларидан бирига айланган.

Бизнинг Конституциямиз ва қонунларимизда, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча фуқаролар тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эга экани мустаҳкамлаб қўйилган. Уларга ўз миллий маданияти, анъана ва урф-одатларини сақлаш ҳамда ҳар томонлама ривожлантириш учун барча имкониятлар яратилган.

Мамлакатимизда 16 та конфессияга мансуб диний ташкилотлар эркин фаолият юритмоқда. Этник ўзига хосликни ривожлантириш ва миллатлараро муносабатларни янада уйғунлаштиришда 140 га яқин миллий маданий марказ етакчи роль ўйнамоқда. Улар ўзига хос маданияти, тили, урф-одат ва анъаналарини, халқ ҳунармандчилигини ривожлантириб, турли маданиятларнинг бир-бирини ўзаро бойитишига, ҳар биримизда кўпмиллатли ягона оила туйғусини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Мамлакатимизда миллатлар ва конфессиялараро ҳамжиҳатликни сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган давлат сиёсати изчил амалга оширилмоқда.

Аммо, буларнинг барчаси Янги Ўзбекистонни қуриш йўлида эришилган дастлабки натижадир. Келгусида бу ишларни янги босқичга кўтариш учун биз олдимизга қуйидаги мақсадларни қўймоқдамиз:

❖ жамиятда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, уларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдидаги тенглигини таъминлашга қаратилган тизимли ва изчил фаолиятни самарали ташкил этиш;

❖ миллатлараро муносабатлар соҳасида тизимли асосда илмий, жумладан, ижтимоий тадқиқотлар олиб бориш, шунингдек, мазкур йўналишдаги жараёнлар ривожининг муттасил мониторингини йўлга қўйиш;

❖ миллатлараро муносабатлар соҳасида илмий мақолалар, китоблар, илмий-тадқиқот материалларини тайёрлаш ишларини кучайтириш;

❖ етакчи маҳаллий ва хорижий олимлар, экспертлар ва мутахассислар иштирокида ўтказилаётган миллатлараро муносабатлар соҳасида илмий-назарий ва илмий-амалий конференциялар, анжуманлар, семинарлар, давра суҳбатлари, маърузалар ва бошқа тадбирларнинг самарасини ошириш;

❖ миллатлараро муносабатлар соҳасидаги муаммоларни ўрганиш ва уларни ҳал этишда хорижий тажрибани таҳлил қилиш ҳамда Ўзбекистон шароитида ана шу тажрибадан фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

❖ миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, унга хавф соладиган турли муаммоларнинг барвақт олдини олиш ва уларни профилактика қилиш, шунингдек, мазкур соҳадаги таҳдид ва хатарларга қарши курашиш бўйича таъсирчан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

❖ миллатлараро муносабатлар соҳасидаги ишлар ҳолатини жойларга чиқиб тизимли ўрганишни ташкил этиш, шу йўналишда қабул қилинган концепция ва “йўл харитаси”ни амалга оширишда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, шунингдек, вазирлик ва идоралар фаолиятини самарали мувофиқлаштириш;

❖ чет мамлакатлар билан дўстона алоқаларни янада ривожлантириш ва миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикасининг давлат сиёсатини амалга ошириш жараёнида

давлат органлари ва ташкилотларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлиги механизмларини такомиллаштириш;

❖ миллатлараро муносабатлар ва чет мамлакатлар билан дўстона алоқаларни янада ривожлантириш, мамлакатимизда яшаб турган турли миллат ва элат вакилларининг тили, маданияти, анъана ва урф-одатларини сақлаш ва ривожлантириш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг давлат сиёсатини самарали амалга ошириш учун қўшимча ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар яратиш;

❖ жамиятда кўпмиллатли катта оила ҳис-туйғусини, мамлакатимизда яшаётган турли миллат ва элат вакиллари ўртасида дўстлик ва тотувликни янада мустаҳкамлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги уларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш;

❖ миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш, мамлакатимиз ҳудудида ва ундан ташқарида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида халқаро ҳамкорликни ва чет мамлакатлар билан дўстона алоқаларни ривожлантириш, ватандошларни қўллаб-қувватлаш ва хориждаги ўзбек диаспоралари билан яқин ҳамкорлик қилиш, Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидаги обрў-эътибори ва имижини юксалтириш;

❖ Ўзбекистон Республикасининг давлат ва жамиятни ривожлантиришдаги устувор мақсадларини, илғор хорижий тажрибани эътиборга олган ҳолда, миллатлараро муносабатларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.

Биз учун энг муҳим бўлган ана шу масалага бундан буён ҳам устувор аҳамият қаратамиз, жумладан, миллий маданий марказ-

лар фаолиятини амалий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича зарур барча ишларни бажарамиз.

Маълумки, ҳозирги вақтда юртимизда фуқароларнинг виждон ва эътиқод эркинлигини таъминлаш, уларнинг бу борадаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Қўлами ва миқёси тобора кенгайиб бораётган бундай амалий ишларимиз Янги Ўзбекистонни барпо этиш, мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш, Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлигини оширишдек эзгу мақсадларимизга уйғун ва ҳамоҳанг экани айниқса эътиборлидир.

Биз халқимиз, аввало, ёш авлодимиз, шунингдек, жаҳон жамоатчилигига ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз.

Ислом дини – аввало, тинчлик ва дўстлик, аҳиллик ва бирдамлик, билим ва маърифат динидир. Мана шу олий ҳақиқатни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз лозим.

Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимизнинг муҳасам ифодаси сифатида қадрлаймиз. Муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қила олмаймиз.

Бу борада буюк аждодларимизнинг бой диний-маърифий мероси биз учун бебаҳо манба бўлиб хизмат қилади.

Масалан, Насаф, яъни бугунги Қарши шаҳри ўрта асрларда ислом цивилизациясига улкан ҳисса қўшгани учун “Мадина” деган олий мақомга сазовор бўлгани бу борадаги ёрқин мисоллардан биридир. Бундай юксак мақомга ислом оламида фақат 8 та шаҳар лойиқ кўрилган, холос.

Ёки “Илм ва дин куббаси” номини олган Шаҳрисабз шаҳри ва ундаги Оқсарой, Дорус-саодат, Дорут-тиловат каби меъмо-

рий обидалар Темурийлар Ренессанси даврининг буюк намуна-лари сифатида тан олинган.

Турли даврларда Насаф шаҳрида 400 нафардан зиёд ислом-шунос олимлар яшаб фаолият кўрсатган. Уларнинг илмий меросини чуқур ўрганиш, асарларини бугунги тилимизда, кенг жамоатчиликка тушунарли қилиб нашр этиш – муҳим вазифамиздир. Хусусан, Абул Муин Насафий, Нажмиддин Насафий, Азизиддин Насафий, Барокат Насафий, Хиромий, Сайидо Насафий, Хаёлий сингари улуғ алломаларнинг маънавий мероси бугун ҳам бекиёс аҳамиятга эга.

Айниқса, буюк ватандошимиз Абу Муин Насафий бундан минг йил олдин ўз асарлари орқали жаҳолатга берилган кимсаларни тўғри йўлга бошлагани, инсонийликни улуғлашга чорлагани, зўравонлик ва адолатсизликни қоралагани тарихдан яхши маълум. Бу улуғ алломанинг эзгу ишларини давом эттириш, асарларини чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш мақсадида Қарши давлат университети қошида Абу Муин Насафий номида илмий марказ ташкил этсак, алломаларимиз меросини халқимизга, ёшларимизга кенг танитишда яна бир муҳим қадам қўйган бўламиз.

Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади.

Юртимиз заминиде кечган биринчи ва иккинчи Уйғониш даврларининг кўплаб ёрқин намояндалари ислом ва жаҳон цивилизациясига муносиб ҳисса қўшганларини алоҳида қайд этмоқчиман.

Диний бағрикенглик азал-азалдан ўзбек халқи менталитетининг ажралмас қисми бўлиб келади. Тарихнинг мураккаб даврларида юртимиз мусулмонлари православ христианлари ҳамда бошқа дин ва мазҳаб вакилларига меҳр-шафқат ва хайр-саховат кўрсатиб, беғараз ёрдам ва кўмак берганлар.


Бугунги осуда ҳаётимизнинг қадрига етиш, жамиятимизда ҳукм сураётган турли миллат ва элатлар, диний конфессиялар ўртасидаги бағрикенгликни, фуқаролар орасидаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш барчамизнинг асосий бурчимиздир.

Маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг “Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур”, деган сўzlари бугун ҳам долзарб аҳамиятга эга.

Бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка кўмаклашишга қаратилган ҳаракатларимиз бутун дунёга манзур бўлмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида “**Маърифат ва диний бағрикенглик**” деб номланган махсус резолюцияни қабул қилиш таклифи Ўзбекистон томонидан илгари сурилгани ва ушбу ҳужжатнинг қабул қилингани бунга яққол мисол бўла олади.

Муқаддас динимизнинг эзгулик, инсонпарварлик дини эканини, маънавиятга, илмга ундашини, ота-боболаримиз бунга беқиёс ҳисса қўшганларини тасдиқловчи илмий натижаларни кўриш ва янги тадқиқотларга замин яратиш биз учун асосий мақсаддир.

Юртимизда яшаётган барча миллат ва элатлар ўртасида ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, турли диний конфессиялар учун тенг ва қулай шароит яратишга қаратилган сиёсат бундан буён ҳам изчил давом эттирилади.



Таъкидлаб айтмоқчиман: агар кимки маънавият масаласи – бу фақат Маънавият ва маърифат маркази ёки тегишли вазирлик ва идораларнинг иши, деб ўйласа, хато қилади. Бу давлатимиз ва жамиятимиз, ҳамма раҳбарлар, бизнинг ишонган тоғимиз бўлган илғор зиёлиларимиз, барча-барчамизнинг энг асосий ва муҳим вазифамиздир.

Мана шу ҳақиқатни ҳаммамиз чуқур тушуниб, ўз фаолиятимизни шу асосда олиб борсак, маънавий-маърифий соҳада ўз олдимизга қўйган вазифаларни албатта муваффақиятли адо этамиз.



ОЛТИНЧИ БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН ВА УМУМБАШАРИЙ МУАММОЛАР

**Давримизнинг глобал муаммолари ва Ўзбекистон
таракқиёти**

**Иқлим ўзгаришлари, экологик бўҳронлар,
Орол ва она табиатни асраш зарурати**

**Радикализм, экстремизм ва терроризм – барқарор
таракқиёт кушандаси**

Коррупциядан холи дунё – умумбашарий орзу

Камбағаллик: умуминсоний ва миллий муаммолар

**Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси
ҳамда самарали миграция сиёсати**

**Пандемия таҳдиди ва унга қарши кураш
тажрибамиз**

XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларига келиб инсоният кўплаб умумбашарий муаммоларга дуч келди. Ушбу муаммолар ва уларнинг ечимларига доир масалалар бугунги кунда ниҳоятда долзарб бўлиб қолмоқда.

Ҳамкорликда изланиш ва ўзаро манфаатли қарорлар қабул қилиш – тинчлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлаш сингари эзгу мақсадларимизга эришиш имконини беради.



Давримизнинг глобал муаммолари ва Ўзбекистон тараққиёти

XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларига келиб инсоният кўплаб умумбашарий муаммоларга дуч келди. Ушбу муаммолар ва уларнинг ечимларига доир масалалар бугунги кунда ниҳоятда долзарб бўлиб қолмоқда.

Аввало, глобаллашув ҳодисасининг ўзи алоҳида мавзуга айланди ва бу ҳақда алоҳида глобалистика фани шаклланди. Глобал жараёнлар ва муаммоларнинг пайдо бўлиш тарихи, бугунги хусусиятлари ва даражалари, миллий ҳамда умуминсоний жиҳатлари билан боғлиқ масалаларга эътибор ортиб бормоқда.

Бизнинг мамлакатимиз учун ҳам бундай глобал масалалар ва уларнинг ечимларига доир муҳим вазифаларни адо этиш зарурати мавжуд, албатта. Бу борада нафақат глобал даража, балки миллий муҳитда, яъни мамлакатимиз ҳудудида ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ҳам талайгина.

Қамрови жиҳатидан глобал, аммо мамлакатимиз ҳаёти ва тараққиёти учун муҳим бўлган бундай муаммоларни ҳал қилишда куч ва имкониятларни бирлаштириш, умумий ва хусусий манфатларни уйғунлаштириш лозим. Бу эса, ўз навбатида, келажагимиз қиёфасини белгилайдиган глобал муаммоларнинг миллий ва минтақавий даражадаги ечимларини топишни пайсалга солмаслик зарурлигидан келиб чиқади.

Инсоният тарихининг ҳозирги даври ва бугунги дунё тараққиёти бундан 40–50 йил олдинги ҳаёт воқеликларидан кескин

фарқ қилади. Биз эндиликда глобаллашув жараёнлари ҳар томонлама авж олаётган, бутун жаҳонда у билан боғлиқ ўзгариш ва янгиланишлар шиддат билан содир бўлаётган замонда яшамокдамиз.

Халқаро майдонда турли манфаатлар тўқнашуви кучайиб бораётгани, жаҳон сиёсати ва иқтисодиётида муаммолар кескинлашаётгани, дунёнинг умумий манзарасини ўзгартириш тарафдорлари тобора ортиб бораётгани ҳозирги глобал дунё тараққиётига хос бўлган энг муҳим хусусиятлар сифатида намоён бўлмоқда.

Бундай мураккаб умумбашарий жараёнларни таҳлил қилишда турли мезонлар асосида ёндашиш мумкин ва лозим, албатта. Бу масалага кейинги йилларда жаҳоннинг ҳам сиёсий-иқтисодий, ҳам ижтимоий-маънавий тараққиётига сезиларли даражада таъсир кўрсатаётган чуқур янгиланиш ва ўзгаришлар таҳлили нуқтаи назаридан ёндашиш унинг кўпгина жиҳатларига бир қадар ойдинлик киритади.

Маълумки, XX асрнинг охирига келиб собиқ Иттифоқнинг емирилиши бутун ер юзи халқлари тақдирига жиддий таъсир кўрсатди. Хусусан, икки қутбли дунё барҳам топиб, юзаки қараганда, турлича тизим ва тузумда яшаётган халқлар ва давлатлар ўртасида ўзаро ишонч туғилгандек бўлди.

Натижада, шу пайтга қадар бир-бирида душман қиёфасини кўриб келган кўпгина халқлар ва давлатлар орасидаги муносабатлар илиқлашиб, ўзаро борди-келдилар анча жонланиб қолди. Бундай ҳолат деярли барча соҳаларда кўзга ташлана бошлади. Турли мақсад ва муддаоларни кўзлаган лойиҳалар, таълим, тиббиёт, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш сингари соҳаларга ҳамкорлик нафаси кириб келди.

Зиддиятли муносабатлар ҳамкорлик алоқалари билан алмашди. Хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидлар бугунги кунда муайян бир йирик қуролли можаро шаклида эмас, балки ҳар-

бий-сиёсий, иқтисодий, экологик ва инсон ресурсларига таъсир қилувчи ҳодисаларнинг салбий, таназзулга олиб борувчи оқибатлари шаклида намоён бўлиш эҳтимоли нисбатан юқори бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги вақтда дунёда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилиш, демократия ва қонун устуворлигини таъминлаш марказий ўринни эгалламоқда. Бу, ўз навбатида, мустақил демократик институтлар ва қонун устуворлигига таҳдидлар пайдо бўлишининг олдини олишда муҳим роль ўйнайди, албатта.

Шу билан бирга, айрим давлатларда бошқарувнинг заифлиги ва мамлакат барқарорлигини мустаҳкамлайдиган ишчан демократик институтлар фаолияти тўғри таъминланмагани бир қатор таҳдидларга замин яратмоқда. Хусусан, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг, шунингдек, кам сонли миллатларга мансуб шахслар ҳуқуқларининг мунтазам равишда бузилиши оқибатида муайян хатарлар пайдо бўлмоқда.

Хавфсизлик ва барқарорликка ижтимоий-иқтисодий ва экологик омиллар ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Фан ва техника соҳаларидаги глобаллашув, либераллашув ва ўзгаришлар, савдо, юксалиш ва тараққиёт давлатлар учун нафақат янги имкониятлар эшигини очмоқда, балки айрим ҳолларда бу мамлакатлар ўртасидаги ва ички ҳаётидаги иқтисодий тенгсизликнинг кучайишига ҳам олиб келмоқда. Глобаллашув натижалари ҳукуматлар ва халқаро институтлар томонидан қабул қилинган сиёсий қарорларга, шунингдек, хусусий сектор ва фуқаролик жамиятининг муносабатига боғлиқдир. Экологик муаммолар ҳам хавотирни кучайтирмоқда. Айни вақтда демографик жараёнлар ва аҳоли катта қисми соғлиғининг ёмонлашуви хавфсизликни таъминлашнинг муҳим муаммоларидан бирига айланмоқда.

Ҳарбий-сиёсий масалаларда очиқлик ва шаффофликнинг таъминланмаслиги жиддий салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Қурол-яроғлар назорати, уларни тарқатмаслик, қурол-сизланиш, ишонч ва хавфсизликни таъминлаш бўйича мавжуд битимлар, халқаро ҳуқуқий воситаларга тўлиқ ва ўз вақтида риоя қилмаслик умумий хавфсизликка сезиларли таъсир кўрсатаётгани кузатилмоқда.

Таҳдиднинг яна бир манбаи – террорчилар ва бошқа жиноий гуруҳларнинг ҳаракатларидир. Сўнгги йилларда содир этилган террорчилик ҳаракатлари бундай таҳдидларнинг тобора жиддий тус олаётганини яққол кўрсатмоқда. Шу билан бирга, таҳдидлар кўпинча бир мамлакатнинг ўзида пайдо бўлмайди, балки мазкур муаммо трансмиллий характерга эга. Улар жаҳондаги барча давлатлар хавфсизлигига ва мамлакатлардаги ижтимоий барқарорликка таъсир кўрсатади.

Бундай шароитда мамлакатимизнинг ҳарбий-сиёсий, иқтисодий ва экологик, шунингдек, инсон ресурслари хавфсизлиги бўйича сиёсатини янада мустаҳкамлаш зарурати кучаймоқда. Мавжуд ҳолатнинг таҳлили бу борадаги бир қатор муаммоларни аниқлаш имконини берди, бу эса, уларни самарали ҳал этишга қаратилган саъй-ҳаракатларни кучайтириш лозимлигини англатади.

Умуман, бугунги кунда давлатлар ва бевосита инсонларга таъсир кўрсатаётган таҳдидларнинг энг кенг тарқалган тури – давлатлараро ва давлатларнинг ички ҳаётидаги зиддиятлар натижасида юзага келган таҳдидлар бўлиб қолмоқда. Улар қаерда содир бўлмасин, кўшни ҳудудлар учун ҳам хавф туғдириши мумкин. Улар беқарорлик ва таҳдидларнинг яққол кўриниши бўлмиш экстремизм, терроризм, оммавий қирғин қуролларининг тарқалиши, керагидан ортиқча қурол-яроғларнинг йиғилиши ва уларнинг назоратсиз тарқалиши, инсон ҳуқуқларининг бузилиши, аҳолининг оммавий қувғин қилиниши ижтимоий-иқтисо-

дий муаммолар ва ноқонуний миграциянинг ўсишига олиб келмокда.

Ҳозирги кунда хавфсизлик соҳасидаги беқарор вазиятнинг асосий сабабларидан бири, таъкидлаб ўтилганидек, терроризм хавфидир. Терроризм, айниқса, хавфсизлик ва муҳофаа тизимларини четлаб ўтиш учун ассиметрик усулларга мурожаат қилиш қобилиятига эга экани сабабли ҳам тинчлик, барқарорлик ва давлат ҳокимияти учун асосий хатарлардан бири бўлиб қолмокда. Терроризмни ҳеч қандай сабаблар билан оқлаб бўлмайди.

Шу билан бирга, терроризм нафақат унинг иштирокчиларини, балки у вужудга келтирган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда глобал ёндашувни талаб этмокда.

Глобаллашув уюшган жиноятчилик билан боғлиқ таҳдид кўламининг кенгайишига сабаб бўлмокда. Айтиш керакки, уюшган жиноятчилик кўпинча ижро ва усуллар жиҳатидан терроризмга ўхшаб кетади. Одам савдоси, гиёҳванд моддалар, енгил ўқотар қуроллар, шунингдек, юқори технологияларнинг ноқонуний савдоси барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид солиши мумкин бўлган жинойий фаолиятдир. Чегараларнинг очиклиги, одамларнинг эркин ҳаракатлари, савдо алоқаларининг кенг йўлга қўйилиши халқаро ҳамкорлик учун фойдалидир, аммо ноқонуний миграция ўсиб бораётгани таҳдидларга сабаб бўлаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Кам сонли миллатларга мансуб шахслар ҳуқуқларининг мунтазам равишда бузилиши ва муросасизлик билан боғлиқ амалиётлар нафақат фуқаролар хавфсизлигига таҳдид солмокда, балки янада каттароқ можаро ва зўравонликларга олиб келаётганини барчамиз кузатмокдамиз. Бунинг замирида этник ва диний низолар, тажовузкор миллатчилик, шовинизм ва ксенофобия каби

ходисалар ётибди. Айни таҳдидлар, шунингдек, иркчилик, анти-семитизм ва экстремизм асосида ҳам пайдо бўлмоқда.

Шу билан бирга, ижтимоий-иқтисодий тенгсизликнинг чуқурлашуви, қонун устуворлигининг таъминланмагани, давлат ва корпоратив бошқарувнинг заифлиги, порахўрлик, оммавий қашшоқлик ва юқори даражадаги ишсизлик мамлакатларнинг хавфсизлиги ва барқарорлигига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Улар бошқа жиддий таҳдидлар учун замин яратмоқда. Атроф-муҳит мувозанатининг бузилиши, табиий ресурслардан номутаносиб фойдаланиш, чиқиндиларга бепарво муносабатда бўлиш, табиатни ифлослантириш – экотизимларга, аҳоли саломатлиги ва фаровонлигига, барқарорлик ва давлатлар хавфсизлигига таъсир қилиб, салбий оқибатларга олиб келмоқда.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бугунги кунда глобаллашаётган дунё ва минтақавий жараёнлар диалектикаси қонуниятларини англаш ва бу борадаги қоидаларга риоя қилиш масаласи янада долзарб бўлиб бормоқда.

Замонавий халқаро муносабатлар тизимида рўй бераётган кескин ўзгаришлар тобора ортиб бораётган беқарорлик ва кутилмаган ҳодисалар билан изоҳланади. Бунда, айниқса, улкан иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлган Осиё қитъаси ва Марказий Осиё мамлакатлари мураккаб жараёнларга дуч келмоқда.

Бу, аввало, юқорида таъкидлаб ўтилган экология, демография, миграция, ҳаёт ва таълим даражаси пастлиги билан боғлиқ муаммолардир. Улар, аслида, ижтимоий низоларнинг асосий манбаи, экстремизм ва терроризм мафкураси тарқалиши учун шароит яратадиган муҳитдир. Айниқса, ёшлар ўртасидаги радикаллашув жараёнлари кенг жамоатчиликда жиддий ташвиш уйғотмасдан қолмайди.

Глобаллашув жараёнида ахборот майдонидаги янгиликлар таъсири кучайиб, оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Барча соҳалар каби ахборот олиш ва уни етказиш, таъсирчан жамоатчилик фикрини шакллантириш борасида ҳам рақобат кескин тус олмоқда. Бундай мураккаб шароитда ҳаёт олдимизга янги-янги талаб ва вазифаларни қўймоқда.

Барчамиз жаҳондаги куч марказлари ўртасида рақобат кучайиб бораётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Боз устига, айрим экспертлар, бу жараён ҳатто ошқора қуролли тўқнашувга айланиб кетиши эҳтимолини ҳам инкор этмайди. Энг даҳшатлиси, жамоатчилик онгида ушбу глобал хатарнинг улкан хавфини ҳис қилиш даражаси сусайиб бормоқда.

Назаримда, бутун дунё сиёсатига хос бўлган бир хатарни, яъни ўзаро ишонч борасидаги инқирозни бартараф этиш ва хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлида, биринчи навбатда, инсон капиталини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш зарур.

Мамлакатимизнинг инсон капитални юқори бўлган демократик давлатлар қаторидан ўрин олишини таъминлаш Янги Ўзбекистон стратегиясининг туб мазмун-моҳиятини ташкил этади.

Бугунги кунда бутун дунёда, айниқса, Марказий Осиёда ўзаро ишонч муҳити ва хавфсизликни янада мустаҳкамлаш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим.

Биринчидан, ўзаро ижтимоий, иқтисодий, маънавий-маърифий алоқалар ва минтақавий муносабатларни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларни кучайтириш лозим.

Иккинчидан, бутун минтақанинг транзит ва иқтисодий салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш имконини берадиган устувор инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш зарур. Минтақа-

вий шерикликни бизнес даражасида ривожлантириш барқарор иктисодий тараққиёт драйвери ҳисобланади.

Учинчидан, Афғонистонда тинчликка эришиш Осиё минтақасидаги барқарорликнинг муҳим омилидир. Биз шу йўлдаги ҳар қандай форматдаги музокараларни қўллаб-қувватлаймиз. Афғонистонда тинчлик ўрнатиш ва ушбу мамлакатда йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш бутун минтақа учун янги стратегик имкониятлар яратишини яна бир бор қайд этмоқчиман.

Тўртинчидан, ёшларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шароит яратиш, улар ўртасида радикаллашувга қарши курашиш ва сифатли таълим олиш имкониятларини кенгайтириш ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Бешинчидан, илм-фан, таълим соҳалари ва маданий-гуманитар йўналишдаги ҳамкорликни янги босқичга кўтаришимиз лозим. Халқ дипломатияси доирасидаги алоқаларни, жумладан, туризм бўйича форумларни ташкил этиш орқали фаоллаштириш муҳим, деб ҳисоблаймиз. Шубҳасиз, бу халқларимиз ўртасида ишонч ва ўзаро англашувнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Олтинчидан, биз динлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, миллий маънавият ва маданиятларни ўзаро бойитиш масалалари бўйича тизимли мулоқотни йўлга қўйишга қаратилган аниқ таклифларни илгари сурганмиз.

Хусусан, Тошкентдаги Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси халқаро маркази ва Самарқанддаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази бунинг учун самарали мулоқот майдони бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Еттинчидан, бугунги кунда тобора кескин тус олаётган экологик хатарлар ҳам барқарор тараққиётга жиддий таҳдиддир. Жумладан, Орол муаммоси глобал миқёсдаги экологик ва гума-

ни тар ҳалокатдир. У аллақачон Оролбўйи аҳолиси генофонди, ҳаёти ва соғлиғи билан боғлиқ аянчли оқибатларга олиб келди. Орол инқирози оқибатларини бартараф этиш учун барча саъй-ҳаракатларни бирлаштириш лозим.

Юқорида қайд этилганидек, айти шу мақсадда Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ шафелигида донорлик маблағларини жалб қилиш ва Оролбўйи минтақасида аниқ лойиҳаларни амалга ошириш учун кўп томонлама шериклик асосидаги Траст фонди ташкил этилди. Оролбўйи ва денгизнинг қуриган тубида кўплаб ижобий ишлар амалга оширилмоқда, яшил ҳудудлар барпо этилмоқда, қатор лойиҳалар амалиётга татбиқ этилмоқда.

Барчамиз, хавфсизлик – яхлит тушунча, ишонч эса унинг фундаментал асоси эканини, яхши биламиз. Бу борада бутун дунё ва айниқса, Марказий Осиё минтақасидаги ҳамкорликнинг мавжуд динамикасини сақлаб қолиш жуда муҳим.

Шунинг учун, ўйлайманки, ҳамкорликда изланиш ва ўзаро манфаатли қарорлар қабул қилиш тинчлик, барқарорлик ва тарққиётни таъминлаш имконини беради.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, дунёни ўзгартирган глобаллашув жараёнлари унинг ранг-баранглиги билан бирга, яхлитлиги ва бир бутунлигини ҳам ҳаммамизга қайтадан эслатди.

Бошқача қилиб айтганда, ўз давлат мустақиллигини кўлга киритган Ўзбекистон географик қулай ўрни билан жаҳоннинг эътиборини тортаётгани, дунёнинг кўпгина давлатлари ва халқларининг манфаатлари айнан шу минтақада кесишгани кейинги пайтда яққол кўзга ташлана бошлади.

Кейинги йилларда фойдаланиш учун қулайлиги ва соддалиги, сифати ва пухталиги, тезкорлиги ва оммавийлиги бўйича устун бўлган кўплаб техника ва технологиялар тез суръатлар билан ом-малашиб бормоқда.

Халқаро тажриба алмашинув жараёнларининг бундай тарзда глобаллашуви бутун инсоният ҳаётида интеграциялашувни тобора кучайтирмоқда.

Бошқа томондан эса, глобаллашув жараёнлари эндиликда ўзаро ҳамкорлик тамойилларига таяниш тараққиёт ва ривожланишнинг ғоят муҳим ва ҳал қилувчи мезонларидан бири эканини тасдиқлади. Натижада барча жабҳаларда интеграция жараёнлари, инновацион ўзгаришларни жадаллаштириш давлат ва жамият бошқарувининг энг асосий йўналиши сифатида намоён бўлмоқда.



Иқлим ўзгаришлари, экологик бўҳронлар, Орол ва она табиатни асраш зарурати

Маълумки, 5 июнь БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Халқаро атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни сифатида белгиланган. Мазкур сана жаҳон ҳамжамияти эътиборини атроф-муҳит муаммоларига қаратиш, экология муҳофазасига жиддий муносабатда бўлиш туйғусини уйғотишга хизмат қилади.

“Биз истеъмол қиладиган маҳсулотлар, биз нафас оладиган ҳаво, биз ичадиган сув, биз яшайдиган сайёрага ҳаёт бағишловчи иқлим – барчаси табиат туфайли. Устига-устак, ҳозир табиатнинг ўзи бизга ишорат бермоқда – ўз ҳақимизда қайғуриш учун, аввало, табиатга ғамхўрлик қилишимиз керак.

Ҳозир – Уйғониш даври. Муаммоларни пайқаш учун, овозимизни кўтариш учун... Инсоният учун, Ер сайёраси учун яхшироқ муҳит яратиш вақти. Бу халқаро атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни – табиат вақтидир”, дейилади “Халқаро атроф-муҳитни муҳофаза қилиш – 2020” кун тартибида.

БМТ Атроф-муҳит дастури маълумотларига кўра, инсон фаолияти Ер курраси қуруқлик қисмининг тўртдан уч қисми, сув ҳавзаларининг учдан икки қисмидаги экологик муҳитни сезиларли даражада ўзгартирган.

Кейинги беш йил ичида яшил ўрмонларнинг 32 миллион гектар майдони инсон омили натижасида қисқарган.

Сўнгги 150 йил давомида глобал исиш туфайли сув хавзаларидаги маржон қояларидан иборат тирик қоплама икки баробар камайган – улар қуриб, рангсизлашиб бормокда.

Дунё океанларининг шўрланиш даражаси ортиб бормокда. Музликлар катта тезлик билан эримокда. Бу – океан сувларининг ортиши ва сув бўйига яқин ҳудудларнинг сув остида қолиши эҳтимолини оширади, иссиқликнинг намликка нисбати бузилишига сабаб бўлади.

Ёввойи ҳайвонот дунёси қирилиб кетмокда – кейинги 10 йил ичида ёввойи жониворлар турларининг ранг-баранглиги чорак қисмга қисқариши мумкин.

Тупроқ, сув ва ҳавонинг ҳаддан зиёд ифлосланиши, иқлим ўзгариши, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидаги ташвишли ўзгаришлар экологик муаммони тараққиётга юз тутаётган мамлакатларнинг хавфсизлигига жиддий таҳдид солаётган омиллардан бирига айлантормокда.

Шу боисдан барча ҳукуматлар ўз мамлакати ҳудудида экологик барқарорликни таъминлаш масаласига алоҳида эътибор билан қарамокда.

Ўзбекистонда ҳам экологик муаммолар жиддий ташвиш туғдирмокда. Аксарият ҳудудларимизда тупроқ таркиби бузилиб, унумдор ерлар қисқариб бормокда, чўлланиш, сув етишмаслиги, қурғоқчилик, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш жиддий муаммоларни келтириб чиқармокда. Уларни ҳал этиш мақсадида, масалан, Учқудук тумани, Навоий ва Зарафшон шаҳарларида ҳар йили камида 100 минг тупдан мевали ва манзарали дарахтлар экилади ҳамда “яшил белбоғ” яратилади. Конимех, Томди ва Учқудукда жами 100 минг гектар майдонда “яшил қоплама-лар” барпо қилинади.

Шу билан бирга, Томдида 55 минг гектар майдонда “Октоғ” ва Учқудукда 1,2 миллион гектар майдонда “Марказий Қи-

зилкум” кўриқхоналари ташкил этилади. Саноат корхоналарининг атмосферага зарарли таъсирини камайтириш мақсадида алоҳида дастур қабул қилиниб, амалга оширилади. Бунда 600 дан ортиқ чанг тозалаш ускуналари ўрнатилади ва модернизация қилинади.

Аҳолининг кундалик ҳаёти ва кайфиятини яхшилашнинг муҳим омили бўлган яшаш шароитларини янада қулай қилиш эътиборимиз марказида бўлади. Бунда, масалан, авваламбор, 2022–2026 йилларни Сурхондарёда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш беш йиллиги деб эълон қиламиз.

Ҳозирги вақтда Орол фожиаси туфайли 5,5 миллион гектардан ортиқ майдонда Оролқум саҳроси пайдо бўлди. Ҳар йили 100 миллион тонна қум ва туз ҳавога кўтарилмақда. Бу эса, Орол ҳалокати глобал муаммо эканини яна бир бор исботламоқда.

Бу фожианинг оқибатларини юмшатиш, келгусида инсониятни бундай офатлардан огоҳ этиш учун барча чораларни кўришимиз керак. Бу борада табиат билан уйғун бўлишга интилиб яшаган аждодларимизнинг тажрибасига таянган ҳолда, **Оролбўйини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди сифатида эълон қилиш бўйича БМТ Бош Ассамблеясининг резолюциясини ҳаётга татбиқ этиш борасида қуйидаги тизимли ва комплекс чора-тадбирларни амалга оширишимиз лозим:**

❖ Орол денгизининг қуриган тубида қўшимча 500 минг гектар яшил майдонлар барпо этиб, уларнинг умумий ҳажмини 2,5 миллион гектарга ёки ҳудуднинг 78 фоизига етказиш;

❖ Оролбўйида халқаро “Яшил иқлим” ва “Глобал экологик жамғарма”ларнинг биохилма-хиллик, иқлим ўзгариши ва тупроқ емирилишининг олдини олишга қаратилган дастурлари асосида 300 миллион долларлик лойиҳаларни амалга ошириш;

❖ хонадон, кўча, маҳалла, қишлоқ ва шаҳарларда йўл бўйлари ва дала четларига ҳар йили камида 200 миллион туп дарахт экиш,

худудларимиз иқлимига мос кўчатларни етиштириш, суғориш ҳамда парвариш қилиш тизими асосида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга оширишга устувор аҳамият бериш;

❖ Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида “Янги Ўзбекистон боғи” намунаси асосида камида 50 гектар майдонда “яшил боғлар” барпо этиш. Шаҳарлар ва туман марказларида ҳар 50–100 минг аҳоли учун “яшил жамоат парклари”ни ташкил этиш;

❖ дарахтларни ноқонуний кесишга муддатсиз мораторий жорий қилиб, парклар ва “яшил зоналар” ҳудудини бошқа мақсадлар учун ишлатишни қатъиян тақиқлаш.

Шунингдек, Қорақалпоғистонда “яшил ҳудудлар”ни кўпайтиришга қаратилган ишлар изчил давом эттирилади. Келгуси беш йилда Оролнинг қуриган ҳудудида яна 1 миллион гектар ўрмонзор ва бутазорлар барпо этилади. Натижада Қорақалпоғистонда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдони 4 миллион гектарга етказилади.

Оролбўйи ҳудудида соғлиқни сақлаш, таълим, ичимлик суви таъминоти, ёшлар тадбиркорлиги, аёллар бандлиги йўналишларидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигидаги Траст жамғармасига жами 1 миллиард доллар грант ва имтиёзли кредитлар жалб қилинади.

Маълумки, 2021 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан Оролбўйи минтақаси “Экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди” деб эълон қилинди.

2022 йил сентябрь ойида Оролбўйи Халқаро форумини ўтказамиз. Келгусида мазкур Форум ҳар икки йилда ўтказиб борилади. Ушбу тадбирга хорижий давлатларнинг ҳукуматлари вакиллари, нуфузли хорижий компания ва инвесторлар, халқаро хайрия жамғармалари ва молиявий ташкилотлар раҳбарлари таклиф этилиб, натижаси бўйича аниқ йўналишлар,

лойиҳа ва ташаббусларни молиялаштиришга маблағлар жалб қилинади.

Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, атроф-табiiй муҳитга, аҳоли соғлиғи ва генофондига путур етказувчи экологик муаммоларнинг олдини олишни ўз фаолиятимизнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб олган эдик.

2019 йил 9 октябрда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган, 11 октябрь куни Сенат томонидан маъқулланган “Ўзбекистон Республикасининг Биологик хилма-хиллик ҳақидаги Конвенциянинг биохавфсизлик бўйича Картахена протокоliga қўшилиши тўғрисида”ги қонун имзоланди. Ушбу Протокол 2000 йил 29 январда Монреаль шаҳрида қабул қилинган бўлиб, ҳозирга қадар унга 171 та давлат ҳамда халқаро ташкилот сифатида Европа Иттифоқи қўшилган. Мазкур Конвенциянинг асосий мақсади маданий ўзини ифодалашнинг турли хил шакллари ни ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш, ушбу соҳада халқаро ҳамкорлик ҳамда ҳамфикрликни мустаҳкамлаш асосида турли маданиятларнинг эркин ҳамкорлиги учун шарт-шароитларни яратишдан иборат.

2019–2028 йилларда Ўзбекистонда Биологик хилма-хилликни сақлаш стратегияси ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилмоқда. Унинг асосий мақсади Биологик хилма-хиллик Конвенцияси талабларини амалга оширишдан иборат.

Унга кўра, биологик хилма-хилликни сақлаш ва ундан барқарор фойдаланиш, экологик тизимларни муҳофаза қилишни, озиқ-овқат хавфсизлигини, аҳоли учун қулай шарт-шароитлар яратишни, мамлакат барқарор ривожланишини таъминлаш учун 2030 йилгача Миллий стратегик мақсадлар белгиланди.

Барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш борасида иқлим ўзгариши ва унинг оқибатларига қарши курашиш, куруқлик экотизимларини ҳи-

моялаш ва тиклаш, улардан оқилона фойдаланишга кўмаклашиш, ўрмонлардан оқилона фойдаланиш, чўлланишга қарши курашиш, ерларнинг емирилишини тўхтатиш ва қайта тиклаш, биохилма-хилликнинг йўқолиб кетиш жараёнини тўхтатишга қаратилган ишлар босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда.

Аҳолини, айниқса, қишлоқ жойларида ичимлик суви билан таъминлаш масаласи ҳамон долзарб бўлиб турибди. Маиший чиқиндиларни алоҳида йиғиш, қайта ишлаш ва утилизация қилиш масаласи ҳам олдимизда турган энг оғир муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Шу билан бирга, собиқ тузум даврида узоқни ўйламасдан қурилган, бугунги кунда айрим вазирлик ва идоралар, тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлатиб келинаётган саноат иншоотлари ҳам замонавий экологик талабларга жавоб бермайди.

Энг муҳим масала – аҳолининг экологик маданиятини ошириш ҳақида жиддий бош қотиришимиз зарур. Албатта, бундай муаммоларни фақат маъмурий йўл билан ҳал этиб бўлмайди, бунга ёш авлод қалбида она табиатга меҳр-муҳаббат, унга дахлдорлик ҳиссини тарбиялаш орқали эришиш мумкин.

Айни пайтда, ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмонлар, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш соҳасидаги фаолият самарасини янада ошириш чораларини кўриш лозим.

Юртимизда ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларини, уларнинг хилма-хиллигини, табиий туркумлари яхлитлиги ҳамда яшаш муҳитини сақлаш учун зарур шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратиш даркор.

Ушбу йўналишда фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда ом-

мавий ахборот воситалари билан жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишда ҳамкорлик қилиш самарасини таъминлашга доир мувофиқлаштириш ишларини тизимли йўлга қўйиш зарур.

Мамлакатимизда “яшил иқтисодиёт” принциплари асосида юртимизнинг жадал ривожланишини таъминлашга йўналтирилган ижтимоий-экологик сиёсат олиб бориш кутилган натижани беради.

Бу борада мамлакатимизнинг тўлиқ “яшил иқтисодиёт”га ўтишига асос бўлувчи “яшил” энергетика, “ақлли” қишлоқ хўжалиги тамойилларини янада кенгроқ жорий этиш вазифаси ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда.

Экологик тоза транспорт воситалари миқдорини ошириш ва экологик жиҳатдан яхшиланган тавсифларга эга мотор ёқилғиси ва автотранспорт воситалари ишлаб чиқариш ҳамда улардан фойдаланишни кенгайтириш, шунингдек, электр транспортини ривожлантириш ҳам бу борадаги долзарб масалалар сирасига киради.

“Яшил” технологиялар соҳасидаги илмий тадқиқотлар ва инновацион ишланмаларни қўллаб-қувватлаш, саноат корхоналарининг шундай технологияларга ўтишини рағбатлантириш ва бу жабҳада “яшил молиялаштириш” тизимини ривожлантириш лозим.

Иқлим ўзгариши оқибатларини енгиб ўтиш, “яшил” тикланиш ва углерод нейтраллигини таъминлаш, шунингдек, БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ва Иқлим бўйича Париж битими қоидаларини бажариш, Орол денгизи ҳалоқатининг глобал оқибатларини енгиб ўтиш бу борадаги устувор вазифалардан бири сифатида муҳим аҳамиятини сақлаб қолмоқда.

Шу муносабат билан биз мазкур йўналишдаги ишларни, шу жумладан, махсус ташкил этилган БМТнинг Траст жамғармаси, Яшил тараққиёт глобал институти, “P4G” шериклик платформа-си ва бошқа халқаро институтлар доирасида биргаликда амалга ошираётган ишларимизни янада фаол давом эттиришни мақсад қилиб қўйдик.

Бунда, аввало, “яшил” ва барқарор тараққиётга хизмат қиладиган самарали қарорлар қабул қилиш учун бутун халқаро ҳам-жамиятнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш зарур. Айни пайтда, минтақада иқлим ўзгаришлари, буғланиш даражасини оширувчи газлар ва атмосфера ифлосланиши муаммолари таъсирида трансчегаравий дарёлар оқими ва биологик хилма-хиллик қисқараётгани муносабати билан жиддий хавотирлар пайдо бўлмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон Париж битими доирасида 2030 йилга қадар иссиқхона газларини атмосферага чиқаришни қисқартириш бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажаришга содиқлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Шу муносабат билан “яшил” технологияларни кенг жорий қилиш ва “яшил” энергетика соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш орқали Ўзбекистонда яқин ўн йилда қайта тикланадиган энергия манбалари улушини 3 баробардан зиёдга кўпайтириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Шу билан бирга, замонавий ресурс тежовчи ва экологик тоза технологияларни кенг жорий этиш мақсадида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг “Яшил белбоғ” дастурини ишлаб чиқиш бўйича ташаббусимизни илгари суришда давом этамиз.

Умуман, ушбу соҳадаги мақсад ва вазифаларимиз қуйидагилардан иборат бўлади:

❖ биохилма-хиллик масалаларини давлат ҳокимияти бошқаруви органлари ва бутун жамият фаолиятига киритиш;

❖ биохилма-хилликка тўғридан-тўғри путур етказувчи омилларни қисқартириш, унинг компонентларидан озик-овқат ландшафтларида барқарор фойдаланиш;

❖ муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тизимини ривожлантириш, экотизим хизматлари томонидан таъминланадиган афзалликлар ҳажминини кўпайтириш;

❖ салоҳиятни режалаштириш, яратиш ва молиялаштириш механизмларини ривожлантириш йўли билан биологик хилма-хилликни сақлаш ва ундан барқарор фойдаланиш самарадорлигини ошириш.

Биологик хилма-хиллик мавзуларини давлат ҳокимияти бошқаруви органлари ва бутун жамиятнинг фаолиятига киритиш учун:

❖ атроф-табиий муҳит давлат мониторинги тизимини такомиллаштириш, биологик хилма-хиллик компонентлари мониторинги билан кенг қамраб олиш ҳисобига унинг мазмун-моҳиятини кенгайтириш;

❖ биологик хилма-хиллик кадриятлари ва экотизим хизматлари тўғрисида давлат ҳокимияти бошқаруви органлари, шунингдек, жамиятнинг барча қатламлари хабардорлиги ва билиминини ошириш;

❖ биологик хилма-хилликлар қиймати ва экотизимлар хизматларини иқтисодий баҳолашни ишлаб чиқиш ва унинг механизмларини режалаштириш жараёнига киритиш;

❖ ташкилий-техник, технологик ечимларни ўз ичига оладиган давлат экологик экспертизаси доирасида табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари иерархиясини назарда тутувчи атроф-муҳитга таъсир тўғрисидаги баёнотлар лойиҳаларига халқаро талабларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш зарур.

Биологик хилма-хилликка тўғридан-тўғри путур етказувчи омилларни қисқартириш ва унинг компонентла-

ридан озик-овқат ландшафтларида барқарор фойдаланиш учун:

биринчидан, энг заиф табиий экологик тизимлар таназзули ва фрагментацияси суръатларини пасайтириш бўйича комплекс чоралар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини;

иккинчидан, такомиллаштирилган ҳуқуқий ва методик асосда сув ҳавзалари ва бошқа экотизимларнинг биологик ресурсларидан барқарор фойдаланишни таъминлаш зарур.

Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тизимини ривожлантириш, экотизимлар хизматлари билан таъминланадиган афзалликлар ҳажмини кўпайтириш учун:

❖ муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тизимини муқобил ва самарали бошқариш ва табиий боғлар, комплекс буюртма-хоналар ҳисобига табиий ҳудудлар майдонини кенгайтиришни;

❖ озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигини юритиш учун фойдаланиладиган биологик хилма-хиллик компонентларини сақлаш ва улардан барқарор фойдаланиш давлат дастури ишлаб чиқилишини таъминлаш зарур.

Узоқ муддатли истиқболда барқарор ривожланишга эришиш учун биологик хилма-хилликни сақлаш ва ундан барқарор фойдаланиш масалаларини зарур ташкилий ва молиявий ресурслар яратилган ҳолда, иқтисодиётнинг барча секторларини миллий ривожлантириш режаларига киритиш долзарб вазифаларимиздан ҳисобланади.

Шунингдек, иқтисодий ривожланиш, аҳоли сони ва табиий ресурсларга бўлган талабининг ўсиши шароитларида фақат “яшил иқтисодиёт” принципларига амал қилиш мамлакатнинг экологик хавфсизлигини, тупроқнинг узоқ муддатли маҳсулдорлигини таъминлашга, биологик хилма-хилликни ва экотизимларнинг асосий хизматларини сақлаб қолишга қодирдир.

Биологик хилма-хилликнинг сақлаб қолиниши ва ундан барқарор фойдаланишни таъминлаш куйидаги асосий йўналишларни амалга ошириш билан боғлиқдир:

❖ биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш ва ундан барқарор фойдаланиш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

❖ ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектлари давлат кадастри ва мониторинги юритилишини такомиллаштириш;

❖ ушбу соҳага оид сиёсатни шакллантириш ва комплекс қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган биологик хилма-хилликнинг ҳолати ва аҳамияти тўғрисидаги замонавий илмий ахборотларни такомиллаштириш;

❖ муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тизимини ривожлантириш;

❖ ҳайвонлар ва ўсимликларнинг камёб ва йўқолиб бораётган турларини тиклаш тадбирларини амалга ошириш;

❖ ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларидан ноқонуний фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш;

❖ экологик туризмни ривожлантириш;

❖ аҳолининг биологик хилма-хиллик тўғрисидаги билимлари ва экологик маданияти даражасини ошириш.

Шу билан бирга, Орол денгизининг қуриган тубида ўрмон-мелиоратив ишларни амалга ошириш ҳамда тоғ массивлари ва тўқайларининг ўрмонлар билан қопланишини таъминлаш йўли билан Оролбўйини экологик соғломлаштириш, давом этаётган фожиаги жараённинг олдини олишга қаратилган тадбирлар долзарб ҳисобланади.

Орол денгизининг қуриган тубида экологик вазиятни яхшилаш мақсадида ўрмонзорлар барпо этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Орол денгизининг қуриган тубида

“яшил майдончалар” – ҳимоя зоналари барпо этиш ишларини ушбу ҳудуд тўлиқ ўрмон билан қоплангунга қадар давом эттириш лозим.

Экологик туризм Ўзбекистонда ривожланаётган ва истиқболли тармоқ ҳисобланади. Экологик туризм катта иқтисодий даромад келтиришга қодир.

Мазкур вазифаларнинг бажарилиши мамлакатимизда экологик барқарорликни мустаҳкамлайди, атроф-муҳитни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга, келажак авлодларга безавол етказишга ёрдам беради.



Радикализм, экстремизм ва терроризм – барқарор тараққиёт кушандаси

XXI асрда глобаллашув жараёнларининг жадаллашуви ва бутун халқаро муносабатлар тизимининг тубдан ўзгариши, хавфсизликка таҳдидлар доирасининг кенгайиши, хусусан, экстремизм, радикализм ва халқаро терроризмнинг кучайиши каби ҳолатлар яққол кўзга ташланмоқда.

Экстремизм билан боғлиқ таҳдидлар трансмиллий характерга эга бўлиб, бу иллат ўз хавфининг кўлами бўйича бутун дунё ҳамжамиятини ташвишга солмоқда. Бу фақат маҳаллий ёки минтақавий муаммо бўлиб қолмай, пайдо бўлиши ва ривожланиш хусусиятлари, мақсад ва вазифалари, ташкилий тузилиши ва фаолияти, психологик ва ижтимоий шакллари жиҳатидан глобал ҳодисага айланган.

Экспертларнинг хулосаларига кўра, сўнгги 10 йил ичида диний экстремизм ва терроризм туфайли дунё иқтисодиёти 583 триллион АҚШ доллари миқдорида зарар кўрган бўлса, 15 йил ичида 100 мингдан зиёд бегуноҳ инсонлар террорчилик ҳужумлари оқибатида ҳалок бўлган.

Фақатгина 2019 йилнинг ўзида дунё бўйича зўравонлик, экстремизм ва терроризмнинг умумий салбий глобал таъсири – шунга эътибор беринг – 14,1 триллион АҚШ долларини ёки жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 11,2 фоизини, иқтисодий зарар – 33,19 миллиард АҚШ долларини ташкил этган.

Шу сабабдан ҳам, жаҳон ҳамжамиятининг экстремистик оқимларнинг глобаллашувини бартараф этиш бўйича саъй-ҳаракатлари борган сари кучайиб бормокда. БМТ, ЕХХТ, ШХТ, МДХ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида ушбу соҳада юздан ортиқ қарор, шартнома ва ҳаракат режалари қабул қилинди. Хусусан, БМТнинг глобал аксилтеррор стратегияси ва тажовузкор экстремизмнинг олдини олиш бўйича ҳаракат режаси, ЕХХТнинг терроризмга олиб келувчи экстремизм ва радикаллашувнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тўғрисидаги декларацияси, Экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги конвенция, Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш бўйича ҳамкорлик концепцияси, шунингдек, ШХТга аъзо давлатларнинг ушбу хатарларга қарши кураш бўйича ҳамкорлик дастури, МДХга аъзо давлатларнинг терроризм ва экстремизмнинг тажовузкор кўри-нишларига қарши кураш борасидаги ҳамкорлик дастури ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинган.

Умуман, жамиятдаги муаммо ва можароларнинг узок вақт мобайнида ҳал этилмай қолиши, қонунсизликнинг авжига чиқиши, инсон ҳуқуқларини менсимаслик ва уларнинг поймол этилиши, фуқароларнинг фаол ижтимоий-иқтисодий ҳаётдан четда қолиши, этник келиб чиқиши ёки миллий-диний сабаблар бўйича камситилиши каби иллатлар бир бўлиб, ғоя ва қарашларнинг салбий томонга ўзгариб кетиши ва аламзадалиқ кайфиятининг экстремистик ҳаракатларга айланишига сабаб бўлаётгани кузатилмокда.

Шу боис БМТнинг Тажовузкор экстремизмнинг олдини олиш бўйича ҳаракатлар режасида “терроризмга қарши курашда нафақат хавфсизлик чораларини кўриш, балки экстремизмни келтириб чиқарадиган ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган тизимли чораларни қўллаш” зарурлиги ҳам алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Радикал ғоялар ва кескин хатти-ҳаракатларга мойиллик ёшлар, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож энг заиф қатлам вакиллари ўртасида юқорилигича қолмоқда. Экстремистик ва террористик ташкилотлар ўз сафларига янги издошларини ёллаш жараёнида муқаддас диний ақидаларни бузиб талқин қилиш баробарида, психологик ҳийла-найранглардан ҳам фойдаланмоқда. Шунинг учун динга ҳеч қандай алоқаси бўлмаса-да, диний урф-одатларга қатъий амал қилмаса-да, руҳий жихатдан беқарор одамлар мазкур жинойт гуруҳларнинг тузоғига илиниб қолмоқда.

Экстремизм ва терроризм табиатан турли йўналишда, яъни, қуролли гуруҳларда бевосита иштирок этишдан тортиб, то сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий даражадаги радикализмни қўллаб-қувватлашга қадар намоён бўлмоқда. Радикал гуруҳларнинг мавжудлигидан айрим давлатлар ва уларнинг олий даражадаги сиёсатчилари манфаатдор экани ҳам кузатиш мумкин.

Қайд этиш лозимки, радикаллашув, терроризм ғояларининг тарқалиши жамиятнинг тинчлиги ва осойишталигига таҳдид солувчи асосий хавф-хатар ва муаммолардан бири ҳисобланади. Радикализм – терроризмга олиб боровчи сўнгги босқич.

Айниқса, ёшлар ўртасидаги радикаллашув жараёни катта ташвиш уйғотмоқда. Экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жинойтларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилаётганини, бутунги дунё ёшлари сон жихатдан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлод бўлиб, улар 2 миллиард кишини ташкил этишини эътиборга олсак, масаланинг нақадар жиддий эканини тушуниш қийин эмас.

Ҳозирги кунда экстремизм ва терроризм халқаро ҳамжамиятга ҳам, Марказий Осиё давлатлари, жумладан, Ўзбекистонга ҳам таҳдид солишда давом этмоқда.

Бугунги кунда ижтимоий-маънавий муҳитни ва аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, ёшларни турли диний экстремистик оқимлар таъсиридан асраш масаласи барча давлатлар учун энг асосий вазифа бўлиб турибди.

Марказий Осиё ҳудудидаги диний-сиёсий вазият, унга таъсир қилаётган омилларни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижалари соҳа бўйича ҳолат динамик хусусиятга эга эканлиги, ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда салбий омиллар ҳам вужудга келаётганини кўрсатмоқда.

Минтақа давлатлари жаҳон ҳамжамиятининг бир қисми сифатида динлар ва конфессиялараро зиддиятларнинг кириб келиш хавфига ҳамда Марказий Осиёда радикал диний оқимлар фаоллиги ўсишига дуч келмоқда.

Диний радикализм ва экстремизм Марказий Осиё давлатларининг конституциявий асосларига, мамлакатни ривожлантиришнинг дунёвий принципларига, халқларнинг маънавий қадриятларига таъсир кўрсатмоқда.

Экстремистик ва террористик ташкилотлар сохта ғояларни асл диний қадриятлар сифатида талқин қилиш орқали инсон ҳуқуқи ва эркинликларини оёқ ости қилиш, инсониятнинг диний, маданий-маърифий меросига жиддий зарар етказиб, динлар орасига нифоқ солишга ҳамда динлараро муносабатларга путур етказишга ҳаракат қилмоқда.

Халқаро миқёсда диндан “юмшоқ куч” воситаси сифатида фойдаланиб, сиёсий, маданий ва гуманитар таъсир зоналарини кенгайтиришга уринишлар кузатилмоқда.

Шу билан бирга, диний билим олишга интилаётган, аммо диний таълимот бўйича тасаввурга эга бўлмаган ёшларнинг радикаллашув хавфи юқориликгича қолмоқда. Минтақа мамлакатлари ёшлари орасида диний таълим олиш учун чет давлатларга кетиш ва натижада диний экстремистик оқимлар ва халқаро

террорчи ташкилотлар сафига кириб қолиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Ноқонуний тарзда диний таълим бериш ҳолати ўсиб бормоқда ва бу Марказий Осиё мамлакатларидаги, жумладан, Ўзбекистондаги диний вазиятга ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда. Сўнгги йилларда бу борада белгиланган қонун талабларини бузиш ҳолатлари кўзга ташланмоқда.

Минтақа аҳолисининг бир қисми дунёвийликни атеистик тизим дея нотўғри талқин қилмоқда. Экстремистик ташкилотларнинг ёт ғояларига қарши кураш айрим кишилар томонидан жамият ҳаётида диннинг ролини пасайтириш, деб баҳоланмоқда.

Айрим диндорлар орасида Конституцияга риоя қилиш ва жамият олдидаги мажбуриятларидан бош тортиш ҳолатлари кузатилмоқда. Уларнинг қонунларга, давлат рамзларига, халқларнинг миллий-маънавий анъана ва қадриятларига, шунингдек, умумэътироф этилган хулқ-атвор меъёрларига нисбатан ҳурматсизларча муносабатда бўлиш ҳолатлари тез-тез учрамоқда.

Экстремистик ташкилотлар ва мутаассиб гуруҳлар, ҳатто баъзи дин вакиллари сиёсат билан дин ажралмасдир, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари ислом дини қоидалари асосида бошқарилиши керак, деган демократия тамойилларига зид даъволарини кун тартибига киритишга ҳаракат қилмоқда. Диний меъёрлар доирасини асоссиз кенгайтириш, давлат бошқариши лозим бўлган соҳаларга диний меъёрларни киритиш талаблари қўйилмоқда.

Диний экстремизм мафкураси оммавий онгга глобал ахборот-коммуникация тармоқлари, жумладан, Интернет, замонавий электрон дастурий таъминотлар орқали кучли ахборот-психологик босим ўтказмоқда.

Экстремистик мафкура ва ғоялар ижтимоий тармоқлар, видеороликлар ва адабиётларни ноқонуний ишлаб чиқариш ва тарқатиш орқали жамиятга, айниқса, ёшларга салбий таъсир

кўрсатмоқда. Натижада радикал диний мафкуранинг бузғунчи ахборотлари таъсири остида жамоатчилик онги бузилмоқда, фуқароларнинг давлатга ишончи сўниб, ватанпарварлик ва ҳамжихатлик туйғулари йўқолмоқда, кадриятлар ва ахлоқий меъёрлар ўзгармоқда, оилалар таназзулга учрамоқда.

Тақиқланган диний материалларнинг Интернет тармоғида тарқалишининг олдини олиш бўйича ишлар самарадорлиги етарли даражада эмаслиги бундай материалларни сақлаш ва тарқатиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўлмоқда.

Коронавирус инфекциясининг минтақа давлатлари ҳудудига кириб келиши, унинг оқибатларини юмшатиш мақсадида жорий этилган қатъий карантин чоралари натижасида кўплаб аҳоли қатламлари асосий вақтини ўз уйларида, Интернет ва ижтимоий тармоқларда ўтказишга мажбур бўлди. Бунинг натижасида аҳоли орасида тармоқдаги бузғунчи ғоялар таъсирига тушиш ҳолатлари сезиларли равишда ортган, тақиқланган диний оқимлар аъзолари эса ўз “жамоати” йиғилишларини шароитга мослаган ҳолда, мобиль иловалар орқали ўтказиш йўлига ўтган.

Узоқ муддатга чет элга чиқиб кетган шахслар яқин қариндошлари ва жамоатчилик назоратидан четда қолиши, ҳаёт тажрибасига эга бўлмагани ва мутаассибликка мойиллиги сабабли халқаро террорчилик ташкилотларига ёлловчи кимсалар таъсирига тушиб, ҳарбий ҳаракатлар олиб борилаётган кескинлик ўчоқларидаги жангарилар сафларига қўшилиб қолмоқда.

Шундай мураккаб ва таҳликали вазиятда биз учун оилаларимиз, маҳаллаларимизда, бутун жамиятимизда соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, ёшлар тарбияси билан жиддий шуғулланиш, тинч-осуда ҳаётимизни издан чиқаришга, муқаддас динимиздан ғаразли мақсадларда фойдаланишга йўл қўймаслик вазифала-

ри бугунги кунда қандай улкан аҳамият касб этаётгани ҳақида, ўйлайманки, ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ.

Нега деганда, айнан шу масалалар бизнинг бугунги ва эртанги кунимизни, фарзандларимиз, набираларимиз тақдири ва келажagini, бир сўз билан айтганда, ҳаёт-мамотимизни ҳал қилиши ҳеч кимга сир эмас.

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб виждон эркинлигини таъминлаш масаласига устувор аҳамият берилди. Жумладан, муқаддас динимиз, миллий қадриятларимизни, буюк азиз-авлиёларимизнинг хотираси, меросини тиклаш, қадамжоларини обод қилиш бўйича жуда кўп иш қилинди ва қилинмоқда.

Қиёслаш учун фақатгина баъзи бир мисолларни келтирмоқчиман. Собиқ мустабид тузум даврида юртимизда 80 га яқин масжид фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 2 минг 99 тани ташкил этмоқда.

Ўша қарамлик йилларида Ўзбекистонда санокли кишиларгина ҳаж қилиш имкониятига эга бўлган, холос. Мустақиллик йилларида эса ҳар йили 5 мингдан зиёд юртдошимиз, эндиликда эса йилига 7 минг 200 нафар фуқароларимиз муборак ҳаж сафарини амалга ошириш имконига эга бўлдилар.

Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси халқаро маркази, Халқаро ислом академияси, Бухорода – Мир Араб олий мадрасаси, Термизда – Имом Термизий илмий-тадқиқот маркази, Самарқандда – Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, ҳадис илми мактаби, калом ва ҳадис, Бухорода – тасаввуф, Қашқадарёда – ақида, Фарғонада – фикҳ илмий мактаблари ташкил этилди.

2022 йили Бухородаги Мир Араб олий мадрасаси фаолият бошлаганига ҳижрий йил ҳисоби бўйича 500 йил тўлади. Ана

шу қутлуғ санани халқаро миқёсда нишонлашга албатта алоҳида эътибор берамиз.

Диний таълим тизими такомиллаштирилиб, илк бор ислом фанлари бўйича фалсафа доктори ҳамда фан доктори илмий даражаларини беришни назарда тутувчи таянч докторантура ва докторантура йўналишлари жорий этилди.

Мамлакатимизда 30 га яқин янги масжид очилди ва 100 дан ортиқ масжид таъмирланди. Нукус шаҳридаги “Имом эшон Муҳаммад”, Термиз шаҳридаги “Имом Термизий”, Урганч шаҳридаги “Охун бобо”, Тошкент шаҳридаги “Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф” масжидлари шулар жумласидандир. Шунингдек, Сурхондарёда Имом Термизий, Қашқадарёда Абу Муин Насафий, Наманганда Султон Увайс Қараний, Тошкентда Сузукота зиёратгоҳлари қайта таъмирланди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузурида “Вақф” хайрия жамоат фонди ташкил этилди. Масжидлар ва диний таълим муассасаларининг биноларини қуриш, таъмирлаш, тарихий-меъморий аҳамиятга эга зиёратгоҳларни сақлаш, ободонлаштириш, диний соҳа ходимларини моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш каби масалалар фонднинг асосий вазифалари этиб белгиланди.

Фуқароларнинг виждон эркинлиги ва диний эътиқодга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида муқаддас зиёратларни адо этиш билан боғлиқ қатор имкониятлар яратилди.

Ижтимоий-маънавий муҳитни янада яхшилаш, ёт ғоялар таъсирига тушиб қолган шахслар билан тизимли ишлаш, уларнинг оила аъзолари муаммоларини бартараф этиш, хусусан, кам таъминланганларга моддий ёрдам кўрсатиш, бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка кенг жалб қилиш орқали мазкур тоифа фуқароларни жамиятга қайтариш бўйича аниқ чоралар амалга оширилмоқда.

Ушбу соҳадаги ислоҳотлар дунё миқёсида ҳам, катта-катта экспертлар томонидан ҳам муносиб эътироф этилиб, диний бағрикенгликнинг намунали модели сифатида баҳоланмоқда. Хусусан, 167 мамлакат ўртасида барқарорликни таъминлаш, урушлар, зиддиятлар, терроризм ва жинойтчиликнинг олдини олишга қарши ҳаракатларнинг самарадорлигини баҳолаш юзасидан ўтказилган рейтингда Ўзбекистон 52-ўринга кўтарилиб, МДХ мамлакатлари орасида 1-ўринни эгаллади.

Дунё ва мусулмон оламидаги нуфузли халқаро ташкилотлар, катта обрў-эътиборга эга бўлган расмий шахслар бу борада биз билан ҳамкорлик қилиш истагини билдирмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, биз бугунги кунда ижтимоий-маънавий ҳаётимизни ривожлантириш борасида амалга ошираётган ишларимизни янги босқичга кўтаришимиз, бунинг учун давлатимиз ва жамиятимизнинг барча куч ва имкониятларини сафарбар этишимиз шарт. Чунки ҳозирги вақтда дунё миқёсида ҳукм сураётган таҳликали вазият, сиёсий ва иқтисодий инқирозлардан ташвишга тушмаётган бирорта давлат ёки жамият йўқ, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Айниқса, халқаро терроризм, экстремизм, наркотрафик, диний қарама-қаршилик, ноқонуний миграция, одам савдоси, экологик муаммолар, айрим минтақаларда иқтисодий ночорлик, ишсизлик, қашшоқлик кучайиб бораётгани бутун инсониятни қаттиқ ташвишга солмоқда.

Ана шундай кескин ва қалтис шароитда қандай йўл тутиш, қандай қилиб тинчлик ва осойишталикни сақлаш, барқарор ривожланишни таъминлаш мумкин, деган савол барчамизни жиддий ўйлантириши зарур.

Айниқса, кейинги пайтда турли мамлакатларда содир этилаётган террорчилик ҳаракатларининг ижрочилари қаторида мил-

латимизга мансуб кимсалар ҳам борлиги халқимизда афсус ва надомат уйғотмоқда.

Тинчлик ва осойишталикни, инсонийликни ҳамма нарсадан устун қўядиган халқимиз бундай шахсларни, уларнинг қилмишларини кескин қоралайди. Уларни ўзбек деган номга номуносиб деб ҳисоблайди.

Ҳозирги вақтда ёшлар, айниқса, чет элда ишлаб, ҳалол меҳнат билан даромад топаман, деб юрган фуқароларимиз терроризм ва экстремизм чангалига тушиб қолмаслиги учун биз барча чораларни кўряпмиз.

Авваламбор, қўшни давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият беряпмиз. Бизнинг мақсадимиз улар билан рақобат қилиш эмас, балки ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш, умумий муаммоларни биргаликда ечишдан иборат.

Биз кўп жойларда жаҳолатга қарши маърифат ташаббуси билан чиқяпмиз. Муқаддас ислом динини ниқоб қилиб, бошқа кўчаларга кириб кетаётган жоҳил кимсалар бир нарсани тушунмайди ёки тушунишни истамайди. Яъни, ислом фақат нурли ҳаётга, илм-маърифатга, яхшиликка ундайди. Ҳеч қачон хунрезлик, қотиллик, зўравонликка чақирмайди. Ана шу ҳақиқатни тан олмасдан, сохта ғояларга алданиб, зарарли оқимларга кириш, террорчи бўлиш - бу Ўзбекистон халқига мутлақо тўғри келмайди.

Алҳамдулиллоҳ, ҳаммамиз мусулмонмиз, бунинг шукронасини қилиб, фарзандларимизни ҳам бундай неъматнинг қадрига етадиган инсонлар этиб тарбиялашимиз керак эмасми?

Муҳтарам имом-хатибларимиз Аллоҳ йўлида холис хизмат қилишни ўз зиммаларига олганлар. Бу ҳам масъулият, ҳам улкан шараф. Шунинг учун соғлом эътиқод йўлини тарғиб қилишни, аввало, кимдан сўраймиз? Уламолар, имом-хатибларимиздан

сўраймиз. Бу борада барчамиз кимдан ибрат оламиз? Албатта, имом-хатибларимиздан.

Мутаассиб ғояларни тарғиб қилаётганлар муқаддас диний манбалардан матнларни юлиб олиб, уларни нотўғри талқин қилган ҳолда, ўз ғаразли мақсадлари йўлида ишлатмоқда.

Улар сохта ғояларни даъват қилиш билан ҳали ҳаётий тажрибага эга бўлмаган ёшларда Ватан, оила туйғуларини сўндириб, уларни ўз юртига, ўз ватандошларига хиёнат қилиш йўлига бошламоқда.

Афсуски, ҳаётимизда содир бўлаётган ноқонуний хатти-ҳаракатларни кўриб-кўрмасликка оладиган, тинчликни сақлаш фақат давлатнинг иши, деб ўйлайдиганлар ҳам бор. Ёш авлоднинг турли ёт диний оқимлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш тўғрисида ғамхўрлик нафақат давлатнинг вазифаси, балки ҳар бир фуқаро, айниқса, имом-хатибларнинг ҳам муқаддас бурчидир.

Шу нуқтаи назардан, муҳтарам уламоларимиз, дин соҳаси вакиллари юртимизда тинчлик-хотиржамликни авайлаб-асраш йўлида давлатимизнинг мутасадди идоралари томонидан амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларни тўғри қабул қилиб, уларни чин дилдан қўллаб-қувватлайдилар, деб ишонаман. Улар мамлакатимизнинг динлараро тотувлик ва бағрикенглик сиёсатига ҳамоҳанг равишда фаолият юритиб, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилишлари даркор. Ўз зиммаларидаги вазифаларнинг рўёбга чиқиши учун фақат тинимсиз меҳнат қилиб, изланиб, билим ва тажрибасини ошириб боришлари зарур.

Маълумки, аждодларимиз ўз вақтида юксак маънавияти, бой илмий мероси, ижоди билан бутун дунёга устозлик қилганлар. Яна бир бор айтаман, улар бошқаларга эргашмаган, бошқаларни ўз ортидан эргаштирганлар.

Шунинг учун дин пешволари ҳам бугун эргашувчи эмас, эргаштирувчи бўлишлари лозим.

Ушбу ҳал қилувчи масалада бефарқ ва лоқайд бўлиш, заифлик кўрсатиш жамиятимиз ва динимизга нисбатан хиёнат қилиш билан баробардир. Бу фикр муқаддас китобларимизда такрор ва такрор таъкидланган.

Шу муносабат билан имом-хатибларимиз диний амаллар ҳақида гап кетганида, ёшларда, биринчи навбатда, барча динларнинг асосини ташкил этувчи умуминсоний қадриятлар, хусусан, яхшилик, меҳр-оқибат, садоқат, саховатпешалик, билим ва ҳунар ўрганиш каби хислатларни шакллантириб боришга алоҳида эътибор қаратсалар, айти муддао бўларди.

Шу билан бирга, диний таълим муассасаларини битириб чиқаётган ёшларимизнинг турли ёт оқимларга қарши кураш бўйича билим ва кўникмаларини кучайтириш зарур. Ёш имомларимиз бузғунчи оқимларнинг моҳияти ҳақида керакли тушунчаларга, уларнинг сохта иддаоларини муқаддас манбалардаги далиллар ва ҳаётий мисоллар билан фош этиш бўйича бугунги кун талабларига муносиб бўлишлари лозим. Бу – аввало, ҳаёт талабидир.

Диний соҳа вакиллари аввал радикал ташкилотлар таркибида содир этган жиноятлари учун жазо ўтаб келган шахсларни ижтимоий-маънавий соғломлаштириш, уларда соғлом ақидани шакллантириш борасидаги ишларда ҳам фаол бўлишлари керак.

Яқин тарихимизда, бугунги кунда Яқин Шарқ минтақаси ва ён-атрофимизда бўлиб ўтган ва давом этаётган қонли воқеалар, албатта, кўзимизни очиши зарур.

Бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, дин пешволари аҳоли билан очик мулоқотга киришиб, унинг дарду ташвишларини енгиллатиш, маънавий-маърифий ҳаёт билан боғлиқ

муаммоларига ечим топишда астойдил ғайрат қилишларини истардим.

Барчамиз бир ҳақиқатни чуқур тушуниб, англаб олишимиз керак: бугун гап халқимиз, мўмин-мусулмонларимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги, фарзандларимизнинг келажаги, таълим-тарбияси ва камоли ҳақида бормоқда.

Мени ташвишга солаётган яна бир ҳолат, айрим диний соҳа вакиллари ва диндорлар орасида амалдаги қонун-қоидаларга риоя этмайдиганлар борлигидир.

Шу муносабат билан бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: Ўзбекистонда давлат давлатчилигини қилади, қонун устувор бўлади. Бу ҳақиқатни ҳеч ким, ҳеч қачон эсидан чиқармаслиги зарур.

Иймон-эътиқод ҳар биримизнинг юрагимизда, виждонимизда бўлиши лозим. Исломий ҳикматларда Ватанни севмок иймондан эканлиги таъкидланади. Инсон иймон-эътиқодли бўлса, юртига содиқ бўлиб хизмат қилса, у ҳақиқий ватанпарвар бўлади.

Афсуски, бугун қанча ёшлар сохта алдовларга учиб, ўз умрини хазон қилаётганини ўйлаб, тўғриси, тунлари ухламасдан чиқаман. Ўзингиз айтинг, бу аччиқ ҳақиқат барчамизнинг юрагимизга ханжар бўлиб санчилиши керак эмасми?

Ахир, кечагина шу ёшлар, ўзимизнинг қоракўзлар, биримизнинг маҳалладошимиз, биримизнинг ўғлимиз, биримизнинг қизимиз ёки жиянимиз эди-ку! Улар қачон адашди, қачон нотўғри йўлга кириб кетди?

Биз нега ғафлатда қолдик? Қачон, қаерда хатога йўл кўйдик? Фарзандларимиз қачон бегоналарнинг кўлига ўтиб кетди? Нима бўлдию улар ўз ота-онаси, ўз юртининг душманига айланиб қолди?

Бугун бу мудҳиш бало-қазонинг олдини олмасак, бор кучимизни шунга сафарбар этмасак, эртага кеч бўлади.

Юртимизда яшаётган, оиласини, фарзандларининг эртанги кунини ўйлайдиган ҳеч бир инсон, дин арбоблари, жамоатчилик вакиллари бу ҳаёт-мамот масаласидан четда турмаслиги керак.

Қуръони каримда айтилган: “Ўз қўлларингиз билан ўзингизни ҳалокатга ташламанг”, деган ҳикматли сўзлардан ҳаммамиз хулоса чиқаришимиз лозим. Бизнинг бепарволигимиз, лоқайдлигимиз фақат фожиа келтиради. Болаларимиз, оиламиз, бутун юртимиз бошига фалокат келтиради. Айтинглар, ўзини инсон деб биладиган, виждони, имони бор ҳеч бир одам буни истайдими? Йўқ, албатта.

“Бола ота-она кўлида бир омонатдир”, дейди буюк алломаларимиз. Болаларимиз, уларнинг тақдири, келажаги ҳақиқатан ҳам жуда омонат эканини бугунги ҳаёт ҳар томонлама исботламокда.

Агар фарзандимизга тўғри тарбия бермасак, ҳар куни, ҳар дақиқада унинг юриш-туриши, кайфиятидан огоҳ бўлиб турмасак, уларни илму ҳунарга ўргатмасак, муносиб иш топиб бермасак, бу омонатни бой бериб қўйишимиз ҳеч гап эмас.

Биз, кўпинча болам мактабда, ўқишда ёки чет элда ишляпти, деб хотиржам юрибмиз. Лекин бизнинг бундай соддалигимиз, бепарволигимиздан душманлар маккорлик билан фойдаланмокда. Бизнинг жону жаҳонимиз бўлган фарзандимиз душманлар кўлида қуролга айланиб қолса, бунинг учун, аввало, ким айбдор? Ўзимиз эмасми?

Адашган ёшларни тарбиялашимиз, керак бўлса, жазони ўташ жойларига ҳам бориб, улар билан гаплашишимиз лозим. Чиндилдан тавба қилиб, ота-онаси, оиласи бағрига, тўғри йўлга қайтишни ният қилган одамларга амалий ёрдам беришга мен давлат раҳбари сифатида доимо тайёрман.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиман, экстремизм ва терроризм хавфи ҳамда таҳдидларига қарши курашиш Ўзбекистон Республикаси учун биринчи навбатдаги вазифалардан бири бўлиб, минтақа давлатлари ва халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси ўз тарихида экстремизм ва терроризм билан боғлиқ ҳолатларга бир неча мартаба дуч келган. Ушбу йўналишда хавф-хатар, таҳдид ва таҳликалар сақланиб қолаётганини ҳисобга олган ҳолда, давлатимиз бундан буён ҳам кенг жамоатчилик ва халқаро ҳамжамият билан биргаликда экстремизм ва терроризм ҳамда уларни молиялаштиришга қарши курашишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширади.

Бу соҳадаги асосий мақсадимиз Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, миллий хавфсизлик, шунингдек, фуқароларнинг ушбу соҳадаги ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга имкон берадиган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича самарали давлат сиёсатини амалга оширишдан иборат бўлиб қолади.

Экстремизм ва терроризмга қарши курашда халқаро ва минтақавий ҳамкорлик масалаларида қуйидаги вазифаларни устувор деб биламиз:

- ❖ экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг халқаро-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга кўмаклашиш;
- ❖ дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасалари, Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги, шунингдек, чет элга узок вақтга кетаётган ҳамда яшаб келаётган фуқаролар билан шуғулланувчи бошқа идораларнинг кадрлар салоҳияти ва ресурсларини мустаҳкамлаш;
- ❖ бошқа давлатлар, минтақавий ва халқаро ташкилотлар билан экстремизм ва терроризмга қарши кураш соҳасидаги

ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини кенгайтириш;

❖ хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан экстремизм, терроризм ва уларни молиялаштиришга қарши кураш соҳасида ахборот ҳамда тажриба алмашиш;

❖ фаолияти экстремизм ва терроризмга қарши курашга қаратилган халқаро ва минтақавий ташкилотларда фаол иштирок этиш;

❖ Марказий Осиёда БМТнинг Глобал аксилтеррор стратегиясини амалга ошириш бўйича ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларни Биргаликдаги ҳаракатлар режаси доирасида мувофиқлаштириш;

❖ Марказий Осиёда экстремизм ва терроризмга қарши кураш бўйича биргаликдаги ишлар доирасида ахборот алмашинуви ва ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам берувчи халқаро ташаббусларни амалга оширишда Ўзбекистоннинг ролини кенгайтириш;

❖ дунё ҳамжамияти ва минтақавий ташкилотлар эътиборини Афғонистонда тинчлик ва ҳамжиҳатликни таъминлашга жалб қилиш борасидаги ташаббусларни жадаллаштириш ва ушбу мамлакатни минтақавий ҳамкорлик жараёнларига, шу жумладан, экстремизм ва терроризмга қарши курашишга жалб қилиш.



Коррупциядан холи дунё – умумбашарий орзу

Ер юзида давлат ва жамият пайдо бўлганидан буён одамзод порахўрлик ва коррупцияни тараққиёт ва фаровонликнинг кушандаси, жамиятда адолат, тенглик, соғлом рақобат ва ҳалоллик тамойиллари устун бўлишига тўсқинлик қиладиган ижтимоий иллатлардан бири, деб баҳолаб келган ва унга қарши курашиб яшаган.

Қадимги Бобилда амалдор ва судьялар, шунингдек, подшо хизматкорлари ҳисобланадиган ибодатхона руҳонийларининг товламачилик йўли билан ғайриқонуний мукофот олишларининг олдини олиш чоралари кўрилган. Подшоҳ Ҳаммурапи қонунларига кўра, “Агар судья ишни кўриб чиқиб, қарор қабул қилган ва ҳужжатни муҳрлаган бўлса-ю, сўнгра қарорини ўзгартирса, унда бу судья фош этилиши керак ва у иш бўйича даъво суммасини ўн икки баробар миқдорда тўлаши керак” бўлган. Бундан ташқари, у лавозимидан четлатилиб, унга келажакда судья лавозимини эгаллаш тақиқланган.

Порахўрлик учун жазо Миср фиръавнлари, “Камбиз суди” туфайли номи тарихга кирган форс шоҳи Камбиз қонунларида ҳам кўзда тутилган. Миср фиръавни Рамзес Биринчи даврида коррупцион жиноятларда қўлга олинган ҳар бир киши ҳаётининг қолган қисмини қулликда ўтказган.

Милоддан аввалги IV асрда Ҳиндистон Мауря империяси амалдори Чанакя давлат бошқаруви ҳақидаги “Артхашастра” ри-соласида давлатдан ўғирлик қилишга имкон берувчи қирқ усул-

ни кўрсатган. Унинг фикрича, “балиқ ўзи сузаётган сувни ичи-
шини аниқлаб олиш мумкин бўлмаганидек, мансабдор шахслар
ўзларига топширилган мулкни ўғирлайдими-йўқми, аниқлаш
осон эмас”. Ўша даврда порахўр мансабдор ҳақида маълумот бер-
ган одам унинг мусодара қилинган мол-мулкнинг бир қисмини
мукофот сифатида олган.

Олис ўтмишда минтақамизда дунёга келган зардуштийлик-
нинг муқаддас китоби Авестода “**ҳаққоний ҳукм чиқариш,
пора олмаслик, тўғри гувоҳлик бериш ва тўғри гапириш**” ижо-
бий хислатлар сифатида улуғланган бўлса, аксинча, “**кўриб ту-
риб адолатсизлик, ноҳақлик**” қилган амалдорларнинг айтган
ва қилган ёмон фикр, ёмон калом ва ёмон амаллари” қаттиқ
қораланган.

Юнон мутафаккирлари Платон ва Аристотель ҳам корруп-
циянинг сиёсий тизимни емиришини таъкидлаганлар.

Қадимги Рим эса:

- ❖ Рим қонунлари кодекси – “ўн икки жадвал”да коррупцияга қарши кураш масалалари кўзда тутилгани;
- ❖ инсониятга коррупцияга қарши дастлабки суд тизимини тақдим этгани;
- ❖ коррупция бутун бошли кучли империянинг охир-оқи- бат қулаши сабабларидан бирига айлангани билан ҳам тарих- да қолган.

Милодий VI асрда император Буюк Юстиниан амалдор-
лар томонидан лавозимларни сотиб олишни бартараф этиш-
га қаратилган маъмурий ислохотни амалга оширди. Мўғул-
лар империяси асосчиси Чингизхоннинг “Буюк Ясоқлари”да
коррупция жиноятлари учун муқаррар ўлим жазоси кўзда ту-
тилган.

Халқ орзу қилган адолатли жамиятни куриш учун коррупция-
ни ҳаттоки хоинлик билан, порахўрларни эса етти авлодигача –

хоинлар билан тенглаштириш, лаънатлаш сиёсати ҳам қўлланилган. Жамиятнинг “жон томири”, химояловчи ва ҳаракатлантирувчи кучи бўлган учта касб эгалари – ҳарбийлар ва суд-ҳуқуқ соҳаси вакиллари, ўқитувчилар ва шифокорларга энг юқори ҳақ тўланиши, уларга ҳурмат-эътибор билан муносабатда бўлишга алоҳида эътибор қаратилган.

Барча жаҳон динлари коррупция ва порахўрликни қоралайди. Масалан, муқаддас ислом динида порахўрлик, пора олиш, пора билан ишини битказишга ҳаракат қилиш жамият тараққиётига ва фаровонлигига улкан зарар келтирадиган, жамиятни ичидан емирадиган иллат, деб қаралади.

Қуръони каримда: “Бир-бирларингизнинг молларингизни ботил йўл билан еманг. Билиб туриб одамларнинг молларидан бир қисмини ейишингиз учун уни ҳокимларга гуноҳқорона ташламанг”, деб уқтирилгани албатта бежиз эмас.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинган: “Аллоҳ пора бергани ҳам, пора олгани ҳам лаънатлагандир”; “Бошлиқларнинг ҳадя ва совғалар олишлари ҳаромдир”; “Биз бирор ишга бошлиқ қилиб тайинлаган одам унга белгиланган маошдан ортиқ мол топса, бу унинг учун ҳаромдир”, каби ҳадисларни аجدодларимиз ўз ҳаёти ва фаолиятида дастуриламал деб билганлар.

“Темур тузуклари”да Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар давридаги мулкни, хусусан, давлат мулкни ўзлаштирганлик учун жавобгарликни белгилашда ўзига хос ёндашув таъкидлаб ўтилган. Ўша даврда амалдорлар ишини тартибга солиш мақсадида вақти-вақти билан сўроқ, текшириш, тафтиш, тергов ўтказиб турилган. Ўз амалини суиистеъмол қилиш оғир гуноҳ ҳисобланган ва қаттиқ жазоланган. Амир Темурнинг ўғли Мироншоҳ, неваралари Пирмуҳаммад ва Халил Султон ушбу меъёрларни бузганлиги учун халқ олдида жазога тортилган.

Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асарида “қозининг адолат асосида иш кўриши, ҳаётида шахсий манфаатга майл бўлмаслиги, ҳукм вақтида ошнога ҳам, бегонага ҳам бир савияда қарамоғи, ҳукмлари ҳадисларга асосланган, порахўр муфтилар унинг қошида тубан ва хор, хийлакор вакиллар унинг қаршисида айбдор бўлмоғи зарур” лигини таъкидлаган.

Шу билан бирга, азалдан минтақамизда ушбу иллатга қарши кураш нафақат қонунлар ва муайян жазолар орқали, балки маънавий-ахлоқий чоралар кўриш, жамиятда порахўрлик ва коррупцияга қарши ўзига хос “маънавий иммунитет”ни шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинган. Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Ғаззолий, Баҳоуддин Нақшбанд, Абу Наср Форобий, Жалолиддин Румий, Абдурахмон Жомий, Аҳмад Яссавий каби алломаларнинг нафс тарбияси, ахлоқ комиллиги ҳақидаги фикрлари асрлар мобайнида миллий шуур ва онгни шакллантиришда яқиндан ёрдам берган.

Уларнинг асарларида халқпарварлик, меҳр ва мурувват, сабру қаноат, адолат, ҳалоллик ва поклик, бировнинг омонати ва мулкига хиёнат қилмаслик каби тушунчалар ҳам ўз ифодасини топган.

Бунда, авваламбор, инсон онги ва дунёқарашини ўзгартириш, инсоннинг эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал эгаси бўлишига урғу берилган. “Авесто” битиклари, тасаввуф илми, “фозил инсон”, “комил инсон” ҳақидаги таълимотларда ушбу масалага катта эътибор қаратилган.

Маълумки, ҳар қандай жамият алоҳида инсонлардан ташкил топади. Адолатли ва етук, мукаммал жамиятни фақатгина комил инсонларни тарбиялаш орқали қуриш мумкин.

Инсоният, жумладан, бизнинг буюк аجدодларимиз ҳам қадим замонлардан бери порахўрлик ва коррупциядан холи давлат ва жамият қуриш орзуси билан яшаганлар.

Коррупция бизнинг кунларгача етиб келганлиги шундан далолат берадики, бошқа иллатлар каби, уни ҳам таг-туғи билан йўқотиш қийин. Бугун бирон бир давлат – у каттами-кичикми, бойми-камбағалми, қудратлими-кучсизми, ривожланганми-ривожланаётганми, Шимолдами-Жанубдами, Ғарбдами-Шарқдами, бундан қатъи назар, коррупциядан мутлақо холи эмас.

БМТ ва Халқаро валюта жамғармасининг маълумотларига кўра, дунёда ҳар йили 1 триллион доллар атрофидаги маблағ пора сифатида сарф этилади, жаҳон иқтисодиёти коррупция туфайли 2,6 триллион долларгача зарар кўради. Бу жаҳон ялпи маҳсулотининг 5 фоизи деганидир.

Коррупция демократик институтлар ва қадриятлар, ижтимоий-сиёсий адолат, қонун устуворлигига путур етказиб, изчил барқарор ривожланиш, иқтисодий ўсишга, жамият ва давлатлар барқарорлиги ва хавфсизлигига жиддий таҳдид туғдирмоқда. Коррупция аллақачон тор доирадаги муаммодан бутун дунё ҳамжамияти ва барча мамлакатлар иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатадиган, трансмиллий ҳодисага айланган. У уюшган ва трансчегаравий жинойтлар учун ҳам имконият яратиб бермоқда.

Айниқса, ҳозирги глобаллашув замони, минтақалар ва давлатлараро интеграция жадаллашиб бораётган мураккаб бир шароитда коррупция барча мамлакатларда ҳам қатор муаммоларни келтириб чиқариб, жамиятни ич-ичидан емириб, пароканда қилиб ташлаш хавфини туғдирмоқда.

Шу маънода, ўтган асрда яшаб ўтган америкалик ёзувчи Теодор Драйзернинг “Сармойдор” асарида айтилганидек, “Коррупция авж олган давлат, гўё ичидан емирилган мўрт дарахтга ўхшаб қолади. Шак-шубҳа йўқки, у биринчи жиддий синовга дуч келишидаёқ ағдарилади”. Бу фикрларнинг нақадар тўғри ва ўринли эканини бугун ҳаётнинг ўзи кўплаб мисолларда исботлаб турибди.

Ҳозирги кунда инсониятнинг келажагига раҳна солаётган ушбу иллатга қарши глобал, минтақавий ҳамда алоҳида давлатлар миқёсида кенг қамровли ва кўп тарафлама ёндашувга асосланиб кураш олиб борилмоқда.

Биргина БМТ доирасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича ўнлаб ҳужжатлар – конвенция, декларация ва резолюциялар қабул қилинган. Хусусан, БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси, Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси, Давлат мансабдор шахсларининг халқаро ахлоқ кодекси, Халқаро тижорат ташкилотларида коррупция ва порахўрликка қарши курашиш декларацияси, “Коррупциянинг олдини олиш, унга қарши курашиш ва бу соҳада халқаро ҳамкорликни кучайтириш чора-тадбирларини самарали ҳал этиш ҳамда амалга ошириш бўйича умумий савий-ҳаракатларимиз” номли сиёсий декларациялар бу борадаги глобал ҳамкорликнинг асосий йўналишлари, мазмун-моҳияти, қонуний асослари ва услубларини аниқлаб берган.

Жумладан, БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясидаги кўп қоидаларнинг мажбурийлиги, ушбу глобал муаммони ҳал этишга қаратилган кенг ва комплекс ёндашув уни коррупцияга қарши курашнинг универсал ва самарали воситасига айлантира олди. Унинг доирасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган самарали ва таъсирчан чора-тадбирларни қабул қилиш ҳамда амалга ошириш, коррупцияга асосланган ва ноқонуний йиғилган бойлик ва активларни қайтариш борасида халқаро ҳамкорликни кучайтириш, давлат ва жамоат хизматида ҳалоллик ва содиқлик, масъулият туйғусини рағбатлантириш, ижтимоий мол-мулкни талаб даражасида асраб-авайлаш, ҳимоялаш ва бошқаришни қўллаб-қувватлашга қаратилган самарали глобал халқаро ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ), Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа ташкилотлар доирасида ҳам коррупцияга қарши кураш бўйича ҳамкорлик олиб борилмоқда. Ушбу ташкилотлар томонидан бу борада қабул қилинган ҳужжатларда коррупцияга қарши курашнинг қонунийлик, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, коррупцияга тоқатсизлик, очиқлик ва шаффофлик, тизимлилик, давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги, коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги, жавобгарликнинг муқаррарлиги принциплари белгиланган.

Халқаро ташкилотлар ва ривожланган мамлакатлар, жумладан, Швеция, Финляндия, Сингапур, Жанубий Корея тажрибаси шундан далолат берадики, айнан коррупциянинг илдизига болта уриш давлат сиёсати ва ислохотларининг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгиланиши ҳамда бу борада тизимли равишда иш олиб борилиши уларнинг юксак натижаларга эришишига хизмат қилди. Бунда асосий вазифа сифатида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг, бутун жамиятнинг биргаликдаги самарали фаолиятини таъминлаш белгиланган. Бу, албатта, ушбу мамлакатларнинг инвестиция муҳитига ижобий таъсир қилиб, давлатнинг ҳар томонлама, жумладан, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юқори даражада ривожланишига сабаб бўлган.

Бугун халқаро ҳамжамият коррупцияга қарши курашнинг энг тўғри ва самарали йўли – коррупциянинг содир этилишига

имконият яратаётган сабаб ва омилларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш, деб ҳисоблайди.

Бунда коррупцияни вужудга келтирадиган қуйидаги асосий омилларга алоҳида эътибор қаратилади:

Биринчидан, жамият ва давлатда мавжуд муаммоларни ҳал қилиш мақсадида ишлаб чиқилган қонунлар ва дастурларнинг мукамал эмаслиги, қонунчиликда зиддиятлар ва қарама-қаршиликларнинг мавжудлиги, қонунларнинг тўлиқ ва бир хилда ижро этилмаслиги. Коррупция ривожидавлатдаги қонунларнинг сифатига боғлиқ бўлиб, номукамал қонунлар ишламайди ва коррупцияга мойил шахслар бундан устамонлик билан фойдаланишга интилади.

Бу қонун талабларининг тўлақонли амалга оширилиши, ижро ҳокимияти, суд-ҳуқуқ тизимининг фаолиятига, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга, ривожланиш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга ҳам ўта салбий таъсир кўрсатади.

Шу сабабли ривожланаётган давлатларда суд ва ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, қонуннинг мутлақ устунлиги ва фуқароларнинг ҳуқуқлари кафолатли ҳимоя қилинишини таъминлаш, аҳолини ҳуқуқий тарбиялаш жиноятчилик ва коррупцияга қарши кучли чора деб қаралади.

Иккинчидан, мамлакатда мустақил иқтисодий фаолият юритувчи субъектлар фаолияти устидан ортиқча давлат назоратининг мавжудлиги. Бу бозор иқтисодиётининг асосий қонуниятлари бўлмиш иқтисодиётни эркинлаштириш, монополияга йўл қўймаслик ва хусусий секторда давлат назоратини қисқартиришга салбий таъсир кўрсатади ҳамда давлат хизматчиларига ўз манфаатини кўзлаб мансабини суистеъмол қилиши учун шароит яратади.

Бу ҳар қандай жамиятда яширин иқтисодиёт ва уюшган жиноятчилик каби салбий иллатлар, коррупциянинг ривожланиши

учун имконият туғдиради. Шу сабабли ҳам, коррупцияга қарши кураш иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш, ҳалол ва қонуний тадбиркорлик учун чинакам эркинликни таъминлаш, унинг йўлидаги бюрократик ғов ва тўсиқларни бартараф этишни талаб қилади.

Учинчидан, давлат хизматида моддий манфаатдорлик, бюрократик тўсиқларнинг мавжудлиги, мансабдор шахсларнинг ижтимоий таъминланмагани ёки улар учун адолатли меҳнат шартлари йўқлиги, фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг ўрнатилмаганлиги.

Коррупцияни келтириб чиқарадиган ижтимоий сабабларга жамиятдаги носоғлом муҳит, аҳолининг ҳуқуқий билим ва маданияти, маънавиятининг паст даражада эканлиги, диний-маърифий саводсизлиги, уюшқоқлик ва жамоатчиликдаги фаолликнинг етишмаслиги ҳам киради. Шуниси эътиборлики, жамиятдаги ижтимоий онгнинг ўзгариши, одамларда давлат ва қонунларга нисбатан ишонч, мамлакат раҳбар ходимларининг ўз вазифаларини қай даражада амалга оширишларига таъсир кўрсатади, албатта.

Ўз навбатида, улар томонидан тўғри ва адолатли қарорлар қабул қилинса, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланса, ижтимоий ҳимоя кучайтирилса, халқнинг жамиятда адолат, ҳақиқат борлигига ишончи ортади. Унинг акси бўлса, одамлар орасида норозилик ва давлатга нисбатан ишончсизлик юзага келади.

Сўнгги йилларда туб ислохотлар даврига қадам қўйган Ўзбекистонда ҳам тараққиёт кушандаси бўлган иллат – коррупцияга қарши изчил кураш олиб борилмоқда. Ушбу кураш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Афсуски, мамлакатимизда ҳали-ҳамон коррупциянинг турли кўринишлари ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг кўпгина

соҳаларида бутунлай барҳам топмагани сир эмас. Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2020 йилда турли даражадаги мансабдорлар томонидан содир этилган жиноятлар учун 1 минг 723 нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилган. Улар томонидан етказилган зарар 500 миллиард сўмни ташкил этган. 2021 йилнинг беш ойида эса 1 минг 696 нафар мансабдорга нисбатан жиноий иш очилган. Етказилган зарар 450 миллиард сўмни ташкил этмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, бу моддий зарарлар айбдорлардан ундириб олинади. Лекин, шу ўринда, бир нарсага эътибор қаратиш зарур. Ушбу рақамлар баъзи “дўстларимиз” таъкидлаётганидек, “коррупциянинг кўлами ортаётгани”ни кўрсатмайди, балки жамиятда коррупцияга қарши тоқатсизлик муҳити шаклланаётгани, мамлакатимизда унга қарши кескин курашнинг сифат жиҳатидан мутлақо янги босқичга кўтарилаётганидан ҳам дарак беради.

Бу – коррупция ва порахўрлик билан боғлиқ жиноятлар кенг жамоатчилик ёрдамида кўпроқ ва тезкор очилмоқда, дегани. Яъни, ушбу воқелик мамлакатимиз аҳолисининг дунёқараши, ўз тақдирини шу юрт, шу Ватан ва унинг ёрқин келажаги билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кўраётгани, бир сўз билан айтганда, **“бугунги халқимиз – кечаги бефарқ ва бепарво халқ эмас”**-лигининг ҳаёт ҳақиқатига айланаётганини яна бир бор тасдиқлайди. Бу иллатга қарши курашда давлат органлари қаторида сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, умуман, ҳар бир фуқаро фаол қатнашаётгани ҳам шуни кўрсатади.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси коррупциядан холи мамлакат барпо этишни назарда тутди. Ушбу мақсад бугун бутун жамиятимизни жипслаштирувчи омилга айланмоқда.

Мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши мурасасиз курашишнинг илғор халқаро стандартларга асос-

ланган тизимини жорий этиш бўйича изчил чоралар кўрилмоқда. Бунда қуйидаги асосий йўналишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда:

- ❖ жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш;

- ❖ давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;

- ❖ коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, бу ярамас иллатнинг оқибатларини, бунга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш.

Шунингдек, давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида коррупцияга йўл очиб берадиган омилларга чек қўйишга қаратилган 80 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. “Коррупциясиз соҳа” лойиҳалари, “йўл хариталари” ва дастурлар тасдиқланди.

Парламент, халқ депутатлари кенгашлари, сиёсий партиялар ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг коррупцияга қарши курашдаги роли ва аҳамияти ошиб бормоқда. Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида очиқлик, ошкоралик ва шаффофликни таъминлаш ҳамда мансабдор шахсларнинг аҳоли олдидаги ҳисобдорлигини йўлга қўйиш орқали давлат бошқарувида самарали ва таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун зарур шароитлар яратилди, қатор нодавлат нотижорат ташкилотлари билан амалий ҳамкорлик кучайтирилди.

Бу борада Коррупцияга қарши кураш бўйича миллий кенгаш самарали ишларни амалга ошириб келмоқда. Илк бор коррупцияга оид хавфларни аниқлаш ва тизимли таҳлил қилиш, уларни

келтириб чиқарувчи омилларни бартараф қилиш учун масъул бўлган алоҳида орган – Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди. Давлат ҳокимияти органлари ва йирик хўжалик юритувчи субъектларда коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Рақамли технологиялар имкониятидан кенг фойдаланилган ҳолда турли соҳаларда, давлат хизматларини кўрсатишда коррупция ва суиистеъмолчиликларнинг олдини олишга қаратилган таъсирчан механизмлар жорий этилмоқда.

Коррупция балосини жамиятимиз ҳаётидан йўқ қилишга қаратилган сиёсат келгусида ҳам қатъий давом эттирилади.

Бизнинг коррупция устидан ғалаба қозониш ва “пок қўллар” сиёсати борасидаги фаолиятимизнинг асосий мақсади – қонун устуворлигига эришиш орқали бу иллатдан халос бўлиш, мамлакатимизнинг коррупцияни рад этадиган ва жамиятда унга нисбатан мутлақо тоқатсизлик муҳитини вужудга келтирадиган давлатлар қаторига киришидан иборат.

Ушбу мақсадда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича давлатимизнинг яқин ва ўрта истиқболдаги асосий устувор вазифаларини белгилашга қаратилган **Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий стратегияни қабул қилишимиз** бугунги кун талабидир.

БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ИХТТнинг коррупцияга қарши кураш бўйича Истанбул режасига асосланган ҳамкорликни янада кучайтирамиз ва сифат жиҳатидан янги даражага кўтарамиз. Коррупцияга қарши кураш борасидаги Ўзбекистоннинг халқаро шартномаларини миллий қонунчилигимизга янада имплементация қилиш масалалари диққат-эътиборимиз марказида бўлади.

Коррупцияга қарши кураш борасидаги ишларни йўлга қўйишда:

- ❖ давлат хизмати институтини ислоҳ қилиш, коррупцияга қарши таъсирчан кураш механизмларини жорий этиш;
- ❖ давлат аппарати ва фуқаролик жамияти институтларининг ушбу хавfli иллат билан курашдаги куч ва имкониятларини бирлаштириш;
- ❖ давлат ва жамият бошқарувининг барча бўғинларида кадрларни танлаш ва ишга қабул қилишнинг очиқ тизимини кучайтириш;
- ❖ соҳа кадрларининг билими ва малакасини муттасил равишда ошириб бориш тизимини ташкил этиш зарурати тобора ортимоқда.

Бу борада қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим:

- ❖ сиёсий арбоблар ва давлат хизматчиларининг маблағлари ва молк-мулклари ҳақидаги маълумотларни очиқлаштириш ва декларация қилиш тизимини жорий этиш;
- ❖ давлат харидларини амалга оширишда манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш механизмларини кучайтириш мақсадида “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунни, электрон харидлар тизимини такомиллаштириш;
- ❖ жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимининг самарадорлигини ошириш, уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўйича ҳуқуқий ва ташкилий-амалий чораларни кучайтириш, қонунчиликдаги жазони оғирлаштириш ёки енгиллаштиришга оид нормаларни қўллаш жараёнидаги инсон омилини бартараф этиш;
- ❖ парламент палаталаридаги коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмиталарининг ваколат ва функцияларини кучайтириш.

Шу билан бирга, коррупцияга қарши курашиш механизмларини янада такомиллаштириш, мавжуд коррупция хавфи ва унга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш юзасидан шакл-

ланган ижобий тажрибани кенг ёйиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Аҳолининг барча қатламлари орасида коррупциянинг барча шакллари ва кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантириш масаласи ҳам долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Бу йўналишда қонунчилик нормалари ва қабул қилинган ички ҳужжатларга риоя қилиш ва ахлоқий хулқ-атвор билан шахсан намуна бўлиш туйғуларини янада мустаҳкамлаш зарур, албатта.

Буларнинг барчаси ушбу жабҳада таъсирчан ва самарали чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлигидан далолат беради.

Айни пайтда, коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларнинг олдини олиш, профилактика қилиш масалалари ҳам долзарблигича қолмоқда.

Бир сўз билан айтганда, коррупциянинг ҳар қандай кўриниши ва ҳолатларига барҳам беришга қаратилган ҳамда бу борадаги ҳуқуқий мезонларнинг бузилишига йўл қўймайдиган асосий талаблар ва тамойилларни янада мустаҳкамлашимиз лозим.

Бу борада **“Коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг очик электрон реестри”** юритилиши, **“Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкани декларация қилиш тўғрисида”**ги қонун қабул қилиниши олиб бораётган саъй-ҳаракатларимизнинг самарасини оширишга хизмат қилади. **“Коррупцияни қабул қилиш индекси”** рейтингда мамлакатимизнинг эгаллаётган ўринлари бу борадаги ҳаракатларимизни баҳоловчи асосий кўрсаткичлар сирасига киради.



Камбағаллик: умуминсоний ва миллий муаммолар

Инсониятни узок мозийнинг энг қадимги даврларидан буён муттасил ўйлантириб, қийнаб келган масалалардан бири камбағаллик билан боғлиқ муаммолардир. Жумладан, миллоддан аввалги 384–322 йилларда яшаган машҳур юнон мутафаккири Аристотель: “Камбағаллик ёки шунга ўхшаш бошқа азобларга чидай олмай ўз жонига суиқасд қилиш – бу мардлик эмас, аксинча, кўрқоқлик белгисидир. Чунки бу – ожизлик, қийинчиликлардан қочишдир. Ожиз киши ўлимни яхшилиги учун эмас, азоблардан қутулиш учун бўйнига олади”, деб ёзган эди.

Миллоддан аввалги тахминан 551–471 йилларда яшаган, ўзининг фалсафий таълимоти билан нафақат Хитой, балки бошқа халқлар ҳаётига ҳозир ҳам чуқур таъсир кўрсатаётган донишманд Конфуций эса: “Бойлик яхши кўрилиб, камбағаллик ёмон кўрилса, ғалаён чиқиши мумкин”, деб таъкидлаган эди.

XX аср ўзбек адабиёти, фани ва маданиятининг йирик вакили Абдурауф Фитрат ўз асарларидан бирида: “Тижорат масаласи башариятнинг ҳаёт-мамот масаласидир”, деган фикрни илгари сурган.

Шу ўринда заҳматкаш халқимиз камбағалликка инсон, жамият, иймон-эътиқод, хулқ-атвор, тафаккур, маданият, оила, башарият, хуллас, ҳаётнинг барча-барча соҳаларига таҳдид солувчи хатар сифатида қараб келганини ҳам эслаш жоиз.

Қадимдан ота-боболаримиз ҳар бир инсон фаровон ва бахтли яшашга ҳақли эканлигини, инсонларни яхши яшашга интилгани учун айблаб бўлмаслигини, айни вақтда, камбағаллик домига тушиб қолган ҳар бир фуқародан ҳам ўз ҳаётини ўзгартиришга бўлган кучли хоҳиш, янгиланишлардан кўрқмаслик ва доимо олдинга интилиш талаб этилишини эътироф этиб келадилар.

Афсуски, ҳозирги кунда ҳам жаҳоннинг турли нуқталарида нотинчлик сақланиб қолаётгани, зиддият ва зўравонликлар ортиб бораётгани, экологик офатлар ва бошқа замонавий хатарлар қашшоқлик ва камбағалликнинг глобал муаммоларини янада кучайтирмоқда.

Бу муаммолар, айниқса, пандемия шароитида кескин тус олмоқда. Тобора ташвишли оҳанг касб этаётган қашшоқликнинг овози бутун дунё ҳамжамиятини, барчамизни безовта қилмоқда.

Буюк изланишлар, инқилобий ихтиролар ёки маданият ва жамиятнинг ривожига катта ҳисса қўшганлиги учун ҳар йили тақдим этиладиган энг нуфузли халқаро мукофотлардан бири бўлган Альфред Нобель мукофоти 2019 йилда иқтисод фанлари бўйича “Глобал қашшоқликка қарши курашдаги энг яхши йўллар бўйича ишончли жавобларни олишда янгича ёндашув” ишлаб чиқилганлиги учун берилганининг ўзи ҳам қашшоқлик масаласи жаҳоний муаммо эканидан ва бу муаммога бўлган эътибор асло сусаймаётганидан далолат беради.

Ушбу муаммо ҳанузгача дунё аҳлини, энг етук мутахассислар, олимۇ фузалолар диққатини тортаётганини бевосита “камбағаллик” ва “қашшоқлик” тушунчаларига нисбатан ҳозирги кунга қадар жаҳонда умумий қабул қилинган ҳамда келишилган таъриф ишлаб чиқилмаганида кўриш мумкин. Ҳар бир мамлакат мазкур тушунчаларни ўзи учун белгиланган камбағаллик мезо-

нидан келиб чиқиб тавсифламоқда. Жумладан, БМТ таърифига кўра, қашшоқлик – инсоннинг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган даромад ва ресурслар етишмаслиги, бундан ташқари, очлик ва тўйиб овқатланмаслик, соғлиқни сақлаш, таълим ёки бошқа асосий хизматлардан фойдаланишда чекловларнинг мавжудлиги, турар жойнинг йўқлиги, хавфли табиий ва техноген муҳитда ҳамда ижтимоий тенгсизлик шароитида яшашига нисбатан айтилади (БМТнинг “Ижтимоий ҳимоя борасида юқори даражадаги Бутунжаҳон саммити”дан).

Камбағаллик эса, инсоннинг ҳаёти давомида танлов ва имкониятларга эга бўлмаслиги, жамиятда тўлақонли иштирок этиш учун тўсиқларнинг мавжудлиги, бундан ташқари, оиласини боқиши ва кийинтириши, таълим олиши ёки касалхонада даволаниши, бирор соҳада фаолият юритиши ёки даромад олишга имкон берадиган меҳнат билан таъминлаш имкониятлари етишмаслиги ҳамда кредит олиш имкониятининг чекланганлигида намоён бўлади. Шунингдек, камбағаллик – бу инсонлар, уй хўжаликлари ва жамоаларнинг ижтимоий жиҳатдан чегараланган, хавф-хатарлар олдида ожизлиги ҳамда ночорлиги саналади (БМТ Европа Иқтисодий комиссиясининг “Камбағалликни аниқлаш бўйича қўлланма”сидан, 2017 йил, Нью-Йорк, Женева).

Бу борада аҳолининг маълум қатламлари ўртасида ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам пулини тўлаш ёки уларнинг миқдори ни ошириш орқали ушбу муаммони ҳал этиш мумкин, деган жўн фикр мавжудлигини ҳам айтиш зарур. Бу – бир томонлама ёндашув бўлиб, муаммони тўла ечиш имконини бермайди. Чунки, камбағалликни камайтириш – бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга оширишга қаратилган бўлиши лозим.

БМТнинг маълумотларига кўра, Ер юзида 700 миллиондан ортиқ одам қашшоқликда кун кечиради. Камбағалликнинг юқори даражаси, асосан, турли низолар мавжуд бўлган мамлакатларга тўғри келади.

Камбағаллик ва қашшоқликка қарши курашиш БМТ кун тартибидаги асосий масалалардан ҳисобланади. Бу борада ташкилот томонидан бир қатор муҳим ишлар амалга оширилганлигини айтиш зарур. Хусусан, 1992 йилда БМТ Бош ассамблеяси 17 октябрни Халқаро қашшоқликка барҳам бериш куни деб белгилади. Тегишли резолюциялар асосида 1997–2006, 2008–2017 ва 2018–2027 йиллар БМТнинг қашшоқликка қарши курашиш ўн йилликлари сифатида эътироф этилди.

Камбағаллик ва қашшоқликка қарши курашиш БМТнинг Минг йиллик декларацияси, Аддис-Абеба Ҳаракатлар дастури ва 2030 йилгача бўлган барқарор ривожланиш мақсадлари каби ҳужжатларда ўз аксини топган. Ўта қашшоқликка қарши кураш муҳим вазифа сифатида белгиланган.

Ушбу ҳужжатларда, жумладан, ҳар бир давлат миллий ва глобал миқёсда камбағалликка қарши курашиш соҳасида тегишли шарт-шароитларни яратиш, гендер тенгликни таъминлаш, ижтимоий ҳимоя чораларини кўриш ва бошқа қатор масалалар бўйича зарур чораларни амалга ошириши белгилаб қўйилган.

Шу муносабат билан таъкидлаш жоизки, биз шу пайтгача аксарият фуқароларимиз ҳақиқатан ҳам камбағал эканини кўриб-кўрмасликка, билиб-билмасликка олдик. Энди яшириш керак эмас, оғир шароитларда яшаётган одамларимизнинг асл муаммоси, вазиятини тушунишимиз, барча тоифадаги раҳбарлар дунёқарашини ўзгартиришимиз лозим бўлади.

Ҳар қандай мамлакатда бўлгани каби бизда ҳам кам таъминланган аҳоли қатламлари мавжуд. Турли ҳисоб-китобларга кўра, улар тахминан 12–15 фоизни ташкил этади. Бу ўринда гап кички-

на ракамлар эмас, балки аҳолимизнинг 4–5 миллионлик вакиллари ҳақида бормоқда.

2020 йилда Ўзбекистон тарихида илк бор камбағаллик тушунчаси мамлакатимизнинг барқарор ривожланишига таъсир этадиган жиддий муаммо сифатида эътироф этилиб, мазкур йўналиш ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг асосий масалаларидан бирига айланди.

Бу борада қуйидагилар назарда тутилди:

Биринчидан, камбағаллик жиноятчиликнинг ўсишига таъсир қилади. Жиноятчилик аҳолининг кам таъминланган қатламлари орасида кенг тарқалади ва улар “даромад олиш”нинг жиноий шаклларига мурожаат қилиш эҳтимоли катта.

Камбағалликнинг **иккинчи ёмон оқибати** – турмуш даражаси паст ва даромадлари юқори бўлмаган аҳоли қатламларининг соғлиғига салбий таъсиридир.

Учинчидан, камбағаллик алкоголизм ва гиёҳвандликнинг ўсишига ҳам бевосита таъсир қилади.

Тўртинчидан, камбағалликнинг юқори даражаси жамиятдаги ижтимоий кескинликнинг кучайишига сабабдир.

Камбағалликнинг хавfli оқибатларидан яна бири – аҳолининг умумий маълумот даражаси пасайиши билан боғлиқ.

Камбағалликнинг салбий оқибатларини эътиборга олган ҳолда, мамлакатимизда унга қарши курашнинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бирига айланди.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда бу соҳада қуйидаги катор чора-тадбирлар амалга оширилди:

Биринчидан, Ўзбекистонда камбағалликни қисқартиришнинг институционал асослари яратилиб, камбағалликни қисқартириш масалаларини мувофиқлаштирувчи вазирлик ҳамда ушбу йўналишда илмий-тадқиқот ишларини олиб борувчи илмий марказ ташкил этилди.

Ўтган давр мобайнида мамлакатда бевосита камбағалликни қисқартириш борасида халқаро ташкилотлар (БМТ Тараққиёт дастури, Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти, ЮНИСЕФ ва бошқалар), молиявий институтлар (Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки) ҳамда ушбу йўналишда илғор тажрибага эга мамлакатлар илмий марказлари (Хитой Камбағалликни қисқартириш халқаро маркази) билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилди.

Иккинчидан, пандемия шароитида эҳтиёжманд аҳолини моддий ва номоддий қўллаб-қувватлаш мақсадида жойлардаги тўртта сектор, маҳалла органлари, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда депутатлар билан биргаликда камбағал ва моддий ёрдамга муҳтож оилалар рўйхати – “Темир дафтар” тизими ташкил этилди.

Мамлакатимиз миқёсида “Темир дафтар”га 2,5 миллионга яқин аҳолини ўз ичига олган 594,3 минг оила киритилди.

Бугунги кунда кам таъминланган оилаларнинг даромад манбаини яратиш орқали 2,2 миллион киши “Темир дафтар”дан чиқарилган.

Учинчидан, Жаҳон банки ва БМТнинг Тараққиёт дастури каби халқаро ташкилотларнинг таклиф ва тавсиялари асосида аҳолининг минимал истеъмол харажатлари қийматини ҳисоблаш тартиби амалиётга жорий этилмоқда. Мазкур услубиёт Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда муҳим дастаклардан бири бўлиб, ундан ижтимоий стандартларни белгилашда фойдаланилади.

Тўртинчидан, ўрта ва узоқ муддатларда камбағалликни қисқартиришнинг стратегик мақсадларини белгилаш мақсадида, Жаҳон банки ва БМТ Тараққиёт дастури экспертлари билан бирга 2021–2030 йилларга қадар Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш стратегияси умумхалқ муҳокамасига қўйилди.

Хужжатда мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш учун комплекс ёндашилиб, устувор йўналишлар доирасида чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш назарда тутилган.

Албатта, бугун юртимизда камбағалликни қисқартириш соҳасида амалга оширилаётган ишлар бу борадаги дастлабки қадамлар ҳисобланади. Бу борада ижтимоий, иқтисодий, маърифий-маданий соҳаларнинг ҳамкорликдаги фаолияти ҳамда амалга оширилаётган ишларнинг шаффофлигини таъминлаш масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Келгуси ўн йилликда ушбу соҳада ижобий натижаларга эришиш учун яна қуйидагиларга алоҳида эътибор беришимиз зарурлигини яхши англаймиз:

❖ барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда, 2030 йилгача камбағаллик даражасини 2 баробар камайтириш;

❖ келгуси ўн йилда камбағал оилалардаги ишсизларни тадбиркорликка жалб этган ҳолда, 500 минг янги иш жойларини ташкил этиш, ишсизлик даражасини 2 марта қисқартириш;

❖ 2030 йилгача камбағал оилаларни имтиёзли асосда 600 мингта квартира билан таъминлаш, уй шароитларини яхшилаш учун имконият яратиш;

❖ камбағал оилалардаги болаларнинг мактабгача таълим муассасаларидаги қамровини 2020 йилдаги 10 фоиздан 2030 йилда 30 фоизга кўпайтириш, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа ижтимоий соҳаларда аҳолини, жумладан, камбағал оилаларнинг минимал истеъмол стандартлари давлат томонидан тўлиқ таъминланишига эришиш;

❖ кам таъминланган оилаларга деҳқончилик қилиши учун ҳар йили 30 минг гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонларини ажратиб бериш, томорқа хўжалигидан сармарили фойдаланиш учун қулай шароит яратиш;

❖ 2030 йилгача барча муҳтож камбағал оилаларнинг мақсадли ва самарали ижтимоий ҳимоясини амалга ошириш.

Бугунги кунга келиб, камбағалликни қисқартиришга алоқадор ташкилотлар ва идоралар фаолияти янада самарали ташкил этилишига алоҳида эътибор берилади. Бу борада масъул хорижий институтлар билан ҳамкорлик янада ривожлантирилади.

2021 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қашшоқликка барҳам бериш ва камбағалликка қарши курашиш масалаларига бағишланган глобал саммити ўтказилиши, ШХТга аъзо мамлакатларда соҳага масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда Камбағалликка қарши курашиш мавзусида конференция ташкил этилиши, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан Хитой Халқ Республикасининг Халқаро камбағалликни қисқартириш маркази ўртасида англашув меморандуми имзоланиши ана шу соҳадаги ишларнинг бардавомлигидан далолат беради.

Хуллас, давлатимиз сиёсатининг барча устувор йўналишларини амалга оширишда камбағалликни қисқартириш муҳим ўрин эгаллайди. Ушбу соҳадаги фаолиятнинг тизимли ва самарали ташкил этилиши эса, камбағалликдан чиқиб кетишнинг энг муҳим омили бўлган инсоннинг интилиши, ўз кучига таянган ҳолда, аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши учун имкон яратди.



Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси ҳамда самарали миграция сиёсати

Бугунги глобаллашув жараёнида миграция масаласи дунё миқёсида барқарор ривожланишни таъминлашнинг долзарб вазифаларидан бирига айланган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотларига кўра, 2020 йилда дунёнинг турли мамлакатларида яшаётган мигрантлар сони 281 миллион нафардан ошган. Уларнинг аксарияти – учдан икки қисми сайёрамизнинг ривожланган мамлакатлари ҳиссасига тўғри келади.

Бугунги кунда миграциянинг ортиши, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ҳамда аҳоли фаровонлигини ошириш ва барқарор ривожланишга салбий таъсир кўрсатувчи иқлим ва ҳароратнинг кескин ўзгариши, сув ресурсларининг камайиши, табиий офатларнинг кўпайиши ва қишлоқ хўжалиги унумдорлигининг пасайиши каби омиллар билан боғлиқ. Ушбу омиллар аҳолининг энг заиф қатламларига кўпроқ таъсир кўрсатади.

Миграция жараёни, айниқса, унинг асосий қисмини ташкил этувчи меҳнат миграцияси жараёни муайян вақтларда кучайиб-пасайиш тенденциясига эга бўлиб, маълум ҳудуд, мамлакат, минтақа ижтимоий ҳаётига ўзининг ижобий, салбий, керак бўлса, сиёсий таъсирини ўтказди.

Жаҳон хўжалиги ривожланиб, мамлакатлараро интеграцион алоқалар кучайиши, ривожланган ва иқтисодий қолоқ мамлакатлар ўртасидаги фарқларнинг узлуксиз чуқурлашиб бориши

меҳнат миграциясининг тобора интенсивлашиб боришига олиб келади.

Дунё тажрибасида ушбу салбий ҳолатларнинг олдини олишнинг иккита самарали усули мавжуд. Бу – мамлакатда кўплаб янги иш ўринларини яратиш, аҳолида тадбиркорлик билан шуғулланиш ва унинг ҳисобидан даромад топиш кўникмасини ошириш ҳамда хавфсиз ва қонуний меҳнат миграциясига йўл очиб беришни назарда тутади.

Меҳнат миграциясининг тартибли ва илмий асосда йўлга қўйилиши дунё иқтисодиётига, шунингдек, ривожланаётган мамлакатларга катта манфаат ҳам келтиради:

❖ ишчи кучи экспортидан келадиган даромад миқдори кескин ошади. БМТ экспертларининг таҳлилларига кўра, халқаро миграция дунёдаги пандемия инқирозидан кейин иқтисодий тикланишнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Дунё аҳолисининг атиги 3,5 фоизини ташкил этадиган мигрантлар жаҳон ялпи маҳсулотининг тахминан 9 фоизини ишлаб чиқаради;

❖ ёшларда малакали ишчи ёки яхши ўқиб, юқори квалификацияли мутахассис бўлишга қизиқиш ортади. Хорижда етарли тажриба тўплаган ва малакали ишларни бажарган ёшлар, ўз юртига қайтганда, жамият интеллектуал салоҳиятини оширишга ва миллий иқтисодиёт равнақига муносиб ҳисса қўшади;

❖ ривожланган ва ривожланаётган давлатлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлаш, мамлакатдаги ижтимоий аҳволни барқарорлаштиришга хизмат қилади. Дунё бўйича меҳнат мигрантларининг ҳар йили ўз юртига юборадиган маблағлари 551 миллиард АҚШ долларидан ортади ва бу кўп ҳолларда ривожланаётган мамлакатларга хориждан келадиган ёрдам ва инвестициялардан кўпроқ бўлади.

Шу маънода, миграция жараёнини тартибга солиш, уни бошқариш масалалари алоҳида эътибор талаб қилади ва жаҳон ҳамжамияти диққат-эътиборида туради.

Табиийки, ижтимоий-иқтисодий тараққиётда ўтмишдан қолган мероснинг оғир муаммоларини узил-кесил ҳал этиш заруратига дуч келган Ўзбекистон ҳам асримизнинг ушбу феномени – меҳнат миграцияси жараёнларидан четда қола олмайди.

Янги Ўзбекистон БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг хавфсиз, тартибли ва қонуний миграция сиёсатини амалга ошириш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди.

Фуқароларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, сўнгги беш йилда Ўзбекистон Республикаси Халқаро миграция ташкилотига (ХМТ) аъзо бўлди, ушбу ташкилот Конституциясини (Уставини) ратификация қилди. Хорижда ишлаётган фуқароларга нисбатан муносабатларни тубдан ўзгартириб, илк бор меҳнат мигрантлари билан бевосита мулоқот ўрнатдик, уларнинг муаммо ва эҳтиёжларини ўрганиш ҳамда ҳал қилиш бўйича янги тизим жорий этдик.

Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси ташкил этилди. Меҳнат мигрантларининг ҳаёти ва соғлиғини суғурталаш, уларнинг оила аъзолари учун ипотека кредитларини ажратиш амалиёти жорий қилинди. Меҳнат мигрантларини қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш, меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларнинг реинтеграциясини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширмоқдамиз.

Бу борада биз тақдим этаётган стратегия асосида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг,

улар қаерда эканликларидан қатъи назар, ишончли ҳимоясини таъминлаш масаласи турибди.

Келгуси йилларда бу борадаги саъй-ҳаракатларимизни янада жадаллаштириб, қуйидаги устувор йўналишларда фаолиятимизни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқамиз.

Биринчи йўналиш. Хориждаги ватандошларимиз, ўзбек диаспоралари ва уларнинг жамоат ташкилотлари билан алоқалари мустаҳкамланади.

Хориждаги ватандошларимиз, яъни:

❖ келиб чиқиши Ўзбекистон Республикасидан бўлган, чет элга чиққан ва хорижий давлат фуқаролигини олган ёки фуқаролиги бўлмаган шахс мақомини олган;

❖ тарихий Ватанига маънавий ва маданий нуқтаи назардан мансубликни ҳис қилган;

❖ этник ва тил нуқтаи назаридан ўзини ўзбеклар ёки қорақалпоқлар сифатида идентификация қилган ҳамда Ўзбекистон билан ҳар томонлама алоқа қилиш истагида бўлган, хорижда истиқомат қилаётган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар билан тизимли ишлашни йўлга қўямиз.

Бунда:

биринчидан, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормалари, ватандошларимиз истиқомат қилаётган мамлакатларнинг қонунлари ва Ўзбекистоннинг халқаро шартномалари асосида ватандошларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш;

иккинчидан, ватандошларимиз ва улар томонидан тузилган жамоат бирлашмалари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ва ривожлантириш, фаолиятини рағбатлантириш;

учинчидан, хорижда истиқомат қилаётган ватандошларимиз дуч келаётган муаммоларни тизимли асосда таҳлил қилиб бориш, мураккаб ҳаётий вазиятга тушиб қолганларни моддий,

ижтимоий, ахборот ва ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ёрдам кўрсатиш;

тўртинчидан, хорижда ўзбек тили, маданияти ва анъаналарини сақлаб қолиш ва ривожлантириш, юртимизнинг бой илмий, маданий ва маънавий меросини кенг тарғиб қилиш ва оммалаштириш ҳамда олим ва ижодкор ватандошларимизнинг илмий, ижодий изланишларини қўллаб-қувватлаш;

бешинчидан, хорижда истиқомат қилаётган ватандошларимизни Ўзбекистон ҳудудида тадбиркорлик, инвестициявий, илмий, маърифий ва маданий фаолият билан шуғулланишга фаол жалб қилиш;

олтинчидан, хорижда таълим олаётган Ўзбекистон ёшлари билан тизимли ишлашни йўлга қўйиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратамиз.

Бу борада Ташқи ишлар вазирлиги, Маданият вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси, “Ватандошлар” жамоат фонди, Ўзбекистон касаба уюшмалари каби фуқаролик жамияти институтлари олди-га қатор янги вазифалар қўйилган.

Бу йўналишда “Ватандошлар” жамоат фонди орқали хорижий давлатлардаги юртдошларимиз билан доимий ва самарали алоқаларни ўрнатишга алоҳида аҳамият берамиз.

Асосий вазифаси хорижий мамлакатларда ўзбек тили, маданияти ва миллий анъаналаримизни кенг оммалаштириш, гуманитар алоқаларни мустаҳкамлашдан иборат бўлган Алишер Навоий халқаро институтини ташкил этиш ҳам ана шу мақсадларга хизмат қилади.

Иккинчи йўналиш. Ташқи меҳнат миграцияси, у билан боғлиқ бўлган одам савдоси соҳасида халқаро ҳамкорлик янада ривожлантирилади.

Янги Ўзбекистон ХМТ аъзоси сифатида мигрантларга ёрдам кўрсатиш, миграция оқимини тартибга солишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, меҳнат мигрантларини қўллаб-қувватлаш, одам савдосига қарши курашиш, шунингдек, ушбу соҳалардаги минтақавий ва глобал ташаббусларда фаол иштирок этади.

Ташқи меҳнат миграцияси ва таълим соҳаларида ХМТга аъзо давлатлар билан кўп томонлама ва икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш учун кенг имкониятлар мавжуд. Россия, Қозоғистон, АҚШ, Япония, Жанубий Корея, шунингдек, Евроиттифоққа аъзо давлатлар, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари каби мамлакатлар билан ҳамкорликни кенгайтирамиз.

Хорижий мамлакатларнинг миграция ва бошқа давлат органлари билан муносабатлар кучайтирилади. Чет эллик иш берувчилар ва хусусий бандлик агентликлари, уларнинг вакиллари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилади, бевосита келишувлар тuzилади.

Россия, Қозоғистон ва Туркияда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мақсадида адвокатлик фирмалари жалб қилиниши, онлайн платформа яратилиши ва доимий хизмат билан қамраб оладиган “Call-марказ” ташкил этилиши борасидаги ишлар кўлами кенгайтирилади. Хорижий мамлакатларда Ўзбекистон Республикаси фуқароларига мунтазам ёрдам кўрсатиб келаётган шахсларни фахрий консул ҳамда “жамоат маслаҳатчиси” этиб тайинлаш ҳамда уларни давлат мукофотлари билан тақдирлаш амалиёти кенгайтирилади.

Учинчи йўналиш. Хорижга ишлашга кетишдан олдин фуқароларни касб-хунарга ва чет тилларга ўқитиш, уларга касбий ма-

лакани тасдиқловчи халқаро сертификатлар бериш борасидаги чора-тадбирлар ҳаётга тизимли равишда ва жадал татбиқ этилади. Шунингдек, меҳнат мигрантларини молиявий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаёти ва соғлиғини суғурталаш амалиёти кенгайтирилади.

Тўртинчи йўналиш. Меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахслар реинтеграция қилинади. Шу жумладан, уларнинг бандлиги таъминланади, касбий малакаси оширилади ва тадбиркорлик ташаббуслари рағбатлантирилади.

Ушбу вазифалар, аввало, меҳнат мигрантлари муаммосини ҳал этиш, барча давлат ташкилотлари, мутасаддилари, фуқаролик жамияти институтлари томонидан Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг энг муҳим, бугунги кун ва келажак нуқтаи назаридан ўз ечимини кутаётган асосий масалаларидан бири сифатида қаралмоғи лозим.

Барчамиз биргаликда, бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилсак, Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий юксалишнинг равон йўлига бошлаб, мигрантларнинг ҳақ-ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилган бўламиз.



Пандемия таҳдиди ва унга қарши кураш тажрибамиз

Бугунги кунда инсоният глобал офатни – коронавирус пандемиясини бошидан ўтказмоқда. Бундай улкан фалокат жаҳон миқёсида сўнгги юз йилда рўй бермаган десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз.

Пандемия жаҳон иқтисодиёти учун ҳар ойда қарийб 400 миллиард доллар миқдорида зарар келтирмоқда.

Минг афсуски, бу юқумли касаллик мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмади ва бизга ҳам ташқаридан кириб келди. Бу офат билан самарали курашиш учун мамлакатимизда барча зарурий чоралар кўрилди.

Биз Аллоҳ таолонинг марҳамати, халқимизнинг фидокорона меҳнати билан коронавирус пандемияси ва глобал иқтисодий инқироз билан боғлиқ барча қийинчиликларни мардона енгиб ўтмоқдамиз.

Пандемиянинг биринчи кунларидан бошлаб бутун бошқарув тизими ва барча тиббиёт муассасалари фавқулодда иш режимига ўтказилди.

Қисқа муддатда Тошкент шаҳри ва ҳудудларда барча шароитларга эга бўлган қатор даволаш масканлари ташкил этилди. Улар зарур дори-дармон, ҳимоя ва энг замонавий диагностика воситалари билан таъминланди. Пандемияга қарши курашиш учун 200 мингдан зиёд тиббиёт ходими, жумладан, чет эллик юқори малакали шифокор ва мутахассислар жалб этилди.

Хориждан 600 мингдан ортиқ ватандошларимиз юртимизга олиб келинди. Чет элда қийин аҳволга тушиб қолган 200 мингга яқин фуқароларимизга зарур ёрдамлар кўрсатилди.

Пандемия оқибатларини юмшатиш ва бартараф этиш учун давлат томонидан жами 100 триллион сўмга яқин комплекс чоратадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Инқирозга қарши жамғарма ташкил этилиб, коронавируsgа қарши курашиш, аҳоли ва корхоналарни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ тадбирларга давлат бюджетидан тегишли маблағлар йўналтирилди. Шунингдек, давлат корхоналари, тадбиркорлик субъектлари ҳамда фуқароларимизга солиқ имтиёзлари, кредит муддатларини узайтириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича амалий ёрдам берилди.

“Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасида фидойи ва олижаноб ватандошларимизнинг фаол иштирокида бир миллионга яқин эҳтиёжманд оилага моддий кўмак кўрсатилди.

Ҳозирги вақтда дунёнинг бошқа минтақаларида кузатилаётган “пандемиянинг навбатдаги тўлқини” ва у билан боғлиқ хавф-хатарлар ҳаммамизни янада хушёр ва огоҳ бўлишга ундамоқда.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг таҳлилларига кўра, пандемия хавфи ҳали узоқ вақт сақланиб қолиши мумкин. Демак, инсоният бошидаги синовлар яна қанча давом этиши номаълум.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти, нуфузли экспертлар прогнозига кўра, пандемия бутун дунёда инқирозли ҳолатлар, ижтимоий кескинлик, қашшоқлик каби муаммоларни кучайтириши мумкин.

Барчамизга аёнки, пандемиядан кейин дунёнинг ижтимоий-иқтисодий манзараси, албатта, ўзгаради.

Тўпланган тажриба шуни кўрсатмоқдаки, кучли ва самарали бошқарув тизимига, бир ёқадан бош чиқариб яшайдиган аҳоли-

га эга бўлган давлатлар пандемиянинг кенг тарқалиш хавфини ўз вақтида бартараф этишга қодир бўлади. Буни Ўзбекистоннинг пандемия давридаги кураш тажрибаси ҳам исботлаб турибди.

Лекин эришган натижаларимизга маҳлиё бўлмасдан, жаҳондаги вазиятга сергаклик билан қараб, барчамиз – ким бўлишимиз, қайси вазифада ишлашимиздан қатъи назар, мамлакатимизнинг миллий манфаатларини таъминлаш ҳақида жиддий ўйлашимиз зарур.

Албатта, бундай синовли кунлар бир қатор хулосаларга олиб келади. Жумладан:

биринчидан, биз пандемия ва шу каби офатлар билан боғлиқ жараёнларнинг изидан қувишимиз эмас, балки унинг барвақт олдини олиш учун бор куч ва имкониятларимизни ва барча ресурсларимизни сафарбар этишимиз зарур;

иккинчидан, мавжуд вазиятни ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиб, бўлажак хавф-хатарларни, улар билан боғлиқ муаммоларни олдиндан прогноз қилишимиз, уларнинг ечимига аниқ режа ва пухта чораларимиз билан тайёр туришимиз талаб этилади.

учинчидан, бу каби касалликларни енгиш учун барча давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни янада кучайтиришимиз керак. Беморларни даволаш бўйича телемедицина орқали олиб бораётган мулоқотларимизни кенгайтиришимиз, халқаро тажрибалар ва тавсияларни ўзимизда фаол жорий этишимиз шарт;

тўртинчидан, мутасадди вазирлик ва идоралар билан бирга, жойлардаги ҳокимлар, секторлар раҳбарлари коронавирус қайтадан тарқалишининг олдини олиш ҳамда унинг иқтисодиёт ва инсонлар ҳаётига салбий таъсирини имкон қадар чеклаш учун аҳолининг энг муҳим ҳаётий эҳтиёжларини тўлиқ таъминлаш, нарх-навонинг ошиб кетмаслигига эришиш ва кам таъминлан-


ган оилаларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни давом эттиришимиз зарур.

Айниқса, кам таъминланган, эҳтиёжманд ва ёрдамга муҳтож оилаларга мурувват ва саховат кўрсатиш, уларнинг ҳолидан хабар олиш, бу каби эзгу ташаббусларни кўпайтириш жойлардаги барча мутасадди раҳбарларнинг асосий вазифаларидан бири бўлмоғи лозим.

Ушбу бўлимда баён қилинган фикр-мулоҳозаларни умумлаштирган ҳолда, қуйидаги хулосаларни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман.


Биз хавфсизликнинг бўлинмаслиги ҳақидаги асосий қоида-ни тўла-тўқис қўллаб-қувватлаймиз ва давлатларнинг барқарор ривожланиши ва хавфсизлигига тўсқинлик қиладиган ҳар қандай таҳдид ва хавф-хатарларга ўз вақтида муносиб жавоб қайтариш борасида ўзаро мақбул ёндашувлар ва келишилган амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, муаммо ва келишмовчиликларни ҳал қилиш тарафдоримиз.

Биз умумий хавфсизлик муаммосига алоқадор бўлган халқаро ташкилотлар ғоят хилма-хил бўлишига қарамасдан, фақат Бирлашган Миллатлар Ташкилотигина дунёда хавфсизликни сақлаш ва таъминлашга хизмат қиладиган – таҳдидларнинг олдини олишга қаратилган дипломатиядан тортиб, то тинчлик ўрнатиш борасидаги операцияларда қатнашишгача бўлган воситаларнинг ҳаммасига эга, деб ҳисоблаймиз ва унинг доирасидаги ҳамкорликни самарали олиб борамиз.



Бизнинг буюк ва кўпни кўрган мард ва олижаноб халқимиз ўзининг кўп асрлик тарихи давомида не-не бало-қазоларни, қанчадан-қанча уруш ва очарчиликларни бошидан кечириб, улардан муносиб ўтиб келган.

Ишончим комилки, эл-юртимиз бугунги кунда миллий тараққиётимиз йўлида пайдо бўлаётган ўткир ва долзарб муаммолар, турли таҳдид ва хавф-хатарларни ҳам ўзининг қатъий иродаси, сабр-матонати билан мардона енгиб ўтади ва ўз олдига қўйган эзгу мақсадларига албатта эришади.



ЕТТИНЧИ БЎЛИМ. ХАВФСИЗЛИК ВА ТАШҚИ СИЁСАТ

Мамлакат хавфсизлиги ва мудофаа салоҳияти

**Очиқ ва прагматик фаол ташқи сиёсат – устувор
вазифамиз**

БМТ ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик

**Марказий-Жанубий Осиё ва
Ўзбекистон тараққиёти**

Янги Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати, аввало, халқимиз, Ватанимиз манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Мамлакатимизнинг мудофаа қобилияти ва Қуролли Кучларимиз салоҳиятини янада мустаҳкамлаш сарҳадларимиз дахлсизлиги, жамиятимиздаги хавфсизлик ва барқарорлик, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлашнинг энг муҳим шарти ва кафолатидир.



Мамлакат хавфсизлиги ва мудофаа салоҳияти

Марказий Осиё минтақасида ва бутун дунёда мураккаб вазият юзага келаётган, терроризм, экстремизм ва радикализм хавфи тобора ортиб бораётган бугунги шароитда бу масалалар ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Шуни инобатга олган ҳолда, биз Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг дастлабки давридаёқ тинчлик ва хавфсизликни таъминлашни фаолиятимизнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб олдик. Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, бу борадаги вазифалар туркумига қуйидагилар киритилди:

- ❖ Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми, суверенитети, ҳудудий яхлитлигини муҳофаза қилиш;
- ❖ давлатнинг мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг жанговар қудрати ва қобилиятини ошириш;
- ❖ ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва мутаносиб равишда қарши ҳаракатларни ташкил этиш;
- ❖ фуқаролар, миллатлар ва конфессиялараро тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлаш;
- ❖ атроф-табiiй муҳит, аҳоли соғлиғи ва генофондига путур етказувчи экологик муаммоларни бартараф этиш;

❖ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тизимини такомиллаштириш ва бошқалар.

Мазкур вазифаларни рўёбга чиқаришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида кейинги йилларда бир қанча фармон ва қарорлар янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Мудофаа доктринаси қабул қилинди.

Тарихан қисқа муддатда мамлакатимиз мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги, чегараларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армиямиз шакллантирилди.

Айнан миллий армиямиз мамлакатимизда эркин, озод ва фаровон ҳаёт бунёд этиш, демократик ислоҳотларни самарали амалга ошириш йўлида ишончли кафолат бўлиб келмоқда.

Бугунги кунда ҳарбий бошқарувнинг самарали тизими шакллантирилди, ҳарбий тузилмаларнинг таркиби ва вазифалари чуқур қайта кўриб чиқилди, кўшинларни бошқариш тизими такомиллаштирилди, миллий армиямизни замонавий қурол-яроғ ва техника воситалари билан таъминлаш бўйича ўта муҳим лойиҳалар амалга оширилди. Қуролли Кучлар таркибида турли кўшинларнинг ўзаро мувофиқ ҳолда ва ҳамкорликда ҳаракат қилишини таъминлаш йўлида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилади.

Тарихимизда биринчи марта ўз моҳиятига кўра ноёб тизим - ҳарбий-маъмурий секторлар ташкил этилди. Бундай иш усули жойлардаги давлат ҳокимияти органларини мамлакатимиз мудофаа кудратини мустаҳкамлашга фаол жалб этиш учун имкон берди. Энг муҳими, у “Армия ва халқ - бир тану бир жондир” деган ҳал қилувчи тамойилни амалда таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ҳарбий кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда ма-лакасини ошириш тизими принципиал жиҳатдан мутлақо янги

асосга ўтказилди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида маҳаллий офицер кадрлар юртимиздаги ҳарбий хизматчилар умумий сонининг атиги 0,6 фоизини ташкил этарди. Офицерларни тайёрлаш эса учта ҳарбий билим юртида ва бор-йўғи учта ҳарбий мутахассислик бўйича олиб борилар эди.

Амалга оширилган ишлар натижасида қўшимча равишда янги, замонавий ҳарбий таълим муассасалари ташкил этилди, курсантларни ўқитиш тизими эса кўп тармоқли асосда йўлга қўйилди.

Юқори бўғин қўмондонлик офицерларини тайёрлаш ҳамда мудофаа қурилиши соҳасида илмий-тадқиқотлар ва ишланмаларни амалга ошириш бўйича энг зарур вазифалар самарали ҳал этилмоқда. Бу борада, айниқса, Қуролли Кучлар академияси ғоят муҳим ўрин эгаллаб келмоқда.

Шунингдек, армиянинг асосий таянчи бўлган сержантлар корпусини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Илғор халқаро стандартлар асосида ташкил этилган Сержантлар тайёрлаш мактабларида таълим 26 та йўналиш ва мутахассислик бўйича олиб борилмоқда.

Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга чақириш тизимини ислоҳ қилиш бўйича ҳам улкан ишлар амалга оширилди. Муддатли ҳарбий хизмат бир йил этиб белгиланди, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий-маиший шароитлари, озиқ-овқат таъминоти тубдан яхшиланди. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, резервга бўшатишга ёшларнинг ишга жойлашиши ва олий ўқув юртларига ўқишга кириши билан боғлиқ имтиёзлар тизими белгиланди. Буларнинг барчаси ҳарбий жамоаларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳит шаклланиб, ёшлар ўртасида ҳарбий хизматнинг нуфузи кескин ошишида муҳим омил бўлди.

Ана шу ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида фуқароларнинг сафарбарлик чақирув резерви шаклидаги ҳарбий

хизматни ўташини назарда тутадиган ўзига хос ноёб тизим яратилди. Бу тизимда ёшлар нафақат зарур ҳарбий тайёргарликдан ўтади, балки жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниқади. Улар ўзларининг фуқаролик масъулияти, Ватан ҳимоячиси сифатидаги муқаддас йигитлик бурчини чуқур англаб, ўз юртига фидойи инсон бўлиб етишади.

Бугунги кунда миллий армиямиз минг-минглаб ўғлонларимиз учун чинакам мардлик, фидойилик, ҳақиқий ватанпарварлик мактабига айлангани, ҳеч шубҳасиз, бу йўлда эришган энг катта ютуғимиздир. Мазкур ҳақиқатни юртимиздаги барча ота-оналар, бутун халқимиз ғурур билан, миннатдорлик билан эътироф этмоқда.

Ҳозирги кунда оналар, бир вақтлар бўлгани каби, ўз фарзандларини армияга кўзда ёш, юракда хавотир билан эмас, балки менинг ўғлим ҳақиқий Ватан ҳимоячиси бўлади деб, юксак ишонч ва фахр туйғуси билан кузатмоқда.

Айниқса, кейинги йилларда олиб борилаётган туб ислоҳотлар натижасида миллий армиямиз ҳар қандай хавф-хатарга муносиб зарба бера оладиган қудратли, тезкор ва самарали кучга айланиб бормоқда.

Албатта, коронавирус пандемияси туфайли ўтган 2020 йил жаҳондаги барча давлатлар қатори мамлакатимиз учун ҳам жиддий синовлар йили бўлди.

Ана шундай ғоят кескин шароитда Қуролли Кучларимиз Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг “Миллатнинг дардига дармон бўлмоқ – чин вазифангиздир”, деган эзгу даъватини ўзига шиор қилиб олди. Улар халқимизга янада яқин бўлиб, сафарбарликни ошириб, қисқа муддатларда ўз олдига қўйилган муҳим вазифаларни муносиб адо этганини барчамиз чексиз миннатдорлик билан қайд этамиз.

Айниқса, бу жараёнда ҳарбий шифокор ва хизматчиларимиз, ҳуқуқ-тартибот органлари ва кутқарув хизмати ходимлари ҳақиқий мардлик ва жасорат намунасини, юқори касбий маҳоратни намоён этганлари алоҳида таҳсин ва эътирофга сазовордир.

Бундай мураккаб вазиятда Қуролли Кучлар Ҳарбий тиббиёт академиясининг ташкил этилгани ҳарбийлар ва уларнинг оилалари саломатлиги ва ҳаётини муҳофаза қилиш борасида олдимизга қўйилган долзарб вазифаларни тезкор ва самарали ҳал этиш имконини беради.

Минтақамизда ягона бўлган ушбу янги академия ҳарбий тиббиёт соҳасида, фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда иштирок этадиган юқори малакали ва ихтисослашган кадрлар тайёрлашга хизмат қилади.

Академияда жаҳон андозаларига мос инновацион ишланмалар ҳамда илғор технологияларга асосланган ўқув-лаборатория хоналари ва энг замонавий моддий-техник база яратилмоқда.

Минтақамизда очиклик ва миллий манфаатларни ўзаро ҳисобга олиш тамойилларига асосланган янги сиёсатни амалга ошириш доирасида Қуролли Кучларимиз ҳарбийлари Марказий Осиё ва дунёнинг кўплаб мамлакатларидаги ҳамкасблари билан яқин шериклик алоқаларини ўрнатди ва мустаҳкамламоқда.

Сўнгги йилларда биз бир қатор қўшма ўқув машғулотларини биргаликда ўтказдик. Шунингдек, юқори даражадаги ҳарбий делегацияларнинг ташрифларини ташкил этдик, тезкор ва жанговар тайёргарлик борасида тажриба алмашдик.

Бизнинг тобора кучайиб бораётган бундай ҳамкорлигимиз бугунги кунда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни, Марказий Осиё деб аталмиш умумий уйимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг муҳим омилига айланиб бормоқда.

Дунёдаги энг юксак стандартлар даражасида ташкил этилган узлуксиз ҳарбий таълим тизими изчил ривожланмоқда. Ҳозирги пайтда янгидан тузилган, моҳият эътибори билан ноёб бўлган **Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институт**и мамлакатимиздаги замонавий олий таълим муассасалари қаторидан муносиб жой эгаллади.

Шу билан бирга, бошқарувнинг тезкор-стратегик бўғинида хизмат қиладиган офицер кадрларни тайёрлайдиган янги факультет ташкил этилди, Қуролли Кучлар академиясида қўшимча таълим инфратузилмалари фойдаланишга топширилди. Махсус вазифаларни бажарадиган бўлинмалар учун ҳарбий хизматчилар тайёрлайдиган ўқув маркази фаолияти йўлга қўйилди. Миллий гвардиянинг Ҳарбий-техник институтини фаолияти такомиллаштирилиб, унга университет мақоми берилди.

Жанговар тайёргарликнинг модернизация қилинган, мослашувчан тизимини жорий этиш билан уйғун ҳолда, Қуролли Кучларнинг янги ташкилий тузилмага ўтказилиши миллий армиямизнинг жанговар тайёргарлиги ва қобилиятини бир неча баробар оширди.

Бугунги кунда бизнинг ҳарбийларимиз ўзларининг профессионал тайёргарлик даражаси бўйича жаҳондаги етакчи мамлакатлар армияларининг ҳарбий хизматчиларидан асло қолишмаслигини сўзда эмас, амалда исботламоқда. Халқаро ҳарбий ўқув мусобақаларида, армиялар ўртасидаги ва спорт беллашувларида Ўзбекистон вакиллари ўзларининг маҳорати, руҳан бақувватлиги, ғалабага бўлган иродасини намоён этмоқда, буюк аجدодларимизнинг муносиб ворислари эканликларини яққол кўрсатмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси бутун Ўзбекистон халқида, айниқса, ёшларимизда миллий армиямиз билан фахрланиш туй-

ғусини, Ватан ҳимоячисидек шарафли касбга ҳурмат-эҳтиром ҳиссини уйғотмоқда.

Айни пайтда жаҳондаги вазият шиддат билан ўзгариб, дунёнинг айрим минтақаларида аҳвол кескинлашиб, халқаро терроризм ва экстремизм хавфи ортиб бораётгани халқаро ва минтақавий вазиятни ҳар томонлама таҳлил ва башорат қилишни, мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, Қуролли Кучларимизнинг жанговар тайёргарлиги ва салоҳиятини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни кўришни талаб этмоқда.

Давлат чегараларини кўриқлаш ва ҳимоя қилиш тизимини янада мустаҳкамлаш, қўшинларни бошқариш тизимини такомиллаштириш, жанговар тайёргарликни ташкил этиш самарадорлигини ошириш, Қуролли Кучларни энг янги қурол-яроғ ва техникалар билан таъминлаш, мамлакатимиз муҳофаа-саноат комплексини ривожлантириш бўйича фаол олиб борилаётган ишларни изчил давом эттириш зарур.

Биз юқори малакали ҳарбий кадрлар тайёрлаш, ўқув-тарбия жараёнларига илғор хорижий тажрибаларни, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга, шунингдек, ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ҳамда Қуролли Кучлар фахрийларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишга бундан буён ҳам биринчи даражали аҳамият қаратамиз.

Мазкур муаммоларни бартараф этиш учун яқин йилларда куйидаги стратегик вазифаларга эътибор қаратиш зарур:

- ❖ миллий хавфсизлик каби ўта муҳим соҳани қонун талаблари асосида бошқариш самарасини ошириш;
- ❖ Қуролли Кучлар қурилишининг ташкилий тизимини янада такомиллаштириш;
- ❖ қўшинларни тайёрлаш борасидаги тадбирларни режалаштиришга оид янгича ёндашувни ишлаб чиқиш;

- ❖ барча бўғиндаги профессионал ҳарбий кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;
- ❖ кўшинларни замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан қайта таъминлаш;
- ❖ ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш;
- ❖ ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича узлуксиз иш олиб бориш.

Шу билан бирга, юқоридаги стратегик вазифаларни амалга ошириш учун асосий саъй-ҳаракатларимизни қуйидаги устувор вазифаларга қаратиш муҳим.

Биринчидан, мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлашда фуқаролик жамияти ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг ролини ошириш ва фаоллаштириш лозим.

Барча бўғиндаги ҳокимият органлари раҳбарлари кўшинларнинг кундалик ҳаётида, ҳарбий шахарчалар барпо этиш, уларнинг инфратузилмасини яхшилаш, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳарбий хизматчиларда ғурур, садоқат, ватанпарварлик туйғусини, жанговарлик руҳи ва исталган пайтда Ватан ҳимоясига тайёрлик ҳиссини тарбиялашда фаол иштирок этиши шарт.

Ушбу соҳада ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқишда асосий масъулият Мудофаа вазирлиги зиммасига юкланади.

Бу борада амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар кенг дунёқараш ва юксак интеллектуал даражага эга бўлган, ўз фуқаролик бурчини адо этишга масъулият билан ёндашадиган ёшларни тарбиялашга хизмат қилиши даркор.

Шунингдек, ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ёшларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, жумладан, уларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Қуролли Кучларимиз барча давлат идоралари, муассаса ва корхоналар учун етук кадр-

лар тайёрлайдиган ҳақиқий мардлик ва юксак ватанпарварлик мактабига айланишига эришишимиз зарур.

Иккинчидан, ҳарбий округлар қўшинларининг жанговар таркибини янада такомиллаштириш, жанговар шайлиги ва ҳарбий қобилиятини кучайтириш, шунингдек, қўшинларни бошқариш тизимини автоматлаштириш ва оптималлаштириш орқали армиямизнинг ўз зиммасига юклатилган вазифаларни самарали бажариш салоҳиятини оширишимиз зарур.

Учинчидан, мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш ва ташкилий-штат тузилмаларини такомиллаштириш бўйича концептуал ҳужжатлар янгилангани муносабати билан Қуролли Кучларни режалаштириш ва уларни қўллашнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини қайта кўриб чиқиш лозим.

Тўртинчидан, қўшинларнинг жанговар ва тезкор тайёргарлик тизимини янада такомиллаштириш, ўқув машқлари фаоллигини, уларнинг самарадорлигини ошириш муҳим вазифадир.

Ўқув машғулотлари ҳарбий бўлинмаларни имкон қадар тўлиқ камраб олган ва ўзаро ҳамкорликда ҳаракат қиладиган тузилмаларни жалб этган ҳолда ўтказилиши лозим. Шу асосда бошқарув органлари ва бўлинмалар имкониятлари, аскардан тортиб командиргача бўлган ҳар бир ҳарбий хизматчининг хатти-ҳаракати, жанговар вазифаларни бажаришда қўлланаётган тактиканинг мақсадга мувофиқлиги ва тўғри эканини баҳолаш мумкин бўлади.

Бешинчидан, қўшинларнинг реал эҳтиёжларини тизимли равишда таҳлил қилиб бориш, уларнинг замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланиш даражасини ошириш доимо эътиборимиз марказида бўлиши керак. Бу борада Мудофаа вазирлиги, Мудофаа саноати бўйича давлат қўмитаси томонидан 2021–2024 йилларга мўлжалланган қўшинларни модернизация қилиш

ва замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминлаш бўйича комплекс дастур ишлаб чиқилиши лозим.

Олтинчидан, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий таъминот тизимини янада такомиллаштириш биз учун энг муҳим вазифа бўлиб қолади. Бу борада 2025 йилгача мўлжалланган Қуролли Кучларни ижтимоий ривожлантириш тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни қабул қилиш долзарб аҳамиятга эгадир.

Шу билан бирга, Қуролли Кучларни ривожлантириш ва мамлакат мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш ҳамда бу борада замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илғор инновацияларни кенг татбиқ этиш борасидаги фаолиятимизни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқамиз.

Жумладан, барча даражадаги қўмондонлик ва бошқарув органлари фаолиятини такомиллаштириш, қўшинларда автоматлаштирилган бошқарув воситалари ва комплексларни жорий қилиш орқали уларнинг ҳамкорликдаги оператив ва жанговар тайёргарлик даражасини ошириш, ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш истиқболдаги долзарб вазифалардан бўлиб қолади.

Ҳарбий кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда қатъий давом этамиз. Ҳарбий илмни ривожлантириш борасида ҳарбий можаролар ва замонавий жанг амалиётларини ҳамда миллий ҳарбий санъат тарихини чуқур ўрганиб, қўшинларнинг тайёргарлик борасидаги усул ва услубларини янада такомиллаштириш вазифаларига устувор аҳамият берамиз.

Бунда ҳарбий таълим тизимида бошланган ислохотларни узвий давом эттириш, олий ҳарбий билим юртлари, лицей ва коллежлар, жумладан, “Темурбеклар мактаби” ҳарбий академик лицейлари фаолиятини такомиллаштиришни долзарб вазифа, деб биламиз.

Бу махсус таълим масканларида таҳсил олаётган фарзандларимиз қалбида миллий рух, она Ватанга меҳр ва садоқат, адолат туйғусини ҳар томонлама кучайтириш, буюк аجدодларимиз, жумладан, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Шохрух Мирзо, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби саркардаларнинг бой жанг санъатидан кенг фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Тошкент шаҳрида барпо этилган “Ғалаба боғи” мажмуаси ва “Шон-шараф” музейини ҳарбий хизматчилар, мамлакатимиз аҳолиси, айниқса, ёшлар учун ҳарбий тарихни ва буюк аجدодлар қаҳрамонлигини ўрганиш бўйича илмий марказга айлантирганимиз замирида чуқур маъно бор. Чунки, ватанпарварлик ҳисси, аввало, буюк тарихимиздан, аجدодларимиз жасоратидан озикланади.

“Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси ёшларимиз учун ҳақиқий жасорат ва ватанпарварлик мактаби, ибрат масканига айланди. Халқимизнинг уруш даврида кўрсатган тенгсиз жасорати ва бағрикенглик фазилатларининг ёрқин тимсоллари генерал Собир Раҳимов ва бошқа машҳур саркардалар ҳайкали, Зулфия ая Зокирова оиласига бағишлаб ўрнатилган ёдгорликлар, “Шон-шараф” музейи халқимизнинг кўнглидаги иш бўлди.

Ҳеч шубҳасиз, ана шундай ишларимиз мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа қобилиятини янада ошириш ва пировардида мустақиллигимизни мустаҳкамлаб, Ватанимиз қудрати, Қуролли Кучларимиз салоҳиятини янада кучайтиришга хизмат қилади.



Очиқ ва прагматик фаол ташқи сиёсат – устувор вазифамиз

XXI асрдаги глобал ўзгаришларнинг мамлакатимиз ташқи сиёсатига таъсири муҳим масала бўлиб, у Ўзбекистон дипломатияси учун ўта долзарбдир.

Ўзбекистон халқаро майдондаги вазият ва юзага келаётган ҳар қандай таҳликадан қатъи назар, ўзининг мустақиллиги ва суверенитети, хавфсизлиги ва барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ҳамда барча фуқароларнинг фаровонлиги ишончли тарзда таъминланишига қаратилган сиёсат олиб бормоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда кечаётган туб янгиланишлар, изчил ва фаол ташқи сиёсат, айниқса, Марказий Осиё минтақасидаги яқин қўшничилик муҳити тобора мустаҳкамланаётгани юртимизнинг халқаро нуфузини янада оширмоқда.

Ўзбекистоннинг чуқур ўйланган, прагматик ва аниқ ечимларга асосланган ички ҳамда ташқи сиёсати ўзининг ҳаётийлиги, оддий одамларнинг эҳтиёж ва манфаатларига жавоб бериши билан халқаро ҳамжамият эътирофига сазовор бўлмоқда.

Бу эзгу мақсадлар амалда ўз ифодасини топаётгани нафақат мамлакатимиз, балки минтақа халқлари ҳаётида муҳим ўзгаришлар бошланаётганидан далолатдир. Умуман, Янги Ўзбекистоннинг янги ташқи сиёсати юртимизни тараққий топтириш, фуқароларимиз учун муносиб турмуш даражасини яратиш, уларнинг келажакка бўлган ишончини мустаҳкамлашга қаратилгани билан эътиборга сазовор.

Мамлакатимиз ички ҳаётида кузатилаётган очиқлик ва янгиликлар, шунингдек, иқтисодиётни либераллаштириш, бозор иқтисодиёти муносабатларини ривожлантириш, тадбиркорлик муҳитини яхшилаш, янги технологияларни жорий қилиш, рақамлаштириш, таълим, маънавият ва маърифатни юксалтириш, фуқаролар фаоллигининг ўсиши ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясига эътибор – буларнинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Маълумки, Ҳаракатлар стратегиясида давлатимизнинг ташқи сиёсат соҳасида қуйидаги энг муҳим йўналишлари белгилаб берилган эди:

- ❖ давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг халқаро муносабатларнинг тўлақонли субъекти сифатидаги ўрни ва ролини янада кучайтириш, ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, Ўзбекистон атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва дўстона қўшничилик муносабатлари муҳитини яратиш;

- ❖ Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузини юксалтириш, дунё ҳамжамиятига мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисида холис ахборот етказиш;

- ❖ Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ва иқтисодий фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини ҳамда халқаро ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

- ❖ Ўзбекистон давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш масалаларини тартибга солиш.

Мамлакатимизнинг ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлари барқарор, адолатли ва демократик давлат қуришга, унинг ташқи дунёга очиқлигини илгари суришга ҳамда минтақавий ва кўп томонлама ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилгандир.

Ўтган даврда Россия, Хитой, АҚШ, Германия, Франция, Туркия, Япония, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Бирлашган Араб Амирликлари каби дунёнинг олис ва яқин мамлакатлари билан кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган келишувларга эришилди ва “йўл хариталари” тасдиқланди.

Олий ва юқори даражадаги ташрифлар давомида мамлакатимизнинг миллий манфаатларига мос келадиган ҳамда хорижий давлатлар билан алоқаларни кенгайтиришга қаратилган фаол, очик, прагматик ва чуқур ўйланган ташқи сиёсий йўналишни ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Янги Ўзбекистон тараққиётининг янги устувор йўналишлари ва ёндашувлари ташқи сиёсий бошқарув тузилишини тубдан ислоҳ қилишни талаб этди. Ташқи ишлар вазирлигининг фаолияти қайта кўриб чиқилди, унинг таркибида янги бўлинмалар ташкил этилди, турли мамлакатларнинг йирик шаҳарларида ваколатхоналар ва бош консулликлар ўз фаолиятини бошлади. Дипломатик фаолиятнинг иқтисодий таркиби кучайтириб борилмоқда.

Халқаро майдондаги ҳамкорлигимиз, табиийки, илғор дунё тажрибасини ўрганиш, хорижий мамлакатлар билан алоқаларни йўлга қўйиш орқали Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича муҳим вазифаларни ҳал қилишга ёрдам бериш, мамлакатимизда қулай амалий ва инвестицион муҳитни шакллантиришга хизмат қилиши лозим.

Қадимий ва навқирон шаҳарларимиз – Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Нукус, Хива, Термиз, Шаҳрисабз ва Қўқонда халқаро аҳамиятга молик йирик саммит, форум ва анжуманларни доимий равишда ўтказишни давом эттириш ҳам бу борадаги вазифалар сирасига киради.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий стратегияси хорижий давлатлар билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, чет

эл инвестицияларини, илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жалб этиш, маҳаллий экспорт географиясини кенгайтириш соҳасида янги уфқларни очмоқда.

Сўнгги 10 йил ичида биринчи марта мамлакатимиз Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг кредит хавфи рейтингигадаги позициясини яхшилади.

Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш” рейтингига юртимиз 7 та позицияга юқори кўтарилди ва бизнесни рўйхатдан ўтказиш кўрсаткичи бўйича 190 та давлат орасида 8-ўринни эгаллаб, энг яхши ислоҳотчи мамлакатлар сафига киритилди.

Дунёдаги энг обрўли журналлардан бири – “Economist” (Буюк Британия) Ўзбекистонни йил мамлакати – 2017 йилдан эътиборан ислоҳотлар энг жадал суръатлар билан амалга оширилаётган давлат сифатида эътироф қилди.

Ўзбекистон 86 та давлат фуқаролари учун визасиз режимни ва 57 та давлат фуқаролари учун соддалаштирилган визали режимни жорий қилди. Бу ўз навбатида, Ўзбекистонга сайёҳлар ташрифи 2016 йилга нисбатан 3 баробар ўсиши имкониятини яратди.

Маълумки, ён қўшнимиз бўлган Афғонистон Марказий Осиё минтақасининг бир қисми ҳисобланади. Ўзбекистон ва Афғонистон халқлари асрлар давомида ягона маданий-цивилизацион маконда яшаб келади. Афғонистон ҳудудида кўплаб мутафаккир олимларимиз яшаган ва ўзидан улкан мерос қолдирган. Шунинг учун ушбу заминда тезроқ тинчлик ўрнатилиши, мамлакатдаги барча сиёсий кучларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ҳамда уларнинг иштирокида инклюзив ҳукумат тузилишини қўллаб-қувватлаймиз.

Биз Афғонистон хавфсизлигини мамлакатимиз хавфсизлиги ва бутун минтақанинг барқарорлиги ва фаровонлиги кафолати, деб қабул қиламиз ва шундай бўлиб қолади.

Мамлакатимизнинг ташқи сиёсат соҳасидаги муҳим устувор йўналиши дунёнинг етакчи давлатлари ва халқаро ташкилотлари билан стратегик шериклик ҳамда ҳамкорликнинг мутаносибтизимини шакллантиришдан иборат. Бизнинг бундай ёндашувимиз иқтисодиётни модернизациялаш, барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш, Марказий Осиёда ҳамкорлик учун қулай шарт-шароитларни яратиш вазифаларининг самарали ҳал қилишини таъминлашга қаратилган.

Ўзбекистон учун дунёнинг Россия, Хитой, АҚШ каби етакчи давлатлари, Осиё-Тинч океани минтақасидаги ривожланган мамлакатлар, хусусан, Корея Республикаси ва Япония, Европа мамлакатлари ва Европа Иттифоқи, араб-мусулмон ҳамда туркий тилли давлатлар билан ўзаро манфаатли, самарали ва кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Россия Федерацияси билан кўп қиррали стратегик ҳамкорлик ва иттифоқчилик муносабатлари изчил ривожланиб бормокда. “Стратегик ҳамкорлик тўғрисида”ги, “Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида”ги шартномалар, шунингдек, “Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги стратегик ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисида”ги декларация ўзаро муносабатларимизни янги мазмун билан тўлдирмокда.

Мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодиёт, нефть-кимё, транспорт коммуникациялари, қишлоқ хўжалиги, маданият, туризм, меҳнат мигрантларига муносиб шароитлар яратиш ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмокда.

Ўзбекистон ва Россия халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмокда. Икки мамлакатнинг ташқи сиёсат, ташқи савдо, мудофаа маҳкамалари ўртасида ўзаро маслаҳатлашувлар изчил амалга оширилмокда. Мамлакатларимиз БМТ,

ШХТ, МДХ каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилмоқда.

Ўзбекистон товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш, транспорт ва транзит соҳасидаги алоқаларни кенгайтириш борасидаги ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга кўтаришдан манфаатдордир.

Россия билан тиббиёт, илм-фан, таълим, маданият, спорт ва туризм соҳалари бўйича ҳам ўзаро алоқаларни янада кенгайтириш масалаларига устувор аҳамият қаратилади.

Икки давлат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг терроризм ва экстремизм, уюшган жиноятчилик, наркотрафик ва қурол-яроғларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш соҳасидаги ўзаро фаол ҳамкорлигини давом эттириш биз учун ғоят муҳим вазифа бўлиб қолади.

Биз Россия Федерацияси билан хавфсизлик соҳасида ўзаро ишонч ва манфаатларни ҳисобга олиш принципларига асосланган шериклик муносабатларини кенгайтириш орқали Марказий Осиё минтақасидаги янги таҳдид ва хатарларга қарши курашиш вазифаларини биргаликда ҳал этиш бўйича ҳамкорликни янада ривожлантириш тарафдоримиз.

Шу билан бирга, ҳарбий ва ҳарбий-техник соҳаларда амалий шерикликни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Дунё сиёсати ва иқтисодиётида энг муҳим роллардан бирини ўйнаётган Хитой Халқ Республикаси билан Ўзбекистон ўртасида яқин қўшничилик, дўстлик ва ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатлари изчил мустаҳкамланмоқда. Ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ҳуқуқий базасини “Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисида”ги шартнома, “Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисида”ги қўшма декларация, “Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ри-

вожлантириш ҳақида”ги қўшма декларация ва бошқалар ташкил қилмоқда.

Икки томонлама, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик кўплаб масалалар бўйича ташқи сиёсат маҳкамаларимиз ўртасидаги йиллик сиёсий маслаҳатлашувлар ўзаро ҳамкорликнинг муҳим бўғинига айланди.

Халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётган Ўзбекистон - Хитой маданий-гуманитар алоқалари ҳам юқори даражага кўтарилиб бормоқда.

Ўзбекистон узоқ муддатли манфаатларига мос келадиган барча истиқболли йўналишлар бўйича шерикликни бундан буён ҳам фаол ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, икки давлатнинг барқарорлиги, хавфсизлиги, изчил ижтимоий-иқтисодий тараққиёти йўлидаги ҳамкорликни давом эттириш сиёсатини олиб боради.

Ўзбекистон Хитой Халқ Республикаси билан конструктив сиёсий мулоқотни кенгайтириш ва барча соҳаларда кўп қиррали амалий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича ҳамкорликни кенгайтиришга интилади.

Олий даражада эришилган келишувлар ва имзоланган битимларни сўзсиз амалга ошириш, икки томонлама савдонинг жадал ўсишини таъминлаш, шунингдек, инфратузилмани ривожлантириш, энергетика, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, ахборот-телекоммуникация технологиялари ва бошқа соҳаларда устувор лойиҳаларни биргаликда илгари суриш Ўзбекистон ва Хитой давлатларининг ўзаро ҳамкорлик алоқалари янада мустаҳкамланишига замин яратади.

Шу билан бирга, маданий-гуманитар йўналишда, аввало, илм-фан, таълим, инновациялар ва туризм йўналишларидаги алоқаларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг Америка Қўшма Штатлари билан тенг ҳуқуқлилиқ, ўзаро ҳурмат ва ишонч, бир-бирининг манфаатларини инобатга олиш тамойиллари асосида барқарор ривожланиб бораётган стратегик ҳамкорлиги сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Икки давлат ўртасидаги турли даражадаги мунтазам мулоқотлар кўп қиррали ҳамкорликни самарали ривожлантириш ҳамда сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, гуманитар ва бошқа соҳаларда салмоқли натижаларни қўлга киритиш имконини бермоқда.

Шу билан бирга, икки давлат ўртасида анъана тусини олган сиёсий маслаҳатлашувлар доирасида ўзаро муносабатларга доир кенг кўламли масалалар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар, жумладан, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасида ҳамкорлик давом эттирилади.

Биз икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва минтақавий хавфсизликни таъминлашга қаратилган келишувларни амалга оширишга содиқ қоламиз ҳамда беш йилга мўлжалланган илк Ҳарбий ҳамкорлик режасини амалга татбиқ қилиш орқали муҳофаа соҳасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Мамлакатларимизнинг узок муддатли манфаатларига мос келадиган барча истиқболли йўналишларда шериклик ва ҳамкорликни изчил мустаҳкамлаб, кенгайтириб бориш тарафдоримиз.

Туркия билан муносабатларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва ривожлантириш Янги Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий йўналишига тўлиқ мос келади. Турк халқи билан тилимиз, динимиз, анъана ва урф-одатларимизнинг умумийлиги ўзаро ҳурмат ва бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш тамойилларига

асосланган ҳамкорликни ҳар томонлама чуқурлаштириш ва кенгайтириш учун мустаҳкам пойдевор яратмоқда.

Ўзбекистон Туркияга ўзининг муҳим ва узок муддатли ҳамкори сифатида қарайди, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, ҳамкорликни ўзаро ишонч тамойиллари асосида ривожлантириш тарафдоридир.

Икки мамлакат ўртасида узок муддатли инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш орқали ўзаро савдо ҳажмини муттасил ошириб бориш ва диверсификация қилиш Ўзбекистон манфаатларига тўла мос келади.

Ўзбекистон Туркия билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва чуқур қайта ишлаш, озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш, қадоқлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш бўйича мажмуалар барпо этиш, тўқимачилик ва терини қайта ишлаш sanoатида замонавий қўшма корхоналар яратиш, хусусан, биргаликда пахта толаси ва тери хомашёсини чуқур қайта ишлаш орқали тайёр брэндли маҳсулотларни ташқи бозорларга чиқаришни йўлга қўйиш, фармацевтика соҳасида ҳамкорликка оид янги лойиҳалар тузиш ва амалга ошириш масалаларида ҳамкорликка тайёрдир.

Шу билан бирга, туризм соҳасида ўзаро ҳамкорлик, хусусан, замонавий сайёҳлик объектлари инфратузилмасини ривожлантириш, биргаликда сайёҳлик маҳсулотларини таклиф этиш, соҳада малакали кадрлар тайёрлаш бўйича алоқаларни ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Транспорт ва логистика масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Мамлакатларимизни бир-бири билан боғлайдиган транспорт йўлакларини кенгайтириш савдо-иқтисодий алоқалар ривожининг муҳим омилдир. Икки мамлакат ҳудуди орқали ўтувчи халқаро транспорт йўлакларининг рақобатбардошлиги ва жозибадорлигини ошириш мақсадида тран-

зиг тарифларини мақбуллаштириш ва преференциялар тақдим қилиш масалаларида ҳамкорлик қилиш зарур.

Корея Республикаси билан ўзаро яқин ҳамкорликнинг бугунги юксак босқичига кўп жиҳатдан олий даражадаги мунтазам мулоқотлар туфайли эришилмоқда.

Корея Республикаси мамлакатимизда саноат ва инфратузилмани диверсификация ва модернизация қилишга доир устувор дастурларни амалга оширишда етакчи инвестицион ва технологик шериклардан бири ҳисобланади.

Икки давлат ўртасида илмий-техник, тиббиёт ва таълим, маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро муносабатлар кенгаймоқда.

Ўзбекистонда Жанубий Кореянинг етакчи компаниялари иштирокида кўшма инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш, энг аввало, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарида минерал ва хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил қилишни рағбатлантиришни қўллаб-қувватлаймиз.

Замонавий технологияларни кенг қўллаш асосида шаҳарларни бошқариш, транспорт тизими ва уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш бўйича самарали тизимни ташкил этишда Жанубий Кореянинг илғор тажрибасидан фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Шаҳарсозлик, архитектура ва ландшафт дизайни соҳаларида ўзаро фаол ҳамкорлик қилиш муҳимдир.

Бевосита Жанубий Корея инвестициялари ва илғор технологияларини, имтиёзли кредитларини фаол жалб қилиш ҳамда саноат, энергетика, инфратузилма, автомобилсозлик, фан ва инновациялар, соғлиқни сақлаш ва туризмни ривожлантириш соҳаларида юқори технологик лойиҳаларни амалга ошириш учун молиявий-техник ёрдам кўрсатилиши мамлакатимиз манфаатларига жавоб беради.

Япония бизнинг муҳим стратегик шеригимиз ҳисобланади. Ўзбекистонда иқтисодиёт тармоқлари ва инфратузилмани модернизация қилиш бўйича ҳамкорликда кўп ишлар қилинди. Япония ҳукумати Ўзбекистондаги ислохотлар ва иқтисодий модернизацияни қўллаб-қувватлаб келмоқда ва шунингдек, юқори малакали кадрлар тайёрлашга кўмаклашмоқда.

Ўзбекистоннинг Япония билан икки томонлама кўп қиррали шерикликни сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш борасидаги интилиши қатъийдир.

Ўзаро савдо ҳажмини янада ошириш, инвестициявий, технологик, молиявий ва молиявий-техник ҳамкорликни кенгайтириш масалалари биз учун устувор ҳисобланади.

Энергетика, машинасозлик, тоғ-кон, кимё саноати, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, туризм ва бошқа устувор йўналишларда, аввало, Япониянинг етакчи компания ва банкларининг тўғридан-тўғри инвестициялари ва илғор технологияларини жалб қилган ҳолда, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш муҳимдир.

Бундан ташқари, ҳудудлараро алоқаларни, тартибли меҳнат миграцияси, таълим, соғлиқни сақлаш, маданий алмашинув соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Европа Иттифоқи давлатлари билан ҳамкорликни ўз ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири деб билади. Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг Европа мамлакатлари билан барча жабҳалардаги муносабатлари жадал суръатларда ривожланиб бориши натижасида ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги даври бошланди. Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик келишуви асосида сиёсий мулоқот, савдо-иқтисодий алоқалар, сармоя, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш, қонунчилик ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича ҳамкорлик,

шунингдек, маданий-гуманитар соҳалардаги алоқалар жадал ривожланмоқда.

Европа парламентида сиёсий, ишбилармон доиралар, шунингдек, фуқаролик жамияти институти вакиллари ўртасида юқори даражадаги мулоқотни таъминлаш орқали Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш мақсадида “Европа Иттифоқи – Ўзбекистон” парламент ҳамкорлик кўмитаси ташкил этилди.

Парламент ҳамкорлик кўмитаси фаолияти маданият, таълим, илм-фан соҳаларида икки томонлама ҳамкорликни, шунингдек, фуқаролар ўртасида алоқаларни ривожлантириш, кенг доирадаги конструктив учрашувлар ва парламент дипломатияси орқали Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи институтлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни кучайтиришга қаратилган.

Европа комиссиясининг техникавий кўмагида бизнес ва туризмни ривожлантириш, транспорт логистикаси, чегараларни бошқариш, наркотик воситаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш, хавфсизлик ва бошқа соҳаларда 40 га яқин лойиҳа амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда ЕИга аъзо давлатлардан жалб қилинган инвестициялар иштирокида мингдан ортиқ корхона фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон Европа Иттифоқи билан ҳамкорликни ўз ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб олган ва бу сиёсат ўзгаришсиз қолади.

ЕИ билан турли соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорлигимизни тенг ҳуқуқлилик ва шериклик асосида кенгайтиришдан манфаатдормиз.

Ўзбекистон кўп қиррали ҳамкорликни, энг аввало, инсон капитали ва демократик янгиланишлар, бизнес, инвестиция ва инновацияларни илгари суриш, яшил тараққиёт, экология, ма-

даний алмашинув ва бошқа йўналишларда янада кенгайтиришни қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон ва Евроиттифок ўртасида кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги янги битим мамлакатимиз ва ЕИ билан ҳамкорликни юқори босқичга кўтаришига ишонамиз.

Ўзбекистоннинг Бирлашган Араб Амирликлари, Миср, Саудия Арабистони, Кувайт, Қатар ва бошқа Яқин Шарқ мамлакатлари билан муносабатлари янги даражага кўтарилмоқда. Шунини қайд этиш керакки, Яқин Шарқ мамлакатлари билан ўзаро фойдали ва ҳар томонлама муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади.

Энг муҳими, ўзаро манфаатли, очиқ ва амалий шериклик руҳидаги ташқи сиёсат борасида амалга ошираётган салмоқли ишларимиз моҳият эътибори билан Ватанимизнинг бутунлай янгича қиёфасини яратишга хизмат қилмоқда.

Амалга оширган ишларимиз салмоғига қарамасдан, яқин келажакда эътиборни қаратишимиз лозим бўлган бир қанча масалалар ҳам мавжуд.

Биз Ўзбекистон ташқи сиёсатини фаоллаштириш юзасидан бошлаган кенг кўламли ишларни – миллий манфаатларимизга жавоб берадиган, очиқ ва прагматик, фаол ташқи сиёсат йўлини давом эттирамиз. Олис ва яқиндаги барча давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини, узоқ муддатли ва кўпқиррали шерикликни янада кучайтирамиз.

Келгуси йилларда мамлакатимизнинг ташқи сиёсатини амалга оширишда қуйидаги вазифаларга устувор аҳамият берилади:

Биринчидан, давлатимиз олиб бораётган очиқ, прагматик ва амалий ташқи сиёсатни инобатга олиб ҳамда узоқ муддатли

стратегик мақсадларимиздан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолият концепцияси такомиллаштирилади.

Иккинчидан, асосий хорижий шерикларимиз ҳисобланган Россия, Хитой, АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британия, Туркия, Жанубий Корея, Япония, Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Бирлашган Араб Амирликлари ва бошқа давлатлар билан кўп қиррали ва ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтирамиз.

Учинчидан, Марказий Осиё давлатлари билан кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва ўзаро ишонч руҳидаги алоқаларимизни янада мустаҳкамлаймиз.

Тўртинчидан, қўшни Афғонистон заминида тинчлик ўрнатилишига қатъий ишонамиз ва бу эзгу йўлда амалий ёрдамни бундан кейин ҳам аямаймиз.

Ҳозирги кунда Марказий Осиёни Ҳинд океани билан боғлайдиган Транс-афғон транспорт йўлагини барпо этиш долзарб вазифа бўлиб турибди. Бу йирик лойиҳанинг рўёбга чиқарилиши бутун минтақамизда барқарорлик ва иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қилади.

Бешинчидан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, бошқа нуфузли халқаро ва минтақавий тузилмалар билан яқин ҳамкорликни ривожлантириш масалалари доимо эътиборимиз марказида бўлади.

Олтинчидан, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, сўз ва диний эътиқод эркинлиги бўйича эришаётган ютуқларимизни тегишли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда изчил мустаҳкамлаб борамиз.

Еттинчидан, дунёнинг кўплаб мамлакатларидаги ватандошларимизни қўллаб-қувватлаш ва улар билан алоқаларимизни янада мустаҳкамлаш ишларига алоҳида эътибор қаратамиз.

Яқинда ташкил этилган “Ватандош” жамоат фонди шу йўлдаги муҳим амалий қадамдир.

Шунингдек, сиёсий-иқтисодий муносабатлар доирасини кенгайтириш учун чет давлатларда Ўзбекистоннинг янги ваколатхоналарини очиш, ходимлар сонини кўпайтириш ишларини янги босқичга кўтарамиз.



БМТ ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик

Янги Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати минтақавий ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги даврини бошлаб берди.

Мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан мулоқотни ва ҳамкорликни ривожлантиришга муҳим аҳамият қаратмоқда. Сўнгги йилларда БМТ ва унинг институтлари – Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссар бошқармаси ва Инсон ҳуқуқлари кенгаши билан ўзаро ҳамкорлик даражасини оширишга эришдик.

Орол муаммосини ҳал этишда халқаро ҳамкорликни кучайтириш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан тузилган Орол денгизи минтақасида инсон хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўп томонлама Траст фонди ўз амалий фаолиятини бошлади.

Биз қатъий ишонамиз – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бундан кейин ҳам халқаро муносабатларда ҳал қилувчи ўрин тутади. Ўзбекистон ушбу ташкилотнинг босқичма-босқич ислоҳ этилиши тарафдоридир. Ўзбекистон Хавфсизлик Кенгашини бугунги кун талабларига мос равишда кенгайтириш бўйича ўз позициясида собит туради.

Ўзбекистон БМТ Бош қотиби Антониу Гутерриш жанобларининг мамлакатимизга ташрифи якунлари бўйича ишлаб чиқилган “йўл харитаси”нинг амалий ижросини таъминлаш бўйича изчил чоралар кўради.

БМТ томонидан Орол фожиясидан жабр кўрган аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш бўйича қабул қилинган махсус дастур тўлиқ амалга оширилиши тарафдоримиз.

БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламентлар ролини ошириш тўғрисидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга, коронавирус пандемияси шароитида ҳар бир инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини, саломатлиги ва фаровонлигини таъминлайдиган адолатли глобал тизимни биргаликда яратиш зарурати яққол намоён бўлди. Бу борада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни ишлаб чиқиш тўғрисидаги таклифимиз долзарблигича қолади.

Биз БМТнинг тузилмалари билан ҳамкорликни бундан кейин ҳам изчил давом эттирамиз ва бунда қуйидагиларга алоҳида эътиборни қаратамиз:

❖ БМТнинг устав органлари ва шартномавий институтлари, глобал ва минтақавий иқтисодий, молиявий ва гуманитар ташкилотлардаги фаолиятни кучайтириш;

❖ БМТ Бош Ассамблеясининг Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш тўғрисидаги махсус резолюциясини қабул қилиш бўйича таклифни илгари суриш;

❖ 2021 йил ноябрь ойида Тошкентда БМТнинг Глобал аксил-террор стратегиясининг Марказий Осиё учун мўлжалланган режаси доирасида эришилган ўн йиллик натижалар ва истиқболларга бағишланган халқаро конференцияни ўтказиш;

❖ БМТнинг Гиёҳвандлик ва жиноятчилик бўйича бошқармаси билан 2022–2025 йилларга мўлжалланган Марказий Осиё мамлакатлари учун минтақавий дастурни имзолаш. Мазкур Бошқарма иштирокида Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатларини қамраб оладиган Гиёҳвандликка қарши умумий Ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш;

❖ 2022 йилда Оролбўйи худудида, яъни, Нукус шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда “яшил” энергетика бўйича юқори даражадаги халқаро форум ўтказиш;

❖ Биохилма-хиллик конвенцияси иштирокчиларининг йиғилишларидан бирини мамлакатимизда ташкил этиш;

❖ БМТ шафелигида глобал экологик сиёсатнинг устувор йўналишларини батафсил муҳокама қилиш мақсадида 2023 йили Ўзбекистонда Атроф-муҳит бўйича БМТнинг юқори даражадаги Олтинчи Ассамблеясини ўтказиш;

❖ Ассамблеяда БМТнинг янги экологик сиёсати асосларини шакллантиришга қаратилган Бутунжаҳон экология хартиясини ишлаб чиқиш ташаббусини илгари суриш;

❖ Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш ва Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан интеграция жараёнларини чуқурлаштириш бўйича аниқ амалий қадамларни қўйиш;

❖ пандемиядан кейинги даврда жаҳон иқтисодиётини қайта тиклаш муаммоларини ўрганиш, камбағалликни қисқартириш бўйича илғор тажрибаларни ҳаётга татбиқ этишга бағишланган халқаро конференцияни Тошкентда ўтказиш;

❖ Ўзбекистонда – қадимий Самарқанд шаҳрида мунтазам ўтказилаётган Инсон ҳуқуқлари мулоқотлари доирасида Глобал таълим форумини ташкил этиш.

Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар билан дўстона муносабатларни ва ўзаро самарали ҳамкорликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратади.

МДХ Ўзбекистон учун шунчаки мулоқот, фикр алмашиш ва қарашларни солиштириш “майдони” эмас. Бу тузилма биз учун устувор соҳаларда амалий ҳамкорлик қилишнинг ғоят муҳим институтидир, Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар эса бизнинг доимий шерикларимиз, қўшнилариимиз ва дўстларимиздир.

МДХда иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, ташкилот томонидан қабул қилинган қарорлар натижадорлигини ошириш ва иштирокчи мамлакатлар ўртасида маданий-гуманитар алоқаларни янада мустаҳкамлаш учун барча имкониятларни ишга соламиз.

Бугунги кунда биз МДХда ўз миллий координаторимиз даражасини Ташқи ишлар вазири ўринбосаридан Бош вазир ўринбосаригача кўтардик, МДХ Иқтисодий кенгашидаги иштирокимизни тикладик. Ҳамдўстликнинг биз аввал иштирок этмаган тармоқ органлари фаолиятида иштирок этишга тайёрмиз.

Бизнинг пировард мақсадимиз – Ўзбекистоннинг Ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорлигини фаоллаштириш бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқишдир.

Шу муносабат билан МДХда Ўзбекистон иштироки куйидаги устувор йўналишларга қаратилган:

Биринчидан, биз Ҳамдўстлик маконида ҳеч қандай истисно ва чекловларсиз тез фурсатда тўлақонли эркин савдо ҳудудини шакллантириш тарафдоримиз. Ўзбекистон МДХга аъзо мамлакатлар билан савдо, инвестиция, инновация ва молия соҳаларида янги лойиҳаларни амалга оширишдан манфаатдор. Биз венчур лойиҳалар ва иқтисодий зоналарни биргаликда ривожлантиришга тайёрмиз.

Иккинчидан, транспорт ва коммуникациялар соҳаси, МДХ маконида самарали интеграциялашган транспорт тизимини ривожлантириш, минтақамизнинг улкан транзит салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш стратегик муҳим йўналишдир. Маъмурий тар-

тибот ва регламентларни такомиллаштириш, юк ташувлари ва транзит учун ўзаро преференциялар тақдим этишни бу борадаги ишларнинг муҳим жиҳатлари, деб ҳисоблаймиз.

Учинчидан, амалий илмий-техник ҳамкорлик ва таълим соҳасидаги алмашинувни кенгайтиришга ҳамкорликдаги ҳаракатларимизнинг устувор йўналиши сифатида қараймиз. Биз Россиянинг нуфузли олий таълим муассасалари билан биргаликда тўплаган тажрибамиз асосида юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича қўшма дастурлар, юқори технологиялар соҳасидаги лойиҳалар, шунингдек, ҳамкорликда илмий тадқиқотлар олиб боришни қўллаб-қувватлаймиз.

Тўртинчидан, туризм соҳасида катта истиқболлар мавжуд. Фикримизча, МДҲдаги мавжуд кенг имкониятлар ва улкан туризм салоҳияти, афсуски, ҳалигача тўлиқ ишга солинмаган.

Бешинчидан, биз ҳарбий-техник соҳадаги кооперация даражасини ошириш, мамлакатларимиз ўртасидаги мавжуд шартнома ва битимлар доирасида қўшма дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқишдан манфаатдормиз.

Олтинчидан, барча бунёдкорлик режаларимизни фақат тинчлик ва барқарорлик шароитида, хавфсизликка таҳдид солувчи замонавий хавф-хатарларга ўз вақтида муносиб жавоб қайтариш орқали рўёбга чиқариш мумкинлиги аён ҳақиқатдир.

Шу муносабат билан жиноятчилик, терроризм, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши ва одам савдосига қарши муросасиз курашиш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва махсус хизматлар йўналишидаги ҳамкорлик муҳим амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон МДҲга аъзо давлатлар билан ҳамкорликда Афғонистон муаммосини сиёсий йўл билан ҳал қилиш бўйича кўмаклашишга тайёр.

Барчамизга маълумки, бугунги кунда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти обрўли, нуфузли тузилма сифатида халқаро майдонда мустаҳкам ўрин эгаллади, кўп томонлама ҳамкорликнинг самарали механизмига айланди.

Бизнинг мамлакатимиз учун Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг иқтисодиёт, жумладан, транспорт коммуникацияларини қуриш ва қайта тиклаш соҳасидаги фаолиятини ҳам фаоллаштириш, ушбу ташкилот билан ҳамкорликдан манфаатдор бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан алоқаларни ривожлантириш устувор вазифа ҳисобланади.

ШХТнинг роли ва мавқеини янада мустаҳкамлаш бизнинг “Шанхай руҳи” ҳамда ташкилотнинг тамойил ва қадриятларига нечоғли амал қилишимизга боғлиқ бўлади. Марказий Осиё бундан кейин ҳам ШХТнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолиши зарур.

ШХТ доирасидаги амалий ҳамкорликни кенгайтиришга оид ўзаро алоқалар, самарали иқтисодий ва транспорт йўлакларини ривожлантириш бўйича ШХТ Ҳамкорлик стратегияси ҳамда мамлакатларимизда замонавий ресурс тежовчи ва экологик тоза технологияларни кенг жорий этиш мақсадида ШХТнинг “Яшил белбоғ” дастури қабул қилиниши катта аҳамиятга эга. Айни пайтда, киберхавфсизлик масалалари бўйича ўзаро ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқиш, мамлакатларимиз ишбилармон доиралари ўртасидаги алоқаларни фаоллаштириш мақсадида ШХТнинг Иқтисодий форумини мунтазам ўтказиш каби тадбирлар кутилган натижаларга эришиш имконини беради, деб ҳисоблаймиз.

ШХТ Ишбилармонлар кенгаши ва Банклараро бирлашмаси доирасида барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш борасида, хусусан, макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётнинг юқори технологик тармоқларини жадал ривожлантириш, саноат инфратузилмаларини

модернизациялаш, сармоявий лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш, ишбилармон доиралар ва молиявий тузилмалар ўртасида бевосита алоқаларни ривожлантириш орқали амалий кўмак беришга йўналтирилган фаолиятни кенгайтириш бўйича ўзаро алоқаларни фаоллаштириш лозим, деб биламиз.

Бизнингча, “Бир макон – бир йўл” лойиҳаси ўзаро кенг ҳамкорликнинг янада самарали механизмларига асосланган, янги халқаро ҳамкорлик моделидир. Халқаро минтақавий ҳамкорликка доир масалалар Марказий Осиё, жумладан, денгиз портларига тўғридан-тўғри чиқиш имконига эга бўлмаган бизнинг мамлакатимиз учун доимо долзарб бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Шу боис биз “Бир макон – бир йўл” доирасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишларини қўллаб-қувватлаймиз.

Белгиланган мақсадларга эришиш учун умумий саъй-ҳаракатларимиз қуйидаги муҳим вазифаларни ҳал этишга қаратилиши лозим:

Биринчидан, “Бир макон – бир йўл” концепциясини минтақавий тараққиётга оид аниқ дастур ва лойиҳалар билан бойитиш керак.

Иккинчидан, Марказий Осиёни Хитой ва Россия орқали Жанубий, Жануби-Шарқий Осиё ва Европа давлатлари билан боғлайдиган транспорт-логистика йўналишларини ташкил этишда ҳамкорлик бўйича комплекс ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиш лозим.

Учинчидан, транспорт-коммуникация коридорини ривожлантириш билан бирга, аввало, юқори технологиялар соҳасидаги қўшма лойиҳаларни амалга оширишга эътибор қаратиш зарур.

Тўртинчидан, “Ипак йўли иқтисодий йўналиши” ташаббусини самарали амалга ошириш учун, бизнинг фикримизча, “ма-

кон ва йўллар” концепциясидан жой оладиган ҳамкорлик бўйича дастур ва лойиҳаларни қабул қилиш мақсадида минтақалараро даражада бизнес ҳамжамиятлар ўртасида тўғридан-тўғри мулоқотни ҳар томонлама рағбатлантириш зарур.

Бешинчидан, “Ипак йўли иқтисодий йўналиши” ташаббусининг амалга оширилиши нафақат иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, балки маданий-гуманитар алоқаларимизни мустаҳкамлаш, мавжуд улкан сайёҳлик салоҳиятидан фаол фойдаланишга ҳам хизмат қилиши лозим.

Шу билан бирга, бугунги шароитда терроризм, экстремизм ва наркобизнес таҳдидлари тобора кучайиб, янги шакллар касб этаётганини инобатга олиб, ШХТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмасини ташкилот маконида хавфсизликни таъминлаш бўйича принципиал жиҳатдан янги вазифаларни ҳал қилишга мослаштириш зарур.

Шу муносабат билан ваколатли идораларнинг амалий мулоқотларини бир неча баробар кўпайтириш, ҳамкорликнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Жорий вазиятни мунтазам муҳокама қилиш, шу жумладан, ахборот маконидаги хатар ва таҳдидларга қарши курашиш борасидаги қўшма чора-тадбирларни келишган ҳолда амалга ошириш муҳим.

ШХТ минтақасида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга кўшадиган умумий ҳиссамиз пировард натижада шунга боғлиқ ва бунда қуйидагилар устувор аҳамиятга эга йўналишлар сифатида ўз аҳамиятини сақлаб қолаверади:

❖ ШХТнинг очиклигини, унинг фаолиятида учинчи давлатлар ва бошқа ташкилотларга қарши қаратилмаган ҳамкорлик руҳини сақлаб қолиш;

❖ умумий хатар ва таҳдидларга қарши ўз вақтида ва биргалликда чоралар кўриш;

- ❖ минтақавий иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш;
- ❖ минтақада дўстлик, яхши кўшничилик ва ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, ШХТ маконида маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш;
- ❖ кенг кўламли гуманитар инқиروزларга йўл қўймаслик, қочқлар оқими ўсишининг олдини олиш, ижтимоий муаммоларни ҳал этишни давом эттириш;
- ❖ ШХТнинг салоҳияти ва нуфузини янада мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни давом эттириш;
- ❖ ШХТнинг минтақа ичидаги савдони ривожлантириш бўйича қўшма ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш таклифни илгари суриш. Унга савдо тўсиқларини бартараф этиш, техник регламентларни яқинлаштириш, божхона тартиботларини рақамлаштириш бўйича биргаликдаги чораларни ҳамда бозорларга ўзаро чиқишни енгиллаштириш бўйича бошқа тадбирларни киритиш;
- ❖ ШХТ доирасида саноат кооперацияси дастурининг қабул қилинишини жадаллаштириш;
- ❖ 2022 йилда Ўзбекистонда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Иқтисодий форуми ва Саноат янгиликлари ҳафталигини ўтказиш;
- ❖ ШХТнинг Транспорт боғлиқлигини ривожлантириш бўйича стратегиясини қабул қилиш;
- ❖ ШХТ маконида инфратузилмавий ривожланиш бўйича узоқ муддатли дастур ишлаб чиқиш ташаббусини илгари суриш. Унда энергетика, коммуникациялар, “яшил” тараққиёт билан боғлиқ трансчегаравий лойиҳаларни киритиш;
- ❖ ШХТ маконида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш;
- ❖ ҳамкорларимизнинг ахборот хавфсизлиги соҳасида тўплаган муваффақиятли тажрибани ҳисобга олиб, ШХТнинг

бу мавзуга бағишланган экспертлар форумини таъсис этиш. Кибермакондаги замонавий таҳдид ва хатарларга муносиб жавоб қайтариш бўйича ўзаро келишилган чораларни ишлаб чиқиш;

❖ мамлакатларимиз ҳудудлари ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш, маданий, фан-таълим, спорт ва бошқа соҳаларда қўшма тадбирларни ўтказиш. Шу мақсадда “ШХТ-нинг эзгу ният элчиси” институтини таъсис этиш;

❖ соғлиқни сақлаш соҳасида ШХТ доирасида янада яқиндан ҳамкорлик қилиш. Бу борада инфекция билан боғлиқ касалликларни профилактика қилиш ва даволаш, коронавирустан кейинги реабилитация, вакцинация тўғрисидаги сертификатларни ўзаро тан олиш масалаларида ҳамкорлик бўйича “йўл харитаси”ни қабул қилиш.

Биз ушбу йўналишларда кузатувчи мамлакатлар, мулоқот бўйича шериклар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни фаоллаштиришга тайёرمىз.

Туркий мамлакатлар билан алоқаларни ривожлантириш Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатининг муҳим жиҳати ҳисобланади. 2019 йилда Ўзбекистон Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига аъзо бўлди. Ўзбекистон ва Туркий кенгаш мамлакатларини азалдан нафақат маданият, тил, маънавият муштараклиги, балки анъанавий дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган муносабатлар боғлаб туради.

Ўзбекистон Кенгашни, биринчи навбатда, савдо, инвестициялар, инновациялар, транспорт, туризм, маданий-гуманитар алмашинувлар каби долзарб йўналишларда амалий шерикликни ривожлантиришга кўмаклашувчи самарали минтақавий тузилма сифатида баҳолайди.

Биз Кенгашни Европа, Ўрта Шарқ, Кавказ ва Марказий Осиё ўртасидаги кенг маконда минтақавий ҳамкорликнинг ўзига хос

механизмидан иборат субминтақавий бирлашмага айлантиришга қаратилган ташаббусларни илгари сурамиз.

Туркий кенгаш билан ҳамкорликнинг фаоллашуви мамлакатимиз учун қўшни мамлакатлар билан ҳам, минтақадан ташқаридаги яқин ҳамкорлар билан ҳам кўп томонлама алоқаларни ривожлантириш учун янги имкониятлар очади, деб ҳисоблаймиз. Бу ўз навбатида, нафақат ўзаро иқтисодий ҳамкорликни кучайтиришга, балки туркий тиллар, жумладан, ўзбек тилининг халқаро мақомини юксалтиришга хизмат қилади. Ташкилот ишида доимий аъзо сифатида иштирок этиш бизга халқаро майдонда ўз ташаббусларимизни илгари суриш, шунингдек, мамлакатимизнинг туркий-исломий тараққиёт марказларидан бири сифатидаги жаҳондаги нуфузи ва мақомини мустаҳкамлаш учун қўшимча сиёсий-дипломатик ресурсларни яратади.

Шу билан бирга, биз Кенгаш доирасидаги фаолиятимизда қуйидаги масалаларни ўзаро ҳамкорлигимиз марказига қўйишга алоҳида эътибор бермоқдамиз:

Биринчидан, айти пайтда ишлаб чиқиляётган “Туркий дунёнигоҳи – 2040” концептуал ҳужжати асосида ҳозирги ва пандемиядан кейинги вазиятни инобатга олган ҳолда, аъзо давлатларга хос, яқин ва ўрта истиқболга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик стратегиясини тайёрлаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Шу ўринда охириги йилларда Ўзбекистоннинг қардош мамлакатлар билан умумий товар айирбошлаш ҳажми икки баробар ошганини алоҳида таъкидламоқчиман. Айти пайтда бу кўрсаткичлар мавжуд салоҳиятларимизга мос эмас десам, адашмаган бўламан.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, фақат 2020 йилда давлатларимизнинг умумий импорти 420 миллиард долларни, аъзо мамлакатлар ўртасидаги ўзаро импорт ҳажми эса 21 миллиард

долларни ташкил этди. Шу боис учинчи давлатлардан кириб келаётган маҳсулотларни Ташкилотимизга аъзо мамлакатларда ишлаб чиқариш мумкин бўлган товарлар ҳисобидан қоплаш энг долзарб вазифамизга айланиши лозим. Бу борадаги мавжуд имкониятларни атрофлича ўрганиш мақсадида Туркий давлатлар савдо ҳамкорлиги бўйича тадқиқот марказини ташкил этишни таклиф қиламиз. Ушбу Марказ савдо тўсиқларини бартараф этиш, электрон тижоратни кенг жорий қилиш, экспорт-импорт ҳажмини кўпайтиришга қаратилган аниқ таклифлар ҳамда қўшма ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан шуғулланиши даркор.

Иккинчидан, кенгашга аъзо давлатлар ўртасида саноат кооперациясини кучайтириш ва йирик сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида Туркий кенгаш ўз Инвестиция жамғармаси ҳамда Тараққиёт банкига эга бўлиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Бу борада амалий ишларни бошлаш тарафдоримиз. Жумладан, давлатларимизда мавжуд бўлган ихтисослашган ташкилотлар негизида Инжиниринг ва технологиялар марказларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Уларнинг фаолияти қўшилган қиймат занжирларини яратиш ва рақобатбардошлик тамоийилларига асосланган қўшма лойиҳаларни биргаликда ишлаб чиқишга йўналтирилади. Бундай лойиҳаларни юқорида зикр этилган Инвестиция жамғармаси ҳисобидан молиялаштириш мумкин бўлади. Ушбу ташаббусни рўёбга чиқариш ҳамда бу йўналишда янги имкониятлар очиш учун келгуси йили Ўзбекистонда Туркий давлатлар саноат ҳафталигини ўтказиш ниятидамиз.

Учинчидан, минтақамизнинг транспорт ва транзит салоҳиятини ошириш биз учун стратегик аҳамиятга эга. Марказий Осиё ҳудуди орқали дунёнинг асосий бозорларига, жумладан, Хитой,

Ҳиндистон, Покистон ва Осиёнинг бошқа мамлакатларига, Озарбайжон ва Туркиядан Европа давлатларига чиқиш муҳимдир.

Тарихдан маълумки, туркий халқлар яшаб келган минтақалар минг йиллар давомида Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жануб ўртасида транспорт ва савдо кўприги вазифасини бажарган. Бугунги вазият биздан Хитойдан Европагача бўлган ва мамлакатларимиз ҳудудидан ўтадиган янги трансконтинентал транспорт йўллари янада ривожлантиришни талаб этмоқда. Бу борадаги ҳамкорликни тизимли йўлга қўйиш учун биз Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг 2021 йил 12 ноябрда Истанбулда бўлиб ўтган саккизинчи саммитида “Туркий давлатлар ташкилотининг транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқлик дастури”ни ишлаб чиқиш таклифини илгари сурдик. Ушбу дастур минтақалараро мультимодал коридорларни ривожлантириш, чегаралардан ўтиш тартибларини соддалаштириш, божхона, санитария ва бошқа турдаги назорат жараёнларини рақамлаштириш, транспорт ва транзит тарифларини оптималлаштириш масалаларига самарали ечимлар топишга қаратилишини назарда тутмоқдамиз.

Умуман, минтақамиз бўйлаб транспорт йўлакларини ривожлантириш ва йирик логистика инфратузилма лойиҳаларини аъзо давлатлар билан биргаликда амалга ошириш Ўзбекистон манфаатларига тўлиқ жавоб беради.

Маълумки, Кенгашга аъзо давлатларнинг ҳар бири турли соҳаларда рақамлаштириш жараёнларини жорий этиш тажрибасига эга. Мамлакатларимизда биринчи навбатда, Туркияда бу соҳада тўпланган тажрибани инобатга олиб, “ақлли шаҳар”ларни барпо этиш бўйича тажриба алмашиш ва инновациялар соҳасида трансферларни амалга ошириш мақсадида экспертлар ва IT йўналишидаги мутахассислар учун доимий платформа яратиш муҳимдир. Бу борадаги илк қадам сифатида 2022 йилда экспертлар конференциясини ўтказиш таклифини илгари сурдик.

Тўртинчидан, ҳозирги пайтда дунёда иқлим ўзгариши ва экология муаммоларини ечиш ҳамда углерод нейтраллигига эришиш, яъни углерод ёқилғисига қарамликдан қутулиш ва “яшил” иқтисодиётга ўтиш тобора ўткир заруратга айланмоқда. Орол денгизининг қуриши нафақат минтақамиз, балки ундан ташқаридаги кўплаб мамлакатларга ҳам жиддий таъсир кўрсатмоқда. Бундай экологик фожиаларнинг салбий оқибатларини юмшатиш, тарқалишининг олдини олиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда Туркий мамлакатларнинг атроф-муҳит муҳофазаси бўйича тузилмасини тузиш ҳақидаги ташаббусимиз ҳам юқорида зикр этилган саммитда қўллаб-қувватланди.

Мазкур тузилма қароргоҳини ушбу экологик офатдан энг кўп зарар кўрган Оролбўйи ҳудудларидан бирида жойлаштириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шу билан бирга, биз “Туркий дунё туризми” ва “Табаррук зиёрат” сайёҳлик лойиҳаларини амалга ошириш, ҳунармандчилик кўрғазмалари ва этноспорт мусобақаларини ўтказиш, маданий мерос объектларини сақлаш ва реставрация қилиш ҳамда бошқа йўналишларни қамраб олган “йўл харитаси”ни биргаликда ишлаб чиқишни кун тартибига қўймоқдамиз.

Бешинчидан, биз Кенгаш томонидан Туркий дунё бирлигига салмоқли ҳисса қўшган улуғ мутафаккир ва давлат арбоби Мир Алишер Навоий номидаги халқаро мукофотни таъсис этиш ҳақидаги қарор қабул қилинишини халқимизга, буюк аждодимизга бўлган ҳурмат-эҳтиромнинг яна бир юксак намунаси сифатида қабул қиламиз.

Туркий дунёнинг буюк вакиллари умумбашарий маданият ва цивилизация тараққиётига қандай улкан ҳисса қўшгани ҳаммамизга маълум. Яқинда Истанбул шаҳрида қайта таъмирланган муҳташам Отатурк маданият марказида Туркий дунёнинг улуғ

алломалари сиймолари ёд этилгани айниқса эътиборлидир. Ташкилотимизга аъзо барча мамлакатлар фондларида ана шу бебаҳо мерос асраб-авайлаб сақланмоқда. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам муштарак тарихимиз ва маданиятимизга оид 200 мингга яқин ноёб қўлёзмалар мавжуд. Ана шу нодир асарларни биргаликда ўрганиш, уларни таржима қилиш, ягона электрон базасини яратиш, бу соҳага рақамли технологияларни жорий этиш мақсадида Туркий тилли давлатларнинг тарихий, илмий ва маданий меросини ўрганиш тадқиқот марказини ташкил этиш ҳақида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган таклиф аъзо давлатлар раҳбарларида катта қизиқиш уйғотди.

Ўйлайманки, ушбу марказ қардош халқларимизнинг бебаҳо меросини келгуси авлодлар ва дунё аҳлига етказишга муҳим ҳисса қўшади.

Олтинчидан, келажагимиз давомчилари бўлган ёшлар мамлакатларимиз аҳолисининг катта қисмини ташкил этмоқда.

Бугун ёш авлоднинг халқларимиз ҳаёти ва тақдиридаги, ўзаро муносабатларимиз ривождаги ўрни тобора ортиб бормоқда. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, креатив ғоя ва лойиҳаларини рағбатлантириш, миллий кадриятларимизга ёт бўлган таъсирлардан асраб-авайлаш барчамизнинг асосий вазифаларимиздан биридир. Бу борадаги саъй-ҳаракатларимизни бирлаштириш мақсадида биз Туркий тилли давлатлар Ҳамкорлик кенгашининг саккизинчи саммитида 2022 йилни Туркий дунёда “Ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш йили”, деб эълон қилиш таклифини илгари сурдик.

Ўзбекистон **Ислом ҳамкорлик ташкилоти** билан ҳам изчил ўзаро ҳамкорликни ривожлантирмоқда ва уни муқаддас ислом дини кадриятларини сақлаш ҳамда ривожлантириш, мусулмон халқлар ўртасидаги бирдамликни мустаҳкамлаш, уларнинг тараққиёти ва равнақига кўмаклашишга қаратилган самарали

бўғин сифатида баҳолайди. Ўзбекистон Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатларнинг таълим ва маърифат, фан ва техникани ривожлантириш, инновацион ғоялар ва технологияларни жорий қилиш соҳасида ўзаро фаол ҳамкорлиги тарафдоридир.

Бу борада биз Ислом ҳамкорлик ташкилотининг 2016–2025 йилларга мўлжалланган Ўн йиллик ҳаракатлар дастури ва унинг устувор йўналишларини қўллаб-қувватлаймиз.

Шу билан бирга, мазкур нуфузли ташкилотдаги иштирокимизнинг энг муҳим жиҳатлари қуйидагилардан иборат деб биламиз:

Биринчи, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати кўп жиҳатдан мамлакат рақобатдошлигининг асосий кўрсаткичига айланган бугунги шароитда тараққиётнинг муҳим омили сифатида таълимнинг роли ортиб бормоқда. Ҳозирги пайтда жамият ва цивилизациялар, аввало, ижтимоий қадриятлар ва таълим тизимлари билан рақобатлашмоқда.

Шу нуқтаи назардан, буюк аجدодларимиз бўлган ислом оламининг мутафаккирлари асарларини, уларнинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини чуқур ўрганиш, теран англаш ва кенг оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Бу масала ёшларда илм-фанга ва таълим олишга интилиш туйғусини кучайтириш, барча жамиятларда ислом қадриятлари ва маданиятини тўғри англаш ҳамда қабул қилиш, дунёнинг барча халқларига ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини етказишда ғоят муҳимдир.

Иккинчи, барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни инновацион ривожланишсиз, кенг кўламли илмий-техник кооперациясиз ва янги технологиялар, илм-фан ва техника ютуқларини жорий этмасдан тасаввур қилиб бўлмайди.

Айнан шунинг учун илм-фан ва техникани янада ривожлантириш, Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг интеллектуал салоҳиятини мустаҳкамлаш ташкилотимиз фаолиятида муҳим ўрин эгаллаши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Ислом ҳамкорлик ташкилоти доирасида ҳамкор мамлакатлар билан илмий-технологик алмашишни фаоллаштириш, турли илм-фан соҳаларида қўшма тадқиқотлар ўтказиш тарафдоридир.

Учинчи, хавфсизлик муаммоси ўта кескин ва кутилмаган тус олаётгани барчамизни ташвишга солаётганини таъкидламоқчимиз.

Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг бирдамлигини таъминлаш, улар ўртасидаги зиддиятларга барҳам бериш, урушлар, терроризм ва экстремизмга қарши курашишда саъй-ҳаракатларни бирлаштириш тобора авж олаётган қарама-қаршиликларни бартараф этиш, тинчлик ва барқарорликка таҳдид солаётган хавфларга қарши курашишда муҳим аҳамият касб этади, деб ҳисоблаймиз.

Айниқса, мавжуд ёки юзага келаётган зиддият ва тўқнашувларни, музокаралар, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормалари асосида, сиёсий-дипломатик ҳамда халқаро ҳуқуқий механизмлардан фойдаланган ҳолда, тинч йўл билан ҳал этишга эришиш энг муҳим вазифа бўлиши лозим.

Тўртинчи, ислом олами улкан иқтисодий, инвестицион салоҳият, энергетика ресурсларига эга. Улардан тўғри фойдаланиш, Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг халқаро савдо-иқтисодий, молиявий, инвестицион ҳамкорлигини кенгайтириш, мамлакатларимизни бирлаштирадиган транспорт йўллари ни ташкил этиш, юксак иқтисодий тараққиёт кўрсаткичларига эришиш имконини беради ва бу пировард натижада бошқа барча соҳаларнинг ривожланишига асос бўлиб хизмат қилади.

Шу муносабат билан бу борада Ислом ҳамкорлик ташкилоти доирасида, шунингдек, Ташкилот ҳудудидаги давлатларнинг дунёнинг етакчи мамлакатлари билан ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш алоҳида аҳамиятга эгадир.

Биз давлатларнинг хавфсизликни таъминлаш, иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича мулоқоти учун муҳим халқаро ташкилот ҳисобланган **Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти** билан ўзаро алоқаларни фаол ривожлантиришдан манфаатдормиз.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон билан ЕХҲТ ва унинг тузилмалари ўртасидаги конструктив ҳамкорлик изчил ривожланиб бормокда. ЕХҲТ билан Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюросининг (ДИИХБ) тавсияларини имплементация қилишда, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексини қабул қилиш ва такомиллаштириш доирасида муваффақиятли ҳамкорлик олиб борилди.

ДИИХБнинг кенг кўламли миссияси илк бор мамлакатимиздаги Президент ва парламент сайловларини кузатишда иштирок этди.

Бюро экспертлари Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегияси ҳамда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишга жалб этилди.

Мамлакатимизнинг Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти билан ҳамкорлигининг устувор йўналишлари давлат бошқаруви институтларини ислоҳ қилиш, суд-ҳуқуқ ва сайлов тизимини такомиллаштириш, шунингдек, трансмиллий хавфлар ва таҳдидларга қарши курашишда ўзаро конструктив ҳаракатларни ривожлантириш соҳаларидаги қўшма лойиҳаларни амалга оширишдан иборат.

Шунингдек, Ўзбекистон ДИИХБ билан энг аввало, инсон ҳуқуқлари, сўз, дин ва эътиқод эркинлиги, гендер тенглик, ёшларни қўллаб-қувватлаш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, амалга оширилаётган демократик янгилашларнинг ҳуқуқий базасини илғор халқаро амалиёт асосида мустаҳкамлаш борасида узок муддатли ва самарали шерикликни давом эттиришдан манфаатдордир.

Шу билан бирга, **Парламентлараро Иттифок, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Парламент ассамблеяси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро ассамблеяси** билан ўзаро ҳамкорликни аниқ ва узок муддатли иш режалари асосида давом эттиришни устувор вазифамиз, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон халқаро молия институтлари ва савдо ташкилотлари – Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Осиё инфратузилма инвестициялари банки, Ислон тараққиёт банки, Жаҳон савдо ташкилоти, Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ва бошқа ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш ва такомиллаштиришга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Халқаро молия ташкилотлари билан инвестициявий ва амалий муҳитни яхшилаш, мамлакатимизнинг кредит рейтингини ошириш, валюта-кредит сиёсатини такомиллаштириш, банк-молия соҳасида миллий мутахассислар малакаларини ошириш масалаларида ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдормиз.

Мазкур вазифаларнинг рўёбга чиқарилиши ташқи сиёсатимиз самарасини янада юксалтиради.



Марказий-Жанубий Осиё ва Ўзбекистон тараққиёти

Минтақамиз давлатлари билан очик, ўзаро манфаатли ва яқин ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш – ташқи сиёсатимизнинг энг асосий устувор йўналишидир.

Биз ўтган даврда “Ўзбекистон ташқи сиёсатида Марказий Осиё – бош устувор йўналиш” тамойилини амалда татбиқ этишга киришдик. Муштарак сиёсий иродамиз ва биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз натижасида минтақамиз яхши қўшничилик, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ҳамда барқарор ривожланиш маконига айланиб бормокда.

Сўнгги йилларда Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида сезиларли ютуқларга эришдик. Бу амалий жиҳатдан янги мазмунга эга бўлган вазифаларни ҳал этишга, яъни дунёнинг бошқа минтақалари билан янада яқин алоқалар ўрнатишга имкон беради.

Минтақамизда янги сиёсий муҳитнинг шаклланишида Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Маслаҳат учрашувларининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Марказий Осиё давлатлари орасида иқтисодиётнинг турли тармоқлари бўйича ҳамкорликнинг кенгайиши минтақа ялпи ички маҳсулотини яқин 10 йилда камида икки баробар ошириш имконини беради. Айнан шунинг учун ҳам минтақадаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш бар-

ча мамлакатлар ижтимоий тараққиётига хизмат қилувчи муҳим омилдир.

Айниқса, кейинги йилларда бўлиб ўтган ва қатор долзарб муаммоларнинг амалий ечимини топиш, янги шартнома ва келишувларни имзолаш имконини берган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг мунтазам учрашув ва музокаралари принципиал жиҳатдан янги форматдаги ҳамкорлик учун мустаҳкам асос бўлди.

Охирги тўрт йилда Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан ўзаро савдо ҳажми салкам беш баробар ўсди. 2016 йилгача Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан йиллик товар айланмаси ҳажми ўртача 100–150 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2020 йил якуни бўйича ушбу кўрсаткич ўртача 53 фоизга кўпайди. Товар айланмаси Қирғизистон билан 8 баробар, Тожикистон ва Туркменистон билан 5 баробар, Қозоғистон билан эса 1 миллиард долларга ўсди.

Марказий Осиё мамлакатларини боғлаб турган энг муҳим транспорт йўллари қайта тикланди ва модернизация қилинди, янги ер усти ва ҳаво йўллари очилди. Жорий қилинган ўзаро чегирмалар натижасида юк ташиш, аввало, транзит ҳажми ортиб бормокда.

Минтақада экологик, жумладан, сув-энергетика масалаларини ҳал қилиш борасида олдинга силжиш кузатилмокда. Ўзбекистон Қамбар Ота ва Роғун ГЭСлари қурилиши лойиҳаларида иштирок этиш имкониятини кўриб чикди. “Ўзбекистон – Туркменистон – Эрон – Ўмон” транспорт йўлагининг участкаси қурилиши муҳим аҳамиятга эга ишлар сирасига киради. Амударё орқали “Туркманобод – Фороб” темир йўл ва автомобиль кўприклари очилди.

Шу аснода “Ўзбекистон – Туркменистон – Каспий денгизи – Жанубий Кавказ” йўналиши бўйича Боку – Тбилиси –

Карс ҳамда Грузия, Туркия, Руминия ва бошқа давлатларнинг Қора денгиз портларига чиқиш йўллари билан оралиқ транспорт-коммуникация магистралини барпо этиш учун қулай имконият яратилди.

Чегаралардаги ўтказиш пунктлари фаолияти қайта ташкил этилди, уларнинг ўтказувчанлик имконияти кенгайтирилмоқда. Чегара идоралари ва божхона органларининг самарали ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

Ўз фаолиятини қайта тиклаган ўтказиш пунктлари орқали ишбилармонлик ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни фаоллаштириш доирасида ўз қариндошлари билан учрашиш ва сайёҳлик объектларини кўриш мақсадида минтақа давлатлари чегараларидан ҳар куни ўн минглаб фуқароларимиз ўтмоқда.

Бундан ташқари, чегаралар ва йўллар очилиши туфайли ички бозорлардаги товарларнинг алоҳида турлари арзонлашгани қузатилмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, бундай имкониятлардан, аввало, фуқароларимиз фойда кўрмоқда. Бу – ҳамкорликдаги ишларимизнинг амалий самарасидир.

Тизимли мулоқот, барча томонларнинг манфаатларини инобатга олиш ва оқилона мураса асосида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш масалалари Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Минтақавий ҳамкорлик ва хавфсизликни, Марказий Осиёда тинчлик, хавфсизлик ва изчил тараққиётни таъминлаш борасида биргаликдаги саъй-ҳаракатлар халқаро ҳамжамият томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Ўзбекистон ташаббуси билан Марказий Осиё мамлакатлари ҳамкорлигида 2018–2021 йилларда БМТ Бош Ассамблеясининг бир неча махсус резолюциялари қабул қилинди.

“Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш” (2018 йил 22 июнь), “Маърифат ва диний бағрикенглик” (2018 йил 12 декабрь), “Марказий Осиёда барқарор туризм ва барқарор ривожланиш” (2019 йил 19 декабрь), “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудудига айлантириш тўғрисида”ги (2021 йил 18 май) БМТ резолюциялари халқаро ҳамкорлигимизнинг яққол мисолидир.

Ҳамкорликда амалга оширилаётган барча саъй-ҳаракатлар, лойиҳа ва дастурлар, ҳеч шубҳасиз, ўзаро ишонч ва ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаб, Марказий Осиё халқлари томонидан қўллаб-қувватланмоқда ва қардошларимизнинг манфаатларига тўлиқ жавоб берадиган бундай минтақавий ҳамкорлик изчил ривожланмоқда.

Умуман олганда, бугунги кунда Марказий Осиё минтақасида кўп йиллардан буён йиғилиб қолган барча муаммолар – сув ресурсларидан оқилона фойдаланишдан тортиб, чегараларни делимитация ва демаркация қилиш, чегара пунктларидан ўтиш ва чегара олди ҳудудларида савдони ривожлантириш каби жуда мураккаб масалаларга ечим топиш учун мутлақо янги, конструктив сиёсий муҳит ва қулай шароитлар яратилди.

Шунингдек, бугунги Марказий Осиё давлатлари олдида турган долзарб ва замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим.

Биринчидан, бугунги реал воқелик Марказий Осиёда иқтисодий ҳамкорликнинг янги моделини шакллантириш йўлида қатъий қадамлар ташлашни талаб қилмоқда.

Узоқ муддатли истиқболда янги ўсиш нуқталари ва тараққиётимизнинг янги драйверларини белгилаб олиш ғоят муҳимдир.

Худудлараро савдо-сотиқни янада кенгайтириш зарур. Эркин савдо тартибига тўлиқ ўтиш мақсадида мавжуд тўсиқларни бартараф этиш муҳим аҳамият касб этади.

Саноат кооперацияси, инновациялар ва рақамли технологияларни ривожлантириш орқали мустаҳкам қўшимча қиймат занжирларини яратиш мумкин бўлади. Бунинг учун минтақа тадбиркорлари ва худудлари ўртасида тўғридан-тўғри бизнес муносабатларини ўрнатишни рағбатлантириш ҳамда мунтазам равишда инвестицион ва иқтисодий форумлар ўтказишни йўлга қўйиш зарур.

Бу соҳада илгари сурилган муҳим ташаббус ва таклифларни инобатга олган ҳолда, Минтақавий савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг умумий йўналишлари тўғрисидаги битимни қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, Марказий Осиё давлатларининг муштарак стратегик манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, минтақанинг транспорт ва транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш бўйича ташаббусларни илгари суришимиз зарур.

Марказий Осиё давлатларидаги ривожланган ва бир-бирига интеграциялашган транспорт тизимлари минтақани Евро-осиё қитъасининг муҳим транспорт хабига айлантириш бўйича ишларни давом эттирамиз.

Шу нуқтаи назардан, мавжуд транспорт йўлаклари ва инфра-тузилмаларидан, жумладан, Каспий денгизи портлари, йирик трансчегаравий логистика марказларидан тўлиқ фойдаланиш юзасидан аниқ таклифларни илгари сурамиз.

Бундан ташқари, биз келажакда Термиз – Мозори Шариф – Кобул – Пешовар трансфғон коридори, Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон автомобиль ва темир йўлларининг имкониятларидан фойдаланишни режалаштирмоқдамиз.

Шунингдек, санитария талабларига амал қилган ҳолда, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида тўлақонли транспорт қатновларини тиклашни муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Учинчидан, миллий иқтисодиётлар ва аҳоли нуфузининг ўсишини ҳисобга олсак, минтақанинг энергетик хавфсизлиги масаласи янада долзарб аҳамият касб этиб бормоқда.

Шу муносабат билан, “яшил” энергетика ва энергия соҳасидаги самарадор технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратиб, бу борада Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш бўйича саъй-ҳаракатларни давом эттирамиз. Бунинг учун Марказий Осиё мамлакатлари электр энергиясини мувофиқлаштириш кенгашининг фаолиятини кучайтириш, унинг мандат ва ваколатларини кенгайтириш, шунингдек, минтақа давлатларининг ушбу тузилмадаги вакиллик даражасини ошириш тарафдоримиз.

Тўртинчидан, пандемия шароитида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш муаммолари кескин тус олмоқда. Жаҳоннинг маълум бир минтақаларида асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ошиши ва уларнинг етишмовчилиги кузатилмоқда.

Шу муносабат билан Марказий Осиё давлатлари қишлоқ хўжалиги вазирларининг учрашувларини доимий равишда ўтказиб бориш ҳақидаги ташаббусни қўллаб-қувватлаймиз.

Бу озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва уларнинг сифатини назорат қилиш, жумладан, халқаро бозорларга етказиб бериш бўйича аниқ йўналишлар ва қўшма дастурларни белгилаб олишга хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

Бешинчидан, афсуски, пандемия ҳамон аҳоли саломатлигига жиддий зарар етказиб, иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти прогнозларига кўра, биз унинг оқибатларини яқин йилларда ҳам ҳис қилишимизга тўғри келади. Буларнинг барчаси Марказий Осиё давлатларидан яқин минтақавий ҳамкорликни ва бир-бирига ўзаро ёрдам кўрсатиб боришни талаб қилади. Бунинг учун вакцинация сертификатлари ва тест натижаларини тан олиш мақсадида ягона ахборот тизимини ишга туширишни, юқумли касалликларнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволашда тажриба алмашишни ҳамда тиббиёт ходимларини тайёрлашни кенгайтиришни, ҳаётий муҳим дори-дармонларни ишлаб чиқариш учун фармакология ва кооперация соҳасида илмий ҳамкорликни йўлга қўйиш зарур.

Олтинчидан, минтақадаги экологик муаммолар доимо минтақа давлатларининг диққат-эътибори марказида бўлиб келмоқда.

Орол денгизининг ҳалокати оқибатларини юмшатиш учун барча зарур чораларни кўриш, ҳамкорлик кўламини кенгайтириш лозим.

Биз, шунингдек, Марказий Осиё мамлакатларининг иқлим ўзгаришларига мослашуви, шу билан бирга, ресурсларни тежайдиган технологияларни кенгроқ татбиқ этишга кўмаклашадиган “Марказий Осиё учун “Яшил кун тартиби” минтақавий дастурини ишлаб чиқиш тарафдоримиз.

Еттинчидан, минтақа аҳолисининг катта қисмини ташкил этадиган ёшларнинг Марказий Осиё мамлакатлари ривожланишида қанчалик муҳим ўрин тутишини барчамиз яхши тушунамиз.

Бутун дунёда ёш авлоднинг онги ва қалби учун кураш давом этаётган бугунги кунда биз Марказий Осиёнинг келажаги бўлган ёшларимизни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний кадрларга ҳурмат руҳида тарбиялашимиз лозим.

Шу мақсадда Марказий Осиё ёшлари ўртасида доимий мулоқот майдонини ташкил этиш, қардош халқларнинг юксак ахлоқий кадриятлари ва беқиёс маънавий меросини асраб-авайлаш, уларни янада бойитиш ва келгуси авлодларга безавол етказишга кўмаклашади.

Саккизинчидан, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш Марказий Осиё халқларининг қардошлик ришталарини мустаҳкамлашнинг яна бир муҳим омили ҳисобланади.

Фестиваллар, маданият ва кино кунлари ҳамда Марказий Осиё маданий меросига бағишланган китобларни кўшни давлатлар билан биргаликда нашр этишга бўлган талаб бугунги кунда тобора ортиб бормоқда.

Мана шундай тадбирларни ўтказиш эзгу анъанага айланиши учун тегишли лойиҳаларни илгари суриш жуда ҳам яхши иш бўлар эди.

Марказий Осиё ҳудуди бўйлаб амалга ошириладиган туризм минтақа халқларининг яқинлашишига кўмаклашадиган яна бир амалий омил ҳисобланади.

Шу маънода, Марказий Осиё давлатлари билан биргаликда сайёҳлик йўналишларининг барча қирраларини қамраб оладиган “**Битта саёҳат – бутун минтақа**” қўшма дастурини амалга ошириш бўйича ташаббусларни олдинга сурамиз.

Минтақавий ҳамкорлик жараёнларига барқарор ва ортга қайтмас мазмун бахш этиш, “халқ дипломатияси” имкониятларини кўпроқ ишга солиш, парламентлар ва медиа соҳани жалб қилиш ғоят муҳим ҳисобланади.

Марказий Осиё мамлакатлари аёллари мулоқотини янада ривожлантириш, гендер тенглик соҳасидаги глобал мақсадларга эришиш бўйича ҳамкорликни кенгайтириш учун қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш зарур.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё бўйича минтақавий ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқиш ва унда қуйидаги масалаларга алоҳида урғу бериш талаб этилади:

❖ ўзаро савдо айланмаси ҳажмини камида 2 баробар ошириш;

❖ саноатда қўшимча қиймат яратиш бўйича яхлит занжирларни ва кооперацияни мустаҳкамлаш;

❖ транспорт соҳасида ташқи савдо учун “яшил коридорлар” ҳамда транзит имкониятларни кенгайтириш;

❖ халқ дипломатияси тамойилини, жумладан, илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва туризм соҳаларидаги алоқаларни кучайтириш;

❖ қўшни Афғонистон заминида тинчлик ва осойишталикни таъминлашда жафокаш афғон халқига қўлимиздан келган барча ёрдамни аямаслик;

❖ “Термиз – Мозори Шариф – Кобул – Пешовар” темир йўлини қуриш ҳамда энергетика, савдо ва саноат соҳаларидаги стратегик ва муҳим лойиҳаларни ҳамкорликда амалга ошириш;

❖ Афғонистон ва унинг атрофидаги вазиятнинг ривожланишига нисбатан ШХТ ва КХШТнинг умумий стратегик ёндашувини ишлаб чиқиш;

❖ инсон, жумладан, хотин-қизлар ва миллий озчиликларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилинишини таъминлаш.

Бунда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Афғонистонга кўмаклашиш борасидаги халқаро саъй-ҳаракатларни сафарбар қилиш ва мувофиқлаштириш учун янада кўпроқ масъулиятни ўз зиммасига олиши муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари фақат биргаликда, ўзаро аҳилликда, бир-бирини қўллаб-қувватлаган ҳолда олдида турган муаммоларни самарали ҳал қила олишига, минтақанинг барқарор ривожланишини таъминлашга ва минтақа

халқлари фаровонлигини юксалтиришга эришиш мумкин, деб ҳисоблайди.

Тошкентда ўтказилган Марказий ва Жанубий Осиёнинг минтақавий боғлиқлиги бўйича халқаро конференция натижалари бундай ёндашувни ҳаётнинг ўзи тақозо этаётганини яққол кўрсатди. Жумладан, бугунги кунда дунё турли таҳдидлар, шу билан бирга, янги имкониятларни ўзида мужассам этган глобал геосиёсий ўзгаришлар даврига қадам қўйди. Шундай мураккаб шароитда қарийб икки миллиард аҳоли яшайдиган Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро алоқаларни қайта тиклаш муҳим ҳаётий зарурат ва табиий жараёнга айланмоқда.

Икки минтақа тез ривожланаётган макон ҳисобланиб, Ўзбекистон ташаббуси минтақалараро алоқадорликни кенгайтириш ва ривожлантириш бўйича стратегик лойиҳадир.

Биз Марказий ва Жанубий Осиёнинг минтақавий ўзаро боғлиқлигининг тарихий, илмий, адабий, диний, цивилизациявий мезонлари бўйича ўзига хос мутлақо янги концепциясини таклиф қилдик. Концепция минтақалар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг янги геосиёсий, геоиқтисодий ва геоцивилизациявий асослари ва ёндашувларини ўзида мужассам этди.

Хорижий давлатларнинг эксперт доиралари томонидан Тошкент форуми Ўзбекистоннинг Европа ва Осиёни ўзаро боғлайдиган бўғин сифатидаги тарихий ўрнини намоён этмоқда, деб баҳоланмоқда. Чунки анъанавий тарзда кўп асрлар давомида бу замин Европа ва Осиё учун ўзаро боғлиқлик, савдо алоқалари ва маданиятлар чорраҳаси бўлиб келган. Бугун ўз вақтида илғор бўлган минтақавий ўзаро боғлиқликни ХХІ асрдаги фаровонлик ва тараққиёт учун қайта тиклаш имконияти юзага келмоқда.

Ўйлаймизки, икки минтақа ўртасидаги тарихий ва цивилизациявий муштараклик, халқларимиз, мамлакатларимизнинг уму-


мий манфаатлари фаровон келажакни бунёд этишда мустаҳкам замин яратади.

Бир сўз билан айтганда, Янги Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати барқарор, адолатли ва демократик давлат қуришга, мамлакатимизнинг ташқи дунёга очиқлик тамойилини илгари суришга ҳамда минтақавий ва кўп томонлама ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилмоқда. Биз шу йўлда эришган натижаларимизни янада мустаҳкамлаб, уни албатта қатъий давом эттирамиз.



Биз Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатини фаоллаштириш юзасидан бошлаган кенг кўламли ишларни, миллий манфаатларимизга жавоб берадиган, очик, прагматик ва чуқур ўйланган сиёсатимизни изчил давом эттирамиз.

Олис ва яқиндаги барча давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини узоқ муддатли ва кўпқиррали шериклик асосида олиб бориб, уларни албатта, янги, янада юксак босқичга кўтарамиз.



ХОТИМА

Ҳурматли ўқувчи!

Келинг, ушбу китобнинг илк фаслида таъкидланган фикрни эсга олайлик: дунёда ҳеч қачон бир хил тонг отмайди. Лекин жаҳондаги барча халқ ва давлатлар, бутун инсоният ёруғ тонгга қараб интилишдан чарчамайди. Уларнинг барчаси тинч, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишни, бу тириклик оламида ўзининг тараққиёт тонги, юксалиш даврлари бўлишини истайди.

Биз – “Ўзбекистон” деб аталган гўзал ва қадимий диёр фарзандлари ҳам бугун миллий ривожланиш уфқларини аниқ белгилаб, истиқбол сари улкан қадамлар билан бормоқдамиз. Босиб ўтилган йўл, эришилган ҳар бир марра бизни буюк манзилга – Учинчи Ренессанс тонгига яқинлаштирмоқда.

Мен ушбу китобда мамлакатимизда шу йўлда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш борасида белгиланган ва амалга оширилаётган энг муҳим стратегик йўналишларнинг мазмун-моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилдим.

Биз Янги Ўзбекистонни, Учинчи Ренессанс пойдеворини жонажон Ватанимизда бунёд этмоқдамиз. Бу борада халқимизнинг буюк бунёдкорлик салоҳиятига, дунёнинг олис ва яқин мамлакатларидаги дўст ва ҳамкорларимизнинг қўллаб-қувватлашига таянамиз. Биз – дунёга, дунё – бизга очик бўлиши керак. Бугунги ҳаёт, бугунги тараққиётнинг талаби аслида шу ва биз мана шу ҳал қилувчи тамойилни ҳаётимиз қоидасига айлантирамиз. Барчамизнинг бугунги кунимиз ва келажагимиз

учун муҳим бўлган ана шундай эзгу мақсад йўлида барча зарур ишларни амалга оширамиз, албатта.

Таъкидлаш керакки, бугун жамиятимизда ва ён-атрофимизда кечаётган объектив ижтимоий-сиёсий жараёнлар Ўзбекистоннинг барча соҳалардаги тараққиёти ва истиқболини белгилайдиган стратегик тамойиллар ҳамда амалий фаолият дастурларини яратиш ва уларни амалга ошириш учун ниҳоятда муҳим асослар яратмоқда.

Албатта, давлат ва халқ ҳаётида юз берадиган ҳар қандай янгиланиш ўта мураккаб ва серқирра жараён бўлиб, у ҳеч қачон силлиқ ва текис кечмаслиги, йиллар давомида шаклланган, устувор хусусият касб этган қараш ва ёндашувлар бир кунда, автоматик тарзда ўзгариб қолмаслиги барчамизга аён ҳақиқатдир.

Шунинг учун ҳам бугун биз қадам қўйган янги даврнинг ижтимоий-сиёсий тузилишига мос келадиган, янги тизим ва тузилмалар шаклланиши ва оёққа туриб кетиши учун иш услубимиз ва фаолиятимиз мезонларини доимий такомиллаштириб боришимиз зарур.

Жаҳонда коронавирус пандемияси ва глобал инқироз давом этаётган, турли давлатлар ўртасида манфаатлар кураши кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб шароитда мамлакатимизда бошланган кенг қамровли ислоҳотлар, Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган саъй-ҳаракатларимизнинг бардавом бўлишини таъминлаш энг асосий вазифамиз бўлиши шарт. Бунинг бизнинг мустақиллик йилларида босиб ўтган оғир ва машаққатли, шу билан бирга, шарафли тарихий йўлимиз, бугун амалга ошираётган демократик ислоҳотларимизнинг мантиғи ва фалсафаси тақозо этади.

Шу боис, ўтган даврда босиб ўтган йўлимизни, эришган катта ютуқ ва натижаларимизни яна бир бор сарҳисоб ва таҳлил қилиб, олдимизда турган марраларимизни аниқ-равшан белгилаб олдик.

Мен барчамизнинг умидимиз, таянчимиз ва суянчимиз бўлган, ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётган азиз фарзандларимиз, навқирон авлодимизга мурожаат қилиб айтмоқчиман:

Қадрли ўғил-қизларим, сиз истиқлол фарзандлари, озод ва эркин, ҳур фикрли инсонлар сифатида ҳаётга дадил кириб келаётганингиз биз учун энг катта бахт, катта давлатдир.

Мен ишонаман, сизлар замонавий билим ва тараққиёт чўққиларини пухта эгаллаб, биз бошлаган улуг ишларни муносиб давом эттирасиз.

Бугун биз ягона халқ, ягона миллат бўлиб, кўзлаган юксак мақсадларимиз сари дадил бормоқдамиз. Вужудимизда, қонимизда аجدодларимиздан мерос буюк қудрат жўш ураётган экан, биз эзгу орзу ва мақсадимиз бўлмиш Янги Ўзбекистонни албатта бунёд этамиз. Жонажон Ватанимиз ҳар томонлама обод ва фаровон, эркин, демократик мамлакатга айланади.



МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
МУҚАДДИМА: ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ	13
Янги Ўзбекистон орзуси	14
Янги Ўзбекистон феномени	25
Янги Ўзбекистон: янгиланиш ва тараққиёт омиллари	31
Янгиланаётган Ўзбекистон	41
БИРИНЧИ БЎЛИМ. ХАЛҚПАРВАР ДАВЛАТ	57
“Давлат – инсон учун” тамойили – демократик ислохотлар мезони	59
Давлат органлари – халққа хизмат қилишнинг самарали воситаси	72
Давлат бошқарувининг цивилизациявий имкониятлари	78
Ҳудудий масалаларни ҳал қилиш масъулияти	84
Эркин ва очик фуқаролик жамияти	93
Ижтимоий масъулиятли оммавий ахборот воситалари	98
ИККИНЧИ БЎЛИМ. АДОЛАТ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ – ХАЛҚПАРВАР ДАВЛАТ ПОЙДЕВОРИ	103
Мустақил ва одил суд тизими	105
Қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти	112
Конституциявий ислохотлар – Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги объектив зарурат	116

УЧИНЧИ БЎЛИМ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ	
РИВОЖЛАНТИРИШ	128
Иқтисодиёт – жамият ҳаётининг танаси	130
Хусусий мулк ва тадбиркорликни ривожлантириш	144
Иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш	153
Қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш	159
Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш	165
Худудларни мутаносиб ривожлантириш	170
Туризм – Ўзбекистон иқтисодиётининг драйвери	176
Рақамли иқтисодиёт сари	183
ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ. АДОЛАТЛИ	
ИЖТИМОЙ СИЁСАТ	200
Кучли ижтимоий сиёсат: моҳият ва имкониятлар	202
Соғлиқни сақлаш: муаммолар ва ечимлар	210
Соғлом турмуш тарзи маданияти: жисмоний тарбия ва спорт	218
Таълим ва тарбия: янги имкониятлар	222
Илм-фан – инновацион тараққиёт асоси	235
Аёл бахтли бўлса, жамият бахтлидир	245
Ёшлар – Янги Ўзбекистон бунёдкорлари	248
БЕШИНЧИ БЎЛИМ. МАЪНАВИЙ	
ТАРАҚҚИЁТ	259
Маънавий янгиланиш: имконият ва истиқболлар	261
Янги маънавий маконни яратиш борасидаги вазифалар	266

Маърифий ислохотлар ва баркамол инсон тарбияси	273
Янги Ўзбекистон ва маънавий янгиланиш	280
Маърифатли жамият сари	288
Миллий ва умуминсоний кадриятлар уйғунлиги	293
ОЛТИНЧИ БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН ВА	
УМУМБАШАРИЙ МУАММОЛАР	301
Давримизнинг глобал муаммолари ва Ўзбекистон тараққиёти	303
Иқлим ўзгаришлари, экологик бўҳронлар, Орол ва она табиатни асраш зарурати	313
Радикализм, экстремизм ва терроризм – барқарор тараққиёт кушандаси	325
Коррупциядан холи дунё – умумбашарий орзу	341
Камбағаллик: умуминсоний ва миллий муаммолар	355
Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси ҳамда самарали миграция сиёсати	363
Пандемия таҳдиди ва унга қарши кураш тажрибамиз	370
ЕТТИНЧИ БЎЛИМ. ХАВФСИЗЛИК ВА	
ТАШҚИ СИЁСАТ	375
Мамлакат хавфсизлиги ва муҳофаа салоҳияти	377
Очиқ ва прагматик фаол ташқи сиёсат – устувор вазифамиз	388
БМТ ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик	403
Марказий-Жанубий Осиё ва Ўзбекистон тараққиёти	422
ХОТИМА	434

Расмий нашр

Шавкат Миромонович Мирзиёев

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ**

Муҳаррирлар	<i>Шавкат Муродов, Суннат Хўжааҳмедов</i>
Бадий муҳаррир	<i>Бобур Тухтаров</i>
Техник муҳаррир	<i>Елена Толочко</i>
Кичик муҳаррир	<i>Зилола Маҳкамова</i>
Мусахҳиҳлар	<i>Мамарасул Бекиев, Муниса Исмошлова</i>
Саҳифаловчи	<i>Шаҳло Буриева</i>

Лицензия рақами № 4642. 22.07.2020.

Босишга 2023 йил 27 мартда рухсат этилди.

Бичими 70×100 ¹/₁₆. Офсет қоғози.

“Spectral” гарнитурасида офсет усулида босилди.

Шартли босма табоғи 35,47. Нашр табоғи 21,38. Адади 5 000 нусха.

Шартнома № 22-1/23. Буюртма № 923

Оригинал макет Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг

“O‘zbekiston” нашриётида тайёрланди.

100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (71) 244-34-38. Факс: (71) 244-24-91.

“KolorPak” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

100206, Тошкент, Янгишаҳар кўчаси, 1-А.

ISBN 978-9943-7951-6-7



9 789943 795167